

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

**“МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ” ФАНИДАН СЕМИНАР
МАШҒУЛОТЛАРИ ЎТИШ УЧУН
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

АНДИЖОН-2015


«ТАСЛИСЛАЙМАН»
Анлисон машинасозлик институти
Ўқув-услубий Кенгашида куриб чиқилган ва маъқулланган
Кенгаш раиси _____
(Ўқув-услубий Кенгашининг _____ -сонли баённомаси
«18» _____ 2015 й.)
«МАЪҚУЛЛАНГАН»
«Машинасозлик» факультети Кенгашида
Муҳокама қилинган ва маъқулланган
Кенгаш раиси _____ Н.Халилов
(Факультет Кенгашининг _____ -сонли баённомаси
«18» _____ 2015 йил.)

«ТАВСИЯ ЭТИЛГАН»
«Ўзбекистон тарихи» кафедраси
Мажлисида муҳокама қилинган ва тавсия этилган
Кафедра мудир _____ М.Каримова
(Кафедра мажлисининг _____ -сонли баённомаси
«4» _____ 2015 йил.)

Тузувчилар: фалсафа фанлари номзоди доц., М.А.Каримова
тарих фанлари номзоди доц., Д.А.Ийманова

Такризчилар: фалсафа фанлари номзоди, доцент Г.Базарова.
фалсафа фанлари номзоди, доцент Т.Абдуллаев

Мазкур услубий қўллашма Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолчилигини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2011 йил 9 сентябрдаги 3-сон мажлис баёни билан тажрибавий дастур асосида тайёрланди

Андижон Машинасозлик институти “Ўзбекистон тарихи” кафедраси
мудири М.А.Каримова ва доцент Д.А.Иймановалар томонидан “Маънавият
асослари” фанидан семинар машғулотларини ўтиш учун тайёрланган
услубий қўлланмасига

Такриз

Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида ўз олдига қўйган юксак марраларга эришиш жараёнида, яъни озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш, ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олиш, мустаҳкам суянч ва таянч бўладиган баркамол ёш авлодларни тарбиялаб вояга етказиш ва уларга шароитлар яратиш борасида залворли ислохотларни амалга оширмоқда. “Эртанги кунимиз, - деган эди Президент Ислом Каримов, - ҳаётимизнинг фаровонлиги, замондан орқада қолмаслик, тараққий топган давлатлар ва халқлардан кам бўлмаслик, эртанги истиқболимиз, барча эзгу ниятларимизнинг амалга оширилиши, бизнинг ўрнимизга келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялашга, вояга етказишга чамбарчас боғлиқдир”. Шу нуқтаи назарга қўра Маънавият асослари фанини ўрганиш ўзлигимизни англашга, маънавий салоҳиятимизни оширишга, иймон, эътиқодимизни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон ёшлари мамлакатимиз тараққиёти фақатгина ўзларининг ҳаракатлари ва меҳнатларига боғлиқ эканини англаб етсагина, ҳаётимизнинг чинакам ҳал қилувчи кучига айланади. Ўзига ишонган одам келажакка ишонч билан яшайди, Ватан, Юрт равнақи учун ўзининг юксак ҳиссасини албатта, қўшади.

Мазкур услубий қўлланма кириш, 18 та мавзу, хулоса ва атамалар луғатини ўз ичига олган бўлиб, ҳар бир мавзуга тегишли адабиётлар, савол ва топшириқлар, интернет сайтлари тартиб билан кўрсатиб ўтилган. Ушбу услубий қўлланма олий ўқув юр்தларининг номутахассис гуруҳларида семинар машғулотларини олиб бориш учун мўлжалланган бўлиб, унда ўқитилаётган “Маънавият асослари” фанининг назарий-методологик асослари, ўрганилаётган материаллар тавсифи ва фанга оид атамаларни изоҳли луғати (глоссарий), фойдаланган адабиёт ва манбалар рўйхати ҳам тўлиқ кўрсатилганлиги, ноёб илмий меъросимиз бўлган тарихий манбалардан кенг фойдаланилганлиги билан аҳамиятлидир.

Шу билан бирга баъзи мавзулар матнида жузъий камчиликлар мавжуд.

Бирок, юқорида кўрсатилган камчиликлар мазкур услубий қўлланма савиясига таъсир этмайди. Хулоса қилиб айтганда, муаллифлар томонидан услубий қўлланма тайёрлаш борасидаги ишлар Олий таълим тизими талабларига мос ҳолда бажарилган, шунинг учун ушбу услубий қўлланмани нашрга тавсия этган ҳолда, муаллифларнинг келгуси илмий ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

Андижон қишлоқ хўжалик институти
“Гуманитар фанлар”
кафедраси мудири, доцент:



Т.Я.Абдуллаев

Андижон Машинасозлик институти “Ўзбекистон тарихи” кафедраси
мудир М.А.Каримова ва доцент Д.А.Иймановалар томонидан тайёрланган
“Маънавият асослари” фанидан семинар машғулотларни ўтиш учун услубий
қўлланмасига

Такриз

Ўзбекистон Республикасининг ўз мустақиллиги қўлга киритилгандан кейинги ўтган қисқа давр мобайнида маънавий соҳаларда изчил ислохотларнинг амалга оширилиши, ундан ёш авлодни тарбиялашда фойдаланиш бўйича кўпгина ижобий ишлар амалга оширилди. Халқимиз миллий маънавиятининг турли даврлари ва турли масалаларига бағишланган кўплаб янги асарлар яратилди. Таъкидлаш лозимки, тарихимизни, маънавиятимизни бунёдкор халқ яратади. Моддий ва маънавий қадриятлар мажмуи ҳам халқ тафаккури ва дунёқарашининг маҳсулидир. Шу нуқтаи назарга қўра маънавият асослари фанини ўрганиш ўзлигимизни англашга, маънавий салоҳиятимизни оширишга, иймон, эътиқодимизни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда яшаётган ёшларнинг ҳар бири, эртага уларнинг мамлакати дунё билан тенглашаётганда, кимгадир эмас, фақат ўзларининг ҳаракатлари ва меҳнатларига боғлиқ эканини англаб етсагина, ҳаётимизнинг чинакам ҳал қилувчи кучига айланади. Ўзига ишонган одам келажакка ишонч билан яшайди ва Ватан, Юрт равнақи учун ўзининг юксак ҳиссаларини албатта, қўшади.

Мазкур услубий қўлланма олий ўқув юртларининг номуахассис гуруҳ талабаларига семинар машғулотларини олиб боришда, шунингдек, олий ўқув юртларида махсус курсларчи ўқитиш, маънавият, маърифат, маданият соҳалари билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланганлиги кўриниб, бундан ташқари қўлланмада учрайдиган маънавиятга оид атамаларни изоҳли луғати, фойдаланган адабиёт ва манбалар рўйхати ҳам тўлиқ кўрсатилганлиги билан бой, ноёб меросимиз бўлган тарихий манбалардан кенг фойдаланилганлигини кўрсатмоқда.

Шу ўринда ишда қуйидаги камчилик кўринади:

- Ўқув қўлланма матнида баъзи техник хатолар учрайди.

Бироқ, юқорида кўрсатилган камчилик мазкур услубий қўлланма савиясига таъсир этмайди. Умумий таъкидлаганда, иш услубий қўлланма олдига қўйиладиган барча талабларга мос ҳолда бажарилган ва нашрга тавсия этаман.

Андижон Машинасозлик институти
“Ижтимоий фанлар” кафедраси мудир доцент:

Г.Бозорова

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Андижон машинасозлик институти
Ўқув-услугий Кенгашида кўриб чиқилган ва маъқулланган.

Кенгаш раиси _____
(Ўқув-услугий Кенгашининг _____-сонли баённомаси
« _____ » _____ 2015 йил)

«МАЪҚУЛЛАНГАН»

«Машинасозлик» факультети Кенгашида
муҳокама қилинган ва маъқулланган
Кенгаш раиси _____ Н.Халилов
(Факультет Кенгашининг _____-сонли баённомаси

« _____ » _____ 2015 йил)

«ТАВСИЯ ЭТИЛГАН»

«Ўзбекистон тарихи» кафедраси
мажлисида муҳокама қилинган ва тавсия этилган.

Кафедра мудири _____ М.Каримова
(Кафедра мажлисининг _____-сонли баённомаси
« _____ » _____ 2015 йил)

Тузувчилар: фалсафа фанлари номзоди, доц. М.А.Каримова
Тарих фанлари номзоди доц., Д. Ийманова

Такризчилар: Андижон машинасозлик институти доценти, фалсафа
фанлари номзоди Г.Базарова
Андижон қишлоқ хўжалиги институти доценти, фалсафа
фанлари номзоди Т.Абдуллаев

Мазкур услубий кўлланма Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик
бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2011 йил 9 сентябрдаги 3–
сон мажлис баёни билан тасдиқланган тажрибавий дастур асосида тайёрланди

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки даврданоқ мамлакатнинг барча соҳаларида ислохотлар амалга оширилди. Ислохотларнинг муҳим йўналиши сифатида маънавий янгиланиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Маънавият инсон руҳий камолотининг муҳим мезонларидан бири сифатида миллат абадийлигини, мамлакат тараққиётини таъминлашдаги устувор омил ҳисобланади. Шуни ҳисобга олган ҳолда 1997 йилдан бошлаб республика олий таълим тизимига «Маънавият асослари» фани киритилди. Жамият ҳаётини тубдан янгилаш борасидаги ислохотлар собитқадамлик билан тадбиқ этилаётган ҳозирги пайтда маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш, миллий, умуминсоний қадриятларни ёшлар онгига сингдириш ва пировард натижада маънавий баркамол комил инсонни, эркин шахсни тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишлари бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида ўз олдига қўйган юксак марраларга етиш жараёнида, яъни озод, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш, энг ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олиш, мустаҳкам суянч ҳамда таянч бўладиган баркамол ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш, уларга шароитлар яратиш борасида залворли ислохотларни амалга оширмоқда. “Эртанги кунимиз, – деган эди Президент Ислам Каримов, – ҳаётимизнинг фаровонлиги, замондан орқада қолмаслик, тараққий топган давлатлар ва халқлардан кам бўлмаслик, эртанги истиқболимиз, барча эзгу ниятларимизнинг амалга оширилиши, бизнинг ўрнимизга келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялашга, вояга етказишга чамбарчас боғлиқдир”¹.

Бугунги кунда давлатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бошида ёшларимизга чуқур билим ва касб-ҳунар эгаллаши учун замин яратилгани, уларнинг замон талабларига жавоб бера оладиган мутахассис кадрлар қилиб тайёрланаётганлиги, юртимизнинг эртанги ривожини йўлида тузилган дастурлар, бу режаларни бажариш учун яратилган моддий асос ҳамда имкониятлар, сафарбар этилган сармояларнинг барчасини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган қудратли омил бу – юқори малакали ишчи кучи ва юртимизнинг эртанги куни, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшлар ҳисобланади.

Ўзбекистон давлатининг буюк келажаги ҳозирги кунда, асосан, мактабларда, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим-тарбия олаётган истеъдодли ижодкор, ташаббускор ёшларга боғлиқ. Чунки бу ёшлар мамлакатимиз маънавияти, маданиятини юксалтиришда ва ишлаб чиқариш соҳаларида ижод қиладиган, келажагимиз пойдеворини яратадиган ёшлардир. Халкимиз мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий янгиланиш дастурини бажаришда ёшларнинг имкониятларига умид билан қарамоқда. Негаки, биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз.

Комил инсон деганда биз, аввало, онгли, мустақил фикрлайдиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган, билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз. Онгли, билимли инсоннинг доимо жамият, юрт, халққа фойдаси тегади, бошқаларга ортиқча юк бўлмайди, ҳамма ютуқларга ўз меҳнати ва ақли билан эришади. Ўз фикр-ўйи, хулосасини мантиқ асосида қурган киши етук одам бўлади.

Мустақиллик берган имкониятлар туфайли ёшлар ҳал қилувчи куч бўлиб, ҳаётга кирмоқда. Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш соҳасида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли алоқалар кундан-кунга ривожланмоқда. Ҳозирги кунда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” бўйича ва таълим соҳасидаги барча саъй-ҳаракатларимизнинг дастлабки қувончли меваси сифатида бир неча хорижий тилларда эркин гаплаша оладиган ва шу билан бирга, ўз фикрини она тилида раво, гўзал, аниқ, лўнда ифода эта оладиган янги мутахассислар авлодини кўрганда, ҳеч шубҳасиз, ҳар бир эзгу ниятли инсоннинг қалбида ғурур ва ифтихор туйғулари тўлади.

¹ И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Асарлар, 7-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. 134-бет.

Шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда яшаётган ёшларнинг ҳар бири, эртага уларнинг мамлакати дунё билан тенглашаётганда, кимгадир эмас, фақат ўзларининг ҳаракатлари ва меҳнатларига боғлиқ эканини англаб етсагина, ҳаётимизнинг чинакам ҳал қилувчи кучига айланади. Ўзига ишонган одам келажакка ишонч билан яшайди ва Ватан, юрт равнақи учун ўзининг юксак ҳиссаларини, албатта, қўшади.

Мазкур услубий қўлланма олий ўқув юртлари номуахассис йўналишларида таҳсил олаётган талабалар учун семинар машғулотларини олиб боришда, Шунингдек, олий ўқув юртларида махсус курсларни ўқитиш, маънавият, маърифат, маданият соҳалари билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

1-мавзу. Маънавият тушунчаси, предмети, мақсади ва вазифалари

Режа:

1. Маънавиятнинг маъно-мазмуни, ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида турли фикр ва таърифлар.
2. Президент Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият—енгилмас куч” асарида маънавият тушунчасига берган таърифи, унинг маънавиятнинг моҳиятини ўрганишдаги ўрни.
3. Маънавиятнинг предмети. Инсон ва жамият маънавий ҳаётини ўрганувчи фан
4. Маънавиятнинг категориялари.
5. Маънавият ривожланишидаги “таъсир” ва “акс таъсир” қонунияти.

Биринчи масалани ўқитишда талабаларнинг эътиборини қуйидаги жиҳатларга қаратиш лозим. Ўзбекистоннинг истиқлолга эришуви миллий маънавиятимизни ўрганишда катта имконият яратди. Узоқ давр орзиқиб кутилган “Озод ва обод ватан, эркин фаровон ҳаёт” ғояси воқеликка айланмоқда. Ўзгу ният ва олийжаноб мақсад йўлида бошланган янгиланишлар жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олди. Маданий меросимизни, ўтмиш қадриятларимизни кенг ва ҳар томонлама ўрганиш ҳозирги миллий маънавиятимизнинг чуқур тарихий илдизларининг шаклланиш босқичларини ўрганиш зарурдир. И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Биз халқимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада, маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, бекиёс аҳамият касб этади”².

Моддий нарсалар одамга жисмоний озик ҳамда қувват берса, маънавият унга руҳий озик ва қудрат бағишлайди. Фақат моддий жиҳатдан таъминланиш билан кифояланиш — онгсиз ва руҳсиз маҳлуқотга хос, маънавиятга интилиш эса руҳ ва онг эгаси бўлмиш одамзотгагина хос фазилатдир. Маънавият одамнинг руҳий ва ақлий олами мажмуи каби мураккаб ижтимоий ҳодисадир.

Юқорида таъкидлаганимиздек, маънавият жуда кенг қамровли тушунча бўлиб, уни бир жумлада ифодалаш ниҳоятда мушкул. Маънавият кўпроқ инсон қалбига, ботиний томонига қаратилганлиги билан ажралиб туради. Шу маънода маънавият инсон қалбидаги илоҳий бир нур саналадики, бу илоҳий нур ҳеч бир жонзотда йўқ. Маънавият жамият тараққиёти, миллат камолоти ва шахс баркамоллигини белгилаб берувчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади, чунки маънавият ривожлангандагина жамиятда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий барқарорлик вужудга келади ҳамда мамлакат ва миллат тараққий этади. Бу ўз навбатида шахснинг баркамол ривожланиши учун зарур бўлган замин бўлиб хизмат қилади. Буни чуқур ҳис қилган ва ўз қалбидан ўтказган Президентимиз Ислом Каримов мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг она заминимизда демократик жамият қуришнинг назарий концепциясини ишлаб чиқар экан, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётни қайта қуришнинг миллий маънавий тикланиш билан уйғун ҳолатда бўлиши кераклигини илмий жиҳатдан асослаб берди. У ўзининг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” номли асарида мустақилликдан кейин Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавият соҳасидаги стратегик вазифаларини ҳам белгилаб берди. Ислом Каримов ушбу асарида мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизларини белгилаб берар экан, “Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг ўз йўли тўртта асосий негизга асосланади” деб кўрсатади ва қуйидагиларни белгилаб беради: умуминсоний қадриятларга содиқлик; халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш; инсоннинг ўз имкониятини эркин намоён қилиши; ватанпарварлик. Ислом Каримов шундай ёзади: “Мустақил Ўзбекистоннинг куч—қудрат манбаи-халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир. Халқимиз адолат, тинчлик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг

² Каримов И.А. Юксак маънавият—енгилмас куч. — Тошкент: Маънавият, 2008.4-6.

нозик куртакларини асрлар оша авайлаб-асраб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишининг камол топиши учун зарур шарт - шароитлар яратишдир.”¹

Иккинчи масалада юртбошимиз И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият—енгилмас куч” асарида жамиятимизнинг маънавий юксалиш борасидаги амалга оширилиши зарур бўлган ишлар, халқимиз маънавиятини юксалтириш билан боғлиқ масалалар, унинг мазмун—моҳияти, инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни илмий таҳлил этилган. Унда “Маънавият, авваламбор, одамни руҳан покланишга, қалбан улғайишга чорлайдиган, инсон ички дунёсини, иродасини бақувват, иймон — эътиқодини бутун қиладиган виждонини уйғотадиган куч...” деб таърифлаган эдилар. Бу таърифда инсон фаолиятининг барча маънавий қирралари қамраб олинган бўлиб, биз бундан буён маънавият ҳақида сўз юритганимизда унга методологик асос сифатида таянамиз. Асарда инсонларнинг маънавиятни англаши қуйидаги масалалар орқали ишонарли очиб берилади. Виждон поклиги замонлар оша инсон маънавиятининг таянч устунларидан бири бўлиб келаётганлиги, жамият ҳаётида адолат ва ҳақиқат, меҳр—шафқат, инсофу, диёнат каби тушунчалар қарор топишида айнан мана шу омилнинг ўрни ва таъсири бекиёс экани, виждонли одам атрофида бўлаётган воқеаларга, муҳтож инсонларнинг муаммоларига, адолатнинг топталишига бефарқ қарай олмаслиги, эл-юрт манфаатига зарар етказадиган ёвуз ҳаракатларга жим қараб туролмаслиги, ўз юрти ва халқига нисбатан хиёнат ва сотқинликни асло қабул қила олмаслиги, эзгуликка қалби йўғрилганлиги таҳлил асосида тасдиқланади.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов асарларида мамлакатимизда миллий маънавиятни тиклаш ва ривожлантириш давлат сиёсатида устувор вазифа эканлигига эътибор қаратиб, қуйидаги концептуал ғояни илгари суради. У шундай ёзади: “Олдин одамларга моддий бойлик бериш, сўнгра маънавият тўғрисида ўйлаш керак дейдиганлар ҳақ бўлмаса керак. Маънавият—инсоннинг, халқнинг, жамият, давлатнинг куч қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди”.

Президентимиз томонидан илгари сурилган бу концептуал ғоянинг назарий ва амалий аҳамияти шундаки, биринчидан, бу билан муаллиф собиқ шўролар даврида маънавиятни ривожлантиришга 3-даражали омил сифатида қаралишининг ижтимоий — сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий инқирозининг ҳам сабабларини кўрсатиб беради. Иккинчидан, маънавиятни ривожлантирмасдан, шахснинг маънавий руҳиятини ўзгартирмасдан туриб, жамиятда кўзланган мақсадни амалга ошириш мумкин эмаслигига эътиборини қаратган. Президентимизнинг яна бир муҳим концептуал ғояси маънавият шахснинг энг муҳим мезони ва шунинг билан бирга уни камолотга элтувчи, ўз-ўзини англаувчи ва имкониятларини юзага чиқарувчи улкан омил эканлигининг илмий асосланганлигидир.

И.А.Каримовнинг миллий-маънавий тикланишга бағишланган концепциясида ватанпарварликни шахс маънавиятининг ажралмас қисми эканлигини асослаб бериш алоҳида ўринни эгаллайди. Ҳақиқатан ҳам ўз ватанини севмаган, унинг ҳар бир қарич ери учун масъулигини ҳис этмаган ҳар бир инсон маънавий жиҳатдан қашшоқ ҳисобланади.

Президентимиз мазкур асарида миллий-маънавий тикланиш вазифасини амалга оширишга бағишланган концепцияларни ўзининг бошқа асарларида ижодий ривожлантирган, тараққиётимизнинг янги босқичида юзага келаётган муаммоларни ҳал қилиш эҳтиёжларига мос равишда унинг янги йўналишларини белгилаб берган.

Хусусан, улар “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”, “Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари”, “Амир Темур-фахримиз, ғуруримиз”, “Баркамол авлод—Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”, “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, “Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ,

¹ Каримов И. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат ва мафкура. Тошкент. Ўзбекистон, 1993 й., 74-бет

миллатни-миллат қилишга хизмат этсин”, “Ўзбекистон XXI асрга интиломда” каби асарларида ўз ифодасини топган.

Президентимизнинг асарларида илгари сурилган концептуал ғояларни умумлаштирадиган бўлсак, улар қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

-маънавий мерос ва диний қадриятларни чуқур ўзлаштириш, миллатимизни ўз-ўзини англашига эришиш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини изчиллик билан мустаҳкамлаш;

-мустақиллик шароитида миллий ғоя ва миллий мафқурани шакллантириш ҳамда уни халқимиз дунёқарашига айланишига эришиш;

-таълим тизимини ислоҳ қилиш, “Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури”ни амалга ошириш асосида баркамол авлодни шакллантириш, “Соғлом авлод” дастурини амалга ошириш асосида жисмоний бақувват, руҳи, фикри соғлом, иймон-этиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур ватанпарвар авлодимизни шакллантириш;

-миллий-маънавий салоҳиятимизнинг жаҳон цивилизациясидаги ўрнини тиклаш ва бугунги кунда маънавият, маърифат, фан, техника, технология ютуқларини чуқур ўзлаштириш асосида ҳозирги замон умумжаҳон маънавияти тизими ривожланишига ҳисса қўшиш; ёшлар маънавиятини миллий истиқлол ғоялари билан бойитиб бориш, улар онгида мафқуравий иммунитетни кучайтириш - инсониятни асрлар давомида яратган ва умумжаҳон мулкига айланган барча бойликларини миллий-маънавий салоҳиятимизнинг ажралмас қисмига айлантириш кабилардир.

Ислом Каримов миллий мафқуранинг миллий-маънавий тикланиш ва мамлакатимизда демократик жамият қуришдаги аҳамияти ва ролини илмий асослашга катта эътибор қаратади. Чунки миллий мафқура миллатни бирлаштиради, мафқурасиз одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотади.

Учинчи масалада кўпгина маънавиятга оид эълон қилинаётган мақолаларда, ўтказилаётган анжуманларда “Маънавият” тушунчасига таъриф бериш, унинг жамият, инсон ва миллат тараққиётидаги ўрнига катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, таниқли файласуф А.Жалолов “Мустақиллик масъулияти” асарида “Маънавият – инсоннинг зот белгиси, унинг фаолиятининг ажралмас таркибий қисми, онги, ақл – заковатининг маҳсули”, - деб таърифлаган. “Ҳаёт фалсафаси ва фалсафа ҳаёти” мақоласида бу таърифни янада кенгайтириб, мукамалроқ тарзда қуйидагича таърифлайди: “Маънавият инсон фаолиятининг руҳий мазмуни бўлиб, кишилар унинг воситасида ўзларини англайдилар, жамиятни, табиатни, уларнинг мавжудлиги ҳамда тараққиёти хусусиятларини ўрганадилар, қонунларини кашф этадилар ва уларга таяниб, ўз турмуш шароитлари, амалий фаолиятлари муаммоларини ҳал этадилар”.

“Ватан туйғуси” китобининг муаллифлари “Маънавият – жамиятнинг, миллатнинг ва ёки айрим бир кишининг ички ҳаёти, руҳий кечинмалари, ақлий қобиляти, идрокини мужассамлаштирувчи тушунча”, - деб таърифлаганлар.

А. Эркаевнинг фикрича, “Маънавият – инсоннинг ижтимоий - маданий мавжудот сифатидаги моҳиятидир, яъни инсоннинг меҳр – мурувват, адолат, тўғрилиқ, софдиллик, виждон, ор – номус, ватанпарварлик, гўзалликни севиш, завқланиш, ёвузликка нафрат, ирода, матонат ва шу каби кўплаб асл инсоний ҳислатлари ва фазилатларининг узвий бирлик, муштараклик касб этган мажмуидир”.

Маънавият муаммоси билан анчадан буён шуғулланиб келаётган олимларимиздан бири М.Имомназаров мазкур масалага бағишлаб иккита китоб чиқарди. Муаллиф биринчи китобида “Маънавият–инсон қалбидаги илоҳий нур ...”, - деб ёзган бўлса, иккинчи китобида “Маънавият – инсон қалбида, кўнгил кўзгусида акс этган ҳақиқат нуридир”, – дейилган таъриф дарҳақиқат, сўфиёна рамзий таърифдир, зотан бошқача таъриф бу чексиз моҳиятни чеклаб қўяди”, - деб ёзади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, маънавият – инсоннинг руҳиятини, унинг ўз – ўзини англаши, диди, фаросати, адолат билан разилликни, яхшилик билан ёмонликни, гўзаллик билан хунукликни, вазминлик билан жоҳилликни ажрата билиш қобилятини,

ақл – заковатини, юксак мақсад ва ғояларни кўя билиш, уларни амалга ошириш учун ҳаракат қилиш ва интилиш салоҳиятидир, - деб таъриф бериш ўринли деб ҳисоблаймиз.

Тўртинчи масалада маънавият ҳам ўзининг бир қатор категорияларига – тушунчаларига ва ривожланиш қонуниятларига эгадир. Унинг тушунчаларига шахснинг ўз – ўзини англаши, билимдонлик, қалби тозаллик, саҳийлик, самимийлик, ҳайрихоҳлик, иймонлилик, ҳалоллик, эътиқодлилик, диёнатлилик, поклик, меҳр-шафқатлик, виждонлилик, ростгўйлик, адолатпарварлик, ота – онага ҳурмат, оилага садоқат, вафодорлик, тўғрилиқ ва бошқалар; миллатнинг вакили сифатида миллий ўз – ўзини англаш, миллатпарварлик, ватанпарварлик, миллат тақдирига нисбатан масъулиятни, миллий манфаат устуворлигини ҳис этиш, миллий тил, миллий тарих, адабиёт, санъат, урф – одатлар, анъаналар, қадриятлар, давлат тизимига ҳурмат, қонунларга ҳурмат ва итоаткорлик, вазминлик, ўз касбининг моҳир устаси бўлиш, мамлакат ички ва ташқи фаолиятидан ҳабардор бўлиш, уни қўллаб – қувватлаш, мамлакат ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётида фаоллик ва бошқалар қиради.

Шарафли ҳадисда таъкид этилганки: “Сизларнинг яхшиларингиз ахлоқи яхши бўлганларингиздир”. “Ахлоқ” сўзи луғавий маънода кишининг хулқ-атвори, феъли, одоби, қилиғини англатади. Алишер Навоий хазратлари “Яхши хулқли гўзалдир ва у жаннат ҳуридир; ёмон табиатли –хунукдир ва у дўзахбоп девдир”. Гўзал ахлоқларнинг номини билишимиз яхши. Донолардан ҳикматки, тўрт нарса ҳамма учун керак: саломатлик, гўзал хулқ, ростгўйлик ва ҳалол меҳнат.

Беш нарса ақлли одамнинг хислатидир: қўлдан кетган нарсаларга ачинмаслик, меҳнатдан қочмаслик, мағрур бўлмаслик, қўлидан келмайдиган ишга киришмаслик, хоҳлаган нарсасининг амалга ошмаганига қайғурмаслик.

Олтита нарса роҳатда яшашга ёрдам беради: ишчанлик, ҳақиқий дўст, тарбияли фарзанд, меҳрибон хотин, ширин, мақбул сўз ва ақлу фаросат.

Саккизта хислат олийжаноб одамларда топилади: авф, тавозе, шафқат, қўли очиқлик, очиқ юзли бўлиш, ҳаё, номус ва мурувват, кичикларга шафқат, қаноатли бўлиш, вафодорлик, иффат ва адолат. Ахлоқнинг асоси иймонга боғлиқ. Иймон тахтини эгаллаб туриш осон эмас. Одам боласи гўзал хулқлардан бирини тарк этдими, тамом, ўрнига иллат орттиради. Иллат мавжудми, комил иймон ҳақида гапирилмаса ҳам бўлади. Бир кишини яхши йўлга солиш бутун инсониятни яхши йўлга солиш кабидир. Тарбиянинг икки асоси бор: фазилатни қўриқлайдиган гўзал ахлоқ ва ярамас йўлдан, ёмон аҳволга тушишдан сақлайдиган хушёрлик. Гўзал фазилатларни ўрганишимиз, касб этишимиз, ҳаётимизнинг ҳар лаҳзасида, ҳар ерда амал қилишимиз лозим. Гўзал ахлоқлар сонини олимларимиз ҳисоблашиб 500 га етказганлар. Азиз талабалар, қўлингизга қалам олиб, аввал яхши хулқлар рўйхатини, сўнг ёмон иллатларни ёзиб чиқинг. Агар 100 га етказсангиз, тан бериб “Баракалла!” деймиз. Рўйхатни ёзиб тугатгач, шу хулқлар ҳақида нималар билишингизни бир-бир ёдга олинг. Албатта гўзал хулқлар соҳиби бўлишга ҳаракат қилинг, зеро бу дунёда инсон ахлоқи, илми, маънавий салоҳияти билан улғудир.

Фазилатни айлар эсанг ихтиёр,

Бўлур давлатинг ҳамдаму, бахтёр.

Бешинчи масалада қуйидагилар ёритилади. Маънавият ривожланиши ҳам маълум қонуниятларга таянади. Гарчанд бундай қонуниятлар бир неча йўналиш ва жараёнларни ўз ичига олса ҳам, уларни йирик гуруҳларга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳга шахс, миллат ёки жамиятнинг ички салоҳияти билан боғлиқ бўлган қонуниятлар қиради.

Иккинчи гуруҳга шахслар ва миллатларнинг ўзаро муносабатлари жараёнида содир бўладиган “ўзаро таъсир” ва “ўзаро бойитиш” орқали намоён бўладиган жараёнлар қиради.

Маънавият ана шу ўзаро муносабатлар ва “таъсирлар” асосида ривожланиб боради. Бу жараёнда бир томон иккинчисига ниманидир “беради” ва ниманидир “қабул қилади”.

Шундай қилиб, маънавият ривожланишидаги “таъсир” ва “акс таъсир” қонунияти мавжуд бўлиб, у маънавиятнинг ривожланиб боришини таъминлашга хизмат қилади.

“Маънавият асослари” курсини ўқитишнинг мақсад ва вазифалари жамиятимиз тараққиёти, истиқболдан келиб чиқади. Шунингдек, мазкур курс жамият ва инсон маънавий камолоти, жамиятнинг инсон маънавий юксалишига таъсири ва айни вақтда инсон маънавий юксалишининг жамият тараққиётига ижобий таъсирини ўрганиш, маънавий баркамол инсоннинг асосий хислатларини, Марказий Осиё халқлари маънавияти ва маърифатини ўргатади.

Маънавият соҳасидаги ишларимизнинг асосий вазифаси ёш авлодни ватанпарварлик, инсонпарварлик, миллатпарварлик руҳида тарбиялаш; уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғусини кучайтириш, иймон, виждон, ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, ишбилармонлик, тadbиркорлик сингари хислатларни шакллантириш, ҳар бир фуқарони мустақилликнинг онгли фидоийсига айлантириш-ҳуллас комил инсонни, ҳар тарафлама соғлом, баркамол авлодни вояга етказишдан иборатдир.

Таянч сўзлар ва иборалар: маънавият, маърифат, иймон, миллат, виждон, миллий мафкура, инсон қалби, Ватан туйғуси, ватанпарварлик, комил инсон, баркамол авлод, ўз-ўзини англаш, миллий-маънавий тикланиш, адолат, гўзаллик, маънавий мерос.

Савол ва топшириқлар.

1. Мустақиллик ва миллий маънавий тикланиш ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдиринг.
2. Маънавиятнинг мазмун моҳиятини, ҳаётдаги ўрни ва аҳамиятини мисоллар билан изоҳланг.
3. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият–енгилмас куч” асарида маънавиятга қандай таъриф берилган?
4. “Маънавият асослари” курсининг мақсад ва вазифаларини тушунтиринг.
5. Маънавиятнинг категориялари нималардан иборат?
6. Миллий ўз-ўзини англаш деганда нимани тушунасиш?

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000.
2. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2003.
3. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият–енгилмас куч. – Тошкент, “Маънавият”, 2008.
5. Каримов. И.А. Тарихий хотира инсон омили–буюк келажакимизнинг гаровидир.– Тошкент: “Ўзбекистон”, 2012.
6. И.А.Каримовнинг “Мустақиллик барча эзгу ва марраларимизнинг мустаҳкам мезонидир” рисоласи бўйича ўқув қўлланма. –Тошкент: Ўқитувчи 2013.
7. Умаров Э., Абдуллаев М. Маънавият асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент: “Cho’lpon” номидаги нашриёт–матбаа ижодий уйи. 2006.
8. Имомназаров М., Саидов М. Миллий тараққиётнинг маънавий-ахлоқий асослари. Ўқув қўлланма. “Akademiya”, Тошкент: 2005.
9. Абдурахмонов М., Отамуротов С. Маънавий салоҳият. Ўқув қўлланма. –Тошкент: Университет. 2009.

10. Қуранбоев Қ., Абдурахмонов М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият–енгилмас куч” асарини ўқитиш бўйича ўқув-услубий қўлланма. Тошкент: -2010.

11. Давлат, жамият, оила ва ёшлар тарбияси муаммолари. Тошкент: 1997.

12. Зиёев Х. Истиқлол–маънавият негизи. “Маънавият”. Тошкент: 1999.

13. Тохир Малик. Одамийлик мулки. Тошкент: Шарқ, 2013.

14. Қаҳҳарова Ш. Глобал маънавият–глобаллашувнинг ғоявий асоси. “Тафаккур” нашриёти. Тошкент: 2009.

Интернет маълумотлари

15. [www: press – service. uz.](http://www.press-service.uz)

16. [www: mfa. uz.](http://www.mfa.uz)

17. <http://www.pacademy.edu.b>

18. <http://www.rags.ru/kaf/fi..>

19. [www. marifatars-inform.uz.](http://www.marifatars-inform.uz) маърифат журнали

20. [www/ natlub.uz](http://www.natlub.uz)

21. республика узбекистан [http:// www. gov.uz](http://www.gov.uz)

2-мавзу: Президент Ислом Каримовнинг маънавият, унинг мезонлари ва миллий-маънавий тикланиш ҳақидаги концепциялари.

Режа:

1. Президент Ислом Каримовнинг маънавият, унинг мезонлари ва миллий-маънавий тикланиш ҳақидаги концепциялари.

2. Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган миллий-маънавий тикланиш концепцияси.

3. “Миллий тараққиёт” ва “Миллий тикланиш” тушунчалари. Миллий ғоянинг миллий-маънавий тикланишдаги аҳамияти.

Биринчи масалада қуйидагиларга талабалар эътиборини қаратиши лозим. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган миллий-маънавий тикланиш ва янгиланиш концепцияси жуда катта назарий ва методологик аҳамиятга эга. Улар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, бу концепция собиқ Шўроларнинг тоталитар тузуми шароитида бой миллий–маънавий маданиятимизнинг инқирозга юз тутганлиги ва унинг сабабларини тушунишга;

–иккинчидан, собиқ Шўроларнинг ўтказган зўравонлиги, зулми ва жинояткорона хатти - ҳаракатларига қарамасдан, миллий-маънавий меросимизнинг илдишлари мустаҳкам бўлганлиги учун бу зўравонликларга бардош бериб, ўз салоҳият ва хусусиятларини сақлаб қолганлигини тушуниб етишга, худди Шунингдек,, ана шу омил мустақиллигимиз шароитида куч, қудрат, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларимиз учун манба бўлаётганлигини тушуниб етишга;

–учинчидан, ҳар бир миллат, у сон жиҳатдан кичикми ёки каттами, ундан қатъий назар мустақиллик уларнинг ҳар бири учун ҳаво ва сувдек зарур эканлигини, фақат мустақиллик миллатнинг миллий маънавиятини сақлаб қолишга, уни ривожлантириш ва кейинги авлодга етказиш бахтига муяссар этадиган асосий омил эканлигини тушунишга, бу эса ҳар бир миллатдошимиз ва ватандошимизни мустақилликдек улуғ неъматни сақлаб қолиш учун фадойийлик кўрсатиши маънавиятнинг юксак белгиси эканлигини қалбан ҳис қилишга;

–тўртинчидан, миллий-маънавий тикланишнинг моҳияти, “маънавият” тушунчаси, унинг шахс, миллат камолоти, давлат ва жамият тараққиётидаги ўрнини билиб олишга, уни ривожлантириш учун меросимизни чуқур ўзлаштириш тинмай изланиш, маърифат, фан, техника ва технология ютуқларини сабот билан ўзлаштириш ҳамда Президентимизнинг бугунги тараққиётимизни таъминлайдиган “куч-билим ва

тафаккурда” деган илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган концептуал ғоясига изчиллик билан амал қилишимизга;

–**бешинчидан**, миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва ислохотларни амалга ошириш жараёнида миллий-маънавий тикланишимиз олдида турган вазифалар кўламини билиб олишга ва уни амалга оширишда умуммиллий сафарбарлик ҳаракатини авж олдиришда фидоийлик кўрсатиш зарурлигига;

–**олтинчидан**, талаба ёшларнинг миллий-маънавий тикланиш борасида улар олдида турган вазифаларни билиб олишга, миллий ғурур, ифтихор, фадойилик, ватанпарварликни шакллантириш мустақилликни мустаҳкамлаш ва тараққиётимизнинг асосий шарти эканлигини тушуниб етишга;

–**еттинчидан**, миллий истиқлол ғоясининг маъно ва мазмунини чуқур англашимиз, мустақилликни мустаҳкамлаш жараёнида маънавий янгиланишимиз борасида стратегик вазифаларимизнинг асосий йўналишлари ва кўламини чуқур билиб олишимиз ҳамда уларни амалга оширишда фидоийлик кўрсатишимизнинг аҳамиятини тушуниб етишимиз зарурлигига имкон беради.

Президентимиз ишлаб чиққан миллий-маънавий тикланиш концепциясида инсониятнинг асрлар давомида яратган ва умумжаҳон мулкига айланган барча бойликларини миллий маънавиятимизнинг ажралмас қисмига айлантириш ҳам асосий ўринни эгаллайди.

Иккинчи масалада Президентимизнинг миллий-маънавий тикланишимиз борасидаги қилган хизматлари ҳақида фикр юритганда, уларнинг концептуал ғояларини ишлаб чиқиш билан бир қаторда ана шуларни амалга ошириш борасида қилаётган ишлари ҳақида алоҳида таъкидлаш лозим бўлади. Жумладан, 1994 йилдаёқ республикамызда “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик марказини тузиш тўғрисида фармон чиқарганлари, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш ҳақида ғамхўрлик кўрсатаётганликларини айтиш жоиз. Мустақиллик йилларида маънавий меросимиз раҳнамолари номлари тикланди, улар таваллуд топган кунлар нишонланмоқда, асарлари чоп этилди ва этилмоқда. Чунончи, Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги; Нажмиддин Кубро таваллудининг 850 йиллиги кенг нишонланди. 1998 йилда Имом ал-Бухорий ҳазратларининг 1225 йилликлари, Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллиги нишонланишида бош-қош бўлганликларини таъкидлаш лозим.

Мустақиллик йиллари “Қуръони Карим” ўзбек тилига таржима қилиниб кўп нусхада чоп этилди. Имом ал-Бухорийнинг тўрт жилдлик ҳадисларини чоп этиш тугалланди. Хожа Аҳмад Яссавийнинг “Хикматлар” тўплами чоп этилди. Кўплаб “Қуръони Карим” шарҳларига оид китоблар ҳам чоп этилганлигининг ва улардан халқимиз баҳраманд бўлаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Мустақиллик йиллари Ийди Рамазон ва Ийди Қурбон кунлари диний кадриятларимизнинг байрами сифатида нишонланмоқда. “Наврўз” умумхалқ байрами сифатида халқимиз ҳаётидан мустаҳкам ўрин олди. Ҳар йили 3000 дан ортиқ ватандошларимиз муборак ҳаж сафарларини адо этмоқдалар. Мустақиллик йиллари масжид ва мадрасалар таъмирланди.

Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобур Мирзоларнинг номи қайта тикланди. Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланди, Мирзо Улуғбекнинг эса 600 йиллиги кенг нишонланди ва шу муносабат билан юртимизда беқиёс маънавий - маърифий ишлар амалга оширилди.

Миллий – маънавий тикланишимиз борасида Президентимиз томонидан амалга оширилган муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган ишлар қаторига яна қуйидагиларни қўшиш лозим бўлади:

а) миллий – маънавий тикланишимизнинг илмий–назарий концепциясининг ишлаб чиқилганлиги ва истиқболда маънавий тараққиётимизнинг XXI асрдаги вазифаларини белгилаб берилганлиги;

б) миллий – маънавий тикланишнинг мамлакатимиз тоталитаризмдан демократик жамиятга ўтиш шароитидаги ўзиги хос хусусиятларини илмий асослаб берганлиги ва унинг фақат миллий, ижтимоий – маънавий тафаккуримизда эмас, шунинг билан бирга умумижтимоий – фалсафий тафаккур тараққиётида янги йўналиш бошлаб берганлигини ҳам таъкидлаш лозим бўлади.

Учинчи масалада қуйидагилар ёритилади. Ғоя – инсон тафаккури маҳсули, миллий ғоя эса миллат тафаккурининг маҳсулидир. Миллий ғоя – инсон ва жамият ҳаётига маъно-мазмун бахш этадиган, уни эзгу мақсад сари етаклайдиган фикрлар мажмуидир. Ўзбекистоннинг миллий тараққиёт йўлидаги бош ғояси – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. Бу ғоя халқимизнинг азалий эзгу интилишлари, бунёдкорлик фаолиятининг маъно-мазмунини белгилайди. Ҳар бир инсон учун муқаддас бўлган юксак гуманистик қадриятларни ўзида мужассам этади.

Мафкура эса муайян ижтимоий гуруҳ, ижтимоий қатлам, миллат, давлат, халқ ва жамиятнинг эҳтиёжлари, мақсад–муддаолари, манфаатлари, орзу-интилишлари ҳамда уларни амалга ошириш тамойилларини ўзида мужассам этадиган ғоялар тизимидир.

Мафкуралар маъно-моҳиятига кўра фалсафий, дунёвий, диний таълимотлар асосида яратилади. Инсонлар, халқлар ва жамиятлар ҳаётида танланган ғоявий йўналиш, миллий мафкура муҳим аҳамият касб этади. Мафкура бўлмаса, одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши мукаррар.

Ўзбекистон жамиятининг миллий мафкураси, ўз моҳиятига кўра, халқимизнинг асосий мақсад-муддаоларини ифодалайдиган, унинг ўтмиш ва келажагини бир-бири билан боғлайдиган, асрий орзу-истакларини амалга оширишга хизмат қиладиган ғоялар тизимидир.

Миллий мафкура:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий ва умуминсоний қадриятлар, демократия тамойилларга асосланади;
- халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавияти, анъана ва удумлари, улуғ бобокалонларимизнинг ўлмас мероси асосида озиқланади;
- адолат ва ҳақиқат, эркинлик ва мустақиллик ғоялари ҳамда халқимизнинг ишонч ва эътиқодини акс эттиради;
- юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади;
- жамият аъзоларини, аҳолининг барча қатламларини Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишга сафарбар этади;
- миллати, тили ва динидан қатъий назар, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси қалбида она–ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат ва ўзаро ҳурмат туйғусини қарор топтиради;
- жамоатчилик қалби ва онгига фикрлар хилма-хиллиги, виждон эркинлиги тамойилларига риоя қилган ҳолда маърифий йўл билан сингдирилади.

Таянч сўзлар ва иборалар: мустақиллик, концепция, миллат, тараққиёт, маънавият ва маърифат маркази, миллий қадриятлар, маънавий ва маърифий ишлар, миллий тафаккур.

Савол ва топшириқлар.

1. Президент Ислам Каримовнинг маънавият, унинг мезонлари ва миллий-маънавий тикланиш ҳақидаги концепцияларини айтиб беринг.
2. “Миллий тараққиёт” ва “Миллий тикланиш” тушунчаларини ўз фикрларингиз билан изоҳлаб беринг.
3. Миллий ғоянинг миллий-маънавий тикланишдаги аҳамиятини тушунтиринг.
4. Мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашда маънавий соҳада яна қандай ишларни амалга ошириш зарур?

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000.
 2. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2003.
 3. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
 4. Каримов И.А. Юсак маънавият - енгилмас куч. – Тошкент, “Маънавият” 2008.
 5. Каримов. И.А. Тарихий хотира инсон омили - буюк келажакимизнинг гаровидир.– Тошкент: “Ўзбекистон”, 2012.
 6. И.А.Каримовнинг “Мустақиллик- барча эзгу марраларимизнинг мустаҳкам мезонидир” рисоласи бўйича ўқув-қўлланма. –Тошкент: Ўқитувчи 2013.
 7. Умаров Э., Абдуллаев М. Маънавият асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент: “Cho’lpon” номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2006.
 8. Имомназаров М., Саидов М. Миллий тараққиётнинг маънавий-ахлоқий асослари. Ўқув қўлланма. “Akademiya”, Тошкент: 2005.
 9. Абдурахмонов М., Отамуротов С. Маънавий салоҳият. Ўқув қўлланма. –Тошкент: Университет. 2009.
 10. Қуранбоев Қ., Абдурахмонов М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг “Юсак маънавият-енгилмас куч” асарини ўқитиш бўйича ўқув-услубий қўлланма. Тошкент: -2010.
 11. Давлат, жамият, оила ва ёшлар тарбияси муаммолари. Тошкент: 1997.
 12. Зиёев Х. Истиқлол-маънавият негизи. “Маънавият”. Тошкент: 1999.
 13. Қаҳҳарова Ш. Глобал маънавият- глобаллашувнинг ғоявий асоси. “Тафаккур” нашриёти. Тошкент: 2009.
 14. С.Отамуродов Глобаллашув ва маънавият. – Тошкент: 2008.
- Интернет маълумотлари**
15. [www: mfa. uz](http://www.mfa.uz).
 16. <http://www.pacademy.edu.b>
 17. <http://www.rags.ru/kaf/fi>
 18. [www. marifatars-inform.uz](http://www.marifatars-inform.uz). маърифат журнали
 19. [www/ natlub.uz](http://www/natlub.uz)
 20. республика узбекистан [http:// www. gov.uz](http://www.gov.uz)

3-мавзу: Маънавиятнинг таркибий қисмлари ва уларнинг ўзаро муносабатлари

Режа:

1. Маънавият ва маданият.
2. Маънавий мерос – маънавият ривожланишининг асоси эканлиги.
3. Қадрият тушунчаси.
4. Диний қадриятларнинг инсон маънавий камолотида тутган ўрни.

Биринчи масалада маънавият ва маданият бир-бирига яқин тушунчалар эканлиги, аммо улар битта нарсаси эмас, бири иккинчисидан фарқ қилиши таъкидланади. Шундай бўлса-да, улар бир-бирини тўлдириб туради.

Маданият тушунчасини изоҳлашга бағишланган кўп илмий адабиётлар мавжуд. Маданият тушунчасига берилган таърифлар сони 260 тадан ошиб кетган. Муаллифлар бу тушунчага ҳар бири ўз нуқтаи назаридан ёндашадилар. Бунга сабаб маданиятнинг кўп қиррали, мураккаб, маънавий–ижтимоий ҳодиса эканлиги, унинг инсон ва жамият ҳаётининг барча қирраларини қамраб олганлигидир. Маданиятга берилган таърифларда

муаллифларнинг фикрларини умумлаштирувчи томонлар мавжуд. Шу жумладан, уларни умумлаштирадиган бўлсак, **маданият - бу кишилар фаолиятининг жамият иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий ҳаёти соҳасида яратган, ўзларининг эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқарган моддий ва маънавий бойликлар тизимини билдиради.** Кўринадик, маданият инсоннинг моддий ва маънавий бойликларни яратиш ва ўзлаштиришдаги фаолиятини ифодалайди. У инсон ақл-идроки, истеъдоди ва меҳнати маҳсулидир. Юқорида айтилганидек, маданият жуда мураккаб, кўп қиррали маънавий - ижтимоий ҳодиса бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг моддий - техник, иқтисодий, ижтимоий - сиёсий ва бошқа соҳаларини, инсон меҳнат фаолиятининг барча самараларини ўзида қамраб олади. Сирасини айтганда, халқ оммаси томонидан яратилган ҳамма моддий ва маданий-маънавий бойликлар маданиятга киради. Маданият дейилганда, меҳнат қуролларини яратиш, улардан фойдаланиш, фан-техника ютуқлари ва уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, кишиларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий кўникмалари, меҳнатни ижтимоий ташкил этиш, саломатликни сақлаш ишини йўлга қўйиш, аҳоли ўртасида билимларнинг ёйилиш даражаси ва маълумот, умумий мажбурий ва олий таълимни амалга ошириш, адабиёт ва санъат асарлари, ижтимоий, фалсафий, диний ғоялар ва шу қабилар назарда тутилади. Маданият одамзод ақл-идрокининг энг юксак чўққиларигача бўлган нарсаларнинг ҳаммасини қамраб олади. У инсон фаолиятининг моддий натижаларинигина эмас, шу билан бирга меҳнат жараёнида воқеъ бўладиган билим бойликлари, тажрибалари, қобилиятлари, ишлаб чиқариш ва касб малакалари, ўзаро муносабатларни ҳам ўз ичига олади.

Иккинчи масалада қуйидагилар ёритилади. Жамият моддий ишлаб чиқаришининг икки амалий тури: моддий ва маънавий ишлаб чиқаришга қараб маданият ҳам йирик икки турга: моддий ва маънавий маданиятга бўлинади. Моддий маданият деганда меҳнат қуролларини, меҳнат кўникмаларини, Шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнида яратилган ва моддий ҳаёт учун хизмат қиладиган инсон томонидан яратилган барча моддий бойликларни англаймиз. Моддий маданиятга моддий бойликларнинг бутун мажмуи, уларни ишлаб чиқариш воситалари: ишлаб чиқариш жараёнида яратилган техника, технология, техник иншоотлар, ижтимоий меҳнатни уюштириш шакли, қурилиш ва деҳқончиликни йўлга қўйиш ва бошқалар киради. Шуларга қараб моддий маданиятни бир қатор турларга бўламиз. Чунинчи, ишлаб чиқариш ва техника маданияти, деҳқончилик маданияти, меҳнатни ташкил этиш маданияти, инженерлик маданияти, пазандачилик маданияти ва бошқалар.

Маданиятнинг иккинчи тури - бу маънавий маданиятдир. Маънавий маданиятга инсоннинг ақли ва маънан яратувчанлик фаолиятлари ва уларнинг натижалари киради. Маънавий маданият фан, фалсафа, санъат, адабиёт, ахлоқ, дин, ҳуқуқ, сиёсат, маориф, маърифат ва ҳоказолар йиғиндисидан ташкил топадиган инсоннинг ташқи ва ички маънавияти, руҳияти оламидир.

Маданият-умуминсоний ҳодиса. У барчага баробардир. Масалан, мақомлар, адабиёт, меъморчилик дурдоналари, фан-техника ютуқлари, транспорт ва алоқа воситалари барчага тегишлидир. Худди шунингдек, маънавий маданият ҳам миллий ва умуминсоний бўлади.

Миллий маънавият, маданият тарихий ҳодиса сифатида бир кунда, бир йилда, балки бир асрда ҳам мукамал шаклланмайди, Ўрта Осиё халқлари маънавий ва маданият тарихининг ибтидоси асрлар қаърига сингиб кетган бўлиб, уларнинг бир неча минг йиллик маънавий камолот пиллапояларини босиб ўтганлигини аниқлаш бугун учун анчайин мураккаб муаммо.

Маънавий меросни изоҳлашдан олдин умуман цивилизация, мерос, хусусан, маданий мерос, маънавий мерос тушунчаларининг нисбати, хусусиятлари, фарқларини билиб олишимиз лозим бўлади. Маънавий мерос умуман мероснинг, хусусан маданий мероснинг таркибий қисми саналади. Маданий меросни тушунмасдан маънавий меросни ҳам тушуниш қийин. Бу тушунчаларда умумийлик бўлса ҳам, улар бирдек эмас, ўзаро

қайси бир жиҳатлари, хусусиятлари билан фарқланади. Ҳар бир жамият ва давр маданият типига эга бўлади. Жамият, давр ўзгариши билан унинг маданият типи ва маънавиятида ўзгариш, янгиланиш бўлади, аммо маданий тараққиёт узилиб қолмайди, илгариги маданият, цивилизация йўқ бўлиб кетмайди, балки маданий мерос сифатида сақланиб қолади. Мерос–инсониятнинг ҳар бир тарихий босқичида яшаган авлодлар томонидан яратилган ва кейингисига етиб келган барча моддий ва маънавий бойликлар мажмуидир.

Ўтмиш авлодлар яратган маданий ёдгорликларнинг ҳаммаси ҳам маданий мерос бўлавермайди, Чунки ўтмишда қолган нарсаларнинг ҳаммаси ҳам қадрият аҳамиятига эга бўлмаслиги ҳаммамизга маълум.

Маданий мерос деб ўтмиш авлоддан кейинги авлодга ворислик асосида қодирилган, замонда барқарорлик синовидан ўтган, сараланган, инсониятнинг ҳозирги ва келгуси тараққиётига хизмат қиладиган моддий ва маънавий маданият мажмуига айтишимиз мумкин.

Маънавий мерос деб узоқ ва яқин ўтмишдаги, ҳозирги даврдаги маънавий жиҳатдан ғоят қимматли, ўчмас из қолдирадиган, мангу яшайдиган, бутун ижтимоий манфаатига, эҳтиёжига, эзгуликка хизмат қиладиган умуминсоний маънавий бойликларга айтилади.

Маънавий мерос маънавий қадрият сифатида намоён бўлиб, унга илм-фан, жумладан, фалсафа, адабиёт, санъат, ахлоқ, диндаги реал дунёвий таълимотлар, хурфикрлик ва бошқалар киради. Маънавий мерос замонлар ўтиши билан ўз қадрини йўқотмайди, балки сифат жиҳатдан янги аҳамият касб этади. Маънавий мерос кишилар онгига, ички дунёсига, ҳис-туйғусига таъсир этиб, улар онгини бойитади, ахлоқ-одобини эзгулик сари етаклайди.

Маънавий мерос бирор халқ, миллат, унинг вакиллари томонидан яратилиб, сўнг умуминсониятнинг маънавий бойлигига, меросига айланиб қолади. Марказий Осиё халқларининг ўтмиш авлодлари қолдирган маънавий мероси бунга мисол бўла олади. Маънавий меросимиз жиҳатидан жаҳонда олдинги ўринлардан бирини эгаллаймиз. Президентимиз Ислом Каримов қайд этганидек, “Бешафқат давр синовларидан омон қолган энг қадимги тош ёзувлар, битиклардан тортиб, бугун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ қўлёзма, уларда мужассамланган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, физика, химия, астрономия, меморчилик, дехқончиликка оид 10 минглаб асарлар бизнинг беқиёс маънавий бойлигимиз, ифтиҳоримиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда кам топилади. Шунинг учун ҳам бу борада жаҳоннинг санокли мамлакатларигина биз билан беллаша олиши мумкин...”.

Маданият, маънавий ва маданий мерос, маънавият ривожини инсоният цивилизацияси билан боғланиб кетади. Аммо уларни бир-бири билан аралаштириб юбориш ҳам тўғри бўлмайди. Цивилизациянинг ўзи инсониятнинг маданияти ва маънавияти тараққиёти босқичларида рўй берувчи сифат жиҳатидан янги босқичи бўлиб, кишилиқ жамияти тарихида чуқур из қолдиради. Цивилизация маълум бир тарихий босқичда инсониятнинг маданият тараққиётида яратган, эришган, қўлга киритган сифат жиҳатдан янги, юқори ютуқлари мажмуи.

Цивилизациянинг маданиятдан фарқи шундаки, у ўзига хос бўлган, ўзгалардан тубдан фарқ қиладиган, аммо ўз даври тараққиётида такрорланмас из қолдирадиган фан, маданият, техника, ижтимоий онг, маънавият ва бошқа соҳалардаги юқори кўрсаткич ҳисобланади. Унинг характерли томони шундаки, у ўзидан олдингисини қабул қилмайди, балки сифат жиҳатидан янги, унга ўхшамаган ўзгаришларни вужудга келтирувчи жараён ҳисобланади.

Цивилизация ҳар бир халқнинг ёхуд жамиятнинг, тарихий босқичнинг ўзига хос тарихий-маданий ривожланиши, шаклланган қадриятлари, тафаккур тараққиёти ҳисобланади.

Маданият, маънавий мерос, цивилизациялар ютуғи жамият ва инсон маънавиятининг ривожланишида, маънавий баркамол авлодни вояга етказишда катта

аҳамиятга эга. Шунинг учун мустақиликнинг дастлабки кунлариданоқ ўтмишда топталган маънавий меросимизни тиклашга қатъиян киришилди.

Учинчи масалада қуйидагилар ёритилади. Кишилар маънавий оламнинг шаклланиши ва тараққиёти, уларнинг маънавий бойиши учун кадр - қимматга эга бўлган нарса – ходисалар қадриятлар дейилади. Улар инсон фаолияти, меҳнати, яратувчанлиги, ижодкорлигининг маҳсули ҳисобланади. Масалан, рассом, шоир, файласуф, физик олим санъат асарлари, илмий тадқиқотлар, олам ҳақидаги асарларнинг муаллифлари сифатида маънавий қадриятларни яратувчилардир. Бундай ижодий жараёнда улкан ақлий кучлар сарфланади, тафаккурнинг эски андозалари бартараф этилади. Олимларнинг фикрлари, шоирларнинг қайноқ кечинмалари, илмий кашфиётлар сирлари предметли – моддий тусга кирар экан, ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳалари ҳам бунга сафарбар этилади. Яратилган буюмлар оддий эмас, балки маданият предметлари, маънавий ишлаб чиқариш предметлари, буюмлари сифатида юзага келади. Уларда билимнинг асослари, инсоний муносабатларнинг тажрибалари гавдаланади, бизнинг онгимизга гўзаллик, эзгулик, ҳақиқат тўғрисидаги тасаввурларни олиб киради. Уларнинг қадрият категорияси сифатида эъзозланишининг боиси ҳам ана шунда.

Шундай қилиб, маънавий қадриятлар – булар кишилар маънавий фаолияти маҳсули, билишнинг мураккаб жараёни натижаси ўлароқ, билим, ҳаёт, қараш, малакалар самарасидир.

Қадриятлар инсоният томонидан фан, техника, ахлоқ, одоб, тафаккур, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда қўлга киритилган ютуқларда намоён бўлади. Қадриятлар миллий, диний, минтақавий ва умуминсоний қадриятларга бўлиниб, улар орасида доимий ўзаро муносабат мавжуд.

Тўртинчи масалада диний қадриятларнинг инсон маънавий камолотида тутган ўрни ҳақида ёритилади. Дин халқ маънавиятининг юксалишига катта хизмат қўшиб келган экан, уни, энг аввало, қадрият сифатида эътиборда тутишимиз керак. Дин–миллий ва умуминсоний қадрият. Чунки ҳар бир жамият ва давр ўз маданият типига эга бўлади. Дин ҳам қадриятларнинг бир қисми бўлиб, Имом Бухорий, ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий каби буюк аждодларимиз тафсири, таҳлили, талқини, тарғибу ташвиқидаги ислом дини, Имом Аъзам ва Бурхониддин Марғиноний ёритиб берган шариат йўли биз учун миллий ва умуминсоний қадриятлардир. Истиқлол йилларида мамлакат ва халқ манфаатини кўзлаб динга бўлган муносабатда худди шундай оқилона сиёсат юритилмоқда.

Қадриятлар жамиятда, кишилар ўртасида обрўга, эътиборга, ҳурматга, нуфузга, аҳамиятга эга кишилар, муносабатлар, ҳолатлар, моддий нарсалар ва маънавий бойликлар мажмуасидир. Одамзод пайдо бўлгандан бери динсиз яшамаган. Бир дин ўрнига иккинчиси келган. Ватан, миллат, дин бир халқа билан жипслашган. Бири хасталанса, иккинчиси соғ қолмайди.

Таянч сўзлар ва иборалар: миллий маънавият, маданият, моддий маданият, маънавий маданият, инсон, жамият, маънавий бойликлар, маънавий мерос, цивилизация, қадрият.

Савол ва топшириқлар.

1. Маънавият ва маданиятнинг ўзаро муносабатларини изоҳланг.
2. Маданиятнинг турларини тушунтиринг.
3. Маънавий мерос нима?
4. Маънавий қадриятлар ҳақида фикрларингизни беринг.
5. Диний қадриятларнинг инсон камолотидаги ўрни нималарда кўринади?

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000.
 2. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2003.
 3. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
 4. Каримов И.А. Юсак маънавият - енгилмас куч. – Тошкент, “Маънавият” 2008.
 5. Каримов. И.А. Тарихий хотира инсон омили- буюк келажакимизнинг гаровидир.– Тошкент: “Ўзбекистон”, 2012.
 6. И.А.Каримовнинг “Мустақиллик- барча эзгу ва марраларимизнинг мустаҳкам мезонидир” рисоласи бўйича ўқув-қўлланма. –Тошкент: Ўқитувчи 2013.
 7. Умаров Э., Абдуллаев М. Маънавият асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент: “Cho’iron” номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи. 2006.
 8. Имомназаров М., Саидов М. Миллий тараққиётнинг маънавий-ахлоқий асослари. Ўқув қўлланма. “Akademiya”, Тошкент: 2005.
 9. Абдурахмонов М., Отамуротов С. Маънавий салоҳият. Ўқув қўлланма. –Тошкент: Университет. 2009.
 10. Қуранбоев Қ., Абдурахмонов М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг “Юсак маънавият-енгилмас куч” асарини ўқитиш бўйича ўқув-услубий қўлланма. Тошкент: -2010.
 11. Иброҳимов А. Бизким ўзбеклар. – Тошкент: Шарқ, 2011.
 12. Давлат, жамият, оила ва ёшлар тарбияси муаммолари. Тошкент: 1997.
 13. Зиёев Х. Истиқлол-маънавият негизи. “Маънавият”. Тошкент: 1999.
 14. Шарқ донишмандлари ҳикматлари. Шарқ. –Тошкент: 2006.
 15. Қаҳҳарова Ш. Глобал маънавият- глобаллашувнинг ғоявий асоси. “Тафаккур” нашриёти. Тошкент: 2009.
 16. Назаров Қ. Аксиология қадриятлар фалсафаси. –Тошкент: 2011.
- Интернет маълумотлари**
17. [www: mfa. uz](http://www.mfa.uz).
 18. <http://www.pacademy.edu.b>
 19. <http://www.rags.ru/kaf/fi..>
 20. [www. marifatars-inform.uz](http://www.marifatars-inform.uz). маърифат журнали
 21. [www/ natlub.uz](http://www/natlub.uz)
 22. республика узбекистан [http:// www. gov.uz](http://www.gov.uz)

4-мавзу: Маънавият ва маърифат, уларнинг ўзаро муносабатлари ҳамда инсон камолотидаги аҳамияти.

Режа:

- 1.Маънавият ва маърифатдаги ўзаро уйғунлик .
- 2.Таълим-тарбия шахс маънавий фазилатларини шакллантиришга қаратилган тизим эканлиги.
- 3.Таълим тизимига қўйилаётган янги талаблар тизимида маънавиятнинг ўрни.

Биринчи саволни ёритишда маънавият маърифат тушунчасини ҳам ўз ичига олишини таъкидламоқ лозим. "Маърифат" (кўплиги "маориф") сўзи ҳам арабча бўлиб, "арафа" сўзидан олинган. У билиш, билим, маълумот, таниш, танишиш маъноларини билдиради. Маърифатли дегани билимли, муайян соҳада маълумотли дегани бўлиб, у инсонпарварлик, маънавият заминидagina ўз моҳиятига эга бўлади. Одам бошқа барча жонзодлардан онги ва қалби билан фахрланади. Бу инсон шарафи дейилади. Инсонда маърифат онгда, маънавият қалбда макон топади. Кишиларнинг билими ва маданиятини

оширишга йўналтирилган таълим-тарбияга ҳам маърифат деб қаралади. Маърифатни ҳаётга сингдириш билим ва маданиятнинг қўшма мазмуни бўлиб, маориф эса ана шу мазмунни ёйиш куроли, воситасидир.

Инсон вужудидаги бу асослар тарбия ва парваришга муҳтож. Уларнинг инсон вужудидаги мувозанати тарбия ва парвариш орқали сақланади, мутаносиблиги таъминланади. Иймоннинг етилиши инсоннинг маънавий-руҳий юксалиши, ўзлигини англаб етиши, комил шахс даражасига кўтарилишига сабаб бўлади. Мустақиллик туфайли эришилган энг катта ва энг муҳим ютуқларимиздан бири фан билан динни, илмий дунёқараш билан диний дунёқарашни бир-бирига қарама-қарши тушунчалар сифатида баҳолашдан халос бўлганлигимиздир. Бунда умумжаҳон, жумладан, Шарқ фалсафасининг туб моҳияти илм-фан эришган ютуқлар билан диний тушунчаларни уйғунлаштириш, уларнинг боғлиқлигини очиб беришга қаратилади.

Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги даврида маънавият ва маърифат, миллий истиқлол ғояси ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов қатор асарлари ва маърузаларида маънавият масаласига кенг тўхталиб, унинг моҳиятини очиб берган. 1994 йилда юртбошимиз асарларидан олинган иқтибослар асосида "Истиқлол ва маънавият", 1998 йилда "Маънавий юксалиш йўлида" тўпламлари чоп этилди. Юртбошимизнинг биргина: "Маънавият инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир, у йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди", - деган сўзлари маънавият моҳиятини ёрқин очиб беради. "Хушёрликка даъват" асарида ҳам ҳозирги энг муҳим, энг долзарб вазифалардан бири жамиятимиз аъзоларини, авваламбор, ёш авлодни камол топтириш, унинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз ватанига меҳр-садоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш, уни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборат эканлигини таъкидлайди. Ўзбекистонда бу масалага нима учун катта аҳамият берилаётгани шу сўزلардан кўриниб турибди.

Иккинчи масалада маънавиятни шакллантиришда таълим-тарбиянинг ўрни ниҳоятда бекиёс эканлиги ёритилади. Таълим-тарбиясиз инсон комил инсон бўла олмайди. Тарбияни инсон, аввало, ота-онасидан олса, таълимни эса иморатлар ичида энг улуғи бўлган мактабда олади. Комил инсон бўлиб етилишда улуғ даргоҳда энг шарафли касб эгалари, яъни ўқитувчилар таълим-тарбия берадилар. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, инсон она қорнидан яхши ёки ёмон бўлиб туғилмайди. Инсоннинг яхши ёки ёмонга айланиши тарбиядан, даставвал ота-она, маҳалла-қўй, қишлоқ, овул, қолаверса жамият тузумидандир. Бунда таълим-тарбия ва аجدодлар қолдирган ота мероснинг бениҳоя ўрни каттадир. Ҳозирги кунда таълим-тарбиянинг шакллантириш жараёнида маънавиятни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш жуда муҳимдир.

Таълим-тарбиянинг маънавиятни шакллантиришдаги ўрни ҳақида юртбошимиз Ислон Каримов "Юксак маънавият-енгилмас куч" номли асарида шундай деган эдилар: "Маънавиятни шакллантиришга бевосита таъсир қиладиган яна бир муҳим ҳаётий омил-бу таълим-тарбия тизими билан чамбарчас боғлиқдир".

Маълумки, ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон тарбияси ва миллат равнақининг энг асосий шарт ва гарови деб билган. Бола бошидан тўғри, ҳаққоний тарбияланса, келгусида яхши инсон бўлиб етишади, эгри йўлда тарбияланса; ёмон кишига айланади. Зеро "Кўчат бошидан, бола ёшидан" деган мақолни доим ёдда сақлаш лозим. Ана шу кўчатни тўғри, қадди расо қилиб ўстиришда боғбоннинг, ёки боланинг комил инсон бўлиб тарбияланишида, маънавий етук инсон бўлиб етилишида таълим тарбиянинг роли катталигини қайта-қайта таъкидлаш жоиздир.

Албатта таълим-тарбия онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражасини ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни халқ маданиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ва шу асосда онгни ўзгартирмасдан туриб, маънавиятни ривожлантириб бўлмайди.

Инсоннинг маънавий оламига унинг руҳияти тарбияладиган, юксалтирадиган ва унга озиқ бўладиган хатти-ҳаракатлар ва муносабатлар киради. Маданият ва одоб билан гапириш, шеър ўқиш, қўшиқ куйлаш, табиат гўзалликларидан инсон камол топиб боради. Аксинча бу туйғу рағбатлантирилмаса, у борган сари сусайиб, ўз ўрнини бошқа туйғу ва майлларга бўшатиб беради. Албатта инсоннинг комил инсон бўлиб етишишида китобнинг ўрни муҳим рол ўйнайди.

Китобга юз ўгиргин, эй жигарим, фарзандим,
Китобга улфат бўлгин, кулоққа ол бу пандим.
Паноҳликда мунисанг, билсанг агар китобдир,
Доноликнинг тонгига шуъла сочар китобдир.

Учинчи саволда таълим-тарбия жараёнида ва маънавиятни шакллантиришда албатта ўқитувчилар ўрнининг муҳимлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими қуйидагилардан иборат:

– давлат таълим стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасалари;

– таълим тизими ишлаши ва ривожланиши учун керакли тадқиқот ишларини олиб боровчи илмий-педагогик ташкилотлар;

– таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари Шунингдек, улар бошқаруви остидаги корхона, муассаса ва ташкилотлар.

Ўзбекистон Республикаси таълим тизими ягона ва яхлитдир.

Ўзбекистон Республикасида таълим қуйидаги кўринишларда амалга оширилади:

– мактабгача таълим;

– умумий ўрта таълим;

– ўрта махсус касб-ҳунар таълими;

– олий таълим;

– олий таълимдан кейинги таълим;

– малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш;

– мактабдан ташқари таълим.

– таълимни бошқариш органлари

Таълим тизимининг умумий бошқарувини Вазирлар Маҳкамаси амалга оширади. Шунингдек,, Вазирлар Маҳкамаси алоҳида олий таълим муассасаси, Тошкент ислом университети, Шунингдек,, халқаро машҳур хорижий ОТМлар (МДУ, Вестминстер университети ва ҳоказо) филиалларини бевосита бошқаради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси компетенциясига қуйидагилар тааллуқли:

– таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб бориш;

– давлат таълим бошқарув органларига раҳбарлик қилиш;

– таълимни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– таълим муассасаларини яратиш, қайта ташкил этиш ва бекор қилиш тартибларини белгилаш;

– таълим муассасалари аккредитацияси, педагогик ва илмий кадрлар аттестацияси тартибларини белгилаш;

– бошқа давлатлар таълим муассасаларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таълим кўрсатиш ҳуқуқини берувчи рухсатномалар бериш;

– қонунчиликка мос равишда хорижий давлатларнинг таълим ҳақидаги ҳужжатларини тан олиш тартибини белгилаш ва тенг-кучли эканлигини ўрнатиш;

– давлат таълим стандартларини белгилаш;

– давлат намунасидаги таълим ҳужжатларини ва уларнинг берилиш тартибини белгилаш;

– таълим муассасаларига қабул тартиби ва давлат грантлари миқдорини белгилаш;

– давлат олий таълим муассасалари ректорларини тайинлаш;

–таълим олаётганларни бир аккредитацияланган таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартибини белгилаш;

–қонунчиликда назарда тутилган бошқа ваколатлар.

Ўзбекистонда таълим тизимлари фаолияти бевосита бошқарувини икки вазирлик - Халқ таълими Вазирлиги (ХТВ) ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (ОЎМТВ) - амалга оширади.

ХТВ мактабгача, мактабдан ташқари муассасалар ва умумий таълим мактаблари фаолияти учун масъулдир. ХТВ бошқарувида ўқитувчилар малакасини ошириш 5 ОТМ ва 16 институти мавжуд. Вазирлик жойлардаги тегишли таълим муассасалари фаолиятини методологик бошқарувчи вилоят, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимларига эга.

Ҳозирда юртимизда 1396 та касб-хунар коллежи, 141 та академик лицей фаолият кўрсатиб, 1,7 млн.дан ортиқ ўғил-қиз билим олмоқда³. Мустақиллик йиллари давомида республикамызда ёшларга тааллуқли 100 дан ортиқ қонун ҳужжатлари, ўттиздан ортиқ Президент фармонлари ва қарорлари, 40 дан ортиқ Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ёшларимизни маънавийли, маърифатли, зиёли, янгича дунёқараш, демократик тафаккурга эга бўлган янги авлод сифатида шаклланиши учун хизмат қиладиган ҳуқуқий ҳужжатлар билан самарали катта ишлар амалга оширилди. Бугун республикада “Таълим жараёнини ислоҳ этиш ва меҳнат бозорида талаб қилинаётган юқори малакали кадрларни тайёрлашда олий ўқув юртлари муҳим ўрин эгалламоқда. Ўзбекистондаги 59 та университет ва олий ўқув юртларида 230 мингдан зиёд талабалар таълим олмоқда⁴.

Сўнгги пайтларда Ўзбекистон Республикаси таълим тизимидаги энг муҳим сифат кўрсаткичларидан бири болаларга хорижий тилларни ўргатишга алоҳида эътибор қаратилгани бўлди. Жумладан, инглиз тилини ўрганиш боғчадан бошлаб, барча таълим турлари босқичларида ўқитилиши жорий этилган. Бу эса ёшларимизга дунёдаги давлатлар тарихини, маданиятини, илм-фан ютуқларини чуқур билишига замин яратади. Шу билан бирга, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига кириш йўлида ташлаган муҳим қадамларидан ҳам биридир. Президент Ислон Каримовнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори⁵ узлуксиз таълим-тарбия тизими, мамлакатимиз умумтаълим, касб-хунар, академик лицей, олий таълим муассасалари зиммасига янги вазифаларни юклади. Қарорда чет тилларни ўқитишнинг комплекс тизими, яъни уйғун камол топган юксак маърифатли, замонавий фикрлайдиган ёш авлодни шакллантириш, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви, йўналтирилган тизимни янада кучайтириш назарда тутилган.

Шуни эътиборга олиб, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда хорижий давлатлардаги нуфузли олий таълим муассасаларининг Тошкент шаҳрида 6 та филиаллари очилди. Халқаро Вестминстер университети, М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Г.Плеханов номидаги Россия давлат иқтисодиёт университети, И.Губкин номидаги Россия нефть ва газ университетининг филиалларида талабалар жаҳон таълим стандартлари бўйича таълим олаётганлиги эътиборга моликдир. Ушбу олий ўқув юртларида машинасозлик, нефть-газ иши, ахборот технологиялари, иқтисодиёт ва бизнес бошқаруви, молиявий менежмент, тижорат ҳуқуқи каби меҳнат бозорида талаб юқори

³ Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва озод бўлишига эришиш-бизнинг бош мақсадимиздир. Ўқув қўлланма. –Тошкент: “Ўқитувчи” 2013. 57-бет.

⁴ “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш-мамлакатни барқарорлаштириш, тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзусидаги халқаро конференция материаллари. –Тошкент: Ўзбекистон, 2012. 6-7-бетлар.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // Маърифат, 2012 йил 12 декабрь, № 99 (8540).

бўлган мутахассислик бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрланмоқда ва буларнинг битирувчилари бутун дунёда тан олинадиган дипломларга эга бўлмоқда⁶.

Шунингдек,, таълим муассасаларининг Европадаги таълим жамғармаси, Германиядаги Техникавий ҳамкорлик ташкилоти, Япониядаги JIGA халқаро ташкилоти, Кореянинг KOICA агентлиги, UNESCO, Жаҳон банки, TESIS-TEMPUS очик жамияти институти, АҚШ, Англия, Франция, Япония, Хитой ва бошқа давлатлар олий таълим вазирликлари билан ҳамкорлик тобора кенгайиб бормоқда⁷.

Ҳар йили таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ қилишга ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизи, давлат бюджети харажатларининг 35 фоиздан ортиғи ташкил этмоқда. Мамалакатимизда саводхонлик даражаси жаҳонда энг юқориларидан бири бўлиб, бу борадаги кўрсаткич 99,2 фоизни ташкил этмоқда⁸. Ўзбекистонда таълим соҳасига берилаётган юксак эътиборнинг бугунги кунда жаҳон жамоатчилиги томонидан эътироф этилаётгани ҳар бир ватандошимизда ғурур ва ифтихорни ўйғотмоқда. Ўзбекистонда жорий этилган 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими, мактаб таълими мамлакатда яшаётган асосий миллатлар эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда 7 тилда–ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман тилларида олиб борилиши, ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида ҳар бир коллеж малакали ишчи кучига буюртмалари бўлган муайян корхоналар билан яқин алоқани йўлга қўйганлиги, республиканинг ҳар бир ўқув юртида оптик толали алоқа линиялари асосида қурилган ягона Ziuo Net ахборот таълим тармоғига уланган ахборот-ресурс марказларининг ташкил этилганлиги, Ўзбекистон Президенти раҳнамолигида ташкил этилган махсус жамғарма базасида болалар спортини ривожлантиришга устувор эътибор қаратилганлиги жаҳон афкор оммаси томонидан алоҳида эътирофга сазовор бўлмоқда⁹. Шу сабабли ҳам таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича Ўзбекистон дунёнинг 141 мамлакати орасида иккинчи ўринни банд этган. АҚШнинг CNN компанияси тайёрлаган дунё мамлакатларини таълим соҳасининг аҳволи тўғрисидаги қиёсий ахборотда таъкидланишича, таълим соҳасидаги инновациялар кўрсаткичи бўйича дунёда Ирландия 75,70 балл билан биринчи, Ўзбекистон 75,38 балл билан иккинчи ўринни эгаллаган. Катта молиявий имкониятларга эга бўлган Саудия Арабистони 65,49 балл билан 15 ўрин, дунёнинг энг қудратли давлати бўлмиш АҚШ 61,34 балл билан 31 ўрин, Россия 55,18 балл билан 55 ўрин, Хитой 52,23 балл билан 67 ўринни эгаллаган. Собик совет ҳудуди таркибига кирган бошқа мамлакатлар ҳақида таъкидланганда, улар рейтингда қуйидагича жойлашган: Қозоғистон 69-ўрин, Қирғизистон 72-ўрин, Арманистон- 85 ўрин, Грузия-87 ўрин, Озарбайжон- 89 ўрин, Тожикистон 107-ўрин билан қифояланган¹⁰.

Зеро, “Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур” деган улуғвор ғоя бугунги кунда тобора ҳаётда ўз аксини топиб бораётганлигидан далолат бермоқда. Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ва етакчи халқаро бизнес-мактаблардан бири – “ИНСЕАД” томонидан 2012 йилда инсон капиталининг тараққиёт даражаси бўйича ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистон 141 мамлакат орасида 53-ўринни, таълим тизимини

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Тарихий хотира ва инсон омили-буюк келажагимизнинг гаровидир”. Ўқув қўлланма. Тошкент. Ўқитувчи. 2012. 103-бет.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Мустақиллик-барча эзгу режа ва марраларимизнинг мустаҳкам мезонидир”. Ўқув қўлланма. Тошкент. 2013. 107-бет.

⁸ Ўзбекистон республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Мустақиллик-барча эзгу режалар ва марраларимизнинг мустаҳкам мезонидир.” Ўқув қўлланма, - Тошкент: 2013. – 6-бет.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Тарихий хотира ва инсон омили-буюк келажагимизнинг гаровидир”. Ўқув қўлланма. Тошкент. Ўқитувчи. 2012. 85-бет.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Мустақиллик-барча эзгу режалар ва марраларимизнинг мустаҳкам мезонидир.” Ўқув қўлланма, - Тошкент: 2013. 6-бет.

ривожлантириш даражаси, жумладан, таълим мақсадлари учун ажратиладиган маблағлар бўйича эса дунёда бешинчи ўринни эгаллагани бежиз эмас¹¹.

Мустақиллик берган имкониятлар туфайли ёшлар ҳал қилувчи куч бўлиб, ҳаётга кирмоқда. Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш соҳасида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли алоқалар кундан-кунга ривожланмоқда ва ҳозирги кунда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” бўйича ва таълим соҳасидаги барча саъй-ҳаракатларимизнинг дастлабки қувончли меvasи сифатида бир неча хорижий тилларда эркин гаплаша оладиган ва шу билан бирга, ўз фикрини она тилида равон, гўзал, аниқ, лўнда ифода эта оладиган янги мутахассислар авлодини қўрганда, ҳеч шубҳасиз ҳар бир эзгу ниятли инсоннинг қалбида ғурур ва ифтихор туйғулари тўлади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда яшаётган ёшларнинг ҳар бири, эртага уларнинг мамлакати дунё билан тенглашаётганда, кимгадир эмас, фақат ўзларининг ҳаракатлари ва меҳнатларига боғлиқ эканини англаб етсагина, ҳаётимизнинг чинакам ҳал қилувчи кучига айланади. Ўзига ишонган одам келажакка ишонч билан яшайди ва Ватан, Юрт равнақи учун ўзининг юксак ҳиссаларини албатта қўшади.

Таянч сўзлар ва иборалар: маърифат, билим, илм-фан, маънавий юксалиш, таълим –тарбия, ота-она, оила, комил инсон, етук инсон, таълим тўғрисидаги қонун.

Савол ва топшириқлар.

1. Маънавият ва маърифат, уларнинг ўзаро муносабатларини изоҳланг.
2. “Маърифат” сўзининг маъноси нима?
3. Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самарасини фактлар асосида изоҳлаб беринг.
4. Президент И.А.Каримов асарларида таълим-тарбия соҳасида таъкидланган фикр-мулоҳазаларни ёритиб беринг.
5. “Илм-маърифат инсонийлик тожидир” ҳикматини ўз фикрларингиз билан изоҳлаб беринг.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000.
2. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2003.
3. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият–енгилмас куч. – Тошкент, “Маънавият” 2008.
5. Каримов. И.А. Тарихий хотира инсон омили–буюк келажакимизнинг гаровидир.– Тошкент: “Ўзбекистон”, 2012.
6. И.А.Каримовнинг “Мустақиллик–барча эзгу ва марраларимизнинг мустаҳкам мезонидир” рисоласи бўйича ўқув-қўлланма. –Тошкент: Ўқитувчи 2013.
7. “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш-мамлакатни барқарорлаштириш, тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзусидаги халқаро конференция материаллари. –Тошкент: Ўзбекистон, 2012.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Ўрта асрлар шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти”. Ўқув қўлланма. Тошкент: 2014.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Ўрта асрлар шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти”. Ўқув қўлланма. Тошкент: 2014. 66-67-бетлар.

9. Умаров Э., Абдуллаев М. Маънавият асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент: “Cho’lpon” номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи. 2006.
10. Имомназаров М., Саидов М. Миллий тараққиётнинг маънавий-ахлоқий асослари. Ўқув қўлланма. “Akademiya”, Тошкент: 2005.
11. Абдурахмонов М., Отамуротов С. Маънавий салоҳият. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Университет. 2009.
12. Қуранбоев Қ., Абдурахмонов М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарини ўқитиш бўйича ўқув-услубий қўлланма. Тошкент: -2010.
13. Давлат, жамият, оила ва ёшлар тарбияси муаммолари. Тошкент: 1997.
14. Зиёев Х. Истиқлол-маънавият негизи. “Маънавият”. Тошкент: 1999.
15. Қаҳҳарова Ш. Глобал маънавият- глобаллашувнинг ғоявий асоси. “Тафаккур” нашриёти. Тошкент: 2009.

Интернет маълумотлари

16. www: press – service. uz.
17. www: mfa. uz.
18. <http://www.pacademy.edu.b>
19. <http://www.rags.ru/kaf/fi..>
20. www. marifatars-inform.uz. маърифат журнали
21. www/ natlub.uz
22. республика узбекистан [http:// www. gov.uz](http://www.gov.uz)

5-мавзу: Маънавият, иқтисод ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги

Режа:

1. Маънавият ва иқтисод уйғунлиги жамиятнинг юксак иқтисодий тараққиётга эришиш шарти эканлиги.

2. Замонавий тадбиркорнинг юксак маънавий фазилатлари

Биринчи саволни ёритишда, Мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий тараққиёт борасида танлаб олган бозор иқтисодиёти йўлининг тўғрилиги, ҳаётийлиги масаласига, бу борада эришилган ютуқлар ва ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларга эътиборни қаратиш лозим.

Инсон озиқ-овқат, кийим-кечак, яшаш жойга муҳтож. Ҳайвонот дунёси ҳам озиқ-овқатга муҳтожлик сезади. Инсон ишлаб чиқариш орқали ўз эҳтиёжларини қондиради, ҳайвонлар эса ҳеч нима ишлаб чиқармайдилар. Инсонларнинг моддий ишлаб чиқариш жараёнлари ва бу борада юзага келадиган муносабатларни иқтисодиёт фани ўрганади. Абу Али ибн Сино фанларни тасниф қилар экан, иқтисодиётни хўжалик юритиш соҳасидаги амалий фанлар қаторига киритади. Ўрта асрларда илмлар таснифи билан шуғулланган Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ҳам иқтисодиётни хўжалик юритиш соҳасидаги амалий фалсафий фан доирасига киритади.

Ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва кишилар, мамлакатлар ўртасидаги алоқалар бозор муносабатларини келтириб чиқарган. Ўрта Осиёда бозор муносабатлари қадим замонлардан бошлаб шаклланган. Тарихий ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, бундан минг йиллар муқаддам Бухоро ва Хива савдогарлари одамлар кўзини қувнатиб, ҳайрон қолдирган товарлар ва буюмларни Ҳиндистон ва Хитойга, Россия ва ғарбий Европа мамлакатларига етказиб борганлар. Ўрта Осиёда бозор муносабатларининг қадимдан ривож топганига «Буюк Ипак йўли» тарихи яққол мисол бўла олади. Шундай экан, ҳозирги замон тилида ишлатилаётган бозор иқтисоди ва унинг моҳияти нима? Уни қисқача ифодаладиган бўлсак, у қуйидагиларни англатади:

Бозор иқтисоди деган сўз биринчи навбатда мулоқот, гаплашиш, келишиш, савдолашиш, икки томонга тўғри келадиган умумий нархни, рақамни, ҳулосани топиш демакдир.

Талабага етказиш зарурки, бозор иқтисодининг асосий шарти ва талаби - мумкин қадар кўпроқ ва мумкин қадар сифатлироқ, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришдир. Худди шу талабларни амалга оширишнинг энг қулай шароитларини капитализм даври юзага келтирди. Натижада инсоният кейинги беш аср ичида ундан олдинги ҳамма тарихдагидан кўп моддий ва маънавий қадриятлар ярата олди. Бозор иқтисоди ҳукмрон мамлакатлар моддий ва маънавий бойликлар ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий қайнар булоғига айланди. Бу даврда инсониятнинг ҳақиқий ақлий салоҳияти, яратувчилик имкониятлари намоён бўлди.

Жаҳон тажрибаси, шу жумладан, ўзимизнинг мамлакатимиз тажрибаси ҳам иқтисодиёт фақат унинг ўзигагина хос бўлган қонунлар асосида ривожланиб борганлигини кўрсатади. Бозор муносабатларининг қонунларини назар-писанд қилмаслик, бузиш иқтисодиётни оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Чунончи, собиқ Иттифокда 70 йилдан ортиқроқ давр мобайнида бозор иқтисодиётига алоқаси бўлмаган иқтисодиётни яратишга уриниб кўрилди. Бу собиқ мустабид тузумга ва унинг халқига жуда қимматга тушди. Иқтисодиётнинг ҳам ўз объектив қонун-қоидалари, сир-асрорлари борки, улар билан ҳисоблашмасликнинг ҳеч бир иложи йўқ. Ҳар доим иқтисод ўз йўлидан бораверади, уни тўхтатиш мумкин эмас. Кимки иқтисод қонунларини назар-писанд қилмаса, унинг косаси оқармайди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, у қайси йўлдан бориши керак, деган масала олдимизда кўндаланг бўлиб турди. Юртбошимиз Ислом Каримов мустақилликка эришишимизнинг биринчи кунлариданок жаҳондаги турли мамлакатларнинг тажрибаларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб, Мустақил Ўзбекистоннинг бундан буёнги тараққиёт йўли бозор иқтисодиёти муносабатлари йўлидан бориш эканлигига қатъий ишонч ҳосил этди.

Аммо бозор муносабатларининг қайси йўли, қайси шакли биз учун мақбул, қайси бирини ўзимизнинг бундан буёнги тараққиётимиз учун танлаб олишимиз кераклиги масаласи олдимизда турган муаммо эди. Бозор муносабатларига ўтиш Англияда 200 йил, бошқа мамлакатларда 100-150 йил мобайнида, Япония, Қурия мамлакатларида 20-30 йил давомида амалга ошган, шаклланган.

Юқорида айтганимиздек, бозор муносабатларига ўтиш—давр талаби. Биз учун бундан бошқа йўл йўқ. Буни республикамиз аҳли тўғри англаб етди. Аммо кутиб ўтиришга вақт йўқ. Вақт, давр ниҳоятда тиғиз. Тезкорлик билан мустақил республикамизнинг бозор муносабатларига қандай қилиб, қайси усулда ўтишини танлаб олиш, бунда жаҳоннинг барча илғор тажрибаларини умумлаштириш ва фойдаланишни ҳал этиш лозим эди. Бунинг уддасидан чиқдик. Бунда Президентимиз Ислом Каримов катта шижоат кўрсатди. Бозор муносабатларига ўтишнинг жаҳонда орттирилган барча ижобий тажрибаларини ўрганиб, халқимизнинг тарихий тараққиётига, руҳиятига, миллий хусусияти, иқлим шарт-шароитларига, мамлакатимизнинг жуғрофий мавқеига асосланган ўзимизга хос ва мос йўлни белгилаб олдик.

Ушбу йўлнинг, концепциянинг қоидалари Президентимиз китобларида, мақолаларида ва нутқларида, мамлакат парламенти қабул қилган қонунларда, хусусан, Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли» асарида ҳар томонлама асосланиб, баён қилиб берилган. Бу «Ўзбекистон йўли»—«Ислом Каримов йўли» сифатида жаҳон бўйича юксак баҳоланиб келинмоқда. Ушбу танланган йўлнинг моҳияти Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов ишлаб чиққан ва илгари сурган беш тамойилда ўз ифодасини топган. Бу тамойиллар фақат бизнинг мамлакатимизда эмас, эндиликда бошқа мамлакатларда ҳам тан олинди.

Бу тамойиллар қуйидагилар:

—Биринчидан, иқтисодиёт сиёсатдан устувор бўлиши керак ва бунинг учун иқтисодиёт мафкурадан холи бўлиши;

—иккинчидан, давлат бош ислохотчи бўлиши;

—учинчидан, қонун ва қонунларга риоя қилишнинг ҳамма нарсадан устунлиги;

–тўртинчидан, кучли ижтимоий сиёсат;
–бешинчидан, бозор муносабатларига ўтишнинг босқичма-босқич амалга оширилиши.

Хуллас, ўқитувчи семинар режасидаги биринчи масала юзасидан юқоридагиларни баён қилар экан, бу соҳада ҳозиргача эришилган ютуқлар ва ечимини кутаётган долзарб муаммолар тўғрисида ҳам тўхтаб ўтиши лозим. Бу масалалар эса давлат раҳбаримиз Ислон Каримовнинг «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари» ва «Ўзбекистон ХХІ асрга интиломқда», «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз» китобларида баён қилиб берилганлигига талабалар диққатини қаратиши лозим.

Иқтисод ва маънавият ўзаро чамбарчас боғлиқ. Маънавиятсиз иқтисод ва иқтисодиётсиз маънавият юксак босқичга кўтарила олмайди.

Эркин бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий ўнгланиш, иқтисодий тикланиш, иқтисодий ривожланиш маънавий ўнгланиш, маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйғун ҳолда боради.

Мана шунинг учун ҳам жамият маънавиятини янада юксалтириш ХХІ аср арафаси ва унинг дастлабки йилларидаги устувор йўналишлардан бири эканлиги иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг биринчи сессиясида белгилаб қўйилди. Юртбошимиз И.А.Каримов «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз» китобида таъкидлаганидек, ҳар қайси ижтимоий тоифа ва қатламнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, умумий гаплар билан эмас, амалий ишлар билан маънавиятни юксалтириш диққатимиз марказида бўлиши шарт.

Демак, маънавият ва иқтисод бир-бирини инкор этмайди, балки бир-бирини қувватлаб, ўзаро таъсирланиб, ривожланиб боради. Ҳозирда иқтисодий ислохотларнинг янги, юқори босқичига ўтаётган эканмиз, демак ишлаб чиқариш тармоқлари ишга тушиб, иқтисодий юксалиш юз беради. Бу эса фан, маданият ва маънавият тараққиётига ижобий таъсир қилади. Хусусан, бунга “Қадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва уни амалга ошириш борасидаги ишлар яққол мисол бўла олади.

Маънавиятнинг биринчи ўринга қўйилишига иккита сабаб бор: биринчидан, биз Япония каби юксак ривожланган мамлакатларнинг тараққиёт омилларини ўрганиб, фақат юксак маънавиятгина юксак иқтисодий ривожланишни таъминлаши мумкинлигига амин бўлдик.

Иккинчидан, республикамызда иқтисодий ривожланишни орқага сураётган, унга тўсиқ бўлаётган сабаблардан энг муҳими маънавиятсизлик эканини англаб етдик. Бу ҳақиқат аччиқ бўлса ҳам, аммо уни тан олмасдан иложимиз йўқ.

Иқтисод, маънавият ва маърифатнинг ўзаро чамбарчас боғлиқ эканлигини бизнинг ота-боболаримиз тўғри тушуниб етганлар. Шунга таянган ҳолда улар комил, маънавияти юксак инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, бошқача айтганда ахлоқ кодексини ишлаб чиққанлар. Ундаги асосий ўзақ, жиҳат киши қалбида ҳаромдан ҳазар, нопокликка, адолатсизликка нисбатан мурасасиз исён бўлиши, бозор муносабатларида инсоф ва диёнат, харидорга муносабатда самимийлик, юмшоқ муомала, харидор кўнглини топишга интилиш асос қилиб олинган.

Маънавияти юксак киши бировнинг ҳақиға, давлат, жамоа мулкига ҳиёнат қилмайди, садоқатли бўлади, Ватани, эли, юрти, халқи учун жонини фидо этишга ўзини аямайди. Бунинг акси ўлароқ, маънавияти қашшоқ кишилар нопок, фирибгар, ўғри, қаллоб, Ватан ва миллат манфаатларига бефарқ қарайди. Сиз бўлажак мутахассислар бундай кишилардан йироқ бўлинг, уларга нисбатан нафратли бўлинг, улардан ўрнак олманг.

Келажақда Ўзбекистон юксак даражада ривожланган иқтисодиёти билангина эмас, балки билимдон, маънавияти етук фарзандлари билан ҳам жаҳонни ҳайратга солиши ва унга юз тутиши лозим. Бунга эса иқтисод ва маънавият, маърифатни бирга, ўзаро мутаносиб, муштарак ривожланишига аҳамият берганимыздагина эришишимиз мумкин.

Биз мақсад қилиб олган цивилизациялашган бозор муносабатлари фақат юксак маънавият ва маърифат негизиди, юксак ахлоқийлик ва ватанпарварлик негизларида бунёд этилиши мумкин. Буни ҳаммамиз теран англаб олишимиз керак.

Маънавият ва маърифатли, иймонли кишиларгина ўзининг ҳалол-пок меҳнати билан бойлик яратувчи, изланувчи, инсофли, меҳнатсевар, тадбиркор, эл-юрт дардига малҳам бўлувчи ҳақиқий ватанпарвар бўлади. Шундай фуқароларга эга бўлган мамлакат, жамият иқтисодий тараққиёт поғоналаридан узлуксиз юқорига кўтарилиб боради.

Маънавиятли ва маърифатли кишиларда яхшиликка мойиллик ва ёмонликдан тийилиш ҳисси кучли бўлади. Демакки, турли ёмонликлардан тийилиш ҳисси жамиятда осоишталик ва фаровонликка олиб келади.

Келажак ёшларники бўлгани учун ҳам мамлакатимизда уларнинг маърифатли, тадбиркор, зукко ва ўз касбининг устаси, иймон-эътиқодли, замон талаблари даражасида етук, маънавий баркамол бўлишлари учун Президентимиз бошлиқ ҳукуматимиз ва кенг жамоатчилик барча имкониятларни яратиб бермоқда. Илм-фан, таълим-тарбия, ҳунар эгаллашни изчиллик билан амалга ошириш иқтидорли ёшларга очилган кенг имкониятдир. Бу борадаги олиб борилган иш Олий Мажлиснинг IX сессиясида “Қадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунининг қабул қилинганлигида ҳамда бу масала иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясида устувор йўналишлардан бири қилиб белгиланганлигида ўз ифодасини топган. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, бизнинг келажакимиз, мамлакатимиз келажаги ўрнимизга ким келишига боғлиқ.

Шундай қилиб, маънавий баркамол, маърифатли, маданиятли, тадбиркор, фозил инсон энг олий фаолият - меҳнат, яратувчанлик, бунёдкорлик билан машғул бўлиши учун, унинг яшаши ва шароитини тубдан яхшилаш тараққиётимизнинг объектив қонунияти бўлиб қолмоқда.

Иккинчи масалада бозор муносабатларига ўтиш ва унинг ривожини тадбиркорлик билан чамбарчас боғланиб кетади. Зотан бозор иқтисодиётининг талаби тадбиркорлик ва ишбилармонликдир. Тадбиркор ҳам маънавий пок, маърифатли бўлиши керак. Тадбиркор ҳалол ва ҳаромни ажрата билиши, ҳаромдан ҳазар қилиши лозим;

- тадбиркор маърифатли, дунёқараши кенг қамровли, бир ёқламаликдан ҳоли бўлиши лозим;

- тадбиркор ўзи бошлаган ишга қатъий ишонган бўлиши, аниқ мақсадни ўз олдига қўйган ва унинг натижаларини аниқ тасаввур эта билган бўлиши лозим;

- тадбиркор ўз хатоларини тан ола билиши ва уни ўз вақтида тўғрилашга интилиши керак;

- тадбиркор таваккалчасига ҳам иш юритиши, унга бориши керак;

- тадбиркор фаросатли, инсофли, меҳнатсевар бўлиши керак ва бошқалар.

Хуллас, мустақил Ўзбекистон танлаб олган бозор иқтисодиёти йўли шунинг учун ҳам истиқболлики, у ҳар бир кишидан ўта тадбиркорликни, ҳозиржавобликни, тежамкорликни, уддабуронликни, вақти-соати келганда сабр-тоқатлиликни, совуққонликни, ҳар бир вазиятда ишнинг кўзини билишни, муомалада ниҳоятда эҳтиёткорликни, ҳар бир сўзнинг шакли ва мазмунини ажратишни ва фарқ қилишни талаб этади.

Юқорида тадбиркор хислатлари қандай бўлиши ҳақида қисқа фикр юритдик. Бу хислат ва хусусиятлар ўзбек халқида азалдан мавжуд. Афсуски, уларнинг кўпчилиги турли сабаблар таъсирида кишиларимизнинг ёдидан чиқиб, ҳаёлидан озми-кўпми кўтарилган, ёки мустабид тузум ва унинг мафкурасига ёт нарсалар сифатида ўз орасидан ҳайдаб чиқарилган. Энди улар тикланиши ва ҳаётимизда ўзларига хос ўрин эгаллаши керак. Бозор иқтисоди-демакким, замон талаби, мустақиллик қонуни. Мамлакатимизда кишиларнинг, айниқса ёшларнинг тадбиркорлик иши билан шуғулланишларига барча имкониятлар яратилган ва у қонун билан мустаҳкамланган. Вазифа ана шу қонун доирасида тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантириб, Ўзбекистонни жаҳоннинг

ривожланган мамлакатлари қаторидан ўрин олишига олиб чиқишдир. Шунинг учун ҳам ёшлар бизнинг, мамлакатимизнинг келажаги деймиз. Зотан буюк келажак маънан юксак, маърифатли ёшларимиз қўлидадир.

Тадбиркор фаолияти одатда инсонлар, қўл остида хизмат қилувчи мутахассислар ва ишчилар, айниқса, чет эллик ҳамкасблари – бизнесменлар доирасида умумхлоқий меъёрларга риоя қилиши билан ҳам баҳоланади. Ишдаги муваффақиятнинг ярмидан кўпроғи унинг одобига, маданиятига, дунёқарашига, ишбилармонлик қоидаларини қай даражада билишига бевосита боғлиқдир.

Умуман, тадбиркорлик – бу маданият. Айтишларига қараганда, маданиятли одам тадбиркор бўлиши шарт эмас, аммо тадбиркор инсон маданиятли бўлиши лозим. Арасту (Аристотель) ўз замонида биринчи бўлиб ахлоқ тўғрисида гапириб: “Ахлоқ нимани қилишимиз ва нимадан ўзимизни тийишимиз кераклигини аниқлашимизга ёрдам беради”, – деган эди. Президентимиз И.А.Каримов ахлоқ тушунчасига қуйидагича таъриф берди: “Ахлоқ – маънавиятнинг ўзаги. Инсон ахлоқи шунчалик салом-алик, хушмуомаладангина иборат эмас. Ахлоқ бу, аввало, инсоф ва адолат туйғуси, иймон, ҳалоллик дегани”. Дарҳақиқат, ахлоқ биз учун, аввало, инсоний муносабатларни, Шунингдек, инсонларнинг феъл-атворларини, уларнинг қанчалик мақбул нуқтаи назардан кўриб чиқишга ва баҳолашга имкон берувчи билим соҳасидир. Тараққий этган давлатларда, айниқса, Япония ва АҚШда фирмаларнинг “Этика кодекси” ва бизнесменларнинг, алоҳида касб усталари гуруҳларининг “Ишбилармонлик кодекси” кенг қўлланилади. “Бизнесменларнинг ахлоқ кодекси” биринчи марта АҚШда 1913 йили ишлаб чиқилган бўлиб, унда тадбиркорлик фаолиятини юритишнинг асосий қоидалари қабул қилинган. Бу қоидалар ягона асосга жамланган бўлиб, улар бизнес соҳасидаги усул ва сиёсатни баҳолашда, ҳақиқат ва адолатлилиқ тушунчалари билан уйғунлашиши белгиланган.

Вақт ўтиши билан кодекс бир неча бор такомиллашди. Натижада, бу борада турли фирмалар ва компаниялар томонидан тўпланган, уларнинг тажрибасига асосланган, умумлашган Ғарб ишбилармонлик дунёсида кенг маълум бўлган “Бизнесменнинг ахлоқ кодекси” шаклланди.

Бу кодексда гап тадбиркорнинг хулқ-атвори меъёрлари тўғрисида, унинг иш усулига, кишилар билан муомала қилиш табиатига, ижтимоий қиёфасига нисбатан маданий жамият қураётган талаблар тўғрисида боради.

Тадбиркор маданияти деганда тадбиркор адаби ва иқтидори ўртасидаги диалектик боғланиш тушунилади. Бу боғланиш қуйидаги фазилатлар мажмуасида ўз аксини топади:

Адаб – ақлнинг суянчиғи, барча фазилатларнинг мезони. Беҳудага халқимизда: “Ақл билан адаб – эгизак”–дейишмайди. Адаб – яхшилиқ билан ёмонлиқнинг фарқини билиш, фойда билан зарар орасидаги тафовутни англашдир. Адаб воситасида киши ўз жонини ёмон хислатлардан даволайди, ёқимсиз айблардан поклайди, чиройли фазилатлардан безайди.

Адаб тадбиркорни энг чиройли хулқ билан қуроллантиради. Натижада ақл эгалари бундай тадбиркордан ҳар ишда рози бўлишади. Адабли тадбиркор эса кундан кунга обрў топади, нуфузи ошади, ишлари равнақ топади. Баъзи ҳақимлар адабни энг масъум ва кўркем феълга эга бўлиш десалар, баъзилари нафсни барча қабих одатлардан тозалаш деб таъриф беришади. Демак, тадбиркордаги адабнинг мавжудлиги, бу ноёб неъматнинг мавжудлигидир.

Умуман адаб икки хил бўлади:

ҳикмат адаби;

хизмат адаби.

Ҳикмат адаби поклик ва тўғри йўлга етаклайди.

Хизмат адаби эса бадавлатлик ва обрўга етказди. Ҳар иккиси ҳам улуғ фазилат бўлиб, бири азиз қилса, иккинчиси қудратли қилади. Адаб раҳбарни ақл ва ахлоқ эгаси бўлишга, виждонли, ор-номусли, соф кўнгилли, субутли бўлишга даъват этади.

Тадбиркор ўз навбатида раҳбардир. У ходимларни қабул қилиш маданиятига эга бўлиши лозим. Чунки ходимларни қабул қилиш, уларнинг ташвишларига қулоқ солиш, оғирларини енгил қилиш ҳар бир раҳбарнинг бурчи ва вазифаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам қабул маданиятига риоя қилиш учун раҳбар қуйидагиларга эътибор бермоғи лозим:

- суҳбатдошни қанча вақти борлиги тўғрисида огоҳлантириш;
- фақат суҳбатдоши гапларини инобатга олиб, вазиятни кўз олдига келтириш;
- тўхтатиб бўлмайдиган, узил-кесил мунозарадан тийиш;
- фикрни ишончли ва батафсил баён айтиш;
- ғояни изчиллик билан баён этиш;
- овозни баланд қилмасдан гапириш, сўзлар дона-дона ва равон бўлсин;
- қарши танбеҳ ҳолларда ўзига нисбатан танқидий ёндашиш;
- шунчаки фикрлаш ёки ҳақиқатан ҳам шунақами – булар ўртасидаги фарқни билиш;
- саволларни шундай тузиш керакки, уларни тушуниш бир хилда бўлсин;
- муаммо муҳокамасини аниқ ечим билан тугатиш;
- ишни қалаштирмаслик, зудлик билан кўрсатма бериш;
- суҳбатдошни юмуши ўзи учун ўта муҳим эканлигини унутмаслик.
- Қабулда бўлган шахснинг муаммосини ҳал этишга имконият бўлмаган тақдирда ҳам уни самимий илтифот билан кузатиш ва хайрихоҳлик билан ишининг ўнгланиб кетишига умид бахшида этиш.

Умуман, хизмат юзасидан қабул чоғида қуйидаги қоидага риоя қилиш, нур устига аъло нур бўлар эди:

- Учрашув чоғида – хушфеъллик.
- Қулоқ солиш чоғида – эътибор, рағбат.
- Бахслашув чоғида – кўп нарсани билишга қизиқувчанлик.
- Танқид чоғида – ўзини тута билишлик.

Ташкилотда раҳбарлардан қайси бири, қандай масала юзасидан кишиларни қабул қилиши аниқ белгилаб қўйилиши зарур. Бўйсунувчиларни илтимосига кўра, қабул қилганда раҳбар уларга илтимос ва таклифларини қисқа баён қилишни ўргатиши лозим. Агар раҳбар ўзи таклиф этиб қабул қилса, бўйсунувчи бу ҳақда олдиндан хабардор қилиниши керак. Суҳбат чоғида ишонч муҳитини вужудга келтириши лозим, суҳбатдошни мажбур қилиш, шаънини пастга уриш мумкин эмас.

Таянч сўзлар ва иборалар: истиқлол, бозор иқтисодиёти, тамойил, сиёсат, қонун устуворлиги, ҳуқуқий давлат, аҳолининг турмуш даражаси, фаровонлик, ҳалоллик, поклик, меҳнат, иқтисодий тараққиёт, маънавий пок тадбиркор, ҳақиқат, адолат, ижтимоий ҳимоя.

Савол ва топшириқлар.

1. Маънавият ва иқтисод уйғунлиги жамиятнинг юксак иқтисодий тараққиётга эришиш шартларини таъкидланг.
2. Бозор иқтисодининг асосий тамойиллари, шарти ва талаби нималардан иборат?
2. Замонавий тадбиркорнинг юксак маънавий фазилатлари қандай бўлиши керак?
3. Маънавий тикланиш ва юксалишда давлат сиёсатининг ўрни ҳақида ўз фикрларингизни фактлар асосида ёритинг.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000.
2. Каримов И.А Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2003.

3. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Тошкент, “Маънавият” 2008.
5. Каримов. И.А. Тарихий хотира инсон омили- буюк келажагимизнинг гаровидир. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2012.
6. И.А.Каримовнинг “Мустақиллик- барча эзгу ва марраларимизнинг мустаҳкам мезонидир” рисоласи бўйича ўқув-қўлланма. –Тошкент: Ўқитувчи 2013.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Ўрта асрлар шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривождаги роли ва аҳамияти”. Ўқув қўлланма. Тошкент: 2014.
8. Умаров Э., Абдуллаев М. Маънавият асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент: “Cho’lpon” номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи. 2006.
9. Имомназаров М., Саидов М. Миллий тараққиётнинг маънавий-ахлоқий асослари. Ўқув қўлланма. “Akademiya”, Тошкент: 2005.
10. Абдурахмонов М., Отамуротов С. Маънавий салоҳият. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Университет. 2009.
11. Қуранбоев Қ., Абдурахмонов М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарини ўқитиш бўйича ўқув-услубий қўлланма. Тошкент: -2010.
12. Давлат, жамият, оила ва ёшлар тарбияси муаммолари. Тошкент: 1997.
13. Зиёев Х. Истиқлол-маънавият негизи. “Маънавият”. Тошкент: 1999.
14. Қаҳҳарова Ш. Глобал маънавият- глобаллашувнинг ғоявий асоси. “Тафаккур” нашриёти. Тошкент: 2009.

Интернет маълумотлари

15. www: press – service. uz.
16. www: mfa. uz.
17. <http://www.pacademy.edu.b>
18. <http://www.rags.ru/kaf/fi..>
19. www. marifatars-inform.uz. маърифат журнали
20. www/ natlub.uz
21. республика узбекистан [http:// www. gov.uz](http://www.gov.uz)

6-мавзу: Маънавиятнинг сиёсат, ҳуқуқ ва ҳокимиятдаги ўрни

Режа:

1. Маънавият ва сиёсат. Уларнинг ўзаро боғлиқлиги.
2. Маънавий тикланиш ва юксалишда давлат сиёсатининг ўрни
3. Ҳокимият бошқарув тизимига маънавий баркамол шахсларни жалб қилиш- ҳуқуқий демократик давлат куриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти.

Биринчи масалада ҳар қандай миллат ҳуқуқий-демократик давлатни барпо этиши учун, энг аввало, юксак маънавиятли кишиларга эга бўлишни мақсад қилиб олиши ёритилади. Бу жараёнда маънавият, маданият, сиёсат, мафкура каби соҳаларни биргаликда олиб қаралиши ҳам талаб қилинади. Юртбошимиз Ислам Каримов асарларида ушбу соҳада кўплаб фикрлар мавжуд бўлиб, уларнинг алоқадорлиги ҳақидаги жараёнлар кўрсатилган. Зеро: «Сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш, жамиятда демократия, фикр ва виждон эркинлиги тамойилларини, гуманизм ғоялари ва умуминсоний кадриятларни қарор топтириш, демократиянинг зарурий шарти бўлган кўппартиявийлик муҳитини вужудга келтириш, амалдаги кўппартиявийлик-бу ҳар хил қараш ва ғоялар ўртасидаги баҳс-мунозара, турли партиялар, жумладан, муҳолиф партиялар учун ҳам сиёсий рақобат майдони демакдир. Миллий демократик давлатчиликни қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимиятларига бўлиниш борасидаги конституциявий тамойил асосида барпо этиш» олийжаноб вазифадир.

Сиёсат давлатни бошқариш санъати бўлиб, кенг маънода олиб қаралганда маънавий фаолиятнинг муҳим кўриниши ҳамдир. Сиёсат давлат ишларида иштирок этишни, давлат фаолиятининг турли шакллари тартибга солишни, унинг вазифалари ва мазмунини амалга оширишни назарда тутди. Сиёсат соҳаси ўз табиатига кўра давлат тузилиши, мамлакатни бошқариш, ижтимоий гуруҳ ва табақаларга раҳбарлик қилиш каби муҳим функцияларни ўз ичига олади. Унда жамиятда яшаётган барча ижтимоий қатламларнинг туб манфаатлари ва ўзаро муносабатлари акс этади. Сиёсат давлатнинг табиати ва моҳиятини ифодалаб, шу асосда унинг фаолиятига таъсир кўрсатади. Маънавият жамият ҳаётининг барча соҳалари билан узвий боғланган, бошқача айтганда, ижтимоий турмуш, инсон фаолиятининг бирор бир қирраси йўқдирки, у маънавият руҳи билан чулғаб олинмаган бўлсин.

Сиёсат – юнонча «полос» – давлат сўзидан олинган бўлиб, давлат ва жамият ишлари билан бевосита шуғулланиш жараёнини англатади. Сиёсат - бу жамият ҳаётининг хилма-хил соҳаларида рўй берадиган оддий ва мураккаб вазифаларни ҳал қилишга, аниқ мақсадларга эришишга қаратилган фаолият ёки воситасидир.

У ёки бу сиёсат юритилиши турли синфлар, ижтимоий гуруҳлар, миллат ва элатлар ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириш фаолиятига боғлиқ бўлиб, унинг марказида давлат туради. Ана шу давлат ҳокимиятини қўлга киритиш, сақлаб қолиш, ундан самарали фойдаланиш бош масаладир. Сиёсат юритилишидаги энг муҳим ва моҳиятли йўналиш - давлат ҳокимиятини қуришдир. Ҳар қандай сиёсат фанга асосланади, унинг илмий-назарий қоида ва ҳулосаларини ўзида ифода қилади. Илмий-назарий билимлар қанчалик чуқур бўлса, сиёсат ҳам шунчалик тўғри ва самарали бўлади.

Маънавият ва сиёсат-ижтимоий ҳодисадир. Улар инсон фаолиятини, унинг турмуш тарзини қамраб олган, ўзаро боғлиқ бўлган икки соҳадир. Дунё халқлари фаолиятида маънавият катта аҳамият касб этган бўлса, сиёсат ҳам назардан четда қолган эмас. Шу сабабли бу масалага қадимдан эътибор қаратилган. Турли мамлакатларда турлича ёндошилган. Зеро, сиёсат салтанат ёки давлатни бошқариш билан боғлиқ бўлган. Дастлабки сиёсий таълимотлар асосан диний билимларда, афсоналарда, дostonларда акс этган. Давлат пайдо бўлгач, уни илоҳийлаштиришга эътибор берилади. Масалан, Қадимги Миср давлатида Миср подшолари (Фиръавн) худо Ранинг ўғли деб эътироф этилган. Афсоналарда давлат илоҳий қувват туфайли пайдо бўлган деган тасаввур мавжуд бўлган.

Ҳокимиятга, давлат раҳбарига ва жамиятдаги мавжуд ижтимоий тартиботларнинг бундай илоҳий тарзда талқин этилиши ўша давр амалдорлари учун бир қатор имкониятлар яратган эди. Лекин дастлабки мифологик тасаввурларнинг аста-секин аниқлашиб ижтимоий ҳаёт, давлат, сиёсат, ҳуқуқ ҳақидаги дастлабки таълимотларнинг пайдо бўлишига имконият яратди. Бу жараён турли халқларда турли хил кечган. Лекин барча халқларга, мамлакатларга хос бўлган умумий қонуниятларни олсак, адолатсизликка қарши адолат, зўрлик ва қонунсизликка қарши қонунийлик, раҳм-шафқат, урушга қарши тинчлик ғояларининг илгари сурилишини кузатамиз. Характерли жойи шундаки, халқ оғзаки ижодида, ёзма манбаларда диний ва дунёвий китобларда эзгуликка интилиш, инсон номини улуғлаш, социал адолатга эришиш учун кураш тарихи барча қадимги халқлар ҳаётига хосдир.

Сиёсий қарашлар ривожига ўрта асрлар Шарқ уйғониш даври мутафаккирлари улкан ҳисса қўшдилар. Ўзининг сиёсий қарашларини “Фозил одамлар шаҳри” асарида умумлаштирган буюк алломалардан бири Абу Наср Форобий (873-950 йй) дир. У илк ўрта асрнинг буюк мутафаккирларидан бири бўлиб, фалсафий қарашлари билан бирга сиёсат тўғрисидаги фикрлари ҳақида унинг “Китоб - ас - сиёсат “ал - мадания”, яъни шаҳарлар устидан сиёсат юргизиш китобида маълумот беради. Форобий асарларини диққат билан ўргансак, унинг қарашлари ўз давридан анча илгарилаб кетганлигини кўрамыз. Шунини айтиш керакки, аллома қадимги мутафаккирларнинг сиёсий соҳадаги асарларига шарҳлар ёзиш билан уларни шунчаки такрорламади, балки бойитди.

Форобий барча шаҳарларни, давлатларни фозил ва жоҳил шаҳарларга ажратади «Фозил шаҳар шундай шаҳарки, - деб таъкидлайди у, – унда одамлар, уларни ҳақиқий бахт-саодатга элтувчи ишларда бир-бирларига ёрдам беришни мақсад қилиб қўядилар. Ҳақиқий бахтга эришиш мақсадида бир-бирларига ёрдам бериш учун бирлашган жамоа фозил жамоа ҳисобланади. Барча шаҳарлари бахт-саодатга эришиш мақсадида бир-бирларига ёрдам берувчи халқ фозил халқдир. Шундай қилиб, барча халқлар ҳақиқий бахт-саодатга эришиш йўлида бир-бирларига ёрдам берсалар, бутун ер юзи фозилликка эришади. Фозил шаҳар (давлат)нинг акси жоҳил шаҳардир, унда яшовчилар бир-бирлари билан доим низода бўлиб, яхши ахлоқий хислатлардан маҳрумдирлар.

Фозил давлатнинг мақсади ўз аҳолисини бахт-саодатга олиб боришдир. Бахт-саодат илмда, ахлоқда, ҳунарда етук ва эркин бўлиш, моддий ва маънавий бойликларга эга бўлиш орқали қўлга киритилади. Форобий фозил давлат бўлиши учун унинг аҳолиси 12 фазилатни қўлга киритиши зарур эканини қайд этади ҳамда уларни бирма-бир санаб ўтади. Бу фазилатлар, юкорида кўрсатилганидек, жисмоний ва маънавий етуклик учун зарур бўлган билимлар, ахлоқий хислатлар, маънавий фазилатларни ўз ичига олади.

- Фозил давлат ўз мақсадига эришмоқ учун қатор вазифаларни амалга оширмоғи лозим.

- У ўз аҳолисини моддий жиҳатдан таъминлаши лозим.

- Аҳолига таълим-тарбия бериш маънавий жиҳатдан юксакликка етишиш учун тинмай иш олиб бориши зарур.

- Давлатни идора этиб туриш, у ўз йўлидан адашиб кетмаслиги учун қонунчилик фаолиятини яхши йўлга қўйиш, зарур ҳолларда керакли қонунлар қабул қилиб тартибни сақлаб туриш лозим.

- Ўз аҳолисини душманлардан, жоҳил шаҳарлар ҳужуми ва таъсиридан сақлай олиши ва бунинг учун керакли чораларни амалга ошириши зарур.

Бундай кўриниб турибдики, давлат фаолиятини амалга оширишда, унинг ўз функцияси, мақсадини юзага чиқаришда қонунлар тизими муҳим аҳамият касб этади. Шу қонунлар ёрдамида давлат фозиллигини, аҳолини идора эта олиш қувватини сақлай олиши мумкин. Акс ҳолда керакли қонунларнинг бўлмаслиги, унга риоя этмаслик давлатнинг парчаланиши аҳоли ўртасида аҳллик ва ишончининг йўқолишига олиб келади. Фозил давлат бошлиғи 12 хислатга эга бўлмоғи зарур. Бундай бошлиқ соғ-саломат, фаросатли, тезда масалани аниқлаб олувчи, хотираси ва зеҳни ўткир, нотик, ўз фикрини чиройли ва содда қилиб тушунтира оладиган, илм-фанга, таълим олишга қизиққан ва ўз билимини доим ошириб борадиган, турли ҳаёт лаззатларидан ўзини тия оладиган, адолатпарвар, ҳақгўй, ёлғонни, ҳушомадни ёмон кўрадиган, номус-ориятли, бу дунё бойликларига қизиқмаган, жабр-зулм, истибдодни қораловчи, қатъиятли, саботли ва энг муҳими донишманд инсон бўлиши зарур.

XI асрда ёзилган «Сиёсатнома», Кайковуснинг «Қобуснома» асарларида ҷамият ва давлат бошқаруви хусусида чуқур таҷрибаларга асосланган ибратли мулоҳазалар баён қилинган. Шарқда адолатли шоҳ ҷамиятни бошқаришда алоҳида ўрин тутишини кўп марталаб таъкидлашган. Улардан бири бундан салкам минг йил муқаддам Юсуф Хос Ҳожиб томонидан яратилган «Қутадғу билиг» асари бўлиб, қорахонийлар ҳукмдорларидан бўлган Тобғач Бўғрохонга атаб ёзилган. Муаллиф асарни Бўғрохонга тақдим қилганида, ҳукмдор уни Хос Ҳожиб унвони билан тақдирлайди. Саройда унвоннинг қадри, эътибори жуда баланд бўлган.

Юсуф Хос Ҳожибнинг подшоҳларни адолат билан иш тутишга даъват қилиб битган бу асари қадимий туркий-ўзбек давлатчилиги, унинг бошқарув тизими ўз моҳияти билан кўп жиҳатдан фуқаролик ҷамияти тамойилларига мос келишини билдиради. Шарқона бошқарув ҳақида Юсуф Хос Ҳожиб «Элга бошчилик қилиш оғир, бу иш ниҳоятда ташвишли» дер экан, беклар, амалдорларнинг қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги қарашларини ҳам баён этади. Унинг назарида раҳбарлар, эл улуглари доно, ботир, шерюрак, билимли, заковатли, мулоҳазакор, очик юзли бўлишга лойиқ. Идрокли одамгина ишбоши бўлишга лойиқ. Жоҳил ва беғам одамларнинг

бошқарувдан йироқ тургани маъкул». Демак, давлат бошқарувида ақл-идрокка, тарихий тажрибаларга таяниш, кучли ҳокимиятга асосланиш лозим.

Соҳибқирон Амир Темур ўзининг сиёсий қарашларини “Темур тузуклари” асарида эллик йилдан ортиқ давр (1342-1405 йй.) тарихи билан бирга, давлат ва унинг тузилиши тўғрисида ҳам қимматли маълумотлар беради. Асар ўзидан кейинги авлодларга давлат бошқаруви борасида улкан тажриба ва қоидалар сифатида ёзилган бўлиб, ўз даврида мамлакатни идора этиш учун асосий ҳуқуқий норма ҳам ҳисобланган. Амир Темур жамиятни 12 тоифага бўлиб, уларга таянган ҳолда бошқариш ишларини амалга оширган. Улар: 1) саййидлар, уламо ва шайхлар; 2) билимдон кишилар; 3) дуоғўй тақводорлар; 4) амирлар, сарҳанглар, сипоҳсолар; 5) сипоҳ билан раият; 6) доно ва ишончли кишилар; 7) вазирлар, саркотиб ва девон битикчилари; 8) ҳакимлар, табиблар, мунажжимлар ва мухандислар; 9) муҳаддислар (ҳадис олимлари ва ровийлар); 10) сўфийлар ва орифлар; 11) хунар ва санъат аҳли; 12) сайёҳ ва тижорат аҳлларидан иборат. Давлатни идора этишда вазирлар, амирлар ва ноибларнинг ролига алоҳида эътибор бериб, соҳибқирон Амир Темур садоқатли, ахлоқий пок, адолатпеша, тинчликсевар ва ташаббускорларни кадрлаган.

Амир Темур вазирлар тўрт фазилатга эга бўлишлари шартлигини таъкидлайди: 1) аслик, тоза наслик ва улуғворлик; 2) ақлу фаросатлилик; 3) сипоҳ билан раият аҳволидан бохабарлик ва уларга ғамхўрлик кўрсатиш: улар билан яхши муомалада бўлиш; 4) сабру бардош, мулойимлик.

Юқорида келтирилган сиёсий қарашларни истаганча яна давом эттириш мумкин, лекин, хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, шундай хайрли ишлар мустақилликка эришганимиздан сўнг Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсатнинг бир бўғинига айланди. Албатта бу ижобий ўзгаришларда юртбошимиз Ислом Каримовнинг ҳизматлари диққатга сазовордир.

Тоталитар тузум даврида сиёсат иқтисоддан устун қўйилган бўлиб, маълум маънода кўп жараёнлардан ажратиб қўйилган эди. Бу кўпгина салбий оқибатларга олиб келганлигига тарихимиз гувоҳдир. Собиқ Иттифокда олиб борилган ички сиёсат миллий урф-одатларга қарши қаратилган эди. Маҳаллий халқлар кадриятларини ҳисобга олиш ва уларнинг миллийлигини сақлаш, уларнинг маънавиятига, маданиятига ҳурмат билан қараш ва уларга муносабат салбий эди. Сиёсатнинг маънавият билан боғланиши тўғрисида ҳатто сўз юритилмас эди. Маълумки, маънавият жамиятнинг, миллатнинг, айрим бир кишининг ички ва ташқи ҳаёти, маданияти, руҳий кечинмалари, ахлоқий қобиляти, идрокини ифода этадиган тушунчадир. Сиёсатни ушбу мезонларни ҳисобга олмасдан туриб юритишнинг иложи йўқ. Уларни ҳисобга олгандагина, жамият, давлат ўз сиёсатини тўғри белгилаши мумкин.

Иккинчи саволни ёритишда, маънавиятни сиёсат билан боғлашда умуминсоний манфаатларни ҳисобга олиш биринчидан бўлса, иккинчидан, ҳар бир шахснинг, инсоннинг, гуруҳнинг маънавий жиҳатларини ҳисобга олиш ҳам керак. Маълумки, дунё тарихида шундай шахслар ўтганки, уларнинг айримлари мамлакат аҳолиси учун хизмат қилган. Аммо хизмат қилиш турлича бўлган. Масалан, Герман мамлакати фашизм вакиллари фақат ирқий муносабатларни сиёсат билан аралаштириб, дунё аҳолисининг тинчлигини бузган ва ўз аҳолисига шу йўл билан хизмат қилган эдилар.

Мамлакат учун адолатли сиёсат халқ ютуғидир. Адолатли сиёсатнинг қарор топиши қабул қилинаётган қонунларда, олиб бориладиган тўғри сиёсатда ўз аксини топади. Демак, сиёсатнинг, адолатнинг кучи юксак маънавиятда десак хато бўлмайди. Юксак маънавиятли киши ўз билими билан барча жараённи қамраб олади. Қонун-қоида, маданият, урф-одат, кадриятлардан юксак маънавиятли кишигина ўз ўрнида фойдаланади. XIX асрнинг иккинчи ярмидан то XX аср сўнгигача республикаимиз ҳаётида шундай воқеалар ҳам бўлдики, улар халқимиз хотирасидан асло ўчгани йўқ. Саховат ниқоби остида халқимизга нисбатан кўпгина ёвузликлар қилиндики, тилимизга, динимизга, урф-одат, кадриятларимизга, натижада бу ўзбек халқи шаънига салбий таъсир этди.

Зўравонлик сиёсатида кўпроқ ижтимоий манфаатлар ётади. Бу халқни моддий ва маънавий жиҳатдан талон-тарож қилиш зўравонликнинг негизидир. Таъкидлаш лозимки, чор Россияси, кейинроқ компартия сиёсий бюроси аъзолари ўлкаларда маънавий-маданий тарқоқликни кучайтиришга, ерли миллат халқларини тутқунликда сақлашга интилдилар. Улардан чиққан олим ва буюк кишиларни назардан четда қолдирдилар. Илм маърифатли бўлишга зимдан қаршилиқ қилдилар. Улардаги ижобий томонлар ҳисобга олинмади. Натижада бу маҳаллий халқларга, жумладан, ўзбек халқи маънавиятига салбий таъсир кўрсатди. Маънавий мерос бутунлай камситилди. «Пролетар маданияти», «Маданият ва маънавиятга партия раҳбарлиги», "шаклан миллий, мазмунан социалистик маданият", «миллий маданиятларнинг бир-бирига яқинлашуви ва келажакда қўшилиб кетиши» каби келажакга йўқ ғоялар халқларга мажбурлаб сингдира бошланди. Рус тили ва рус маданиятини Ўрта Осиё халқларига зўрлик билан сингдиришга уриниб кўрилди.

Туркистон ўлкасини босиб олишда жонбозлик кўрсатган чор генерал-губенатори М. Скобелев сўзларида яққол кўрамиз. Унинг: «Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас. Унинг маданиятини, санъатини, тилини йўқ қилсанг бас, тез орада ўзи таназзулга учрайди»,-деб айтиши ашаддий душманлик сиёсати эди. Бундай ёвуз сўзлар Скобелев сингари кимсалар томонидан фақат бир марта эмас, балки минглаб маротаба айтилганлигига ишончимиз комил. Бунга мисол қилиб, XX асрнинг 80-90 йилларидаги «ўзбеклар иши», «рашидовчилар» ҳақидаги фикрларни олса ҳам бўлади. Маънавият ва сиёсат шахслар ва давлатнинг муҳим иш юритиш ҳислатларини қамраб олади. Уларни ўз ўрнида тушуниш, уларнинг илмий моҳиятига эътиборни қаратиш амалий фаолиятда ютуқлар гаровини белгилаб беради.

Республикаимизда демократик жамият ва ҳуқуқий давлат қуриш соҳасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жаҳон жамоатчилиги томонидан тан олинган беш тамойилнинг бири айнан қонун устуворлиги билан боғлиқ. Фуқароларнинг эрки, ҳуқуқлари, бурчлари, эркинликлари даражаси жамиятнинг демократлашуви сифатини ифода этади. Бу жараёнлар адолатли жамият фуқароларининг маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий ривожланганликларига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Ҳуқуқий давлатнинг моҳиятини инсонпарварлик ташкил этади, унинг моҳияти шундаки, ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаи халқ ҳисобланади, бу давлат ўзининг миллат ва элатларига тенг сиёсий ҳуқуқларни, ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий ривожланиши учун тенг имкониятларни қафолатлайди, миллатпарастлик, ирқчилик, шовинизм, халқларнинг ҳуқуқларини чеклаш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қатъиян қаршилик боради. Шубҳасиз, бу тамойиллар ҳуқуқий давлатнинг маънавий табиатини акс эттиради.

Мамлакатимизда демократик жамият қуриш халқимизнинг неча минг йиллик тарихий ва маънавий тараққиётининг, миллий давлатчилигимиз негизларини, буюк маданиятимиз, маънавий меросимиз илдизларини, миллий хусусиятларимиз ва бой анъаналаримизни ўзида акс эттиради. Демократик жараённинг индивидуализм фалсафасига таянувчи, инқилобий ўзгаришларга мойил ғарб намунаси Ўзбекистон учун унчалик тўғри келмайдиган. Шарқ фалсафаси ва ислом дини таълимотларини акс эттирувчи ҳамжиҳатлик ғояси ва жамоатчилик фикрининг устуворлигига таянувчи Шарқона демократик кадриятлар Ўзбекистон учун асос қилиб олинди. Ўзбекистонда шовинизм-шовинистликка йўл қўймасдан, одамларнинг тафаккури ва ижтимоий савияси билан демократик ўзгаришлар даражаси ва суръатлари бир-бирига қанчалик мутаносиб эканлиги ҳисобга олинмоқда.

Ўзбекистон янги жамият қуришда адолат ва ҳақиқат ғоясига асосланмоқда. Республикаимизда одамлар ўз қобилият ва эҳтиёжларини тўла намоён қилиш ва амалга оширишлари учун зарур бўлган дастлабки тенг имкониятларни, шу жараёнда вужудга келтирадиган ҳуқуқий механизмни яратишга катта эътибор берилди. Негаки бусиз адолатли жамият қуриб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар. Ҳар бир фуқаро яшаш, шахсий даҳлсизлик, турар жой даҳлсизлиги, бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, сўз ва эътиқод эркинлигига эга бўлиб, бу ҳуқуқлар давлат томонидан ҳимоя қилинади. Фуқароларнинг истаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқи қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, фуқароларнинг динга муносабати Ўзбекистон Республикасининг "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида" ги қонуни билан тартибга солинади, ҳамда уларнинг даҳлсизлигини таъминлайди.

Фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ёки ўз вакиллари орқали иштирок этиш, митинглар, йиғилишлар ва намойишларда қатнашиш, сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳуқуқига эгадирлар ва улардан фойдаланмоқдалар.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатловчи ҳуқуқий механизм яратилди. Парламент томонидан фуқароларнинг ҳуқуқларини акс эттирувчи, ҳимоя қилувчи, уларнинг турли соҳалардаги фаолиятини тартибга солувчи қонунлар, Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди. Улар фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳуқуқларини амалда таъминлашга хизмат қилмоқда.

Маънавият ва ҳуқуқ ўртасидаги ўзаро алоқадорликнинг уйғунлигини таъминлайдиган мезон инсон ҳақ-ҳуқуқларининг кафолатланишидир. Инсон мана шу асосда ўзининг моҳиятини чуқур ҳис этади, ўзи, жамият олдидаги масъулияти, фуқаролик бурчларини тўла англаб этади, фаолият кўрсатади. Давлат томонидан қабул қилинган ва жамиятдаги кўпчиликнинг иродасини ифодалайдиган қонунларга ҳурмат, бўйсуниш, ижтимоий ва шахсий фаолият кўрсатиш учун маънавий масъуллиги таркиб топади.

Маънавият ва ҳуқуқ муштараклигининг яна бир жиҳати ҳуқуқий имтиёзлар ва ахлоқий бурчларнинг кафолатланишидир. Кишиларнинг ҳуқуқий ва ахлоқий онги инсон маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутати. Ҳуқуқ ҳам, ахлоқ ҳам улар фаолиятини бошқариб туради. Инсоннинг ҳалол, пок, номусли, ўзига талабчан, жамоатчиликнинг фикрини ҳурмат қилиш каби фазилатлари ҳуқуқий маданиятнинг маънавий негизи саналади. Албатта, инсоннинг аксилмаънавий фаолиятини баҳолаганда, ахлоқ ҳам, ҳуқуқ ҳам ўзига хос муносабат билдиради.

Маънавият ва ҳуқуқнинг ўзаро муносабатлари ҳақида гап борганда, маънавий фаолият ҳодисаларини ҳуқуқий кафолатлаш масаласи ҳам келиб чиқади. Жамиятимизнинг маънавий қиёфасини белгилаб берадиган барча ижодий меҳнат соҳалари ҳам қонун ҳимоясида бўлиши керак. Ҳозирги дунёда ҳамма нарса уйғунлаштирилган. Жамиятнинг бирёқлама, технократик ривож и миллат салоҳиятини пасайтириб юбориши, оғир ижтимоий, маънавий ва сиёсий йўқотишларга олиб келиши мумкин ва олиб келмоқда ҳам.

Маънавият ва ҳуқуқ ўртасидаги алоқадорликнинг ўзига хос синтезини ҳуқуқий маданият тушунчасида кўришимиз мумкин. Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий давлат қуришдан кўзланган мақсад остида ҳар бир инсоннинг ўзини шахс сифатида ҳис қилиши учун ижтимоий макон ва имконият яратилиши ётади. Ҳар бир шахс ўз фикрининг шу мамлакатда эътиборга олинishiга, унинг фикри маълум масалаларни ҳал қилиши мумкинлигига ишонч ҳосил қилиши ҳуқуқий давлат яратадиган имкониятдир.

Президентимиз И.А.Каримов сиёсий-ҳуқуқий муносабатларда, инсон ва давлат ўртасидаги ўзаро алоқаларда инсон манфаатлари устувор бўлишини алоҳида таъкидлайди.

Халқнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳақида тўхталар экан, қуйидагиларни алоҳида таъкидлайди: Ҳуқуқий маданият даражаси фақатгина қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас. У қонунларга амал қилиш

ва уларга бўйсунитиш маданиятидир. У одил судни ҳурмат қилиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш эҳтиёжи демакдир. Ҳуқуқий маданият дегани турли можароларни ҳал қилишда қонунга ҳилоф кучлардан фойдаланишни рад этиш демакдир.

Дарҳақиқат, ҳуқуқий маданият, унинг моҳияти ва мазмунини маънавийсиз тушуниш мумкин эмас. Бинобарин, ҳуқуқий маданият асосида миллий одоб, ахлоқ, анъаналар тарғиб этилади, юридик тушунчаларнинг мазмуни очилади, кишиларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тамойили акс этади, тан олинган ҳуқуқ-тартибот қоидаларини онгли равишда бажаришга даъват ётади. Жамият, давлат, оила ҳамда фуқаролар манфаатларининг муштараклиги негизида барча шахсларнинг қонунларга бўйсунитиш яшашлари, халқ иродасининг ифодаси бўлган қонунларда белгиланган тартибда фаолият кўрсатишлари, яшашлари ифода этилади.

Ҳуқуқий маданият маънавийга нисбатан тор тушунчадир, чунки маънавийда ҳуқуқий тамойиллардан ташқари яна жамият, шахс, миллатнинг ички дунёси, руҳий кечинмалари, ақлий қобилиятлари, идрок ва малакалари мужассам этилади.

Ўзбекистонда фуқаро ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан боғланган. Давлат ўзининг фуқаролар олдидagi вазифаларини бажармоқда. Фуқароларнинг эркинликлари ва ҳуқуқларини амалда ҳимоя қилмоқда. Шунингдек, фуқароларнинг ҳам давлат олдидagi бурчлари, мажбуриятлари белгилаб қўйилган. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Давлат ҳар бир инсон зиммасига тарихий, маънавий ва маданий меросни авайлаб асраш, атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, солиқ ва йиғимларни тўлаш мажбуриятини юклайди. Конституциянинг 52-моддасида "Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш - Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар" деб белгилаб қўйилган.

Конституция ва қонунларда 18 ёшга тўлган фуқароларнинг сайлаш ҳуқуқига эга эканлиги, Ўзбекистон Президенти сайлови, Олий Мажлис сайлови, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлови умумий тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиши мустаҳкамлаб қўйилган. Ҳар бир фуқаро сайловчи бир овозга эга. 35 ёшдан кичик бўлмаган фуқаро Ўзбекистон Республикаси Президенти, 25 ёшга тўлганлар Олий Мажлисга, 21 ёшга тўлганлар вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига депутат этиб сайланиш ҳуқуқига эга. Фуқаро бир вақтнинг ўзида иккидан ортиқ вакиллик органларининг депутати бўлиши мумкин эмас.

Сайловчилар умумхалқ овозига қўйилган қарорларни, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодларни ва ҳокимиятнинг вакиллик органларига кўрсатилган номзодларни ёқлаб ёки уларга қарши овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар. Сайлов комиссиялари ошкоралик асосида тузилади. Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари суд йўли билан ҳимоя этилади. Демократик институтларнинг муҳим тармоғи бўлган эркин оммавий ахборот воситалари вужудга келди. Хусусан 2001 йилда республика оммавий ахборот воситалари тизимида 390 номда газета ва 110 номда журнал чоп этилди, 4 ахборот агентлиги, 50 дан ортиқ телерадиокомпания ва студиялар ишлади. Журналистларнинг эркин ижод қилиши, мамлакат равнақи йўлида хизмат қилиши учун шарт-шароитлар яратилди. Оммавий ахборот воситалари тўғрисида қабул қилинган қонунлар уларнинг "тўртинчи ҳокимият" даражасида фаолият кўрсатишига кўмаклашмоқда. Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она-юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Миллий анъаналаримиз, урф-одатларимиз ислом дини қоидалари, талаблари ва мезонлари асосида шаклланиб келган. Зеро яқин ўтмишимизда даҳрийлик сиёсати диний қарашлар ва қоидаларни ҳурофот деб, диний

ақидапараст дунёвий ишларни дахрийликка, худосизликка йўйиб, инсонларни эътиқодидан айириш ҳоллари рўй берди.

Учинчи саволни ёритишда талабаларни диққатига қуйидагиларга жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришганидан сўнг асрлар давомида халқнинг орзуси ҳисобланган миллий ва диний кадриятлар тикланди. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг бу борадаги ташаббуслари ва саъй-ҳаракатлари таҳсинга сазовордир. Зеро, маънавий-диний кадриятлар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни тасаввур эта олмаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 1991 йил 11 апрель ва 20 июндаги фармонларига биноан “Ийд ал-Фитр” (Рўза) ва “Ийд ал-Адхо” (қурбон) ҳайитлари юртимизда дам олиш кунлари деб эълон қилинди. “Қуръони Карим” бир неча бор нашрдан чиқарилиб, бир миллион нусхада чоп этилди. “Қуръони Карим”нинг ўзбекча изоҳли таржимаси мусулмонларга тўхфа этилди. Имом Бухорийнинг тўрт жилдлик “Ҳадислар китоби” ўзбек тилида нашр этилди.

Бугунги кунда республикада минглаб масжидлар фаолият олиб бормоқда. Хусусан, 1998 йилда уларнинг сони 3000 та бўлган бўлса, ҳозир эса 5000 дан ошиб кетган. Ҳар йили минглаб юртдошларимиз ҳаж сафарига бориш имкониятига эга бўлмоқдалар. Муқаддас умра ва ҳаж амалларини бажариб келмоқдалар. XX асрнинг 80-йилларида собиқ Иттифок бўйича ҳар йили 25-30 киши, 1991 йилда Ўзбекистондан 1500 фуқаро, 2000 йилда эса 4 мингга яқин фуқаро ҳаж зиёратига бориб келган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 6 мингдан ошиб кетди. Энг асосийси, бағрикенгликнинг муҳим омилларидан бири бўлган миллатлараро ва динлараро тотувлик таъминланди. Бугун Ўзбекистон Республикасида 17 диний конфессия, 300 дан ортиқ диний ташкилот фаолият юритмоқда. Юртимизда Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти, 9 та ўрта махсус ислом билим юрти ҳамда православ ва протестант семинариялари ишлаб турибди.

Мустақиллик йилларида буюк аجدодларимизнинг номлари қайта тикланди, уларнинг ҳоклари ётган масканлар муқаддас қадамжоларга айлантирилиб, янги меъморий обидалар барпо этилди. Халқимиз маънавиятининг буюк сиймолари бўлган алломаларимизнинг таваллуд топган тарихий саналари республика миқёсида ҳамда ЮНЕСКО билан ҳамкорликда мамлакатимизда ва халқаро миқёсда кенг нишонланди.

- 1991 йил – Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги;
- 1992 йил – Бобораҳим Машраб таваллудининг 350 йиллиги;
- 1993 йил – Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги;
- 1994 йил – Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги;
- 1996 йил – Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги;
- 1997 йил – Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон таваллудининг 100 йиллиги;
- 1998 йил – Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги;
- 1999 йил – «Алпомиш» достони яратилганининг 1000 йиллиги;
- 2000 йил – Бурҳониддин Марғинович таваллудининг 910 йиллиги;
- 2000 йил – Камолиддин Бехзод таваллудининг 545 йиллиги;
- 2001 йил – ««Авесто» яратилганлигининг 2700 йиллиги.
- 2007 йил – Самарқанд шаҳрининг 2700 йиллиги.
- 2009 йил – Тошкент шаҳрининг 2200 йилликлги кенг нишонланди.

1994 йил Мирзо Улубек таваллудининг 600 йиллиги, буюк соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейлари халқаро ЮНЕСКО ташкилоти томонидан кенг нишонланиши катта воқеа бўлди. ЮНЕСКО нинг Париждаги қароргоҳида "Темурийлар даври, фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши" мавзуида анжуман ва унга бағишланган кўргазма ўтди. Шунингдек, машҳур саркарда Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллиги, "Алпомиш" достонининг 1000 йиллиги кенг миқёсда нишонланди.

1997 йил 11 ноябрда Президентимиз И.А.Каримов томонидан «Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида»ги Фармон қабул қилинди. 1998 йили

Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги, Ахмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги жаҳон миқёсида кенг нишонланди. Юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуси ва бевосита иштироки билан буюк ватандошларимиз фикҳ илмининг билимдони, номи шарқ ва ғарбда машҳур бўлган Абул Ҳасан ибн Абу Бакр ибн Абдулжалил ал-Фарғоний ал-Марғиновий таваллудининг 910 йиллиги, калом илмининг асосчиси Имом Абу Мансур ал-Мотрудийнинг 1130 йиллик таваллуди кенг нишонланиши мамлакатимиз ва жамиятимиз маънавий ҳаётида улуг воқеалардир.

1997 йил Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик юбилейларининг ўтказилиши, 2001 йилдан эътиборан 31 август юртимизда “Қатағон қурбонларини ёд этиш куни” сифатида нишонланиши муҳим воқеалар сифатида эътироф этилди. 2007 йил қадимий, ўзига хос давлатчилик тарихи ва бой маданиятига эга бўлган мамлакат сифатида дунёга машҳур бўлган Ватанимиз – Ўзбекистонда ЮНЕСКО ташаббускорлигида Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги, Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейлари бир-бири билан уйғунлашиб кетди. Қатор йиллардан буён Самарақанд шаҳрида анъанавий равишда ўтказиб келинаётган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали ҳам қувончли бўлди. Ислом конференцияси ташкилоти АЙСЕКСО томонидан Тошкент шаҳрига 2007 йилда “Ислом маданияти пойтахти” деган ном берилиши ва шу муносабат билан амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган бекиёс ҳиссасидан далолат бермоқда.

Ватанимиз озодлиги йўлида шаҳид кетган Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир каби жасур шоир ва ёзувчиларнинг номлари, адабий-бадий мероси тикланиб, ҳурмати жойига қўйилди. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Тошкентда мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуаси, иккинчи жаҳон урушида жонини фидо этган халқимизнинг муносиб фарзандлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида “Хотира майдони” барпо этилди, 2001 йил май ойидаги фармонларига мувофиқ эса 31 август “Қатағон қурбонларини ёд этиш куни” деб эълон қилинди.

Жамиятимизда ислохотларни янада жадаллаштириш, ижтимоий-иқтисодий, маънавий ўзгаришларга эришиш учун ҳар йили янги йилни янгича ном билан аташ анъанага айланган. Жумладан 1997 йил юртимизда *«Инсон манфаатлари йили»*, 1998 йил – *«Оила йили»*, 1999 йил *«Аёллар йили»*, 2000 йил *«Соғлом авлод йили»* деб эълон қилинди. Шунингдек, 2001 йил – *«Оналар ва болалар йили»*, 2002 йил – *«Қарияларни қадрлаш йили»*, 2003 йил *«Обод маҳалла йили»*, 2004 йил *«Меҳр ва муруват йили»*, 2005 йил эса *«Сиҳат-саломатлик йили»*, 2006 йилни юртимизда *«Ҳомийлар ва шифокорлар йили»*, 2007 йил *«Ижтимоий ҳимоя йили»*, 2008 йил *«Ёшлар йили»*, 2009 йил *«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»*, 2010 йил *«Баркамол авлод йили»*, 2011 йил *«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»*, 2012 йил *«Мустақам оила йили»*, 2013 йил *«Обод турмуш йили»*, 2014 йил *«Соғлом бола йили»*, 2015 йил *«Кексаларни эъзозлаш йили»* деб эълон қилинди. Кўриниб турибдики, бу йилларнинг барчаси ўзининг чуқур инсоний маъно ва фалсафаси, ижтимоий йўналиши билан ўзаро узвий боғлиқ.

Республикаимизда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муҳим ишлардан бири "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик марказини ташкил қилиш ва уларнинг иш самарадорлигини оширишга қаратилган 1994-йил 23 апрелдаги Президент фармони республикада маънавий ва мафкуравий ишларни юксалтиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йилнинг 2 июнидаги республика маънавият ва маърифат кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги янги фармони мамлакатимизда маънавий-маърифий ислохотларни изчил амалга ошириш, миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини халқимиз онги ва қалбига сингдириш борасида улкан ишларни амалга оширишга қаратилган муҳим дастур бўлди.

Жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафкурани шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида

тарбиялаш мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотларнинг ҳал қилувчи омилидир. 2006 йил 25 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди.

Маънавиятга берилган таърифлар ичида маънавиятнинг руҳий, ахлоқий қадриятлар йиғиндиси эканлиги айтиб ўтилди. Унинг мафкура билан муносабатини алоҳида қараб чиқадиган бўлсак, мафкура кўпроқ жамиятнинг сиёсий соҳасини акс эттириб, шубҳасиз, маънавиятга асосланади. Маънавиятсиз мафкуранинг моҳиятини, руҳи ва табиатини билиш мумкин эмас. Шу маънода, мафкура маънавий фаолият маҳсули, жамият маънавий ҳаёти маҳсули ва, айти пайтда, маънавий ҳаётга ўз таъсирини ўтказадиган ва ўтказиб турадиган ғоявий омилдир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, миллий ғоя сифатида миллий истиқлол мафкурасининг асосий мақсади Ўзбекистонда чинакам инсоний жамият қуриш ва комил инсонни тарбиялашдан иборатдир. Бу мафкуранинг иқтисодий заминини мулк шакллариининг хилма-хиллиги, бозор муносабатларининг амал қилиши; ижтимоий асосини ижтимоий қатлам ва гуруҳларнинг эркинлиги ва тенг ҳуқуқлилиги; сиёсий негизини фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат тизимлари; ҳуқуқий омилини инсон эркининг қонунларда қафолатланиши ва мустақамланиши; маънавий таянчини ҳур фикрлилик, фикрлар хилма-хиллиги, дахлсизлиги, миллат ва халқ ҳамжиҳатлигининг гарови, жаҳон ҳамжамиятида халқимизнинг ҳар жиҳатдан мустақиллиги ва тенглиги ташкил этади.

Таянч сўзлар ва иборалар: сиёсат, тоталитар тузум, маъмурий буйруқбозлик, ҳуқуқий демократик давлат, ҳокимият, адолатпарварлик, фозиллик, таълим-тарбия.

Савол ва топшириқлар.

1. Маънавият ва сиёсат, уларнинг ўзаро боғлиқлиги нимада?
2. Буюк мутафаккирларимиз маънавият ва сиёсат ҳақида қандай фикрларни берган?
2. Маънавий тикланиш ва юксалишда давлат сиёсатининг ўрни қандай?
3. Ҳокимият бошқарув тизимида маънавий баркамол шахсларни жалб қилишда нималарга эътибор берилиши лозим?

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000.
2. Каримов И.А Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2003.
3. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Тошкент, “Маънавият” 2008.
5. Каримов. И.А. Тарихий хотира инсон омили- буюк келажакимизнинг гаровидир.– Тошкент: “Ўзбекистон”, 2012.
6. И.А.Каримовнинг “Мустақиллик- барча эзгу ва марраларимизнинг мустақам мезонидир” рисоласи бўйича ўқув-қўлланма. –Тошкент: Ўқитувчи 2013.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Ўрта асрлар шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти”. Ўқув қўлланма. Тошкент: 2014.
8. Умаров Э., Абдуллаев М. Маънавият асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент: “Cho’iron” номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи. 2006.
9. Имомназаров М., Саидов М. Миллий тараққиётнинг маънавий-ахлоқий асослари. Ўқув қўлланма. “Akademiyа”, Тошкент: 2005.

10. Абдурахмонов М., Отамуротов С. Маънавий салоҳият. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Университет. 2009.
11. Қуранбоев Қ., Абдурахмонов М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарини ўқитиш бўйича ўқув-услубий қўлланма. Тошкент: -2010.
12. Маънавият юлдузлари Муҳаррир Ф.Хасанов. –Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2011.
13. Иброхимов А. Бизким ўзбеклар. – Тошкент: Шарқ. 2011.
14. Давлат, жамият, оила ва ёшлар тарбияси муаммолари. Тошкент: 1997.
15. Зиёев Х. Истиқлол-маънавият негизи. “Маънавият”. Тошкент: 1999.
16. Қаҳҳарова Ш. Глобал маънавият- глобаллашувнинг ғоявий асоси. “Тафаккур” нашриёти. Тошкент: 2009.
17. Б.Эшов Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. – Тошкент: 2012.

Интернет маълумотлари

18. [www: mfa. uz.](http://www.mfa.uz)
19. <http://www.pacademy.edu.b>
20. <http://www.rags.ru/kaf/fi..>
21. [www. marifatars-inform.uz.](http://www.marifatars-inform.uz) маърифат журнали
22. [www/ natlub.uz](http://www.natlub.uz)
23. республика узбекистан [http:// www. gov.uz](http://www.gov.uz)

7- мавзу: Маънавиятда миллийлик ва умуминсонийлик

Режа:

1. Миллий маънавиятнинг асосий вазифалари.
2. Миллий маънавият ва умуминсоний маънавият узвийлиги.
3. Миллий маданий марказларнинг миллатлараро маънавий ҳамкорликнинг мустаҳкамлашдаги ва миллий маънавиятларнинг ўзаро бойишидаги ўрни.

Биринчи масалада қуйидагилар ёритилади. Маънавият қуйидаги турларга бўлинади.

Биринчиси – миллий маънавият, **иккинчиси** – минтақавий маънавият, **учинчиси** – умуминсоний маънавият.

Миллий маънавият – муайян элат, миллатга унинг аجدодларига хос бўлган ғоят қимматли маънавий бойликлардир.

Минтақавий маънавият – муайян жўғрофий минтақа миллатларига хос улар учун умумий бўлган маънавий бойликлардир. Масалан, Ўрта Осиё халқларининг маънавияти, шарқ ва ғарб маънавиятидаги муштараклик.

Умуминсоний маънавият бутун инсониятга, жаҳон халқларига тегишли бўлган маънавий ахлоқий бойликлардир.

Миллий маънавият тарихий ҳодиса бўлиб, у бир кунда, бир йилда ,балки бир асрда ҳам мукамал шаклланмайди. Миллий–маънавий камолот миллатнинг бутун тарихи давомида юз беради. Бунда у баъзан шиддат билан юксалиб борса, баъзан эса маълум даражада таназзулга юз тутиши ҳам мумкин. Миллат мавжуд экан, миллий маънавият бўлади. Миллий маънавиятни йўқотиш мумкин эмас. Миллий маънавиятда миллий ҳис, туйғу, руҳият муҳим ўрин тутди. Миллий маънавиятнинг асосий белги ва ўзаги миллий ахлоқ саналади. Ўрта Осиёга саёҳатга келган Герман Вамбери ўз асарида Олтин Ўрдадаги ўзбекларнинг мусулмонча тарбияланганини, савдо – сотиқда оғир–вазминлигини, оқ кўнгиллилик ва самимийлигини, камгаплигини, садоқатлилигини, довюраклигини, шинавандалигини, оилавий муносабатларда поклигини, мулоҳазалилигини, андиша билан тўғри сўзлашини, ота-онага ҳурмати ва эътиқоди кучлилигини, биринчи бўлиб

ўтирмаслик ва биринчи бўлиб сўзлашмаслигини, муғомбирликни билмаслигини, динга эътиқоди кучли бўлиб, бу жиҳатдан анатолиялик туркларга ўхшашлигини кўрсатган.

Умуминсоний маънавият бутун инсониятга, жаҳон халқларига тегишли бўлган маънавий бойликлардир. Умуминсоний маънавият узоқ ва яқин ўтмишдаги ҳозирда эса маънавий жиҳатдан жуда қимматли, инсон қалбида ўчмас из қолдирадиган, мангу яшайдиган, инсоният ижтимоий манфаати, эҳтиёжи учун хизмат қиладиган, уларни эзгуликка йўллайдиган маънавий бойликлардир. Умуминсоний маънавий бойликларга эса илм- фан, жумладан, фалсафий тафаккур ютуқлари, адабиёт ва санъат асарлари, кашфиёт ва ихтиролар, маънавий маданият дурдоналари, хурфикрлилик, умуминсоний ахлокий меъёрлар ва бошқалар киради.

Умуминсоний маънавият ўз ижобий аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайди, доим қадимий ва навқирон бўлиб тураверади. Улар умумбашарий маънавият деб ҳам юритилади. Инсон озодлиги, саломатлиги, ҳар бир шахснинг яшаш, билим олиш, кексайганда, ижтимоий ҳимояланиш имкониятлари каби маънавий масъулият ўз аҳамиятини доим сақлаб қолаверади. Миллий маънавият бўлмаса, умуминсоний маънавият йўқ, умуминсоний маънавиятсиз эса ҳозирги замон илғор миллатлари йўқ. Мустақил Ўзбекистон тарққиётида миллий маънавиятимиз бойликлари билан биргаликда умуминсоний маънавият бойликларидан фойдаланиш ва уларни диалектик боғлиқликда кўриш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчи саволда қуйидагилар алоҳида таъкидланади. Ҳар бир халқнинг маънавияти нафақат ўзининг миллий омиллари, шу билан бирга, умуминсоний қадриятларнинг таъсири натижасида ҳам амал қилади. Шу маънода миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлашнинг маънавий - ахлокий негизларидан бири умуминсоний қадриятларга содиқлик ҳисобланади-дея қайд этади Президентимиз И.А.Каримов. Дарҳақиқат, миллий маънавиятимизнинг сарчашмалари бошқа халқларнинг энг юксак қадриятларини ижодий ўзлаштириш анъаналари билан боғланади. Агар маънавиятимиз ва маданиятимиз тарихига шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, ўзбек миллий санъати, шеърляти, илми ўтмишда араб, форс, ҳатто юнон маданиятидан баҳра олганлигига гувоҳ бўламиз.

Демак, миллий ва умуминсоний маънавият тўғрисида гапириш учун етарли асослар мавжуд. Миллий ва умуминсоний маънавият ўртасидаги муносабат масаласи мазкур муаммони чуқурроқ билишга ёрдам беради.

Бу масала айримлик ва умумийликка хос белгилар ифодаланишининг алоҳида бир соҳаси ҳисобланади. Умумийлик нарса ҳодисаларнинг энг муҳим, муштарак алоқаларини акс эттиради ва у фақат айримлик орқали намоён бўлади, хусусийлик шаклига киради. Бошқа томондан, ҳар қандай айримлик маълум маънода умумийликдир, бинобарин, алоҳиданинг томони ёки моҳиятидир.

Миллий ва умуминсоний маънавият ҳақида сўз борганда ҳам, ана шу жиҳатлар бирлигини кўрамиз, Миллий маънавият муайян элат, халқ ва миллатга дахлдорликдир. Ҳар бир элат ва миллатнинг фақат ўзигагина хос бўлган, унинг миллий руҳияти, яшаш тарзи, тарихий анъаналари ва фикрлаш қобилиятлари табиатини ифодалайдиган маънавияти мавжуд. Чунки умумий, абстракт нарса-ҳодиса, шу жумладан, маънавият ҳам йўқдир. Маънавиятнинг миллийлиги масаласи, табиийки, унинг тарихан шаклланганлиги, миллий мазмун, колоритга эгалигидир.

Ўзбек халқининг миллий маънавиятини характерлайдиган, унинг ўзига хослигини кўрсатадиган хусусиятлар қуйидагилар: юксак инсонпарварлик, бағрикенглик, меҳмондўстлик, ҳамма миллат ва элат вакилларига иззат-ҳурмат кўрсатиш, катталарга иззат-икром, мулоҳазалилик, шарм-ҳаёлилик, ҳамдардлик, маҳалладошлик, болажонлик, ҳалоллик ва бошқалар. Буларни янада умумлаштирадиган бўлсак, маънавиятнинг хилма-хил жиҳат ва қирралари шаклида намоён бўлади: Ҳаё ва Андиша, Вафо ва Садоқат, Ўктамлик ва Ташаббускорлик,

Ҳиммат ва Саховат, Журъат ва Шижоат, Орият ва Ҳокисорлик, Босиклик ва Ҳилм, Фаросат ва Заковат, Балоғат ва Фасоҳат, Мардоналик ва Масъулият ва бошқалар.

Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий кадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онига она-юртга муҳаббат, истиклолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Миллий анъаналаримиз, урф-одатларимиз ислом дини қоидалари, талаблари ва мезонлари асосида шаклланиб келган. Зеро яқин ўтмишимизда даҳрийлик сиёсати диний қарашлар ва қоидаларни хурофот деб, диний ақидапараст дунёвий ишларни даҳрийликка, худосизликка йўйиб, инсонларни эътиқодидан айириш ҳоллари рўй берди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришганидан сўнг, асрлар давомида халқнинг орзуси ҳисобланган миллий ва диний кадриятларни тикланди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг бу борадаги ташаббуслари ва саъй-ҳаракатлари таҳсинга сазовордир. Зеро, маънавий-диний кадриятлар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни тасаввур эта олмаймиз.

Миллий ва умуминсоний маънавиятлар ўзаро боғланган. Улар бир-бирига таъсир этиб туради. Умуминсоний маънавият миллий маънавиятдан ўсиб чиқади, шунга қарамай, у мазмун жиҳатдан чуқур ва бойдир. Умуминсоний маънавият барча миллатлар, элатлар ва халқларнинг мақсад ва интилишлари бирлигини ва умумийлигини ифодалайди.

Миллатлар миллий маҳдудликда эмас, балки умуминсоний алоқалар асосида ривожланади ва жаҳон тараққиётига ўз ҳиссасини қўшади. Миллий манфаатларни, миллий маънавиятни умуминсоний маънавиятга қарши қўйиш мумкин эмас, м и л л и й манфаатлар баҳонасида миллатпарастликни тарғиб қ и л и ш миллатлараро муносабатларга салбий таъсир ўтказди.

Умуминсоний маънавият барча халқ ва элатларга хос бўлган, уларнинг инсоний фазилатларини ифодалайдиган анъаналар, урф-одатлар, и н т и л и ш л а р , ғоялар, соғлом фикр, юксак дид билан баҳолаш қобилияти, шу асосда қилинадиган ҳаракат, фаолият ва ҳ.к. бўлиб, ундан унумли фойдаланиш умумбашарий муаммоларни тўғри ҳал қилишга кўп жиҳатдан ижобий таъсир этади. Умуминсоний маънавиятларнинг устуворлиги айна вақтда миллий маънавиятнинг мустаҳкамланиб боришига ёрдам беради.

Жаҳон цивилизацияси тараққиётининг ҳозирги босқичида, бир томондан, миллий маънавият, иккинчи томондан, умуминсоний маънавиятнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида миллий муносабатларнинг халқаро муносабатлар даражасига кўтарилиши кузатилмоқда. Бу билан умуминсоний кадриятларнинг роли ҳам ортиб бораётир.

Миллий ва умуминсоний маънавиятнинг ўзаро боғланиб кетганлигини сиёсий ва маънавий соҳалардаги жараёнларда яққол кўриш мумкин. Республикамиз жаҳон иқтисодиёти билан ўзаро яқинлашиш мақсадида бозор муносабатларини танлаб олди ва шу йўлдан ривожланмоқда. Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўзининг миллий йўли орқали бораётганлиги диққатга сазовордир.

Бундай иқтисодий сиёсат ҳам республиканинг ҳамда инсониятнинг манфаат ва талабларига мос тушади. Шу сабабли кўпгина ривожланган мамлакатлар бизга хайрихоҳ бўлмоқдалар ва ўз ёрдамлари билан кўмаклашмоқдалар. Ўзбекистон Европа ҳамжамияти, Халқаро валюта ташкилоти, бошқа иқтисодий ташкилотлар ишида фаол қатнашмоқда. Республикамиз халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида БМТга аъзо бўлди.

Табиийки, ўзбек халқининг миллий маънавияти жаҳон тамаддунидан четда пайдо бўлган эмас. Маънавиятимиз, аввало, ўз заминида, қолаверса, умуминсоний маънавият ютуқлари таъсирида шаклланди ва камол топди. Айниқса, у Ҳиндистон, Хитой, қадимги Юнонистон, Рим маданияти ва жаҳондаги бошқа маданиятлар таъсирида яна бойиб борди, улардан маънавий озуқа олди. Ўз навбатида, ўзбек халқи маънавияти бошқа халқлар маънавиятига, Шунингдек, умумжаҳон маданияти равақига ижобий таъсир ўтказди.

Европа олимларининг таъкидлашича, Европа Шарқдан саводхонликни, аниқ фанлар ва уларни эгаллаш усуллари, деҳқончилик ва чорвачилик илмларини, денгизда сузиш хунарини, ҳарбий техникани, тасвирий санъат, меъморчилик сирларини, шеърӣ санъат жозибасини ўрганган. Шарқлик савдогарлар илк бор Осиё билан Европа ўртасидаги тижорат йўлларини очдилар. Бунга Буюк ипак йўли ёрқин мисол бўла олади.

Шарқликлар алгебрани дунёга келтирдилар, инсон қўлига табиатни очмоқ учун калит тутқаздилар, физиканинг барча бўлимларини шу калит ёрдамида очдилар. Алгебра, алгоритм илми бобокалонимиз ал-Хоразмий ижодий кашфиёти билан боғлиқ эканлигини эсласак, миллий ифтихор туйғуси жўш уради.

Миллий маънавият миллатчилик билан келиша олмайди. Миллатчилик маънавий қашшоқлик аломати, миллий онгнинг қусуридир. Миллатчилик, ўзга миллатларга, қолаверса, ўз миллатига хиёнат қилишдир. Ўзга миллат манфаатини инкор этиш, уларнинг қадриятини менсимаслик, уларни камситиш бўлиб, ижтимоий адоват туғдирадиган иллатдир. Шу маънода Президент И.А.Каримов маънавиятимиз ифодаси бўлган «миллий мафкурамиз ҳар қандай миллатчилик ва шунга ўхшаш унсурлардан, бошқа элат ва халқларни менсимаслик, уларни камситиш кайфияти ва қарашлардан мутлақо ҳоли» бўлишини алоҳида таъкидлайди (И. А. Каримов. Жамиятнинг мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. — Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 йил, 14-15-бетлар).

Миллий маънавиятнинг негизини миллий маданият ташкил этади. Миллий маънавият - жамиятнинг моддий ҳаётини акс эттиради. Унинг пайдо бўлиши ижтимоий муносабатлар, ижтимоий ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ. Шу маънода маънавиятнинг пайдо бўлиши к и ш и л и к жамиятининг энг қадимий даврларига бориб тақалади. Инсоннинг ҳар бир қадами маданиятнинг ривожини билан боғлиқ. Маданиятнинг ривожланиши маънавий жиҳатдан қанчалик ривож топганлигини билдиради.

Юқорида баён этилган фикр-мулоҳазаларга таянган ҳолда мавзуга қуйидагича хулоса қилиш мумкин. Аввало, ўқитувчи тарбиявий фаолиятни мунтазам йўлга қўйиши учун қуйидаги жараёнларни билиши керак:

- 1) миллий маънавият ва умуминсоний маънавиятнинг ўзаро муштараклигини;
- 2) миллий маънавият ғоялари асосида олий таълим тизимида талабаларнинг маънавиятини шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолият мазмунини ишлаб чиқа олиши, талабалар маънавияти шаклланганлик даражасини ўрганишга хизмат қилувчи мезонлар асосида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиши;
- 3) талабаларда ижтимоий фаолликни таркиб топтириш, уларда фуқаролик бурчини англаш ва ўзига нисбатан талабчанликни тарбиялаш, маънавий-маърифий ишларни демократик тамойиллар асосида ташкил эта олиши;
- 5) талабаларда умуминсоний ва юксак маънавият ҳамда илмий тафаккурни ривожлантира олиши;
- 6) маънавий-маърифий ишларни инсонпарварлик ғоялари ва ҳамкорлик педагогикаси тамойиллари асосида ташкил этиши.

Миллий ва умуминсоний ғояларни талабалар онгига сингдириш тарбиявий ишлар жараёнида амалга оширилади. Тарбиявий жараён олий ўқув юртларида ўзига хос моҳият касб этади. Олий таълим муассасаларидаги мутахассислар, таълим йўналиши ходимлари миллий ғоя билан қуролланган бўлиб, уни ҳар бир талаба онгига етказиш малакаларига эга бўлиши керак.

Ўқув юртларида тарбиявий жараённи ташкил қилиш асосига илғор миллий, маънавий-ахлоқий қадриятлар ва мезонлар ва бошқалар қўйилиши керак. Ўзбекистон жамиятининг миллий маънавияти, ўз моҳиятига кўра, халқимизнинг асосий мақсад-муддаоларини ифодаладиган, унинг ўтмиши ва келажагини бир-бири билан боғлайдиган, асрий орзу-истакларини амалга оширишга хизмат қиладиган ғоялар тизимидир.

Маънавиятнинг кишилик жамияти тараққиётида тутган ўрни ва инсонлар фаолиятига ижобий таъсири маънавият кишилик жамиятининг ҳар б и р ҳаракатида,

фаолиятида кўринади. Миллий маънавият — маънавияти юксак, ватанпарвар, донишманд шахслар фаолияти билан яратилади. Маънавиятни яратишда зиёлилар билан бир каторда тадбиркорлар, дипломатлар, сиёсий арбоблар, раҳбарлар, олимлар, бастакорлар, шоир ва ёзувчилар, назариётчилар, хуллас—халқ оммаси катта рол ўйнайди. Дунё тафаккури қаймоғи алоҳида шахслар тафаккурида жамланади ва у яна шу шахслар фаолияти орқали тарқалади.

Ҳар қандай жамият тараққиёти халқ дунёқарабини ҳисобга олган ҳолда, унинг манфаат ва эҳтиёжларини рағбатланиш негизидан ривожланади. «Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи халқимизнинг умуминсоний кадриятларга содиқлигидадир, - деб ёзади И.А. Каримов, — халқимиз адолат, тенглик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар бўйи асраб-авайлаб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтиришга эришиш учун зарур бўлган шарт-шароит яратишдир».

Учинчи саволда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор берилади. Миллатлараро муносабатлар соҳасида фаолиятни мувофиқлаштиришни янада такомиллаштириш, ўсиб келаётган авлодни миллий мустақиллик ғояларига содиқлик руҳида тарбиялаш, халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда яшовчи ҳар хил миллатлар ва элатлар вакиллариининг маданий ва маънавий эҳтиёжлари қондирилишига кўмаклашиш, миллий маданият марказларини ривожлантиришдан иборатдир. Ҳозирда Ўзбекистонда 100 га яқин миллий маданият марказлари мавжуд. Уларнинг асосий фаолиятида Ўзбекистондаги барча этник гуруҳлар учун, энг асосийси, Ўзбекистонни ўз ватани деб ҳис этиши, турли элатлар ва конфессиялар вакиллари ўзаро ҳурмат, тушуниш ва тўла келишувчанлик муҳитида фаолият кўрсатмоқлари, Ўзбекистон фуқаролари, уларнинг миллатидан қатъий назар, мустақил Ўзбекистондаги элатлараро келишув ва мослашувчанлик феномени давлатимиздаги барқарорлик ва фуқаролар тинчлигининг энг муҳим факторларидан бири эканлиги, фуқароларнинг миллатларидан қатъий назар уларнинг ҳуқуқий тенглиги, иқтисодий ва ижтимоий эркинлиги учун давлат томонидан барча шароитлар яратилганлиги, туб миллат бошқа этник гуруҳлар билан биргаликда умумижтимоий тафаккурни шакллантириш жараёнларини тезлаштириш ва рағбатлантиришнинг улкан салоҳиятини ташкил этиши, юзага келган миллатлараро муносабатлар эса тинчлик ва барқарорликни, ҳар бир оилага муносиб ҳаётни таъминлаш кафолати бўлиб хизмат қилиши, Ўзбекистондаги элатлараро ва конфессиялараро мутаносиблик ўзбек халқининг маънавий янгилиниши ва миллий тафаккурнинг ўсиши билан чамбарчас боғлиқ ҳолда жамиятнинг янгилиниши ва унинг демократиялашувида кучли туртки бўлиб хизмат қилиши, “республиканинг жаҳон ҳамжамоатчилиги билан интеграцияси учун қулай шароитлар яратади.

Таянч сўзлар ва иборалар: миллийлик, умуминсонийлик, минтақавий маънавият, умуминсоний маънавият, цивилизация, миллатлараро муносабат, байналминал маданият марказлари.

Савол ва топшириқлар.

1. Миллий маънавиятнинг асосий вазифалари нима?
1. Миллий маънавият ва умуминсоний маънавият узвийлигини изоҳланг.
2. Миллий—маданий марказларнинг миллатлараро маънавий ҳамкорликнинг мустаҳкамлашдаги ва миллий маънавиятларнинг ўзаро бойишидаги ўрни.
3. Миллат тушунчаси ва миллий ўзликини англашнинг моҳияти.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкуриси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000.
2. Каримов И.А Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2003.
3. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Тошкент, “Маънавият” 2008.
5. Каримов. И.А. Тарихий хотира инсон омили- буюк келажакимизнинг гаровидир.– Тошкент: “Ўзбекистон”, 2012.
6. И.А.Каримовнинг “Мустақиллик- барча эзгу ва марраларимизнинг мустаҳкам мезонидир” рисоласи бўйича ўқув-қўлланма. –Тошкент: Ўқитувчи 2013.
7. Умаров Э., Абдуллаев М. Маънавият асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент: “Cho’lpon” номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи. 2006.
8. Имомназаров М., Саидов М. Миллий тараққиётнинг маънавий-ахлоқий асослари. Ўқув қўлланма. “Akademiya”, Тошкент: 2005.
9. Абдурахмонов М., Отамуротов С. Маънавий салоҳият. Ўқув қўлланма. –Тошкент: Университет. 2009.
10. Иброхимов А. Бизким ўзбеклар. – Тошкент: Шарқ. 2011.
11. Куранбоев Қ., Абдурахмонов М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарини ўқитиш бўйича ўқув-услубий қўлланма. Тошкент: -2010.
12. Давлат, жамият, оила ва ёшлар тарбияси муаммолари. Тошкент: 1997.
13. Зиёев Х. Истиқлол-маънавият негизи. “Маънавият”. Тошкент: 1999.
14. Қаҳҳарова Ш. Глобал маънавият- глобаллашувнинг ғоявий асоси. “Тафаккур” нашриёти. Тошкент: 2009.

Интернет маълумотлари

15. www: press – service. uz.
16. www: mfa. uz.
17. <http://www.pacademy.edu.b>
18. <http://www.rags.ru/kaf/fi..>
19. www. marifatars-inform.uz. маърифат журнали
20. www/ natlub.uz
21. республика узбекистан [http:// www. gov.uz](http://www.gov.uz)

8-мавзу: Қадимги Марказий Осиё халқлари маънавиятининг шаклланиш жараёнлари

Режа:

1. Жаҳон маънавияти ва маърифати ривожига Марказий Осиё халқларининг қўшган ҳиссаси.
2. “«Авесто” ” – халқимиз диний, ахлоқий, илмий, адабий қарашларини ифода этадиган бебаҳо маънавий обида.
3. Ватан озодлиги, эрксеварлик, юртпарварлик, ватанпарварлик аждодларимизнинг маънавий фазилатлари эканлиги.

Биринчи саволда қуйидагилар ёритилади. Ўрта Осиё халқлари тарихи бир неча минг йилликларни ўз ичига олади. Эрамиздан аввалги биринчи минг йилликда бу ўлкада скифлар–массагет деб аталган халқлар истиқомат қилганлар. Уларнинг ўз маданияти, санъати, маънавий турмуши, ўзига хос маънавияти бўлган. Улар ўзларининг дунёқараши, урф- одатлари асосида ҳаёт кечирганлар. Демак, тарихий шароитлардан келиб чиқиб маънавий маданиятни ҳам шакллантирганлар. Дарёлардан суғориш ишларида фойдаланиш, ҳунармандчиликни ривожлантириш, маҳсулот айирбошлаш ва бошқалар

такомиллаштирилган. Булар ўша даврнинг маданиятига, маънавиятига таъсир этмай қолмаган.

Қишлоқ хўжалиги, хунармандчилик, савдо тараққий этиши шаҳарларнинг пайдо бўлишига туртки бўлган. Натижада шаҳар маданияти, маънавияти давр талабидан келиб чиқиб ўзгариб борган. Ўрта Осиё минтақаси ўша пайтларда ҳам иқтисодий-географик ва иқлим нуқтаи назаридан олсак, юксак маънавият ривожини учун қулай бўлганлигини қадимги манбалардан билишимиз мумкин.

Қадимги даврлардаёқ овчилик, балиқчилик, кейинроқ деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчилик анча ривожланган. Иқлим шароитидан келиб чиқиб, дастлаб табиий тошқин ва ёмғир сувларидан фойдаланилган бўлса, кейинроқ деҳқончиликда сунъий суғоришга ўтилган. Натижада ишчи кучи фаолияти ҳам ўзгарган. Бундай ўзгаришларнинг бўлганлигини Ўрта Осиёдаги турли жойларда олиб борилган археологик изланишлар тасдиқлайди.

Қадимда Ўрта Осиё ҳудудидида Бактрия, Хоразм, Сугдиёна, Марғиёна, Парфия, Амударёнинг қуйи оқими, Зарафшон воҳалари, Паркана (Фарғона) ва бошқа жойлар яшаш нуқтаи назаридан муҳим ҳисобланган. Шу сабабли бу ҳудудларда XX асрда кўплаб текширишлар олиб борилди. Жумладан, Хоразмда рус археологи С.П.Толстов, қуйи Зарафшон воҳасида академик Я.Ғуломов томонидан олиб борилган изланишлар кўпгина фикрларнинг шаклланишига ёрдам беради. Улар турли даврларга мансуб бўлган жуда қадимий шаҳарлар, қўрғонлар, мақбаралар, суғориш иншоотлари, турли хил истеҳкомларни очганлар. Тупроқ-қалъа, Кўзали Кир, Чуст, Далварзинтепа, Қизил қир, Варахша (Бухоро), Оқтепа (Тошкент) каби жойларда топилган турли буюм ва қолдиқлар ўша даврнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашда доимий ашё бўла олади.

Буюк тарихчи Геродот ўзининг “Тарих” номли асарида аждодларимиз массагетлар тўғрисида шундай фикрни билдирган: “Улар отлик ва пиёда жанг қиладилар, бу икки хил жанг усулини биладилар; улар ўқ-ёй, найза ва дудам, қалта қилич билан қуроолланганлар. Бу қуроолларни улар жездан ясайдилар, бош кийимлари, камарлари ва боғичларини олтин билан безайдилар. Отларнинг кўкрак қалқонини жездан ясайдилар. Юган, сувлуқ ва бошқа от жабдуқларига ҳам олтин қадайдилар”.

Ўрта Осиё халқлари антик дунё давридаёқ бошқа ўлкалар, қўшни мамлакатлар билан ўзаро ҳамкорлик соҳаларини яхши йўлга қўйганлар. Бу эса маънавиятнинг юксалишига ҳамда байналмилаллашига олиб келган.

Аждодларимизнинг Урал, Сибирь, Волга бўйи, Хитой, Ҳиндистон, Греция, Эрон, Сурия, Месопотамия, Вавилон, Миср мамлакатлари билан маданий алоқаларни ўрнатганлиги ўзларининг турмуш тарзини ўзгаришига, олиб келган. Шу маънода Ўрта Осиё Ғарб ва Шарқни боғлашда марказ бўлган, десак хато бўлмайди. Айниқса, Волга бўйлари, Ураолди, Жанубий Сибир, Қозоғистон, Эрон, Ҳиндистон мамлакатларининг ҳозирги маънавияти ва маданиятининг баъзи томонларини бизнинг маънавиятимиз ва маданиятимизга яқинроқ эканлигини сезиш қийин эмас. Эрамизгача бўлган биринчи минг йилликдан олдин ҳам Ўрта Осиё билан Хитой ўртасида иқтисодий ва маданий алоқалар вужудга келганки, бу аввало, Буюк Ипак йўли билан боғланган. Хулоса қилиш мумкинки, ўша даврлардаёқ Ўрта Осиё муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган ҳудуд ҳисобланган. Юксак маданият ва маънавиятнинг ривожланиши учун замин ҳисобланган.

Тарихдан маълумки, Ўрта Осиё қадимги даврда Хитойдан, Хитой эса Ўрта Осиёдан кўп нарсаларни ўзлаштирганлар. Айнан Хитой халқи пахтачилик, тоқчилик, виночилик, шиша қуйиш ишларини Ўрта Осиёдан ўрганган бўлса, Ўрта Осиё халқлари эса Хитойдан ипакчилик, қоғоз ишлаш, чинни буюмлар яшаш кабиларни ўрганганлар. Бундай ўзаро муносабатларни тарихий йилномалардан билиб олиш мумкин.

Шубҳасиз, ўша даврдаги иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатлар халқ оғзаки ва ёзма ижодиётига ҳам таъсир этмай қолмаган. Халқ оғзаки ва ёзма ижодиётнинг ўзига хос хусусиятларини ҳам ўша даврдан қолган ёдгорликлар асосида билиш мумкин.

Санъатлар ичида бадиий сўз санъати энг қадимий десак, хато бўлмайди. Аллоҳнинг инсонга берган неъматини ҳисобланган нутқ қадимги даврлардаёқ мукаммал характерда бўлган. Ўша давр маънавияти, сиёсати, мафкураси шу сўз санъати, нутқ асосида амалга оширилган. Меҳнат жараёни такомиллашиши билан бадиий сўзлаш ва ёзма ишлар ҳам пайдо бўлганки, халқнинг турмуш тарзи уларсиз ривожланиши мумкин эмас эди. Инсонлар ҳаёт тажрибаларини, табиат ва жамият ҳодисаларини образлар орқали характерлаш, баён қилиш кўникмаларини ҳосил қилганлар. Натижада турли ҳаёт турмуш тарзидан келиб чиқиб ривожланган. Хулоса қилиб айтсак, ёзув ва ёзма адабиётдан олдин оғзаки ижод пайдо бўлган ва ёзма адабиётнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган. Ўрта Осиё халқларининг оғзаки адабиёт ёдгорликларининг манбалари (баъзи бирлари) бизгача етиб келган. Буларга мисол қилиб Геродот, Ктезий, Полиэн, Харес Мителенский ва бошқа алломаларнинг асарларини олиш мумкин. Уларнинг асарларида халқ оғзаки ижодидан намуналар ёзиб қолдирилган.

Ўрта Осиё уйғониш даврида ва кейинроқ ижод этган тарихчилар Табарий, Масъудий, Беруний, Хондамир ва бошқалар асарларида ҳақиқий халқ оғзаки ижодиёти таърифланган ва тасвирланган. Қадимги оғзаки ижод ёдгорликлари: мифлар, афсоналар, қаҳрамонлик эпоси, кўшиқлар, лирик шеър ва бошқалардан иборатдир.

Шу соҳалардан қадимги Ўрта Осиё маънавияти ва маданияти, турмуш тарзини билиш, ҳамда хулосалар чиқариш мумкин. Жумладан, шулардан бири «Эрхубби» афсонасидир. Хубби образи орқали биз аجدодларимиз юксак маънавияти билан танишамиз. Гарчанд Хубби афсонавий қаҳрамон сифатида тасвирланган бўлгани учун ҳам маълум маънода ўтмишдаги инсоний хислатларни ўзида акс эттирган. У сув худоси сифатида, инсонларни ҳалокатдан қутқарувчи қаҳрамон, ватанпарвар сифатида тасвирланади. Бу қиссанинг қисқа мазмуни шундан иборат: “қадим замонларда Амударёда Хубби деган бир йигит яшаб, бир кўли билан балиқ тутиб, иккинчи кўли билан уни қуёшга тутар ва уни қуёш тафтида пишириб кун кечирар экан. Шу зайлда 700 йил яшаб дарёни кўриқлаган. Шу сабабли, дарёга бирор ёмон рух, ҳатто чивин ҳам дарёга йўлиқмас экан. Халқ эса сувдан фойдаланиб тинч-тотув, шод-хуррам яшар экан. Бирок Жамшид ҳукмронлиги замонасига келиб Хубби ғойиб бўлибди. Хубби йўқолгандан сўнг, унинг ўрнига онаси келиб, биринчи бўлиб дарёда сузадиган қайиқ ясабди. Одамларни дарёда сузишга, душманга қарши сувда жанг қилишларни ўргатибди. Лекин Хуббининг онаси ҳам йўқ бўлиб қолибди. Халқ эса уларнинг қаҳрамонликларидан фахрланган ҳолда узоқ йиллар ҳурматларини жойига қўйиб, ҳаёт кечирганлар”. Бундан кўриниб турибдики, ўша пайтларда ҳам яхшилик билан ёмонлик ўртасида зиддиятларнинг борлиги ва уларнинг олдини олиш йўллари ҳақида бош қотиришган.

Афсоналардан бири "Тўмарис" афсонасини оладиган бўлсак, унда қаҳрамонлик хислатлари ўз аксини топган. Тўмарис массагет қабиаларининг раҳбари, ҳукмдор аёлдир. У ўз фаолиятини мамлакат тинчлигига, барқарорлигига бағишлайди. Халқпарвар инсон сифатида майдонга чиқади. Аммо аҳмонийлар ҳукмдори Кир массагет қабиаларининг барқарор турмуш тарзига хавф туғдириб, аввало, Тўмарисга уйланиш шартин билан, массагетларни ўзига бўйсундирмоқчи бўлади. Тўмарис бунини сезиб қолади, таклифни рад этади ва ўз қаҳрамонлиги билан душманга зарба бера олади.

Ўлкамиздаги қоятош расмларнинг энг нодир намуналари Зараутсой, Сармишсой, Биронсой, Кўксарой, Такатош, Тераклисой қабиалар бўлиб, улар юздан зиёддир. Мазкур жойлардаги қоятошларда Ўзбекистоннинг қадимги ва ҳозирги ҳайвонот олами вакиллари расмларини кузатиш мумкин.

Республикамиздаги энг қадимги расмлар Зараутсойда бўлиб (Сурхондарё), бу расмлар мезолит-неолит, яъни, мил. авв. VIII-IV минг йилликларга оиддир. Қоятош расмлари орқали ўша давр одамларининг ов, меҳнат ва жанговар курулларини билиб олишимиз мумкин. Шунингдек, қоятош расмлар қадимги авлодларимизнинг ғоявий қарашлари ва диний эътиқодларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир. Ундан ташқари, қоятош суратлари мазмун ва манзараларининг бойлиги билан ажралиб туради ва улар кенг

тарқалади. Ушбу суратларнинг ишланиш услуби хилма-хил бўлиб, археологик ёдгорликларнинг бир тури ҳисобланади.

Ўрта Осиёда бронза даври мил. авв. III минг йилликдан I минг йилликнинг бошларигача бўлган даврни ўз ичига олади. Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, бронза асри учта катта хронологик даврга: илк, ривожланган ва сўнгги бронза даврларига бўлинади. Ўрта Осиёнинг шимолий ва шарқий ҳудудларида мавжуд бўлган бронза даври ёдгорликлари маданияти жанубий ҳудудлардаги ўтроқ маданиятдан ажралиб туради.

Ўзбекистоннинг жанубидаги бронза даври ёдгорликлари қадимги суғориш ҳудудлари - Улонбулоксой, Шеробод, Бандихон ва Миршодида топиб текширилган. Улар Сополли маданияти номи билан машҳурдир.

Сополлитепа марказидан тўртбурчакли истехком, истехком ичида турар-жойлар ва хўжалик хоналари, ҳунармандчилик устахоналари учта маданий қатламдан иборат эканлиги аниқланган. Сополлида қурилиш, ҳунармандчилик ва иқтисодий муносабатлар анча ривож топган. Ўчоқлар турар жой хоналари ичидаги девор ичига ўрнатилган. Асосий қурилиш ашёси пахса ва хом гиштдир.

Қадимги даварларда илк тасвирий санъатнинг пайдо бўлиши ҳам қадимги аждодларимизнинг маънавий маданияти дурдонаси ҳисобланади. Ушбу маданият тури Ўрта Осиёда ибтидоий даврлардаёқ шаклланган бўлиб, унгурлар ва қоятошларга ишланган расмлар мезолит даврида пайдо бўлган. Неолит даврига келиб, бу санъат янги асосда ривожланиш босқичига ўтади. Калтаминор, Ҳисор, айниқса, Жойтун маданиятига мансуб ёдгорликлардан ибтидоий санъатнинг намуналари топилган. Ўтмишнинг хилма-хил ёдгорликлари орасида муҳим аҳамиятга эга бўлган ва Ўрта Осиёнинг тоғлик туманларида кенг тарқалган қоятош расмлари диққатга сазовордир.

Ўлкамиздаги қоятош расмларнинг энг нодир намуналари Зараутсойдан топилган (Сурхондарё). Улар мезолит, неолит даврларига оиддир. Топилган қоятош расмлари ўзига хос санъат асари бўлиб, улар орқали биз ибтидоий ва қадимги одамларнинг санъати, эстетик истеъдоди, маънавияти ўша давр нуқтаи назаридан юқори даражада бўлганлигини билиб олишимиз мумкин. Ўрта Осиё ҳудудларида ёзувнинг кашф этилиши бошқа минтақалар қатори, бу ерда ўз даврида маънавий маданиятнинг, хусусан, ёзма маданиятнинг шаклланишига туртки бўлганлиги шубҳасиз.

Диний эътиқодлар ҳам маънавий маданият намунаси ҳисобланади. Улар кўпхудолилик, яъни политеизм (юнонча “poly” кўп, “theos” худо)-кўпхудоликка амал қилганлар. Политеизм ибтидоий давр одамларига хос бўлиб, унда ҳар бир қабила ёки уруғнинг ўз худоси ва эътиқод шакли мавжуд бўлган (фетишизм, анимизм, шомонлик, тотемизм ва бошқ.). Инсоният жамияти тараққий эта борган сари ибтидоий одамлар кўп худоликдан яккахудолик динларига ўта бошлаганлар. Бу ишлаб чиқарувчи хўжалик шаклининг пайдо бўлиши натижасида ибтидоий жамоа тузумининг емирилиб, синфий жамият ва давлатчилик босқичига ўтиш жараёни билан бир вақтда содир бўлган.

Иккинчи саволда қуйидагилар ёритилади. Ватанимиз тарихини ўрганишдаги дастлабки ёзма манба сифатида зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто» ҳам катта аҳамият касб этади. «Авесто»нинг ватани Хоразм эканлиги фанда аниқланди. «Авесто» ва зардуштийлик динининг асосчиси Зарадуштра (Зардушт, юнонча Зороастр) пайдо бўлган ва фаолият кўрсатган ҳудуд ҳақида «Авесто»да келтирилган географик ҳудудларни ўрганиб хулоса чиқарган кўпчилик ҳозирги тадқиқотчилар Ўрта Осиё ёки ҳеч бўлмаганда бу ҳудудга қўшни бўлган шимоли-шарқий Эрон деган фикр билдирадilar. Умуман олганда, «Авесто»нинг ватани Хоразм ёки Бактрия деб ҳисобловчи олимлар кўпчиликини ташкил этади. Аммо кўпчилик олимлар унинг ватани Хоразм эканлигини исботламоқдалар.

«Авесто»ни француз олими Анкетил дю Перрон биринчи бўлиб тадқиқ этган. 1755-1761 йилларда дю Перрон Ҳиндистоннинг Гужарат вилоятида эрон зардуштийларининг авлодлари-парсларнинг урф-одатлари ва диний маросимлари билан танишиб чиқади ҳамда 1771 йилда «Авесто»ни француз тилига таржима қилади. Дастлабки «Авесто» 21

наск (китоб)дан иборат бўлган. Бу ҳақда “Тарихи Балъамий”да ҳам аниқ маълумот мавжуд. Македониялик Искандар Эронни босиб олгач, “«Авесто»”нинг “дижнабишт” – архивда, оташкада, хазиналарида сақланаётган энг нодир нусхасини таржима қилдириб олиб, ўзини ёктириб юборади. Гуштасп хазинасидаги “«Авесто»” нусхасининг тақдири ҳамон номаълумлигича қолмоқда. Шопур 11 даврида муъбадларнинг муъбади Озорпод Меҳроспандон “«Авесто»”нинг пароканда қисмларини тўплайди ва “Зенд «Авесто»” китобини яратади. Бизгача «Авесто»нинг Ясна - "қурбонлик келтириш", Виспарад - "Ҳамма ҳукмронлар", Яшт - "қадрлаш", Видевдат - "девларга қарши қонун". Вендидод қисмлари сақланиб қолган. Бу қисмлар Сосонийлар даврида (III-VI асрлар) таҳрир қилинган.

“Авесто” да аҳмонийларгача бўлган географик, ҳудудий номлар, атамалар, ижтимоий-иқтисодий маълумотлар, сиёсий тарих, диний фалсафа ва турли маълумотлар сақланган. Унда жумладан шундай дейилади: "О, Спитама Заратуштра, яшайдиган жойларга, бу ерларга бахтлиқ қанча кам бўлса–да, тинчлик тортиқ қилдим. Биринчидан, одамлар яшаши учун энг яхши мамлакатни, Вани Датё дарёсидаги Арёнам Вайжога (Эрон текислиги ёки арийлар ўлкаси) асос солдим.

Иккинчидан, мен, Ахурамазда, энг яхши мамлакатлар ва ўлкалардан бўлган Гава Сўғда (Сўғдиёна) маконига асос солдим.

Учинчидан, мен, Ахурамазда, энг яхши мамлакатлар ва ўлкалардан бўлган қудратли Моуруга (Марғиёна) асос солдим.

Тўртинчидан, мен, Ахурамазда, энг яхши мамлакатлар ва ўлкалардан бўлган, баланд байроқлари бўлган ғўзал Бахдига (Бақтрия) асос солдим".

«Авесто»да тилга отинган жуда кўплаб мамлакатлар - Ўрта Осиё ва Ўрта Шарқ, Афғонистон, Эроннинг шимоли-шарқий ҳудудлари билан боғлиқдир. Яшт қисмлари арийларнинг ерлари ҳақида қуйидагича эълон қилади: "У мамлакатнинг жасур сардорлари кўпдан кўп ҳарбий юришлар қилади. Унинг кенг яйловларга эга, сувга сероб тоёларида чорва тинч ўтлов ва емиш билан таъминланган, бу ердаги серсув чуқур кўллар тўлқинланиб туради, кема қатнайдиган кенг дарёларнинг оқими Поурутадаги Эскта, Харавайдаги Моуру, Сўғдадаги Гава ва Хваризам томонига тошиб интилади".

«Авесто» маълумотларига кўра, эроний сулолаларидан бўлган Каёнийлар сулоласининг сўнгги вакилларида бири Кави Виштасп пайғамбар Заратуштрага ҳомийлик қилади. Заратуштра яшаб фаолият кўрсатган давр ҳақида аниқ фикр йўқ. Тадқиқотчилар бу даврни мил.ав. II минг йиллик ўрталаридан милодий I минг йиллик ўрталаригача белгилайдилар.

Бундан 2700 йил аввал юртимизда яратилган бу нодир китоб аجدодларимизнинг биз авлодларга қолдирган маънавий ва тарихий меросидир. Айни замонда «Авесто» бу қадим ўлкамизда буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдир. «Авесто» ҳозирча маълум бўлган нусхаси 21 наск-китоб (қисм) дан иборат. Улардан 7 китоб худолар, коинотнинг пайдо бўлиши ва инсоният тарихига доир; кейинги 7 китоб ибодат масалалари, дин дастурлари, халқнинг яшаш тарзини ифода этади; охирги 7 китобда тиббиёт, астрономияга доир маълумотлар жамланган. «Авесто»да дунёнинг яратилиши, инсоннинг халқ бўлиб камол топиши, эзгулик учун ёвуз кучлар билан кураши, эркинлик, ижодкорлик ва бунёдкорлик йўлидаги орзулари ўз ифодасини топган. Шунингдек, бу китобда таъкидланишича, дунё икки қисмдан ташкил топган: яхшилик ва ёмонлик. Булар ўртасида азалдан кураш кетади. Масалан, нур билан қоронғулик, ҳаёт билан ўлим, эзгулик билан ёмонлик, қонун билан қонунсизлик ўртасида. Зардуштийлар ҳаётининг асосий мазмуни эзгу сўз, эзгулик, эзгу ният ва адолатли ҳаёт тарзидан иборат бўлган. Инсоннинг асосий бурчи адолатли турмуш тарзи бўлмоғи лозим. Яхшиликнинг ёмонлик устидан ғалаба қилишини кўзлаб яшаши керак: ёлғон гапирмаслик, сўзнинг устидан чиқиш, фақат яхшилик қилиш. «Авесто» фақат одамгина эмас, балки бир ҳовуч тупроқ, бир қултум сув, бир нафаслик ҳавонинг ҳам муқаддас эканлигини эътироф этади. «Авесто» ернинг дарёлару боғлар, тоғлару булоқлар, кўлу

сахролар, оту туялар уюри, молу итлар, ўсимлигу гиёҳларнинг бунёд этиш тарихига доир асар бўлиб, оташпарастрлар учун инсон ҳаётининг моҳияти ҳалоллик ва покликдан иборат бўлган. Инсон «Эзгу фикр» ва «Эзгу амал» орқали ёмонлик билан курашади. «Авесто» кўрсатмаларида моддий неъматларни кўпайтириш ёмонлик кучларини синдириш воситаси ҳисобланган. «Авесто» китобида — табиат ва инсон муносабати, экологик тарбияга алоҳида эътибор қаратилган. Унда табиатга салбий таъсир қилувчи ҳар қандай ҳаракатлар қаттиқ қораланган. Чунки “«Авесто»”да якка худо Ахурамазда бутун борлиқни ва ундаги ўн олти мамлакатни, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини, сув ва водийларни инсон учун яратгани айтилган. Зардуштрлар ўзларини тирик одамнинг бир қисми деб билиб, барча ҳаракат ва интилишларни у билан боғлиқ деб тушунганлар, табиат ва коинотдаги ҳодиса нарсаларни муқаддаслаштирганлар. Қуёш, ер, олов, сув маъбудалари — Митра, Анахиталар шулар жумласидандир. Шунингдек, «Авесто»да икки олам яратувчиси деб эълон этилувчи Ахурамазданинг ёрдамчилари орасида ўсимликларни, ҳайвонот дунёси ва ер ости бойлиқларини ёвуз кучлардан ҳимоя қилувчи илоҳий ҳомийлар ҳам бўлган. Буларда Сиента — ерни, Харвалат — сувни, Амерэатт — ўсимликларни, Хшатра — маъданларни муҳофазалайди, деб тушунтирилади. Айниқса, ҳаёт манбаи бўлган сувни эъзозлаш ва қадрлашга алоҳида эътибор берилади. Ардвисура (Амударё) тимсолида унга махсус бағишлов битилган. Амударё сувлари ҳамма сувлардан улуғ, муқаддас ҳисобланиб, «сувлар устидаги сувлар» деб таърифланади. Дарёни асраш, табиат кўркини сув билан боғлаш анъанаси ана шундай вужудга келган. «Авесто»да тасвирланишича, замон ва инсон ҳаёти «кенг яйловлар, чуқур кўллар, серсув дарёлар, тоғу ўтлоқлар» билан бевосита алоқадордир. Боиси — ер инсонни боқади, унга саховат бағишлайди. Шунинг учун зардуштийлар «ўт-ўланлар ва мевали дарахтлар экилган, сувлари ҳамиша равон бўлган заминни энг яхши ер» билиб, уни эъзозлашган. Ерни ифлос қилган, уни сақлаш қонунларига ҳилоф иш тутган шахслар жазоланган. Жамоа аъзолари болаликданок дарахт ўтказишга, уни парваришлашга, кўкаламзорлаштиришга, боғ-роғлар барпо этишга, ариқ ва ҳовузларни ифлос қилмасликка ўргатилган. Бу ишга фақат ноз-неъмат, ризқ-рўз эҳтиёжи деб эмас, балки элпарварлик, меҳнатсеварлик, маънавий комиллик, бунёдкорлик ғояларини сингдириш воситаси сифатида қаралган. Сувга тупуриш, экинни пайҳон қилиш, ҳайвонлар ва қушларга озор бериш, оловни тепкилаш катта гуноҳ ҳисобланган. Озодаликка интилиш, диний маросимларни ўтказишда ишлатиладиган идишларни ювиб, саранжом-саришта қилиш ҳам зарур эди. Чунки озодалик, тозалик турли-туман ифлослик ва ёмонликлардан кишини асрайди деб тушунилган. Бундай одатларнинг ҳозир ҳам ўзгача тасаввурлар қанотида бизгача етиб келганини кўрамиз. Она ва момоларимиз кечкурун ишлатилган қозон ва идиш-товоқларни ювиб-тозалаб, ҳар қандай шароитда ҳам уларни эрталабга ювуқсиз қолдирмайдилар. Бунини ниҳоятда ҳосиятсиз нарса деб биладилар. «Авесто»да ривоят қилинадиган воқеаларда ибтидоий одамлар даражасидаги қавмлар кун ва туннинг, ҳаёт ва ўлимнинг алмашуви, яхшилик ва ёмонликнинг барқарорлигини кундалик ҳаётларида идрок эта бошлаганлар ҳамда бундай қонуниятнинг асл моҳиятини белгиловчи аллақандай куч-ирода мавжудлигига ишонганлар. Бу гумонни тарқатувчи ишонч, ўлимни енгувчи ҳаёт нафаси тарзида ўз тасаввурларида Ахура-Мазда каби яхшилик, ёруғлик ва эзгулик амалларининг тимсолини яратганлар. Ахура-Мазда зардуштийлик эътиқоднинг олий тангриси, «донишмандлик худоси» маъносини англатади. Пайғамбар Заратустра дунёнинг пайдо бўлиши ва ундаги ҳаёт билан ўлим ўртасидаги курашни Ахура-Мазда ва Анҳра ману (Ахриман) каби бир-бирига зид ва душман кучларга ажратади. Булар—ўз тафаккури, сўзи ва ҳаракатларида яхшилик ва ёмонлик тимсоли. Кимки ёлғон (Анҳра Ману)га эргашса, уни энг ёмон нарсалар қарши олади, кимки яхши йўлга (Ахура Мазда) га қадам қўйса, уни эзгулик кутади дейилган. Барча яхшилик, гўзаллик ва эзгулик ҳомийси Ахура Маздага олтига ёркин кучлар мадад беради. «Абадий яхшилик», «Яхши фикр», «Яхши тартиб», «Муносиб қудрат», «Илоҳий тобелик», «Сихат-саломатлик», «Абадийлик» сингари тушунчаларнинг ўз илоҳлари бўлиб, Ахура-Мазда атрофида яхшилик уруғини сепиб юради. Мол, олов, темир,

момақалдирок, булутлар, юлдузлар, ер, сув ҳамда ўсимликларнинг ўз худолари бўлган. Масалан, Митра нур, ҳақиқат ва поклик худоси саналган. Анҳра Ману иложи борица Ахура-Маздага зарар келтиришга, уни коинотдан сиқиб чиқаришга ҳаракат қилади. У ёлғончилик, фирибгарлик, иккиюзламачилик, жаҳолат ва қабоҳат тимсоли. Унга девлар ёрдам беради. Айниқса, «Ёмон фикр»ни ифодаловчи Апа Мана, «сўлиш» ва «ўлим» девлари Туарви ва Зариклардир. Барча гўзаллик ва яхшиликни вайрон қилувчи, қутуриш, бузиш ҳамда вайронгарчилик деви Айшма ҳисобланади. У уруш, жанжал, тўполок ва гина-қудурат кўзғатувчи, маст бўлишга даъват этгувчидир. Ичиқоралик, мижғовлик, беандишалик, дангасалик, қизғанчиқлик ва ҳоказо унсурларнинг ҳам ўз девлари бўлган. Агар Ахура-Мазда яхши ва гўзал нарсаларни бунёд этса, Анҳра Ману ёмон ва хунук нарсаларни яратади. Бўри, аждаҳо, илон, чаён, қурбақа, чивин, чумоли ва турли-туман зараркунанда ҳашаротлар шулар жумласидандир. Агар ит вафодор ва фойдали жонивор деб тасаввур қилинса, бўри Анҳра Ману яратган ёвузлик тимсоли ҳисобланган. Доно ўзгаларни, ўз билимидан баҳраманд этмоғи зарур. Пок хулқли юрт ҳамиша юксалиш ва тараққиётда бўлади. Кишилар яхши хулқ билан камолот ва мангуликка эришадилар. Одамларга яхшилик қилмоқ дунёдаги энг мўътабар одатдир. Рост сўз сендан қоладиган энг қутлуғ ёдгорликдир. Адашганларни тўғри йўлга бошлаган одамнигина, яхши одам дейиш мумкин. Дўстлик риштасини поклик билан маҳкам тутинг. Ер юзининг яхшилари адоғсиз дарёдирлар. Поклик инсон туғилганидан умрининг охиригача қилинадиган энг яхши амалдир. Ким ёлғон сўзга оғиз очса, бахт куши ундан қочади. Сукут энг буюк одоб. Қиз болани ура кўрманг, хонадонингиз бахтсизликка учрайди. Овқатланиш пайтида гапириш гуноҳи азимдир.

Бундан ташқари “«Авесто»” да таълим-тарбия ва устоз талқинига ҳам алоҳида эътибор берилади. Қиз ва ўғил болалар алоҳида тарбияланган. Уларга барча ҳунарлар ўргатилгандан кейин қизлар 15, ўғил болалар 17 ёшида “лағомзадан” ва “зин задан” имтиҳонидан ўтган. Натижада улар балоғот ёшига етган, рўзғор юритишни ўрганиб “кадбону” (уй бекаси), “кад худо” (уй хожаси, оила бошлиғи) бўлиш ҳуқуқини қўлга киритишган. Ахурамазда томонидан жорий этилган фарзлар ҳамда Зардушт ўғитларидаги суннатларни тўла бажарадиган, ҳар жиҳатдан пок, юксак ахлоқлилик меъёрларини ўзида намоён этган, устоз фотиҳасини олган диндор оқ матода чакмон, кўйлак кийиб, устидан юпка ҳарир камар боғлаб юриши жорий этилади. Қиш пайтларида ҳам асосий либос остида “сидра” кийиб юриш шарт бўлган. Бу одат яқин 13 аср давом этган. “«Авесто»” да устоз улуғланган. Устоз ҳақида гап кетганда “«Авесто»” нинг бир неча ўрнида “устозлар устози”, “Барча билим ва ҳунарлар калити” Яздон мадҳ этилади. Устозларни “шаҳару-қишлоқларда, бутун мамлакатда маънавиятдан таълим берадиган, ўша йўлни тутганларни, хонадонларга янги аҳкомларни олиб кирадиган халқ ардоғига соҳиб бўлган тоифалар сифатида олқишлаймиз”, –деб мадҳ қилади.

Давлатчилик пайдо бўлишининг муҳим белгиларидан бири жамиятнинг ижтимоий табақаларга бўлиниши ҳисобланади. Кўпчилик манбалардан бизга маълумки, “«Авесто»” жамияти қуйидаги тўртта табақага бўлинади: 1) қоҳинлар (атраванлар); 2) ҳарбийлар (ратайистралар); 3) деҳқон-чорвадорлар (вастря-фшуянт); 4) ҳунармандлар (хутлар). Жамиятнинг бундай табақалашуви қадимги, яъни зардуштийиликача бўлган анъаналарни ўзида акс эттиради. Бу анъаналар айрим ўзгаришлар билан кўп асрлар “«Авесто»” дан кейинги даврларда ҳам сақланиб қолади.

Дастлабки иккита табақа анча имтиёзларга эга бўлиб, жамиятни бошқарган. Айниқса, қоҳинлар жуда юқори мавқеда турганлар. Заратуштра ўз ғояларини тарғиб этиш жараёнида подшо Виштаспнинг энг яқин одами ва маслаҳатчисига айланади. Ўша даврдаги жамиятнинг ҳар бир бўлағи (ячейкаси) - уй, қишлоқ, воҳа ва вилоят - ўлка маълум унвони бўлган ўз диний йўлбошчисига эга бўлган. Манбаларга кўра, давлатнинг бош қоҳини «заратуштротем» унвонига эга бўлган. Ундан ташқари, «заутара» (диний кўшиқлар ижрочиси), «атурпат» (олов бош қоҳини), «хирпат» (ибодатхона ва диний тадбирлар бошлиғи) каби диний унвонлар ҳам мавжуд бўлган.

Подшо ва унинг яқинлари келиб чиққан ҳарбийлар табақасининг ҳам мавқеи баланд бўлган. Жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчилари ва моддий яратувчилари деҳқонлар, чорвадорлар ва ҳунармандлар эдилар. “«Авесто» ”да қуллар ҳам бир неча бор эслатиб ўтилади. Улар табақаларга кирмаган ва, афтидан, жамият ҳаётида унчалик катта рол ўйнамаган.

Жамиятнинг бошқарув тартиби ҳақида “«Авесто» ”да маълумотлар сақланган. Манбада келтирилишича, орийлар ўлкаси қуйидаги тўртта маъмурий-ҳудудий бирликка бўлинади: 1-патриархал оилага тегишли бўлган турар-жойлар (нмана); 2-қишлоқлар (вис); 3- туманлар (занту); 4-вилоят -ўлка (дахю). Ушбу бирликларнинг ҳар бири ўз йўлбошчисига эга бўлган: 1-нманопати (уй бошлиғи); 2-виспати (қишлоқ бошлиғи); 3- зантупати (туман оқсоқоли); 4-дахюпати (вилоят-ўлка йўлбошчиси).

Энг йирик уюшма «дахюсасти» (вилоятлар устидан ҳукмронлик ёки вилоятлар уюшмаси) эди. Бундай уюшманинг ҳукмдори «бутун дахюлар дахюпатиси» деб аталган. Қиёсий таҳлиллар асосида аҳмонийлар давридаги «шоҳлар шоҳи» унвони ушбу “Авесто” ” унвонига бориб тақалашини тахмин қилиш мумкин. “Авесто” да Шунингдек, «кави», «састар» ва «хатра» каби бошқарув билан боғлиқ бўлган унвонлар ҳам учрайди. «Кави» (форсчада «кай») унвони “Авесто” да кўп учрайди. Бу унвон нафақат катта ўлкалар подшолари, балки кичик мулклар ҳукмдорларига ҳам берилган. Қалъалар, туманлар ва вилоятлар ҳукмдорлари «Састар» унвони билан аталган. «ҳокимият», «қудрат» маъноларини берувчи «хшатра» унвони тумандан тортиб ўлкалар ҳукмдорларигача берилган. Мисол учун, Бехистун ёзувларида подшо Доро I ушбу унвон билан тилга олинади.

Учинчи саволда қуйидаги масалалар ёритилади. “Ватан” атамасига улуғлар, донолар турли сифатлар беришган. Ватан- одамнинг киндик қони тўкилган ер, ота-боболарнинг покиза хоклари ила шарафланган жойдир. Ватан ҳар бир кишининг ўз қалбидан, виждонидан бошланади. Яъни ҳар бир кишининг қалбида Ватаннинг жажжи қиёфаси яшайди. Ватаннинг бир зарраси эканини англамоқ киши учун ифтихор ва шарафдир. Ватанга муҳаббатни жамлай олган юрак фақат одам боласига хосдир. Аллоҳ, “ мен одам боласини азиз–мукаррам қилиб яратдим”, бу азизлик ва мукаррамлик “Ватанни севмоқ, қадрламоқ ва равнақи ҳамда шону-шарафи учун хизмат этмоқ” деган фазилатларни кўрамир.

Ватан равнақи- қудратли иқтисодий кучга айланишдир. Айни чоғда инсоният руҳият, маънавият жиҳатдан қудратли қалъага айлонмоғидир. Ватан юксалишини ўйламоқ бир пайтлар қўлдан кетган ҳуррият ва номусни ўз ўрнига келтиришга ҳаракат этмоқликдир. Донолар Ватан юксалиши йўлида хизмати билан шуҳрат топишини “иккинчи умр” деган эканлар. Ватан тараққиёти ҳар бир инсоннинг ташаббусидан бошланади. Фарзандларимизнинг мактабда битта ҳарф ўрганишлари ҳам, янги иморатга қўйилган битта ғишт ҳам, илмдаги оламшумул кашфиёт ҳам ана шу ташаббуснинг мевасидир.

Ватан тараққийсини белгиловчи омиллар кўп. Шулардан бири ва энг муҳими–Ватан мустақиллигига эгамиз. Иккинчиси, аҳиллик ва иттифоқлик бўлса, учинчиси, маориф, илм олмоқликдир. Донишмандлар “Ўқишдан тўхтаган одам фикрлашдан тўхтади дейдилар.

Нафс ғолиб юракда ватан туйғуси бўлмайди. Виктор Гюгонинг “Ватанга доғ тушириш - уни сотиш демакдир”,- деган ҳикмати қанчалик ҳақиқатга тўғридир. Жомий ҳазратлари “Эй инсон! Бу дунёда азиз бўлган озодлигингни бир ҳовуч емишга сотма. Доим озод яша ва озодликни сев! Аллоҳ таоло сени озод қилиб яратди. Бир ҳовуч емишга алданиб, азиз ҳаққингни сотма!”.

Илмдан йироқлашиш- жаҳолат, мамлакат тараққиётининг биринчи душмани бўлса, иккинчи душмани ана шу нафс, бойишга ва фақат бойишгагина интилишдир. “Ватан манфаати” ва “нафс” деган тушунчалар бир-бири билан келиша олмайди. Ватан манфаатининг бир заррасини ҳам сотиш ҳам хиёнатдир. “Ватанни севмоқ эса

иймондандир. Иймон талабларидан бири Ватанга меҳр-муҳаббат қўйишдир. Ватан эркин ва озод инсонлар билан гўзалдир.

Биз Ватанни мадҳ этишни ватанпарварлик деб ўйлаймиз. Ватанпарварлик- номусли ва назокатли туйғудир. Ватанга муҳаббат- унинг фаровонлиги ва қудрати йўлида меҳнат қилишдир. Ватанга муҳаббатли бўлиш- ғоят чидам, ғоят юксак онг талаб этувчи ўзига хос илм ва буни эгаллаш ҳам бешикдан бошланмоғи ва оқибат сўнгги нафасга қадар давом этмоғи лозимдир. Ватанпарварлик Ватанни севмоқликни англатса, бу илмни эгаллаган киши Ватанга жонини атаган комил инсон мартабасига эришган бўлади. Биз биронтамиз ўз юртимизсиз, яъни Ўзбекистонимизсиз яшай олмаймиз. Ким ватансиз яшаш мумкинлигига ишонса у аҳмоқдир. Ўз юртидан юз ўгирганлар, аввало, виждонларидан юз ўгирган бўладилар. Ўз юртини севмаган одам, ўзини ҳам севмаган бўлади. Ҳазрат Навоий айтганидек, “Ғурбатда ғариб шодумон бўлмас эмиш...”, Мирзо Бобурнинг қалб яраси гўё хали ҳам битмагандек: “Ўз юртни қўйиб ҳинд сори юзландим, ё раб, бу не юз қаролик бўлди...”. Аллоҳга шукрона қилишимиз керакки, биз ўз юртимизда умргузаронлик қилиб, тинч-тотув, бирдамлик ила яшамокдамиз.

Таянч сўзлар ва иборалар: Жаҳон маънавияти, “«Авесто” ”, Зардушт, ахлоқий қарашлар, Ватан озодлиги, ватанпарварлик, аждодлар маънавий фазилатлари, савдо-сотик, халқ оғзаки ижоди, уйғониш даври, шаҳарсозлик, диний эътиқод, эзгулик, маънавий қадриятлар, яхшилик, одамийлик.

Савол ва топшириқлар.

1. Жаҳон маънавияти ва маърифати ривожига Марказий Осиё халқларининг қўшган ҳиссаси нималарда кўринади?
2. “«Авесто” ” – халқимиз диний, ахлоқий, илмий, адабий қарашларини ифода этадиган бебаҳо маънавий обида эканлигини фактлар билан изоҳланг.
3. Илк Шарқ уйғониш даври маънавияти миллий–маънавий қадриятларнинг мумтоз кўринишларини кўрсатинг.
4. Ватан озодлиги, эрксеварлик, юртпарварлик, ватанпарварлик аждодларимизнинг маънавий фазилатлари эканлигини изоҳлаб беринг.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000.
2. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2003.
3. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Тошкент, “Маънавият” 2008.
5. Каримов. И.А. Тарихий хотира инсон омили- буюк келажакимизнинг гаровидир.– Тошкент: “Ўзбекистон”, 2012.
6. И.А.Каримовнинг “Мустақиллик- барча эзгу ва марраларимизнинг мустаҳкам мезонидир” рисоласи бўйича ўқув-қўлланма. –Тошкент: Ўқитувчи 2013.
7. Умаров Э., Абдуллаев М. Маънавият асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент: “Cho’lpon” номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи. 2006.
8. Имомназаров М., Саидов М. Миллий тараққиётнинг маънавий-ахлоқий асослари. Ўқув қўлланма. “Akademiya”, Тошкент: 2005.
9. Абдурахмонов М., Отамуротов С. Маънавий салоҳият. Ўқув қўлланма. –Тошкент: Университет. 2009.

10. Қуранбоев Қ., Абдурахмонов М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарини ўқитиш бўйича ўқув-услубий қўлланма. Тошкент: -2010.

11. Маънавият юлдузлари Муҳаррир Ф.Хасанов. –Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2011.

12. Иброхимов А. Бизким ўзбеклар. – Тошкент: Шарқ. 2011.

13. Тохир Малик Одабийлик мулки –Тошкент: Шарқ. 2013.

14. Ҳамиджон Хомидий “«Авесто» ”дан “Шоҳнома”га Тошкент: Шарқ, 2007. – 320 бет.

15. Қаҳҳарова Ш. Глобал маънавият- глобаллашувнинг ғоявий асоси. “Тафаккур” нашриёти. Тошкент: 2009.

Интернет маълумотлари

16. www: press – service. uz.

17. www: mfa. uz.

18. <http://www.pacademy.edu.b>

19. <http://www.rags.ru/kaf/fi..>

20. www. marifatars-inform.uz. маърифат журнали

21. www/ natlub.uz

22. республика узбекистан [http:// www. gov.uz](http://www.gov.uz)

9-мавзу: Ислом динида маънавият ва шахс маънавий қиёфасининг талқини

Режа:

1. Ислом дини. “Қуръони Карим”.

2. Ҳадисларда инсон маънавияти.

3. Яссавия, Кубровия, Нақшбандия тариқатларида маънавият.

Биринчи саволда талабаларни қуйидаги масалаларга жалб этиш лозим. Ислом дини (арабча "аслама") - худога ўзини топшириш, итоат, бўйсунуш, шундан "муслим" - бўйсинувчи, (итоаткор) - дунёда энг кенг тарқалган уч диннинг, яъни жаҳон динларининг (буддавийлик, христианлик ва ислом) бири. Ер юзидаги 6 миллиарддан ошиқ аҳолидан деярли 1,7 миллиарддан ортиқроғи унга эътиқод қилади. Ислом динининг илк ва асосий тарғиботчиси Муҳаммад (с.а.в) дир (571, Макка - 632, Мадина). ўз тарғиботини у 609-610 йилларда Маккада бошлаган ва қаршилиikka учраган. 622 йил 22 сентябрда Мадинага кўчган. Араб тилида "Кўчиш" "ҳижрат" дейилади ва шундан хижрий йил ҳисоби бошланади. Исломда асосан 2 йўналиш бор: суннийлик ва шиалик. Барча мусулмонларнинг тахминан 92,5 фоизи суннийлар бўлса, қолган 7,5 %и шиалардир. Суннийликда 4 та мазҳаб бор: ханафия, моликия, ҳанбалия ва шофиъия. Бу тўрт мазҳабга эътиқод қилувчилар Аҳли сунна вал жамоат деб аталадилар. Ислом оламида кенг тарқалган мазҳаб бу ханафия бўлиб, мусулмонларнинг 80 фоизча қисми ханафия мазҳабидадирлар. Бу мазҳабга Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит раҳматуллоҳи алайҳ асос солганлар. У киши хижрий 80 йилда Ироқда туғилиб, хижрий 150 йилда вафот этганлар. Фикҳ илмини чуқур ўрганганлар. Ислом дини, аввал бошиданок, инсонни ўқиб-ўрганишга, илм воситаси билан дунёни англаб етишга даъват қилади. Қуръонда "илм" сўзидан чиққан "алима" (билмоқ) сўзи 752 мартаба учрайди.

Ислом дини кибрни қоралайди, қабилачилик хурофотларига кескин қарши чиқади, ирқий биродарлик ўрнига инсоний биродарлик жамоаси—"умма" тушунчасини киритади. Бу нарса инсониятнинг маънавий такомилида муҳим бурилиш нуқтаси бўлди. Илоҳиётда ислом дини уч элементдан: иймон, ислом ва эҳсондан иборат деб эътироф этилган. Иймон 7 та Аллоҳга, фаришталарга, муқаддас китобларга, пайғамбарларга, охират кунига, тақдирнинг илоҳийлигига ва ўлгандан кейин тирилишига ишониш талабларини ўз ичига олади. Ислом талабларига, яъни дин асослари аркон ад-дин деб ном олган 5 та амалий

маросимчилик талаблари: калима келтириш, намоз ўқиш, рўза тутиш, закот бериш ва имконият топилса ҳаж қилиш талаблари киради.

Ислом кишилар онги ва турмушига таъсир этиши, улар ҳаётидан мустаҳкам ўрин олишини таъминловчи диний маросимчилик-рўза ҳайити, қурбонлик ва қурбон ҳайити, мавлид ва бошқалар шаклланган. Бундан ташқари, маҳаллий халқларга исломгача мавжуд бўлган урф-одат, жумладан, кинна солдириш, фол очириш, дам солдириш, муқаддас жойларни зиёрат қилиш каби одатлар ҳам ислом маросимчилигига мосланиб кетган. Исломда ахлоқий-ҳуқуқий қонун-қоидалар мажмуи-шариат XI-XII асрларда тугал шаклланган. Шариат қонун қоидалари “Қуръон” ва “Сунна” асосида ишлаб чиқилган. Унда мусулмонларнинг ижтимоий-иқтисодий, диний-ҳуқуқий ва ахлоқий ҳаётини тартибга солиб турувчи қонун-қоидалар белгилаб берилган. Бундай тартиб-қоидалар жуда кўп китобларда тартиб билан жамланган.

“Қуръони Карим”, ҳадислар ва шариат кўрсатмалари инсон маънавий-маърифий камолотининг асоси бўлган ахлоқ-одоб тарбиясининг барча қирраларини ўз ичига олган. Сирасини айтганда, ҳадислар маънавий-ахлоқий тарбияга оид бўлган фикрларнинг мукамал тўпламидир. “Қуръони Карим”, ҳадисларни, шариат кўрсатмаларини ўрганар эканмиз, уларда ахлоқий камолот, ҳалоллик ва поклик, иймон ва виждон билан боғлиқ бўлган бирорта ҳам масала эътибордан четда қолмаганини кўрамиз. Айниқса, ислом ҳаром ва ҳалол масаласига мусулмонлар эътиборини қаратади. Шариатда Аллоҳ томонидан қилинишга рухсат этилган амаллар, ишлар ҳалол дейилади. Ҳаром эса аксинча, қилинишига рухсат этилмаган ишлар ва амаллардир. Одатда, халқимиз ҳалол ва ҳаромни ейиладиган ва ичиладиган нарсаларга нисбатан ишлатиб келган. Шариатда ижозат этилган ҳамма нарсалар, ишлар ва амаллар эса ҳаромдир. Аллоҳ ҳаром этилмаган ишларни қилувчиларга бу дунёда ёки қиёмат кунда жазосини албатта бериши айтилади.

Мустақил Ўзбекистонда ўзининг ички ва ташқи сиёсатида ислом дини қобиғида ифода этилган умуминсоний кадриятларга жиддий ўрин ажратади; ислом дини халқимизнинг моддий ва маънавий ҳаётининг шаклланишида, юртимизнинг жаҳон маданиятининг йирик масканига айланишида муҳим аҳамият касб этгани таъкидланмоқда.

Маълумки, ислом динининг моҳияти ва қудрати ҳам шундаки, бу таълимотни қурол кучи билан эмас, мантиқ, исбот кучи билан, намуна кўрсатиш йўли билан тарғиб ва ташвиқ этилади. Айтиш мумкинки, “Қуръони Карим” Муҳаммад алайҳиссаломга нозил қилина бошлаган милоди 610 йиллардаёқ туронликларнинг аксарият қисми ислом динини қабул қилишга руҳан ва қалбан яқин бўлса-да, ислом динини қабул қилишга улар ҳозир эмасдилар.

Ислом шундай илоҳий ва қудратли динки, у ихтиёрий қабул қилинади, уни қурол ишлатиб, мажбуран қабул қилдиришга ҳолат ҳам йўқ. Ана шу борада, тарихий маълумотларнинг гувоҳлик беришича, Амир Қутайба, Ибн Муслим тезлик қилиб қўйган ҳолатлар ҳам бўлган. Самарқандда мусулмонлар билан оташпарастлар ўртасида қон тўқилган. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, Амир Қутайба аскарлари ўтпарастлик таълимотини тарғиб қилувчи китобларни ёкишган. Абу Райҳон Беруний "Осорул ал-Боқия" асарида худди шу ҳолатни эслатиб ўтган.

Қадимда юнон, румо ва бошқа қавмларда кўп худоилик мавжуд бўлгани ҳолда туркларда тангри бирлиги ишончи вужудга келган. Шу билан бирга тангри кўп деб ҳисоблашган. Аслида яъни ислом таълимотига кўра, Аллоҳ маконга ҳожати йўқ энг буюк зотдир.

Демак, Марказий Осиё халқларида илм-маърифат ва маданиятнинг ривожланишида исломнинг ижобий рол ўйнаганини эътироф этишимиз лозим. Марказий Осиёда исломнинг дастлабки элатлар ҳаётига кириб келган давридан бошлаб ташкил этилган мактаб, мадраса ва диний дорилфунунлар диний мақсадда тузилган бўлишига қарамай савод ва билимга йўл очган. Ўрта асрларда шаклланиб ижод этган саводли киши олим, шоир, маърифатпарвар, мутафаккирларнинг ҳаёти ва фаолиятида исломнинг ижобий роли бор десак хато қилмаймиз.

Исломда муқаддаслаштирилган кунлардан бири жума кунидир. Ислом кенг тарқалган мамлакатларда жума дам олиш кунидеб эълон қилинган. Шу кунидеб тақводор мусулмонлар ўз кунларини тоат-ибодат билан ўқизади. Унинг муқаддаслаштирилиши сабабини руҳонийларга қуйидагича изоҳлайдилар. Аллоҳ оламни яратишни жума кунидеб бошлаган. Муҳаммад (с.а.в.) ҳам, Али ҳам жума кунидеб туғилганлар. Муҳаммад (с.а.в.) 622 йилда Маккадан Мадинага жума кунидеб ҳижрат қилган.

Иккинчи режада қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор берилди. Маълумки, ҳар бир кишининг тақдирини Аллоҳ ҳали туғилмасдан олдин белгилаб қўйган дейилган. Аммо кишининг рўпарасига икки йўлни ҳам берган: бири-ҳидоят, иккинчиси – залолат. Бу йўллардан қай бирини танлаш учун эса унга ақл, зеҳн ва фаросат ҳам берилган. Айни чоғда бу ақлни қувватлантирувчи каломини ҳам туширган ҳамда ҳидоят билан залолатни фарқлашларида тўғри йўлни кўрсатсин, деб бандалари орасида ўзининг расулини ҳам белгилаб қўйган. Кимки ақли ва қалби билан каломулоҳни англабди, Расул Аллоҳ (с.а.в.)га эргашибди – у ҳидоятга етибди. Кимки англамабди, англашга интилмабди ёки интилишни истамабди-шайтоннинг этагини тутибди ва залолат йўлини ўзига маъқул кўрибди. Демак, Аллоҳ бандига ихтиёр ҳам берибди. Одамнинг қамоли фақат соғлиқ ва кучдан иборат бўлмай, балки жисмонан, ахлоқан ва ақлан юксалишдан иборат.

Дастлаб ислом жамоасида фақат “Қуръон” диншуносликнинг, шу билан бирга ҳуқуқнинг асоси ва манбаи деб тан олинган. Лекин араб истилоси даврларида (632-751 йиллар атрофида) бу манбанинги ўзи талабни қондира олмагач, аста-секин унинг ёнига бошқа манба-“Сунна” қўшилган. Арабча “Сунна” (ас-сунна, кўпликда сунан)-йўл, йўналиш, кўчма маъноси-“аждоҳлардан қолган урф-одатлар”, яъни “ривоят”, “нақл”, “хотира”, “одат”, “анъана”, “хатти-ҳаракат” маъноларини англатади.

“Сунна” исломда “Қуръон”дан кейинги, уни тўлдирувчи манба, ислом илоҳиёти ва шариатининг иккинчи асоси сифатида эътироф этилган. У VII ўрталаридан эътиборан йиғила бошлаган. Унда араб халифалигидаги синфий муносабат, ижтимоий зиддиятлар, ислом мафқураси доирасидаги ички курашлар ўз ифодасини топган. Исломгача даврдаги Арабистонда бу ном билан одат тусини олган ахлоқий-ҳуқуқий йўл-йўриқлар мажмуаси-Шимолий Арабистондаги эски жамоанинги оддий ҳуқуқлари аталган. Синфий жамият ва ислом вужудга келгандан сўнг, бу эски араб мажусий суннаси рад этилиб, аста-секин янгиси, мусулмон суннаси билан алмаштирила бошланган. Эскисидан янгисига ўтган, қисмлар эса пайғамбар кўрсатмаси сифатида талқин қилинган.

Мусулмон сунналари кўплаб Ҳадислардан ташкил топган. Ҳадис сўзининг дастлабки маъноси (ар. кўпликда “Ҳадис” сўзидан)-“хабар”, “хикоя”, “билдириш”, тор маънода-“парча” (цитата). Расмий маънода Ҳадис-Муҳаммад(с.а.в.) сўзлари ва амалий ишлари ҳақидаги ривоятлардир. Бу маънода Ҳадис фақат Муҳаммад(с.а.в.) сўзларига нисбатангина ишлатилади. Баъзи уламолар эса, Ҳадис деганда фақат Пайғамбарнинггина эмас, балки саҳоба ва тобеларнинг ҳам берган хабарларини тушунадилар.

Баъзи ҳадисшунослар фақат Пайғамбар сўзларинигина Ҳадис деб, бошқаларникини эса хабар деб атаганлар. Шу боисдан ҳам Пайғамбар Ҳадисларини тўпловчилар муҳаддис, бошқа тарих, қисса қабиларни нақл қилувчилар ахборий дейилган.

Қандайлигидан қатъи назар, ҳозир мусулмон оламида Ҳадис дейилганда, Пайғамбарнинг сўзлари, феъл ва аъволлари тушунилади. Ҳадис-исломда “Қуръон”дан кейинги муқаддас манба ҳисобланган. Бунда Муҳаммад(с.а.в.)нинг ҳаёти, фаолияти ва кўрсатмалари, унинг диний, ахлоқий дастурлари ҳам ўз ифодасини топган. Муҳаммад(с.а.в.) бирор гап айтган ёки маълум ишни қилиб кўрсатган бўлса, ёхуд бошқаларнинг қилаётган ишини кўриб, уни ман этмаган бўлса, шу уч ҳолатнинг ҳар бири Ҳадис деб аталаверган. Маълумки, Ҳадисларда ислом аҳкомлари, яъни фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб, ҳалол, ҳаром, макруҳ, мубоҳ каби амал турларидан ташқари, ахлоқ-одобга доир дастурлар талқин этилади. Унда халқ орасида кенг тарқалган ахлоқ-одобга оид мақол, қимматли ҳикматли гаплар ҳам қамраб олинган.

Ҳадисларда ибодатнинг тартиб-қоидалари ва уларни астойдил бажаришга даъват этиш билан бирга инсоний фазилатлар кенг ташвиқ қилинган, инсонийлик шаънига доғ **туширадиган** разил хатти-ҳаракатлар кескин қораланган. Шунинг учун ҳам исломнинг илк тарқалиш даврида ноқ мусулмонлар орасида Ҳадисларга жуда катта аҳамият берилган. Эшитган ҳар бир Ҳадисни янглишмай, асл ҳолича бошқаларга етказишга қатъий риоя қилинган. Бу тўғрида Муҳаммад(с.а.в.)нинг ўзи мусулмонларни тез-тез огоҳлантириб турган. Ҳадис мазмуни ва иборасини бузиб ёки ўзича янги Ҳадис тўкиб тарқатувчилар қаттиқ қораланган. Бундай талабчанлик пайғамбар вафотидан анча кейингача ҳам Ҳадисларнинг соф ҳолда сақланиб туришига имкон берган.

Муайян бир Ҳадис асосида ҳуқуқий ва урф-одат бўлган йўл-йўриқлар, диний маросимлар софлиги, ноз-неъматлар ҳақидаги кўрсатмалар, маиший турмушдаги ахлоқ ва одоб тартиб-қоидалари келтириб чиқарилган. “Қуръон”нинг айрим кўрсатмаларига амал қилиш ҳам қўпинча унинг маълум матни билан боғлиқ бўлган Ҳадис орқали белгиланар эди. Шу билан бирга тарихий характерга эга бўлган Ҳадислар бўлган; улар Муҳаммад(с.а.в.) ёки саҳобалар таржимаи ҳолидаги айрим тафсилотларни акс эттирар эди. Шу Ҳадислар асосида VIII-IX асрларда Муҳаммад(с.а.в.) ва унинг яқинлари, ҳарбий юришлари ҳақида “Юришлар китоби” ёзилган. Бу араб тилидаги илк тарихий асар ва Муҳаммад(с.а.в.) таржимаи ҳоли эди. Шу тариқа, Ҳадисларнинг муайян қисми—илк ислом тарихи бўйича бир манба бўлиб хизмат қилган.

Ҳадисларни сақлаб, келажакка етказувчилар биринчи навбатда саҳобалар—пайғамбарнинг қариндошлари, дўстлари, ёрдамчилари ва шогирдлари, унинг ўлимидан кейин асосан Мадинада яшаб келганлар ҳисобланганлар.

Умуман “саҳоба ” сўзи арабча бўлиб, “суҳбат” сўзидан олингандир. Ҳадислардан бирига кўра пайғамбарни кўрган, у билан мулоқотда бўлган ҳар бир мусулмонни “саҳобий” дейилган. Имом Бухорий ҳам шу фикрни тасдиқлаган. Ибн Ҳанбал таъбирича, пайғамбар билан бир йил, ё бир ой, ё бир кун ва ёки хатто бир соат суҳбат этган, ё бўлмаса ҳаётида бир марта бўлса ҳамки уни кўрган мусулмон киши саҳобалардан ҳисобланаверади.

Пайғамбар вафот этганда, саҳобалар сони номаълум эди. Ислолда қанча ҳақиқий мусулмон борлигига далолат қилувчи Ҳадисга кўра, пайғамбар: “Мусулмонлигини сўзи ва амали билан исботлаганлар исмларини ёзсинлар”- деб буюрганда, рўйхатдан 1500 кишининг ўтганлиги маълум бўлади.

Ишончлилигига қараб Ҳадислар уч гуруҳга ажратилар эди. Ҳикоя қилувчилар рўйхати ҳеч қандай шубҳа туғдирмаса, бундай Ҳадис саҳих (арабча, ишончли, тўғри) дейилган. Агар ҳикоя қилувчилар рўйхатида айрим нуқсонлар бўлса, масалан, иснодда айтилган бирон шахс кам танилган бўлса ёки ҳамма муҳаддислар уни бенуқсон деб топмаган бўлса, ёки рўйхатда бирон ҳалқа, бўлим узилиб қолган бўлса, Ҳадис тўла қимматга эга деб тан олинмаса-да, барибир, қабул қилинган; бундай Ҳадис ҳасан (ар. яхши, марҳаматли) деб номланган. Ниҳоят, агар ҳикоя қилувчилар рўйхатида тақводорлиги ёки ахлоқий обрў-эътибори нуқтаи назаридан мувофиқ келмайдиган кишилар бўлса, Ҳадис ишончсиз ҳисобланган ва даъиф (ар. заиф) деб номланган.

Ислом оламида машҳур ва энг ишончли деб эътироф этилган олти Ҳадислар тўплами муаллифларининг аксарияти Марказий Осиёдан чиққанлар. Масалан, Исмоил Бухорий (810-870), ат-Термизий (824-897), ад-Доримий ас-Самарқандий (797-868) ва Каспийбўйи халқларидан ибн Можжа (824-886) ва бошқалар бу соҳанинг тараққиётига улкан ҳисса қўшганлар. Ҳадислар инсон маънавиятини улуглашда алоҳида манбадир. Ҳадислардан келтирамиз:

- “Албатта қилинган ишлар (Аллоҳ томонидан) ниятларга қараб қабул қилинади.
- Илмнинг офати унутишдир. Уни ноаҳил кишига гапириш эса уни зое қилишдир.
- Аллоҳга энг ёмон кўринадиган кишигина ва адоватни узоқ сақловчи одамдир.
- Болаларингизга нисбатан адолатли бўлинглар (бир хил қаранглар).

-Етти ҳалок қилувчи нарсадан сақланинглари: Аллоҳга ширк келтириш, сеҳр қилмоқ, ноҳақ қон тўкиш, сўдхўрлик қилиш, етим молини емоқ, урушдан қочиш, эрли мўмина ифбатли аёлни зинокор деб туҳмат қилиш.

- Юзга эҳтиёт бўлинглари, юзга урманглари!

-Аллоҳ таоло бандалар ичида севимлиси оила аъзоларига манфаати кўп тегадиган кишидир.

-Яхши кўрган кишининг ўртачароқ яхши кўр, балким бир кун келиб у ёмон кўрганинг бўлиб қолар, ёмон кўрган кишининг ҳам ўртачароқ ёмон кўрки, бир кун келиб яхши кўрганинг бўлиб қолиши мумкин.

- Ўзимдан кейин умматларимда содир бўлишидан қўрққан нарсаларим учтадир: бошлиқлар зулми, мунажжимликка ишониш, тақдирга ишонмаслик, уни ёлғонга чиқариш.

-Умматимда пайдо бўлишидан қўрққан нарсаларимнинг ёмонроғи: қориннинг катталиги, кўп ухлаш, дангасалик, имони заифлик.

-Омонат қўйган кишига омонатини адо эт.

- Агар сизларга яхшилик керак бўлиб қолса, уни очиқ чехра одамлардан қутинглари!

- Агар дилингга бирор шубҳали иш тушса, уни тарк эт.

-Агар иш (мансаб) ноаҳил (мутахассис бўлмаган) кишига топширилса қиёматни кутавер.

- Кечиримли бўлинглари, шунга сизларга ҳам кечиримли бўлишади.

- Аҳмоқдан, нодондан сақлан.

-Илму ҳунарни Хитойдан бўлса ҳам бориб ўрганинглари.

- Хотин кишига ҳаққи кўп киши эридир, эркак кишига ҳаққи кўп киши онасидир.

-Ораларингизда салом беришни кенг тарқатинглари, бир-бирларингга муҳаббатларинг зиёда бўлади.

-Мўминларнинг афзали ҳулқи яхшироғидир. Сизларнинг яхшиларингиз хотинларига яхшилик қилувчилардир.

- Аллоҳ таоло ўзи гўзалдир, гўзалликни яхши кўради, ўзи пок покликни яхши кўради, Ўзи олийҳимматдир, олийҳимматлиликни яхши кўради,.

- Албатта мен қарғаш ва ёмонлаш учун юборилмадим, балки меҳрибонлик ва раҳмдиллик учун юборилдим.

- Ўзинг ҳам, молинг ҳам, аслида отангникидир.

- Кўпи маст қиладиган ичимликнинг озини ичишдан ҳам сизларни қайтараман.

- Сизларга қўшнилариңгизга яхшилик қилишни буюраман.

-Бир-бирларингизни кавламанглари, тортишманглари. Одамлар орасини бузувчи чақимчиликдан сақланинглари.

-Омонатдорлик ризқ келтиради, хиёнат фақирлик келтиради.

-Эркак кишининг жамоли тилидир.

-Жаннат оналар оёқлари остидадир.

-Кимки ғазаби келса, жим бўлсин. Кимки ғазаби келса, тик турган бўлса ўтирсин.

Агар кетмаса ётиб олсин.

-Дунёда одамларга энг қаттиқ азоб берган киши охиратда энг қаттиқ азобланади.

-Қиёмат кунида энг қаттиқ азобланувчи киши—бу золим бошлиқдир.

-Хотинларнинг барокотлиси уйланиш харажатлари енгилдир.

-Одамларни ўз ўрнига қўйинглари.

-Аллоҳ таоло сенга барган неъматлардан фойдаланиб, ўзининг парвариш қил.

-Кийим кийишда, юриш-туришда ўзини камтарроқ олиш иймондандир.

-Сабрлилик ва иқтисодли бўлиш (тежаб сарфлаш) ва виқорли, оғир босиқ бўлиш пайғамбарлиқнинг 24 дан бир бўлагидир.

-Учта дуо қабулдир: 1. Ота-онанинг болага қилган дуоибади. 2. Мусофир дуоси. 3. Мазлум дуоси. Уч ёмонлик бор. Ислон уммати ундан қутулмайди: 1.Ҳасад. 2. Бадгумонлик. 3. Шумланиш. Уч нарсаси борки, улар ҳар бир мусулмонга вожибдир: 1.Касал

кўриш. 2. Жанозага қатнашиш. 3. Акса уриб, “Алҳамдулиллоҳ” деса “Ярҳамукаллоҳу ва яшфик” деб жавоб қайтариш.

- Мўмин киши омонатга ҳиёнат қилмайди.

Учинчи саволда қуйидагилар ёритилади. Шарқ халқлари тафаккурини асрлар давомида нурафшон этиб, маънавиятимиз ва маърифатимизга чуқур таъсир ўтказган тасаввуф (сўфизм) таълимоти VIII аср ўрталарида пайдо бўлган. Дастлаб у зоҳидлик (таркидунёчилик) ҳаракати кўринишида бўлиб, Боғдод, Басра, Кўфа, Дамашқ шаҳарларида кенг ёйилган. Асли тасаввуф сўзи “сўфий” сўзидан, “сўфий” сўзи эса арабча “сўф” сўзидан ясалган. Дастлабки даврларда сўфийлик йўлини тутган кишилар бошқа оддий кишилардан ажралиб туриши учун жундан тикилган чакмон ёки пўстин кийиб юришни одат қилганлар. Шунинг учун уларни жун чакмон кийиб юрувчилар, яъни сўфийлар деб атаганлар. Сўфий бошқа одамлардан ўзини пок ғарибона турмуш кечириши, доимий тоат ибодатда бўлиши ва фақат илоҳий руҳга қўшилишини мақсад қилиб қўйиши билан тубдан фарқ қилади. Сўфий учун на дунёдан, на охиратдан таъма бўлмаслиги керак. Ягона истак бу Аллоҳнинг дийдорига етишдан иборат.

Тасаввуф-сўфийлик инсонни ўрганар экан, аввало, кишининг кўнглига, дилига таянади, кўнгилни, қалбни тарбиялашга, кўнгил кишисини вояга етказишга интилади, чунки Аллоҳ фақат кишининг покиза қалбидагина жилва қилади. Тасаввуфда инсондаги жамики худбинликлар, иллатлар, разолат дунёсига ҳирс қўйиш жисм эҳтиёжи ва нафс таъмасидан келиб чиқади, деб ўргатилади. Комил инсон бўлиш учун, аввало, жисм ва нафс эҳтиёжи ва таъмасини енгиш керак. Дунёга, бойликка меҳр қўйиш кишини нафсига кул қилиб қўяди. Дарвеш, сўфий нафсни рад этади. Нафс–барча фалокатлар сабабчиси, инсонни тубанлаштирувчи нарсас. Инсонни фалокат ботқоғидан, тубанлик жаридан қутқариб, уни поклашнинг бирдан-бир йўли нафснинг эҳтиёжини енгишдир. Бунинг учун дунё муҳаббатидан воз кечиш ва Аллоҳ муҳаббатига кўнгил боғлаш даркор. Сўфийликда буни дунё моҳиятини ва ўзлигини, инсонийликни англаш йўли деб қаралган. Ўзлигини англаган киши эса дунё ва унинг бойликлари ўткинчи эканлигини англайди. Хожа Баҳоуддин айтадилар: «Ўз нафсининг ёмонлигини таниш ўзлигини танишдир».

Демак, тасаввуф илми –инсон ҳақидаги илмдир. У–инсон қалбига сайқал бериш илми. Биз бу илмдан 70 йил давомида беҳабар эдик. Инчунун, биз неча замонлар инсондан беҳабар қолдик ва не замонлар қалбимиздан файз кетди. Ўтмишдаги Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳоуддин Нақшбандийлар юртимиз ва халқимизнинг файзи–камоли эдилар. Истиклол туфайли шу нур, шу файз бизга қайтди.

Шуни ифтихор билан қайд этишимиз лозимки, тасаввуф таълимоти тараққиётида Туркистон фарзандларининг беқиёс ўрни бўлган. Хожа Ҳаким ат-Термизий, Шайх Абу Мансур ал-Матурудий ас-Самарқандий, Хожа Абдуҳолиқ Гиждувоний, Хожа Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боғирғоний, Шайх Нажмиддин Кубро, Хожа Али Ромитаний, Абу Али ал-Фармадий, Юсуф Ҳамадоний, Баҳоуддин Нақшбанд каби сиймолар илоҳий маърифат йўлининг раҳномалари бўлдилар. Улар яратган таълимот ва илгари сурган маънавий – ахлоқий ғоялар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Чунончи, Аҳмад Яссавий хикматларида илгари сурилган ахлоқий панд-насихатлардан молпарастиликни фош этиш, кишиларни инсофли, диёнатли, иймонли бўлишга чақиришда фойдаланиш ўринли. Яссавий инсон ҳаётидаги катта кураш-нафсни таслим этишга хизмат қиладиган кураш деб ҳисоблаган. Нафсга мағлуб шоҳ-кул, нафсдан устунликка эришган ғариб-шоҳдир, деб айтади. Нафс инсон учун катта ёвдир. Шу ёвнинг бошини янчган, уни енгган, нафсга таслим бўлмаган кишининг ғурури ва инсоний кадр-қимматини ҳеч ким паймол қила олмайди деб билган.

Тасаввуф тахминан уч асосий оқимга бўлинади:

1. Тўлиқ ёки экстаздаги сўфийлар оқими Мансур халлож, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румийлар бу оқимнинг йирик бўлиб, уларнинг фикрларига кўра, биргина борлик, Воҳид бошланғич ягона ҳақиқат, биргина моҳият борки, у ҳам бўлса ҳақ, яъни худодир.

2. Эклектик оқим. Имом Ғаззолий, Хўжа Аҳмад Яссавий бу оқимнинг кўзга кўринган намоёндалари ҳисобланадилар. Булар тасаввуфни худо билан келиштиришга, бирлаштиришга уринганлар.

3. Нақшбандия оқими. Бу асл моҳиятига—кура, аскетизмга, яъни таркидунёчиликка зид бўлган оқимдир. Марказий Осиё Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган, ўз даврига нисбатан илғор оқим бўлиб Нақшбанд (1318-1389) номи билан боғлиқдир. Баҳовуддин 1318 йилда Бухоро яқинидаги КасриҲиндувон қишлоғида туғилади.

Тасаввуф таълимотлари бошқа мусулмон мамлакатларида бўлгани каби, Марказий Осиё халқлари маданияти ва маънавиятининг сўнгги ривожига катта таъсир кўрсатди.

Таянч сўзлар ва иборалар: Ислом, “Қуръони Карим” ҳадислар, инсон маънавияти, илм, иймон, ибодат, маросим, ахлоқий-ҳуқуқий қонун, шариат, одоб-ахлоқ, поклик, ҳалоллик, иймон, виждон, диёнат.

Савол ва топшириқлар.

1. Ислом дини ва “Қуръони Карим”.
2. Ҳадисларнинг инсон маънавиятини ўстиришдаги аҳамияти ҳақида ўз фикрларингизни ёритинг.
3. Яссавия, Кубровия, Нақшбандия тариқатларининг маънавиятни ўстиришдаги аҳамияти.
4. Иймон тушунчасига таъриф беринг.
5. Исломда ота-онага ҳурмат, ахлоқ, поклик ҳақида ҳадисларимизда нималар ибрат килинган?

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000.
2. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2003.
3. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Тошкент, “Маънавият” 2008.
5. Каримов. И.А. Тарихий хотира инсон омили- буюк келажакимизнинг гаровидир.– Тошкент: “Ўзбекистон”, 2012.
6. И.А.Каримовнинг “Мустақиллик- барча эзгу ва марраларимизнинг мустаҳкам мезонидир” рисоласи бўйича ўқув-қўлланма. –Тошкент: Ўқитувчи 2013.
7. Умаров Э., Абдуллаев М. Маънавият асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент: “Cho’lpon” номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи. 2006.
8. Имомназаров М., Саидов М. Миллий тараққиётнинг маънавий-ахлоқий асослари. Ўқув қўлланма. “Akademiya”, Тошкент: 2005.
9. Абдурахмонов М., Отамуротов С. Маънавий салоҳият. Ўқув қўлланма. –Тошкент: Университет. 2009.
10. Қуранбоев Қ., Абдурахмонов М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарини ўқитиш бўйича ўқув-услубий қўлланма. Тошкент: -2010.
11. Маънавият юлдузлари Муҳаррир Ф.Хасанов. –Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2011.
12. Иброҳимов А. Бизким ўзбеклар. – Тошкент: Шарқ. 2011.
13. Давлат, жамият, оила ва ёшлар тарбияси муаммолари. Тошкент: 1997.
14. Зиёев Х. Истиқлол-маънавият негизи. “Маънавият”. Тошкент: 1999.
15. Қаҳҳарова Ш. Глобал маънавият- глобаллашувнинг ғоявий асоси. “Тафаккур” нашриёти. Тошкент: 2009.

16. Шайх Нажмиддин Кубро. –Тошкент: 1995.
17. Ал-Бухорий. “Ишончли хадислар”. 1-5 жилдлар.
18. Ат- Термизий. “Суннани Термизий”. –Тошкент: 1999.

Интернет маълумотлари

19. www: press – service. uz.
20. www: mfa. uz.
21. www. marifatars-inform.uz. маърифат журнаלי

10- мавзу: Марказий Осиё фалсафий тафаккурида маънавий ва маърифат масалалари.

Режа:

1. Ўрта Осиё Шарқнинг юксак маънавий ва маърифий марказига айланиши шарт–шароитлари.
2. Шарқ Уйғониш даври маънавий мероси.
3. Буюк мутафаккирларимизнинг жаҳон фани ва маданиятига қўшган ҳиссалари.

Биринчи масалада қуйидагиларга алоҳида эътибор берилади. Ислом дини ўрнатилган Осиёнинг жуда катта ҳудуди кейинчалик мусулмон Шарқи номини олди. Ҳалифалик кейинчалик (IX-XII асрлар) кучсизланиб, фақат Яқин Шарқ доираси билан чегараланиб қолса-да, исломнинг бошқа халқлар орасида тарқалиши давом этди.

VIII аср охири IX аср бошларида халифаликнинг маркази Бағдодда илм-фан ривожланди. Қадимги юнон олимлари Сократ, Платон, Аристотель, Гиппократ, Гален, Евклид асарлари араб тилига таржима қилинди. Христиан ва ислом олимлари ўртасида ҳамкорлик ишлари авж олди. Халифа Хорун ар-Рашид вафот этгач (809 йил), унинг ўғиллари Муҳаммад ал-Амин, сўнг ал-Маъмун халифа бўлган. Маъмун илм-фан, маданиятга қизиққан одам бўлиб, унга қадар халифаликнинг Мовароуннаҳр ва Хуросон бўйича ноиби сифатида Марвда ҳокимлик қилар эди. 819 йил Маъмун халифа сифатида Боғдодга қайтгач, у ерда илмий марказ ташкил этиб, унга барча мусулмон ўлкалари, жумладан Мовароуннаҳрдан олим ва фозилларни тўплади. Бу олимлар орасида Мусо-ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Мансур Марвазий, Жавҳарий, Сағуний, Марваридий кабилар бўлгани ва улар Боғдодда шаклланган илмий марказда улкан илмий тадқиқотларни амалга оширгани, шу илмий марказнинг шуҳратини оширишга, ўз даври маданияти ривожига буюк ҳисса қўшгани маълумдир. Бу илмий марказ тарихда “Байт-ул-хикма” (Донишмандлар уйи) номи билан машҳур бўлиб, унинг фаолиятида улкан ютуқларни қўлга киритишда Марказий Осиёлик йирик олимлар олдинги сафда туриб жиддий иш олиб бордилар. Марказий Осиёда араб халифалигининг таъсири сусайиб, ерли зодагонлар, хусусан тоҳирийлар ҳамда сомонийларнинг нуфузи кучая борди. IX асрнинг охирига келиб Марказий Осиё мустақилликка эришди ва бу ерда сомонийлар ҳукмронлиги шаклланди. Сўнг бу ҳудудда Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар давлатлари фаолият кўрсатди. Бухора, Самарқанд, Кўхна Урганч, Хива каби шаҳарлар ўз даврининг маданият марказлари сифатида маълум бўлди. Бу ерларда савдо-сотик, ҳунармандчилик, ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва маданий алоқалар, билим ўчоқлари ривож топди. Бундай иқтисодий-маданий марказлар улкан мусулмон шарқининг турли ўлкаларини, Ғарб ва Шарқ, Шимол ва Жануб мамлакатларини боғлаб турувчи қадимги Буюк ипак йўли анъаналарини давом эттирган ҳолда, алоқа ўчоқлари сифатида машҳур бўлди. Мовароуннаҳр давлатлари бошқа мусулмон ўлкалар билан яқиндан мулоқот қилиш имкониятига эга бўлдилар.

Маҳаллий давлатларнинг ўзаро урушларига қарамай, меъморчилик, қурилиш ишлари, ҳунармандчилик, ободончилик, маданий алоқалар ҳам тез суръатлар билан авж олди. Маданиятнинг турли соҳаларидаги бундай юксалиш, авваламбор, араб мустамлакачилигидан қутилиш, ерли мустақил давлатларнинг вужудга келиши, бой маданий анъаналарнинг тикланиши натижаси эди. Шу билан бирга Марказий Осиёнинг

жуда катта минтақадаги мусулмон шарқи давлатлари билан дин ва тил асосида маданий алоқаларнинг кучайиши ҳам бу маданий юксалишда муҳим сабаб бўлиб хизмат қилди.

Иккинчи саволда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор берилади. Жуда кўп манбаларда VIII-XII асрларда хунарамандчилик, савдо-сотик, савдо йўллари, деҳқончилик, қурилиш ишларининг авж олиши, Шунингдек,, Бухоро, Шош, Ахсикент, Фарғона, Ўзганд, Хўжанд, Урганч, Хива, Марв, Термиз каби ривож топган шаҳарлар, улардаги меъморий ёдгорликлар, бозорлар, ободончилик ҳақида муҳим маълумотлар келтирилган. Марказий Осиёда араб, форс, туркий тиллар кенг фойдаланганлиги ҳақида ҳам ноёб маълумотлар серобдир.

IX-XII асрлар давомида Мовароуннаҳр бутун мусулмон оламида илмий-маданий жиҳатдан энг ривож топган ўлка сифатида машҳур бўлиб, у ерда қадимий анъаналар қоришуви асосида исломий-фалсафий ва табиий илмлар–астрономия, математика, тиббиёт кимё, доришунослик, жўғофия каби фанлар ривож топди.

Учинчи саволда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор берилади. Ўрта Осиё табиий–илмий тафаккури ривожининг бошланиши буюк аллома Аҳмад ал-Фарғоний ва Мусо Муҳаммад ал-Хоразмийларнинг номи билан боғлиқдир. 1998 йилда Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги юртимизда кенг нишонланди. У–машҳур фалакиётшунос олим. Унинг асосий асарлари “Фалакдан бўладиган сабаблар”, “Астролябия фани усуллари”, “Осмон ҳаракатлари ва юлдузлар илми” ва бошқалар.

Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий шарқнинг буюк мутафаккир комусий олимидир. Унинг илми нужум, геодезия, жуғрофия, риёзиёт соҳасидаги хизматлари бекиёсдир. Хоразмий –“Синд Ҳинд”, “Зижи Хоразмий”, “Қуёш соати ҳақида рисола”, “Ернинг шакли ҳақида китоб”, “Муסיқа бўйича рисола”, “Тарих ҳақида” ва бошқа асарларнинг муаллифи.

Шарқ фалсафий–ахлоқий фикри ривожини Абу-Наср Фаробийсиз тасаввур қилиш қийин. У Шарқ Аристотели деган унвонга сазовор бўлган. У яратган асарларнинг умумий сони 160 та бўлиб, уни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

а) қадимги юнон файласуфлари ва табиатшунослари–Аристотель Платон, Галент ва бошқаларнинг илмий меросларини таржима қилиш, шарҳлаш ва ўрганишга бағишланган асарлар.

б) Ўрта аср фанининг табиий, ижтимоий фалсафий соҳаларига оид рисола.

Жумладан ”Аристотельнинг метофизика” асарига изох, “Аристотельнинг ”Этика” китобига шарҳ”, “Масалалар манбаи”, “Муסיқа ҳақида сўз”, “Фозил одамлар шаҳри” ва бошқалар.

Фаробий ҳаётнинг олий мақсади бахт-саодатга эришувдан иборат, кишилар бунга оламни ўрганиш, касб-ҳунар ва илмларни ўзлаштириш–маърифатли бўлиш орқали эришади деб қарайди.

Хоразмлик буюк олим Абу Райҳон Беруний (973-1048) жаҳон фани тарихида энг машҳур сиймолар қаторидан жой олган, ўз давридаги деярли ҳамма фанларга катта ҳисса қўшган, машҳур комусий илм соҳиби, йирик табиатшунос ва файласуфдир. У ўз умри давомида 150 дан ортиқ асарлар яратган. Шулардан энг машҳурлари “Қадимги авлодлардан қолган ёдгорликлар”, “Маъсуд қонуни”, “Ҳиндистон”, “Геодезия”, “Минералогия”, “Сайдана” ва бошқалардир. Гарчи Беруний фалсафий-ахлоқий масалаларга оид махсус асар ёзмаган бўлса-да, аммо кўпгина асарларида бу масала ҳақида фикрлар баён этган.

Жаҳон маданияти ва маърифатига катта ҳисса қўшган, Шарқ ва Европада “Шайх-ур раис-олимлар бошлиғи” унвонига эга бўлган аллома Абу Али Ибн Сино (980-1037) нинг мероси биз учун бебаҳо хазинадир. У ўз умри давомида 450 дан ортиқ асарлар яратган. Унинг “Тиб қонунлари” номли 5 жилддан иборат китоби асрлар давомида Шарқ ва Европада медицина бўйича асосий қўлланма бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Унинг “Уржуза” номли асарида тиббиётни шеърӣ услубда моҳирона ёзганини кўрсатади.

IX-XII асрлар маънавияти ва маърифати ривожига кўзга кўринган шоир Юсуф Хос Ҳожиб ҳам катта ўрин тутди. Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг ягона достони бўлмиш

“Кутадғу билиг” (“Бахтга элтувчи билим”) билан машхурдир. Бу асар 1069 йилда ёзилган бўлиб, уни шоир Қашқар ҳоқими Сулаймон Арслон қорахонга бағишлаган. Шу асар учун унга Хос Ҳожиб, яъни буюк хоннинг махсус маслаҳатчиси унвони берилган. Достон қаҳрамонлари - ҳоким Кунтуғди адолат рамзи, вазир Ойтўлди бахт рамзи сифатида, вазирнинг ўғли Ўғдулмиш ақл рамзи сифатида тасвирланади.

IX-XII асрлар давомида Марказий Осиёда илм, фан, маърифат, маънавият юқори даражада ривожланди.

XVI-XIX асрларда Ўрта Осиё халқлари маънавий - маърифий тафаккур тараққиёти икки йўналишда борди. Биринчиси Ўрта Осиёнинг ўзида бўлиб берди. Иккинчиси Хиндистонда Бобурийлар давридаги Ўрта Осиёлик мутафаккирларнинг ижодида намоён бўлади.

XVII асрнинг иккинчи ярми ва XVIII асрнинг бошларида Ўрта Осиёда маънавий-маърифий қараш ривожини Бобораҳим Машраб (1653-1711) номи билан чамбарчас боғлиқ. Машраб ўша вақтда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида тарқалган тасаввуфнинг қаландарлик оқимида эътиқод қилиб, ўзининг исёнқорона шеърлари билан жамиятдаги адолатсизликка қарши кураш олиб боришга ҳаракат қилган. Ўз ғазалларида ахлоқий, маънавий покликка эришиш, ҳаётдаги салбий иллатларга қарши курашни куйлайди.

У ўзи яшаётган давр ҳокимларидан адолатни кутади. Ҳатто уларга мурожаат қилиб, халқ тўғрисида ғамхўрлик қилишни, уларнинг арз-додига қулоқ солишни сўрайди. Машраб кишиларни бойликка ҳирс қўймасликка, ўзгаларга яхшилик қилишга, саҳийликка, ҳалол бўлишга, ўз меҳнати эвазига яшаш, нафсни тийишга чақиради.

Машраб ўз ижодида хулқ-одоб масалаларига катта эътибор бериб, одамларни ярамас хатти-ҳаракатлардан, такаббурлик ва ёлғон сўзлашдан сақланишга ундайди. Унинг маънавий-ахлоқий дунёқарашида фарзанднинг ота-онани ҳурмат қилиши, уларни юксакликка кўтариш ғояси муҳим ўрин тутаяди. Хусусан, фарзанддан отанинг рози бўлиши лозимлиги, акс ҳолда ёмон оқибатларга олиб келиши ҳақида ёзади. Машраб ижодидаги бундай ғояларнинг мустақил Ўзбекистон ёшларини маънавий камолга етказишда аҳамияти жуда каттадир.

Таянч сўзлар ва иборалар: Уйғониш даври ва маданияти, бахт-саодатга эришиш, маърифатпарварлик, жаҳон маданияти, буюк мутафаккирлар, маънавий поклик, адолатпарварлик, ахлоқий дунёқараш, комиллик, ота-онага ҳурмат, маънавий камолот.

Савол ва топшириқлар.

1. Ўрта Осиё Шарқнинг юксак маънавий ва маърифий марказига айланиши шарт шaroитларини изоҳланг.
2. Шарқ Уйғониш даври маънавий мероси ҳақида ўз фикрларингизни илмий фактлар асосида ёритинг.
3. Буюк мутафаккирларимизнинг жаҳон фани ва маданиятига қўшган ҳиссалари ҳақида гапиринг.
4. Маънавий комиллик деганда нимани тушунасиш?

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000.
2. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2003.
3. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Тошкент, “Маънавият” 2008.
5. Каримов. И.А. Тарихий хотира инсон омили- буюк келажакимизнинг гаровидир.– Тошкент: “Ўзбекистон”, 2012.

6. И.А.Каримовнинг “Мустақиллик- барча эзгу ва марраларимизнинг мустаҳкам мезонидир” рисоласи бўйича ўқув-қўлланма. –Тошкент: Ўқитувчи 2013.
7. Умаров Э., Абдуллаев М. Маънавият асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент: “Cho’lpon” номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи. 2006.
8. Имомназаров М., Саидов М. Миллий тараққиётнинг маънавий-ахлоқий асослари. Ўқув қўлланма. “Akademiya”, Тошкент: 2005.
9. Абдурахмонов М., Отамуротов С. Маънавий салоҳият. Ўқув қўлланма. –Тошкент: Университет. 2009.
10. Қуранбоев Қ., Абдурахмонов М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарини ўқитиш бўйича ўқув-услубий қўлланма. Тошкент: -2010.
11. Маънавият юлдузлари. Мухаррир Ф.Хасанов. –Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2011.
12. Иброхимов А. Бизким ўзбеклар. – Тошкент: Шарқ. 2011.
13. Давлат, жамият, оила ва ёшлар тарбияси муаммолари. Тошкент: 1997.
14. Темур тузуклари. –Тошкент: Ўзбекистон, НМИУ, 2011.
15. Амир Темур ўғитлари. Тошкент. Ўзбекистон, 2007.
16. Зиёев Х. Истиқлол-маънавият негизи. “Маънавият”. Тошкент: 1999.
17. Қаҳҳарова Ш. Глобал маънавият- глобаллашувнинг ғоявий асоси. “Тафаккур” нашриёти. Тошкент: 2009.
18. Ислом тарихи ва маънавият. –Тошкент: 2000.
19. Абу наср Фаробий. “Фозил одамлар шаҳри” –Тошкент: 1993.
20. А.Қаюмов Беруний ва адабиёт. –Тошкент: 1991.

Интернет маълумотлари

20. [www. marifatars-inform.uz](http://www.marifatars-inform.uz). маърифат журнали
21. [www/ natlub.uz](http://www/natlub.uz)
22. республика узбекистан [http:// www. gov.uz](http://www.gov.uz)

11-мавзу: Амир Темур ва темурийлар даврида маънавият ва маърифат ривож.

Режа:

1. Соҳибқирон Амир Темур—маънавий баркамол шахс. Мустақиллик йилларида Соҳибқирон Амир Темур маънавий оламининг ижодкорлар томонидан ёритилиши ва унинг ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги аҳамияти.
2. Мирзо Улуғбек—донишманд ҳукмдор, илм – фан, маърифат ҳомийси, буюк олим ва мунажжим.
3. Алишер Навоийнинг ўзбек халқи маънавий дунёси шаклланишидаги буюк хизматлари.

Биринчи саволда қўйидаги масалаларга талабаларни жалб этиш лозим. XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV аср Ватанимиз тарихида воқеаларга ниҳоятда бой тарихий давр ҳисобланади. Чунки бу даврда мўғуллар ҳукмронлиги ва феодал тарқоқлик тугатилиб, босқинчиларнинг вайронагарчиликларини, бир ярим асрлик зулмлари оқибатида иқтисодий, маданий-маърифий турғунлик ҳолатига тушиб қолган мамлакатимиз ўз мустақиллигини тиклашга киришди. Бу даврда Амир Темурнинг ягона байроғи остида марказлашган кучли мустақил феодал давлат ташкил топди.

Ўтмишни бугун яратиб бўлмайди, ўтмиш бугунни яратади. Турон ва Туркистон замини азалдан маънавий озикланган, маданий қатламга эга бўлган. Тарихдаги ҳар бир ижтимоий юксалиш, аввало, жамиятнинг ўз меросига, ўз ўтмишига бўлган муносабатни ислоҳ қилишдан бошланган. Буюк мутафаккирларимизнинг маънавий олами хусусида фикр юритганда, Соҳибқирон Амир Темур ҳақида алоҳида тўхталишимиз зарур. Чунки тенгсиз азму-шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзидан ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолдирди, илму—у фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очди.

Амир Темурдек буюк ва бетакрор сиймони ҳар томонлама тушуниш, у барпо этган қудратли салтанатнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий мафкуравий асосларини, Соҳибқироннинг давлат бошқаруви борасидаги улкан салоҳияти, маҳорати, билим ва тажрибаларини ўрганишда “Темур тузуклари” бебаҳо қўлланма бўлиб хизмат қилади. Айниқса бош қомусимиз – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг шакллантирилишига ҳам “Темур тузуклари” асосий манбалардан бири бўлди ва моҳиятида акс этди. Унда давлат тизими, давлатдаги турли лавозимларнинг вазифалари, давлатни бошқаришга асос бўлган қоидалар тартиби бугунги кунда ҳам амалга сазовар бўлмоқда. Амир Темур - буюк шахс, кураги ерга тегмаган саркарда, йирик давлат арбоби, қонуншунос, таълантли меъмор, нотик, руҳшунос шу билан бирга эл-юртини, халқини севган ва уни жаҳонга машҳур қилган инсон. Амир Темурнинг тарихи кўп жилдлик китоблар ёзишга арзийди.

Амир Темур ушбу даврда Мовароуннаҳр ва Хоразмга тазйиқ ўтказаётган Тўхтамишхонга қарши қўшин тортди. Урал ва Кавказда бўлган икки шиддатли жангда Амир Темур ғалаба қозониб, Олтин Ўрда тазйиқида яшаётган Россиянинг қад ростлашига ёрдам берди. Мустақилликка эришгунимизча буни қилиш имконига эга бўлмадик, чунки коммунистик ғоя бунга йўл бермади. Амир Темурнинг ўзи таҳқирланди, тухмату маломатларга қолди.

Шукурлар бўлсинки, мустақиллик туфайли кўп минг йиллик бой тарихимизни, шу жумладан улуғ бобомиз Амир Темурни суриштириш ва ўрганиш имконига эга бўлдик.

Амир Темур 1336 йилнинг 9 апрелида Шахрисабзнинг Хожа илғор қишлоғида таваллуд топди. Темурнинг ёшлиги ва йигитлик йиллари мамлакат оғир ижтимоий–сиёсий бўрон исканжасига тушиб қолган бир даврда кечди.

Узоқ ва машаққатли курашлардан сўнг Амир Темур ўз рақибларини енгиб ҳокимиятни қўлга олди. Майда, тарқоқ феодалликларни бирлаштириб, марказлашган давлат бунёд этди, мамлакатда иқтисодий ва маданий ўзгаришлар қилди. Амир Темурнинг тарих олдидаги хизмати бениҳоя катта.

“Инсон тириклигида бу ёруғ жаҳонда қанчалик кўп эзгу ишлар қилган бўлса, унинг юлдузи шунчалик кучли порлайди. Муболағасиз айтиш мумкинки, биз–ўзбеклар учун энг порлоқ юлдуз бу Соҳибқирон юлдузидир! Бу абадиётга дахлдордир!”¹². Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов: “Шахсан мен “Темур тузуклари”ни ҳар гал–ўқир эканман, худдики ўзимга қандайдир руҳий куч-қувват топгандек бўламан. Ўз иш фаолиятимда бу китобга такрор-такрор мурожаат қилиб, ундаги ҳеч қачон эскирмайдиган, инсон маънавияти учун бугун ҳам озиқ бўладиган ҳикматли фикрларнинг қанчалик ҳаётий эканига кўп бор ишонч ҳосил қилганман”¹³, – деб таъкидлайди. Ҳар бир мамлакат, ҳар бир халқ ўзининг узоқ ва бетакрор тарихига эга. Ўзбекистоннинг ва ўзбек халқининг тарихи бой ва қадимийдир. Биз миллий тарихимизнинг шонли саҳифаларига назар ташлар эканмиз, буюк Амир Темур бобомизнинг тузукотлари давлатимиз бошқаруви учун нақадар тенгсиз ҳисса бўлиб қўшилганларини билиб оламиз. Соҳибқироннинг инсоний қиёфаси бағоят гўзал, шахси ҳайратомуздир, руҳий дунёси кенг ва теран, бой ва ранг–баранг бўлиб, авлодлар учун жуда катта ибратдир.

“Амир Темурни англаш ўзлигимизни англаш демакдир. Уни улуғлаш тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизга ишончни мустаҳкамлаш демакдир”¹⁴. Амир Темур тузукларида: “Давлатим ишларини тўра ва тузукка асосланган ҳолда бошқардим. Тўра ва тузукка таяниб, салтанатда ўз мартаба ва мақомимни мустаҳкам сақлаб турдим. Амирлар, вазирлар, сипоҳ ва раият–ҳар бири ўз лавозим ва мартабасидан мамнун ҳолда хизматимда бўлиб, ундан

¹² А.Иброҳимов. Бизким ўзбеклар. Миллий давлатчилигимиз ҳақидаги мулоҳазалар. Учинчи жилд. – Тошкент: Шарқ, 2011. 87 бет.

¹³ И.А.Каримов, Юксак маънавият–енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2008. 45 бет.

¹⁴ А.Иброҳимов. Бизким ўзбеклар. Миллий давлатчилигимиз ҳақидаги мулоҳазалар. Учинчи жилд. – Тошкент: Шарқ, 2011. 93 бет.

ортиғига даъвогарлик қила олмади. Раият аҳволидин огоҳ бўлдим, улуғларни оға каторида, кичикларни фарзанд ўрнида кўрдим...”¹⁵. Амир Темур халққа меҳрибончилик қилса, уларнинг дардларидан огоҳ бўлса, халқ ҳам унинг атрофида мустаҳкам бўлиб жипслашишини жуда теран англаган, хизмат вазифасини сидқидилдан бажарган инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, зиёди билан рағбатлантирган, ҳар ишни адолатпарварлик билан бажаришга умри давомида амал қилган. Темур бобомизнинг буюк ҳислатларидан бири шу эдики, у бирор масалани ҳал этишдан олдин шу соҳанинг билимдон одамлари, олимлари билан маслаҳатлашар, кейин аниқ, адолатли қарорлар қабул қилар эди. Бу ҳақда ўз тузукотида бундай деб ёзади: “Салтанатимни ўн икки тоифага бўлиб, уларга таянган ҳолда иш юргиздим. Салтанатим қонун–қоидаларини ҳам шу ўн икки тоифага боғлаб туздим. Бу ўн икки тоифани салтанатим фалакининг ўн икки буржи ва давлатим корхонасининг ўн икки ойи деб ҳисобладим”¹⁶. “Амир Темур давлат ва жамият ҳаётида бўлиб ўтадиган ҳар бир муҳим режа олдидан кенгаш ўтказар ва кенгаш олдидан нафақат давлат арбоблари, саркардалар, темурзодаларни, балки саййидлар, шайхлар, илм-фан арбобларини ҳам таклиф этган ва чин юракдан маслаҳат, таклифлар берган инсонларга доимо иззат-икромда ва эътиборда бўлган”¹⁷. “Салтанатни бошқариш ишларида сабру-тоқат, баъзи ҳолатларда билиб-билмаслик, кўриб-кўрмасликка олиш, яъни кечиримлиликка, ҳалимликка, чидамлилиқ, соғлиғу сергаклик, эҳтиёткорликка ҳам алоҳида эътибор берган”¹⁸. Шунингдек, халқ фаровонлиги, мамлакат ободончилиги йўлида сув омборлари, тўғонлар қуришга, ариқлар қазилшга, янги ерларни ўзлаштиришга алоҳида эътибор берган. Бобомиз миллат ғамида ёнган, унинг истиқболи ва истиқлоли йўлида фидокорлик кўрсатиб яшаган. У қўйган ҳар бир қадам нафақат ўша давр учун, балки келажак учун, чунончи бугунги кунимизга ҳам хизмат қилмоқда, унинг донишмандлиги, тузукотларининг нақадар теран фикр билан ёзилгани, ҳамма ҳикматлари ҳаётда ўз амали ва исботини топганлиги, бой тажрибага эга эканлиги билан бугунги кунимизда ҳам ўта ибратлидир.

Амир Темур илм-фан, маънавият аҳлига эътибор, меҳрибонлик кўрсатиб, улардан жамият маданий ҳаётида фойдаланишга интилар, тарихчи Ибн Арабшоҳ ёзганидек, “Темур олимларга меҳрибон, саййиду шарифларни ўзига яқин тутар эди. Уламо ва фузалога тўлиқ иззат-ҳурмат кўрсатиб, уларни ҳар қандай одамдан муқаддас кўрарди. Уларнинг ҳар бирини ўз мартабасига қўйиб, иззат ва икромни унга изҳор қиларди”¹⁹. Рухланиб, меҳр билан қалбан ёд этадиган ва амал қилишга доимо ҳаракат қилтнадиган ўғитларидан: “Тажрибамда кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, хушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшироқдир”²⁰, “Куч адолатдадир”²¹, “Бир калима ширин сўз қилишни қинга киритар”, “Очиқ юзлилик, раҳм–шафқат билан халқни ўзимга ром қилдим. Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узоқроқда бўлишга интилдим”²², “Билаги зўр бирни, билими зўр мингни йиқар”²³ деган фикрлари ҳозирги кунда ҳам нақадар маънавий жиҳатдан долзарб аҳамиятга эга бўлиб, инсонни доимо ақл-идрок, адолат, тадбиркорлик, мардлик, огоҳликка даъват этиши билан эътиборлидир.

¹⁵ Темур тузуклари / Форсчадан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматовлар тарж.; Б.Аҳмедов таҳрири остида. –Тошкент: Ўзбекистон, 2011. 74 бет.

¹⁶ Темур тузуклари / Форсчадан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматовлар тарж.; Б.Аҳмедов таҳрири остида. –Тошкент: Ўзбекистон, 2011. 78 бет.

¹⁷ Маънавият юлдузлари. –Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2011. 161 бет.

¹⁸ Амир Темур ўғитлари. –Тошкент: Ўзбекистон, 2007. 10 бет.

¹⁹ Маънавият юлдузлари. –Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2011. 162 бет.

²⁰ Темур тузуклари / Форсчадан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматовлар тарж.; Б.Аҳмедов таҳрири остида. –Тошкент: Ўзбекистон, 2011. 14-бет.

²¹ Амир Темур ўғитлари. –Тошкент: Ўзбекистон, 2007. 38 бет.

²² Ўша жойда. 20-бет.

²³ Ўша жойда. 44-бет.

Амир Темур илм-фаннинг риёзиёт, ҳандаса, меъморчилик, фалакиёт, адабиёт, тарих, мусика каби соҳалари равнақиға катта эътибор бериб, соҳиби ҳунармандлар билан қилган суҳбатлари ҳақида француз олими Лянгле шундай ёзади: “Темур олимларға серилтифот эди. Билимдонлиги билан бир қаторда софдиллигини кўрган кишиларға ишонч билдирарди. У тарихчилар, файласуфлар, Шунингдек, илм-фан, идора ва бошқа ишларға истейдодли бўлган барча кишилар билан суҳбатлашиш учун кўпинча тахтдан тушиб, уларнинг ёниға келарди. Чунки Темур бу соҳаларға ғамхўрлик қилишға асосий эътиборни берарди”²⁴.

Соҳибқирон бобомиз даврида инсониятнинг ярмидан кўпини ташкил этувчи аёлларға ҳам алоҳида иззат ва ҳурматда бўлинган. Бу борада буюк бобомиз, “Аёлларни улуғ кишилар улуғлайди, пасткаш кишилар эса хўрлайди”, деган ҳадиси шарифға амал қилди. Унинг саройида аёллар ҳам юксак эътиборда бўлган. Улуғ саркарда бобомиз соҳибқироннинг покиза туйғулари буюк ниятға тўлиқ қалб эгаси бўлмиш Такина моҳбегим жисмида дунёға келди. Табаррук замин, эл-юрт, Ватанға муҳаббат ва садоқат унга онасининг юрак нуридан куйилди. Ҳар қайси ҷамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларға бўлган муносабат билан белгиланишини буюк соҳибқирон бобомиз яққол англаган ва ҳаёти давомида буни сиёсий жараёнда бош масала деб билди. Буни кўпгина манбалар ҳам тасдиқлайди. Жумладан, Амир Темур хотини Сароймулкхонимға Бибиҳоним жомеъ масжидини бунёд эттиради.

Соҳибқироннинг бунёдкорлик соҳасидаги тарихий хизматлари беқиёс. Амир Темур ва унинг авлодлари саъй-ҳаракатлари билан қурилган мадрасалар, масжидлар, саройлар, бозорлар, кўприklar, йўллар, бекатлар, карвонсаройлар, қалъалар, қазилган каналлар ва бошқа иншоотларнинг сон-саногии йўқ. Амир Темурнинг бевосита раҳнамолигида бунёд этилган Бибиҳоним жомеъ масжиди, Гўри Амир, Аҳмад Яссавий, Занги Ота мақбаралари, Оксарой ва Шоҳи Зинда меъморий мўъжизалари, Боғи Чинор, Боғи Дилкушо, Боғи Бехишт, Боғи Баланд сингари ўнлаб гўзал сарой-боғлар ва шу каби бошқа иншоотлар шулар жумласига киради.

Тарихчи Шарофуддин Али Яздийнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур "Ободончиликка ярайдиган бирон қарич ернинг ҳам зое бўлишини раво кўрмасди". Тарих бу кўхна дунёда жуда кўп жаҳонгирларни кўрган. Амир Темурнинг улардан фарқи шундаки, у умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлган. Унинг: "Қай бир жойдан бир ғишт олсам, ўрниға ўн ғишт қўйдирдим, бир дарахт келтирсам, ўрниға ўнта қўчат эктирдим", - деган сўзлари бунёдкорлик, яратувчилик фаолиятининг тасдиғидир. "Агар бизнинг қудратимизни билмоқчи бўлсангиз, қурган биноларимизға боқинг" деганда Амир Темур, аввало, ўз халқиға, келажак авлодларига мурожаат қилган десак янглишмаймиз.

Ҳар қандай ҷамият тараққиётини илм-маърифатсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Буни теран англаган соҳибқирон ҳоқимиятға келиши билан чиқарган дастлабки фармонларини мадрасалар барпо этиш, илм толибларига нафақалар тайинлаш билан боғлаган. Қайси бир шаҳарға ташриф буюрмасин, Амир Темур, аввало, ўша ерлик олиму фозиллар билан учрашар, улар билан суҳбат қулар, турли мавзуларда баҳслашар эди. Тарихимизда Амир Темурдай соҳибқирон-порлоқ юлдуз борки, у қолдирган моддий ва маънавий мерос бугунги ҳаётимизда ҳамоҳанг, булар олдимизда турган муаммоларни ечишда бизға қўл келмоқда. Юқоридагидек инсоний ҳислатлар ва маънавий фазилатлар, адолатпарварлик ва ростгўйлик, меҳрибонлик ва қаттиққўллик, ватанпарварлик ва элпарварлик ва бошқа кўплаб инсонийлик шижоати улуғ Соҳибқирон Амир Темурни ҳақли равишда жаҳоннинг санокли буюклари қаторига олиб чиқди ва тарихимизда куёшдай нурли сиймо бўлиб қолди. Бу сиймо мард, танти, ҳалол, ғайратли халқимизни бирлаштиришда, жипслаштиришда, иймон-оқибатли бўлишда, қудратли келажакимизни қуришда бизға, албатта, янги-янги куч ва шижоат бағишлайди. Тарих, тиббиёт, математика, астрономия,

²⁴ Маънавият юлдузлари. –Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2011. 162-бет.

меъморилик соҳаларида юксак салоҳиятга эга Амир Темур учун бу табиий ҳол эди. Мазкур фазилят соҳибқироннинг набираси Мирзо Улуғбекка ўтгани шубҳасиз.

Мирзо Улуғбекнинг давлат арбоби бўлиш билан бир қаторда буюк олим даражасига етишида бобоси Амир Темурнинг таъсири бениҳоя катта бўлган. У Улуғбекдаги ноёб истеъдодни бошданок пайқаб, сафарларда ҳам ёнига олиб юриб, дунёнинг машҳур олимлари тарбиясидан баҳраманд этган.

Амир Темурнинг маънавий ва маърифий қарашлари унинг ўз фарзандлари, набиралари, тахт ворисларига қолдирган ўғитлари – "Темур тузуклари" да мужассамлашган. Бу бебаҳо асарда подшолар, ҳокимлар ва вазирларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, сипоҳларга муносабат, илм-фан намоёндалари, дин пешволарига, устозларга, яхшилик қилган кишиларга муносабат каби ҳаётий маънавий-ахлоқий қонун-қоидалар ўз ифодасини топган.

Тузуклардан қуйидаги мисолларни келтираемиз:

- Юз минг отлиқ аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин.

- Золимлардан мазлумлар ҳақини олдим. Золимлар етказган ашёвий ва жисмоний зарарларни исботлаганимдан кейин, уларни шариатга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилдим ва бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм ўтказмадим.

- Кимки бировнинг молини зўрлик билан тортиб олган бўлса, мазлумнинг молини золимдан қайтариб олиб, эгасига топширсинлар. Агар кимда-ким тиш синдирса, кўзини кўр қилса, кулоқ ва бурун кесса, шароб ичса, зино ишлар қилса, девондаги шариат қозисига олиб бориб топширсинлар.

Қуйидаги тузукларда Амир Темурнинг кечиримли ҳислатлари намоён бўлган. Бунини у бошқалардан ҳам талаб қилган. Жумладан Амир Темур бу тўғрида шундай дейди:

- Менга ёмонлик қилиб, бошим узра шамшир кўтариб, ишимга кўп зиён етказганларни ҳам, илтижо билан тавба-тазарру қилиб келгач, ҳурматлаб, ёмон қилмишларини хотирамдан ўчирдим. Мартабаларини оширдим. Улар билан муомалада шундай йўл тутдимки, агар хотираларида менга нисбатан, шубҳаю кўркув бўлса, унут бўларди.

- Менга ҳасад қилиб, ўлдиришга қасд қилган кишиларга шунчалик совға-инъомлар бериб, муруввату эҳсон кўрсатдимки, бу яхшиликларни кўриб, хижолат терига ғарқ бўлдилар. Ҳамиша менинг розилигимни олиб иш тутган дўстларим олдимга паноҳ тилаб келганларида, уларни ўзимнинг тахту давлатимга шерик қилиб, ҳеч қачон улардан мол-мулк ва тирикчилик ашёларини аямадим.

Амир Темурнинг умр бўйи ободончилик, қурилиш ишларига катта аҳамият берганлиги, камбағалпарварлигини унинг қуйидаги ўғитларидан ҳам билиш мумкин:

- Кимки бирон саҳрони обод қилса, ёки кориз курса ё бирор боғ кўқартирса, ёхуд бирор ҳароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринча йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, учинчи йили қонун - қоидага мувофиқ хирож йиғсинлар.

- Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Заифларни кўринг, йўқсилларни бойлар зулмига ташламанг. Адолат ва озодлик дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин.

Иккинчи саволда темурийлар даври илм-фан, маданият, маърифат ривожини Мирзо Улуғбек (1394-1449) нинг номи, фаолияти, олиму мутафаккирлар ҳақида ёритилади. Мирзо Улуғбек–давлат арбоби, фан, маърифат ҳомийси, буюк олим ва мунажжим. У ўзи бунёд эттирган расадхона ва илм-маърифат марказига турли соҳаларда иш олиб боровчи 100 дан ортиқ илм аҳилларини тўплаб, кенг жабҳада илмий кузатиш ишларини олиб борган. Булардан Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид, Али Қушчи, Мавлоно Аҳмад, Муҳаммад Ҳавофий, Абул Али Биржондий, Мирам Чалабий, Муиниддин Коший каби замонанинг забардаст олимлари бўлган.

Мирзо Улуғбек, унинг замондошлари, муаррихларнинг хабар беришларича, шарқ мутафаккирлари, улар орқали юнон мумтоз илмий асарларидан хабардор бўлган. Улуғбек

замондоши Ғиёсиддин Кошийнинг ёзишига кўра, Мирзо Улуғбек ўта зукко ва жуда илмли шахс бўлиб, "Қуръони Карим"ни ёд билган, араб ва форс тилларини яхши билиб, тафсир ва ҳадис илми бобида билимдон инсон бўлган. Улуғбек ислом оламида илк бора ҳукмдорлик ва олимликни биргаликда олиб борди. У Мовароуннахрни мусулмон оламининг илмий марказига айлантиришга ҳаракат қилди. Хусусан Самарқанд, Бухоро, Кеш (Шаҳрисабз) илм-фан марказларига айланди. У 1417 йил Бухоро, 1420 йили Самарқандда, 1433 йилларда Ғиждувонда мадрасалар барпо этди. Самарқанднинг ободончилик ишларига бош-қош бўлиб, Ғўри Амир, Шоҳизинда меъморий мажмуаларини охирига етказди. Марвда ҳам бир қатор диний муассасалар қурдиради. Ҳадиси шарифдаги "Илм олмакка интиломоқ ҳар бир муслим ва муслима учун ҳам фарз, ҳам қарз" деган ибораси Бухоро мадрасаси пештоқида шиор сифатида ўйиб ёздириб қўйилади. Хусусан, у Самарқандга ўз замонасининг йирик, таниқли олимларини чорлашга ҳаракат қилган.

1420 йил Самарқанд мадрасаси очилганда, унда 100 дан зиёд талаба ўқиган, мадрасада 50 тадан кўпроқ талабалар учун махсус ҳужралар мавжуд бўлган. Зайниддин Восифийнинг ёзишича, 1420 йил Самарқанд мадрасаси очилганида унда 90 тадан ошиқ олим қатнашган. Илк маърузани Мавлоно Ҳафвий ўқиган вақтида, уни фақат икки киши -Мирзо Улуғбек ва Қозизода Румий тушунган холос. Кейинчалик ўз замонининг таниқли кишилари Абдурахмон Жомий, Хўжа Ахрор ва бошқалар ҳам Самарқанд мадрасаларида таҳсил олганлар. Шунингдек, Самарқандда бу даврда бир неча бошқа мадрасалар ҳам бўлиб (Хоним, Ферузшоҳ, Шоҳмалик, Қутбиддин ва бошқалар) у ерларда ҳам салоҳиятли олимлар дарс беришар эди. 1424-1429 йилларда Самарқанд яқинидаги Обираҳмат анҳори бўйида Мирзо Улуғбек расадхона қурдиради. Расадхона ўша даврнинг ноёб иншоотларидан бўлиб, у доира шаклида барпо этилган, иморатнинг айланаси 47 м, баландлиги 31 м.дан иборат 3 қаватли бино бўлган. Бинонинг ичи бир неча хона, айлана зал, махсус текшириш хоналаридан иборат бўлиб, у ерларда махсус асбоб–ускуналар жойлантирилган.

Расадхона ичи коинот, ер қурраси тасвирлари билан безалган бўлиб, халқ ичида шунинг учун "Нақши жаҳон" деган ном билан шуҳрат топган эди. Самони кузатиш ва ўрганиш борасида Ғиёсиддин Жамшид ёрдамида астрономик ўлчов асбоби-улкан секстант ўрнатилган. Бу секстант, ўз навбатида, Шарқдаги энг катта астрономик асбоб ўлчови ҳисобланган. Шунингдек, маҳаллий усталар (Исо Устурлобий, Абу Маҳмуд Хўжандий, уста Иброҳим) қўли билан кўплаб зарурий астрономик ўлчов асбоблари ҳам ясалди ва ўрнатилди. Расадхона қошида, Шунингдек, 15.000 жилддан иборат бой кутубхона ҳам бўлган. Унинг атрофида олимлар яшайдиган ер–чорбоғлар Боғимайдон ва Чиннихона номи билан шуҳрат топди. Улуғбек Самарқандда ўзига хос астрономия мактабини яратди. Расадхонада Улуғбек билан бир қаторда ўз замонасининг машҳур математиги ва астрономлари Қозизода Румий (Салоҳиддин Мусо ибн Муҳаммад), Ғиёсиддин Жамшид Коший, Улуғбекнинг шогирди ўз даврининг "Птолемей"и номи билан шуҳрат қозонган Али Қушчи (Алоуддин ибн Муҳаммад) ва бошқалар елкама-елка туриб илмий тадқиқот ишларини олиб бордилар.

Расадхонадаги тадқиқотлар натижасида 1018 та юлдузнинг ўрни ва ҳолати (координатлари) аниқланиб, астрономик жадвали тузилди. Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ ўлкалари бўйлаб жойлашган 683 географик пунктлар Самарқанд кенглик координатлари билан белгилаб чиқилди.

Шу жиҳатдан буюк олимнинг "Зижи жадиди Кўрагоний" (Кўрагонийнинг янги астрономик жадвали) номли асари диққатга сазовордир. Бу асар 1437 йил ёзиб тугатилган бўлса-да, олим умрининг охирига қадар унга янги натижаларни киритиб борган. Бу асар икки қисмдан иборат бўлиб, унда кенг муқаддима ва 1018 та юлдузларнинг ўрни берилган. Ундан ташқари, Улуғбекнинг "Тарихи арбаъ улус" (Тўрт улус тарихи) номли тарихий асари ва мусиқага бағишланган бешта рисоласи ҳам мавжуддир. Улуғбекнинг ўта салоҳиятли олим бўлганлигини унинг замондошлари Ғиёсиддин Жамшид, Абдураззоқ

Самарқандий, Давлатшоҳ Самарқандий ва бошқалар ҳам эътироф этганлар. Жумладан, ўзбек адабиётининг асосчиси буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий (1441-1501) бу хусусда:

Темурихон наслидин Султон Улуғбек,
Ки олам кўрмади султон анингдек, –

деб унга ўз таърифини берган эди.

Улуғбек даврида, Шунингдек,, Самарқанд Шарқнинг маданий марказига айланганлиги учун машҳур файласуф Али ибн Муҳаммад Журжоний, таниқли табиб Мавлоно Нафис, шоир Хаёлий Бухорий, “Юсуф ва Зулайхо” достонининг муаллифи Дурбек, қасида жанрининг таниқли намоёндаси ўзбек шоири Саккокий, машҳур хаттот Абдурахим Хоразмий ва бошқалар Улуғбек ҳомийлиги остида Самарқандда яшаб ижод қилдилар. Шунингдек,, Шарқнинг кўплаб таниқли олим ва шоирлари фузалою-уламолари Самарқандга тез-тез келиб турдилар. Улуғбек даврида ўзига хос тарихнавислик мактаби ҳам пайдо бўлди. XV асрдаги таниқли тарихчилар, “Зубдат ат таворих” (Тарихларнинг юқори қисми) асарининг муаллифи Ҳофиз Абру, “Матла ас-садайн ва мажмуаи ал-бахрайн” (Икки денгизнинг қўшилиши ва икки саодатли юлдузнинг балқилиши) асарининг муаллифи Абдураззоқ Самарқандий, “Равзат ас сафо” (Жаннат боғлари) асарининг муаллифи Мирхонд, “Ҳабиб ус сияр” (Дўстга мактуб) ва бошқа қатор асарларнинг муаллифи Хондамир Улуғбек яратган маданий шароитда ўсиб улғайдилар. Улуғбек давридаги маданий марказ кейинчалик “Улуғбек академияси” номини олиб, даставвал машҳур француз ёзувчиси ва олими Вольтер (1694-1778) томонидан эътироф этилган эди. Аждодларимиз тарихида 1010 йилда тузилган Маъмун академиясидан сўнг, Улуғбек академияси Ўрта Осиё тарихида иккинчи академия сифатида юзага келди.

Мирзо Улуғбек Самарқандда “Самарқанд академияси” – “Улуғбек академияси”га асос солган эди. Тарихчи олим Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича, “Улуғбек геометрия борасида Евклидга, астрономия соҳасида Птоломейга ўхшарди”. Улуғбек кўпроқ буюк олим, илм-фан, маърифат ҳомийси бўлгани учун ҳам янада қадрлироқдир. У геометрия, математика, астрономия, тарих, адабиёт, мантиқ, мусиқа илмларини билган. “Куръон”, ҳадис ва факх илмларидан ҳам яхши хабардор бўлган алломадир. XV асрда аниқ фанларнинг, хусусан астраномиянинг ривожига Улуғбекнинг хизматлари бекиёсдир. Унинг даҳоси бугун ҳам инсониятга хизмат қилмоқда.

Учинчи саволда қуйидаги масалалар ёритилади. Темурийлар даври маънавияти ва маърифати ривожига ўзларининг онгли ҳаёти ва фаолиятини инсоннинг бахт - саодати, халқлар осойишталиги, ободонлик ишлари, илм-фан, адабиёт ва санъат ривожига бағишлаган икки буюк мутафаккир Абдурахмон Жомий (1414-1492) ва Мир Алишер Навоий (1441-1501)ларнинг номи билан чамбарчас боғлиқдир.

Абдурахмон Жомий Ўрта Осиё халқлари маънавий оламида, бадий тафаккур осмонида ёрқин нур сочиб, ўчмас из қолдирган мутафаккирлардан биридир. Абдурахмон Жомий темурийлар даври дунёқараши, мафкуриси бўлмиш нақшбандийликка ихлос қўйган, уни қабул қилган, ўзи шу йўлдан борган ва унинг ғояларини тарғиб этган. Нақшбандийлик адолатни, ўз меҳнати асосида бунёд этилган ҳалол луқмани маъқуллаган, дабдабали ҳаётни рад этган, ғирром йўллар билан мол-мулк тўплашни қоралаган. Бу таълим инсонпарварлик, ростгўйлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, маънавий поклик, камтарлик, самимийлик каби чин инсоний фазилатларни улуғлаган. Унинг “Дил ба ёру, даст ба кор” – “Кўнгил Аллоҳдаю, қўл меҳнатда” шиори Жомий ва Навоий каби мутафаккирларни ўзига жалб этган. Шу сабабли бу икки улуғ сиймо, сўз санъаткорлари нақшбандийчилик йўлини қабул қилганлар ва ўз ижодларида унинг ғояларини тараннум этганлар. Алишер Навоий Ўрта Осиёнинг маънавий ва маърифий фикр тараққиётида алоҳида ўрин тутиб, адабиёт, санъатнинг турли соҳаларига оид қирқдан ортиқ асар яратди. “Чор девон”, “Хамса”, “Махбубул-қулуб”, “Муҳокаматул-луғатайн”, “Мажолисун-нафоис”, “Лисонут-тайр” ва бошқалар шулар жумласидандир.

Алишер Навоий 1441 йили Ҳиротда таниқли барлос баҳодири хонадонида дунёга келган. У ёшлигиданоқ ниҳоятда заковатли ва зехнли бола бўлган. Унинг беш ёшида ёзган ғазалига таниқли ўзбек шоири Лутфий ўз вақтида катта баҳо берган эди. Ёшлигиданоқ у темурий шаҳзода Султон Ҳусайн билан дўст бўлиб, кейинчалик улар Хуросон ҳокими Абулқосим Бобур (1451-1457) хизматида бирга бўлганлар. Ҳусайннинг хизмат даврида Алишер Навоий Машҳад ва Ҳирот мадрасаларида таҳсил кўради. Кейинчалик Мовароуннаҳр ҳокими Султон Абу Саид тазйиқи билан Самарқандга кетишга мажбур бўлади ва у ерда икки йилча туриб, ўз билимини янада такомиллаштиради. 1469 йили Хуросон тахти Султон Ҳусайнга теккандан сўнг, унинг таклифи билан Алишер Навоий Ҳиротга келиб, аввал муҳрдорлик, сўнгра вазирлик лавозимида фаолият кўрсатади.

Жумладан, Алишер Навоий ўзининг вазирлик лавозимини эгаллаган вақтида (1472-1476) мамлакатда иложи борица осойишталик ва адолат ўрнатишга ҳаракат қилади. Унинг хатти-ҳаракатлари натижасида шаҳарлар юксалди. Сув чиқарилиб, кўпгина ерлар обод қилинди, ҳунармандчилик ва савдо-сотик ишлари янада ривожланди. Навоий илм-фан, маърифат ва маданият аҳлига шахсан ўзи ҳомийлик кўрсатди. Гарчи тожу тахт учун курашларда ва фитна-низолар натижасида Навоийнинг Султон Ҳусайн билан оралари бир оз совиган бўлса-да, лекин Навоий умрининг охирига қадар давлатнинг таянч шахсларидан бири бўлиб қолади. Жумладан, у вазирлик лавозимидан кетар экан, султон Навоийга шоҳона тўн кийгизиб, унинг ҳеч бир илтимоси ҳеч қачон ерда қолмаслигини айтади. Алишер Навоийнинг биргина ўзи 300 тадан зиёд турли қурилиш, ободончилик ишларига бош-қош бўлади. Ҳиротдаги Инжил дарёси бўйида унинг қурилиш ишлари учун махсус ер ҳам ажратиб берилади. У барпо этган Ҳиротдаги “Ихлосия”, “Шифоия” мажмуалари, Тус вилоятидаги Туруқбанд сув омбори ва канали, Ҳирот ва Машҳаддаги суғориш иншоотлари, Астрободдаги сарой ва масжид, Марвдаги мадраса шулар жумласидандир. Эл-юрт фаровонлигини ўйлаган Навоий ўз даромадларининг аксарият қисмини хайрия ишларига сарфлайди.

Одами дерсанг демагил одами,

Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами,—

деб ўз таърифини берган эди шоир. Шахсан унинг маблағлари ҳисобидан 52 та работ, 19 та ҳовуз, 16 та кўприк, 9 та ҳаммом ва бошқалар қурилди. Шунингдек, Навоий бутун Хуросонда 12 тадан ошиқ аҳамиятли бўлган ва таъмирланишга муҳтож масжид, минора, работ ва бошқаларни таъмир этиб ўз ҳолига қайтаради. Жумладан, Навоий таъмир этган Ҳиротдаги жомеъ масжиди ҳозирги кунга қадар Ҳирот шаҳрининг гўзал иншоотларидан бири ҳисобланади. Алишер Навоий ҳомийлиги остида Шарқ миниатюраси мактабининг етук намоёниси “Шарқ Рафаэли” номини олган Камолиддин Бехзод, таниқли табиблар Абдулхай Муний, Дарвиш Али, хаттотлардан – Султон Али Машҳадий, мусиқачилардан – Ҳусайн Уддий, шоир ва тарихчилардан-Соҳиб Доро, Муҳаммад Низомий, Камолиддин Биноий, Давлатшоҳ Самарқандий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Мирхонд, Зайниддин Восифий, Муиниддин Муҳаммад Исфизорий ва бошқалар етишиб чиқдилар. Алишер Навоий илк бора ўзга шоирлардан фарқли равишда туркий тилда 1483-1485 йилларда бешта дostonдан иборат “Хамса” асарини ёзди. Навоий ўз она тили кўркемлиги ва жозибadorлигини асарларида намоён этди:

Турк назмида чун мен тортиб алам,

Айладим ул мамлакатни як қалам,—

деган эди шоирнинг ўзи. Буюк шоирнинг 20 тадан зиёд йирик асарлари мавжуддир. Улар “Ҳазойинул маоний”, “Маҳбул кулб”, “Мажолисун нафоис”, “Муншаот”, “Муҳокаматул луғатайн”, “Мезонул авзон” ва бошқалардир. Булар ўз ичига тарихий, фалсафий, ахлоқий мезонларни олиб, уларда инсониятга хос бўлган барча ижобий хислатлар улуғланади. Навоий ўз асарларида Ватанга, туғилиб ўсган ерига нисбатан буюк муҳаббатни куйлайди.

Навоийнинг ўзи эса баркамол, комил инсон қиёфаси учун буюк рамздир. Улуғ шоирнинг ўлмас меросини ўрганиш мустақиллик йилларида ўзининг ҳақиқий даражасига

чикди. Адибнинг барча асарлари қайта чоп этилди. Ҳукуматимиз қарорига биноан, халқимизнинг буюк мукофоти рамзида Навоий номидаги давлат мукофоти таъсис этилди. Ўлкамизда Навоийнинг улуғ номини билмаган зот йўқдир. Президентимиз ташаббусига кўра, 1991 йили Алишер Навоийнинг 560 йиллиги жуда катта тантаналар билан нишонланиб, шоирнинг маҳобатли ҳайкали халқимизнинг муқаддас рамзи сифатида пойтахтимизнинг марказида қад кўтарди.

XV асрнинг забардаст ўзбек шоирлари ичида, Шунингдек, Лутфий, Дурбек, Саккокий, Гадоий, Атоий ва бошқаларнинг ҳам номлари маълум ва машҳур бўлган. Жумладан, Навоийдан аввал энг машҳур туркигўй шоир Лутфий (1366-1465) бўлган. Унинг ўз вақтида 20 дан зиёд ажойиб асарлари мавжуд бўлиб, бизгача фақат машҳур “Гул ва Наврўз” ва ғазаллар девони етиб келган холос.

Бу даврларда, Шунингдек, Шарафиддин Али Яздийнинг (1454 йили вафотэтган) Темур тарихига бағишланган, Низомиддин Шомийдан сўнг ёзилган бир хил номдаги “Зафарнома” асари яратилди. Форс-тожик адабиётида айниқса машҳур шоир ва олим, Навоийнинг замондоши ҳамда дўсти Нуриддин Абдурахмон Жомийнинг (1414-1492) роли буюк бўлди. Жомий ва Навоийнинг дўстлиги эса, тарихда халқларимиз иттифоклигининг буюк рамзи бўлиб қолди.

Навоий ўз асарларида золим, мустабид, нодон, маишатпараст шоҳ ва ҳукмдорларни қоралаб, уларга қарши инсонпарвар, одил, адолатли ҳукмдор образини қўяди.

Одами эрсанг, демагил одами,

Оники, йўқ халқ ғамидин ғами

байти Навоий маънавияти ва инсонпарварлигининг марказий нуқтаси десак, ҳеч янглишмаймиз. Навоий бутун умри бўйича инсонпарварликни, одамийликни куйлаб, уни улуғлаб ўтган. Кишилар ғамида бўлиш, яхшилик қилиш, мурувват кўрсатиш бу буюк зот ҳаётининг мазмуни бўлган. Унинг қабрида мана бу сўзлар битиб қўйилган: “Шоҳи ғарибон”, яъни ғариблар, ёлғизлар, фақирлар шоҳи. Навоий саховат ва мурувватда беназир инсон бўлган. Ўзининг жойлардаги ер-сувлари, мол-мулкларидан келган даромадларини тўлалигича ҳайрия ишларига сарфлаган. Бу буюк ишлар эса темурийлар даври илм-фан, маърифат, маънавият ва маданият, жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилди.

Таянч сўзлар ва иборалар: Темурийлар, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, марказлашган давлат, иқтисодий-маданий ўзгаришлар, маърифатпарварлик, мардлик, қахрамонлик, меъморчилик, “Темур тузуклари”, маънавий-ахлоқий қонунлар, кечиримчилик, ободончилик, миниатюра, расадхона, илм-фан равнақи, камтарлик, инсоний фазилатлар, меҳнатсеварлик.

Савол ва топшириқлар.

1. Соҳибқирон Амир Темурнинг буюк хизматларини тарихий фактлар билан ёритинг.
2. “Темур тузуклари”да маънавият ва бошқарув масалалари.
3. Амир Темур ва темурийлар давридаги меъморчилик иншоотлари ҳақида гапиринг.
4. Темурийлар даврида илм-фан равнақи ва тараққиёт.
5. Мирзо Улуғбекнинг илмий фаолиятини тарихий мисоллар билан тушунтиринг.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000.
2. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2003.

3. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Тошкент, “Маънавият” 2008.
5. Каримов. И.А. Тарихий хотира инсон омили- буюк келажагимизнинг гаровидир.– Тошкент: “Ўзбекистон”, 2012.
6. И.А.Каримовнинг “Мустақиллик- барча эзгу ва марраларимизнинг мустаҳкам мезонидир” рисоласи бўйича ўқув-қўлланма. –Тошкент: Ўқитувчи 2013.
7. “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш-мамлакатни барқарорлаштириш, тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti” мавзусидаги халқаро конференция материаллари. –Тошкент: Ўзбекистон, 2012.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Ўрта асрлар шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти”. Ўқув қўлланма. Тошкент: 2014.
9. Умаров Э., Абдуллаев М. Маънавият асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент: “Cho’iron” номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи. 2006.
10. Имомназаров М., Саидов М. Миллий тараққиётнинг маънавий-ахлоқий асослари. Ўқув қўлланма. “Akademiya”, Тошкент: 2005.
11. Абдурахмонов М., Отамуротов С. Маънавий салоҳият. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Университет. 2009.
12. Қуранбоев Қ., Абдурахмонов М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарини ўқитиш бўйича ўқув-услубий қўлланма. Тошкент: -2010.
13. Маънавият юлдузлари Муҳаррир Ф.Хасанов. –Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2011.
14. Иброхимов А. Бизким ўзбеклар. – Тошкент: Шарқ. 2011.
15. Темур тузуклари. –Тошкент: Ўзбекистон, НМИУ, 2011.
16. Амир Темур ўғитлари. Тошкент. Ўзбекистон, 2007.
17. Аҳмедов Б. Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида. –Тошкент: 1996.
18. Муродов М. Соҳибқирон сабоқлари. –Тошкент: 1996.
19. Муҳаммад Али. “Амир Темур чамани” –Тошкент: 2006.
20. А.Аҳмад. Улуғбек Муҳаммад Тарағай. –Тошкент: 1994.
21. А.Навоий. Ҳикматлар. –Тошкент: 2010.

Интернет маълумотлари

22. [www. marifatars-inform.uz](http://www.marifatars-inform.uz). маърифат журнали
23. [www/ natlub.uz](http://www.natlub.uz)
24. республика узбекистан [http:// www. gov.uz](http://www.gov.uz)

12-мавзу: Жади́дларнинг маърифатпарварлик ҳаракати ва унинг халқ маънавиятини кўтаришда тутган ўрни.

Режа:

1. Жади́дчилик ҳаракатининг пайдо бўлиши ва унинг хусусиятлари.
2. Жади́дларнинг маърифатпарварлик ғоялари.
3. Жади́дларнинг таълим ва санъат соҳасига қўшган ҳиссаси.

Биринчи саволда қуйидагиларга эътибор берилади. Жади́дчилик аслида маърифатпарварлик ҳаракатининг кўринишидир. Миллат ва халқимиз мана шундай икки томонлама ўта аянчли ва ҳавфли ижтимоий-сиёсий муҳит ҳамда вазиятга дуч келган бир пайтда мусулмон зиёлилар дин хомийлари орасидан янги бир тараққийпарвар гуруҳининг ҳаракати пайдо бўлди. Улар «жади́д» (янги) деган улуғ номга муяссар бўлган ҳолда, Миллат ва Ватан, мусулмон халқлари учун маънавий қалқон бўлиб, кураш майдонига отилдилар. Жади́длар миллатни бўйин эгиши ва танама-тақдир қилиш ҳавфидан

кутқаришнинг бирдан-бир тўғри йўли аввал тарбия ва маърифат, сўнг ислохот эканлигини жуда тўғри англаб етдилар.

Абдулла Авлониининг ушбу ҳикмати жадидлар учун асосий эътиқод ва амалий фаолият дастури бўлиб қолди: «Алҳосил, тарбия бизлар учун ё ҳаёт – ё нажот, ё ҳалокат – ё саодат, ё фалокат масаласидир»²⁵. Дарҳақиқат, бу пайтда миллатни ҳалокат ва фалокатдан асраб, саодатга олиб чиқувчи жадидлар тарбияси билан миллатни маънан тобе қилиб, ҳалокат ва фалокатга дучор этувчи мустамлакачилар «тарбия»си қарама-қаршилиги пайдо бўлган эди. Жадидчилик ҳаракати баъзи-бир тарихга оид адабиётларда айтилганидек, “олдин маданий-маърифий ҳаракат бўлиб, кейин ижтимоий-сиёсий ҳаракатга ўсиб унгани” йўқ. У ўз табиати мақсад ва моҳиятига кўра, дастлабки кунданок, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ва ислохотчилик ҳаракат бўлган. Аммо Ватанни озод ва обод қилиш, миллат ва халқни ҳурриятга олиб чиқиш, тўқ ва фаровон, маданиятли қилиш учун жадидлар асосий эътиборни дастлаб маданий-маърифий ишларга қаратдилар.

Маърифатни ҳаётга сингдириш маориф тизими орқали амалга оширилади. Демак, маърифат билим ва маданиятнинг қўшма мазмуни бўлиб, маориф эса ана шу мазмуннинг курули, воситасидир.

Иккинчи саволда қуйидагилар ёритилади. Инсониятнинг бир жамиятдан иккинчи жамиятга, бир тарихий даврдан иккинчи бир тарихий даврга ўтиши маърифатпарварликдан бошланади. Маърифатпарварлар одатда давр учун, жамиятнинг, мамлакатнинг, халқнинг бугуни ва келажаги учун муҳим ғояларни илгари сурадилар, шу ғояларни амалга ошириш учун кураш олиб борадилар.

Исмоилбек Гаспирали 1884 йилда “Таржимон” газетаси орқали мусулмонларга қарата шундай мурожаат қилади: “Суюкли дўстларим, бизнинг учун энг гўзал иш илм ва маориф ишидир. Энг муқаддас интилиш илмга, маорифга интилишдир. Чунки инсонни инсон этган меҳнат ва билимдир. Билим маданий турмуш (цивилизация) га етишиш воситасидир.”

И.Гаспирали 1884 йилда ўн иккита болани янгича усул - “усули жадид”-савтия (товуш) усули билан ўқитиб, қирқ кунда саводини чиқаради. Улар ўқиш ва ёзишни мукамал ўзлаштира бошладилар. У 1892 йилда Туркистон генерал-губернатори А.Б.Врѣвскийга махсус мактуб йўллаб, унда мактабларни ислох қилиш, жадид мактабларини ташкил этиш, мадрасалардан бирини замонавий – дунёвий олий ўқув юртга мослаб ислох қилишни таклиф этади. Аммо бу таклифлар амалга ошмайди. Шундан сўнг Исмоилбек Гаспирали 1893 йилда Тошкентга келади ва зиёли уламолар билан учрашади. Самарқандда бўлади. У ердан Бухорога бориб, амир Абдулаҳадни жадид мактаби очишга кўндиради ва бу мактабга “Музаффария” деган номни беради.

Жадидчилик ғояси Туркистонда XIX аср 80-йилларининг иккинчи ярмидан бошлаб тарқалиб, XX асрнинг 5-йили оралиғида мунтазам ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаракат сифатида шаклланди.

Жадидчилик ҳаракати асосан икки даврга бўлинади: 1) XIX асрнинг 90-йилларидан 1917 йил февралгача; 2) 1917 йил февралдан 1929 йилгача. Биринчи даврнинг ўзи уч босқичга бўлинади: 1) Жадидчилик ғоясининг пайдо бўлиши ва мунтазам уюшган ҳаракат шаклига эга бўлиши (XIX асрнинг 90-йиллари 1905 йил); 2) Жадидчилик ҳаракатининг нисбатан тез ва қаршиликсиз ривожланиши (1905-1909 йиллар); 3) Жадидчиликнинг чоризм томонидан озодлик, демократик ва инқилобий ҳаракатларга қарши курашни кучайтирган даврдаги ривожланиши (1909-1916 йиллар). Иккинчи давр ҳам воқеалар ривожланишига қараб уч босқичга бўлинади: 1) 1917 йил февраль-октябрь; 2) 1917 йил ноябрь-1924 йил; 3) 1925-1929 йиллар.

Жадидлар олий таълимнинг асоси-университет ташкил этиш учун Тошкент шаҳар Думасидан ҳам фойдаландилар. Мунавварқори, Фитрат, М. Бехбудий, У.Асадуллаҳўжаев ва бошқа жадидлар миллий дунёвий олий таълим ғоясини ўз асар ва мақолаларида кенг тарғибот-ташвиқот қилдилар. Олий таълимга замин яратиш учун, жадид мактабларида

²⁵ А.Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. “Ўқитувчи” 1992 йил, 5-бет.

дунёвий илмлар ўқитилди, хорижга ёшлар ўқишга юборилди. Дунёвий ҳозирги замон олий ўқув юрти – университетга асос солишга жаҳидлар фақат 1918 йилда Мусулмон халқ дорилфунунини ташкил этиш билан муваффақ бўлдилар.

Умуман, жаҳидлар жуда қисқа вақт ичида бутунлай янги яъни, жаҳид халқ маорифи тизими ҳозирги замон халқ маорифи тизимига асос солдилар.

Туркистон маърифатчилиқ мактаби бой ўтмиш ва улкан меросга эга. Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли, Абдулқодир Шакурий, Ашурали Зоҳирӣ, Саидрасул Саидазизӣ, Исҳоқхон Иброт ва Аҳмад Донишлар XIX аср охирларида фаолият бошлаб, мамлакатни, халқни миллий зулм ва қолоқликдан ҳалос этишнинг ягона йўли маърифатда деб билдилар. Бу фидойи зотлар мустабид тузум ва жаҳолатга, маънавий қуллик ва зулм–зўравонликка қарши бор кучлари билан кураш олиб бордилар. Бу маърифатпарвар боболаримиз дунё кезиб, дунё халқларининг илму урфони, маданияти билан танишиб, мустамлака ўлкани, унинг кишанларини илм чироғи билангина озодлик сари бошламоқ, парчаламоқ мумкин эканини чуқур ҳис этадилар. Шу сабабли ҳам, энг аввало, юртимизда мактаб-маориф ишларини ривожлантиришда ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан азму шижоат намунасини кўрсатдилар.

Учинчи саволда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор берилади. Академик А.Н.Самойлович жаҳид адабиётини ўрганиб, 1916 йилда “Туркистонда янги адабиёт майдонга келди. Бу мен учун кутилган ҳол эди” деб ёзган эди. Дарҳақиқат, олим учун кутилган “Янги адабиёт” жаҳид адабиёти бўлди. Бу адабиёт ўз мазмун ва моҳияти ҳамда жанрларига кўра, минг йиллар давомида шаклланиб ривожланган мумтоз адабиётимиздан тубдан фарқланувчи янги адабиёт бўлди:

1. Агар мумтоз адабиётда дунёвийликка нисбатан диний жиҳат устунроқ бўлган бўлса, жаҳид адабиётида буларнинг ўртасида ўзаро тенглик, яъни диний-дунёвийлик қарор топди.

2. Жаҳид адабиёти мумтоз адабиётдан фарқли равишда ғарб адабиётидаги роман, драма, эссе, ҳикоя ва бармоқ вазнига асосланган шеърят (поэтика) каби бадиий жанрлар кўринишига эга бўлди. Проза ва публицистика пайдо бўлди.

3. Жаҳид адабиёти бевосита ижтимоий-сиёсий ва маърифатчилиқ мафкураси, миллий-озодлик хусусиятига эга бўлди. Унда мазлум халқ ҳаёти бевосита ўз ифодасини топди. Бадиий асарлар жонли халқ тилида ёзилди. Ижтимоий фаоллик ва миллий руҳ бу янги адабиётнинг энг муҳим хусусиятига айланди.

4. Жаҳид адабиётидаги бадиий-лирик қаҳрамон қиёфаси мумтоз адабиётдаги қаҳрамон қиёфасидан тубдан ўзгарди. У энди анъанавий ошиқ ёхуд маърифатпарваргина эмас, балки мавжуд мустамлака жамияти тартиб-қоидалари ҳамда миллий тенгсизлик билан келиша олмайдиган, шу билан бирга янгича ўз ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий қарашига эга бўлган шахсдир.

Жаҳидчилиқ ҳаракати жаҳид адабиётининг асосчилари бўлган йирик истеъдод эгалари–жаҳид адиби, шоири, драматурги ва санъати арбобларини ҳам тарбиялади. Жаҳидшунос таниқли олим профессор Бегали Қосимовнинг таъкидлашича, уларнинг 1905-1917 йилларда адабий-маданий ҳаракатчилиқда кизгин фаолият кўрсатганлари саксондан ортиқ бўлган. Маҳмудхўжа Бехбудий (1875-1919), Саидахмад Сиддиқий Ажзий (1864-1927), Васлий Самарқандий (1869-1925), Мунавварқори Абдурашидхонов (1878-1931), Абдулла Авлоний (1878-1934), Тўлаган Хўжамёров-Тавалло (1882-1939), Сидқий Хондайлиқий (1884-1934), Аваз Ўтар ўғли (1884-1919), Муҳаммадшариф Сўфизода (1869-1937), Абдурауф Фитрат (1886-1938), Садриддин Айний (1878-1954), Абдулвоҳид Бурхонов (1875-1934), Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий (1889-1929), Абдулла Қодирий (1894-1938), Абдулҳамид Чўлпон (1897-1938) ва бошқалар шулар жумласидандир.

Жаҳид адабиётида драматургия яъни жаҳид драмаси энг сермахсул ва оммабоп жанр сифатида алоҳида кўзга ташланади. Жаҳид ғояларининг халққа ёйилиши, сингиши ва амалий натижалар беришида драматургия ва театр санъатининг таъсир кўрсатиши

кучли бўлди. Шунинг учун ҳам жадид адибларининг аксарият йирик номаяндалари ўз ижодий-амалий фаолиятини драма ёзиш ва театр билан боғлиқ ҳолда олиб бордилар.

Мутахассисларнинг аниқлашича, 1917 йил октябрь тўнтаришигача драматургия соҳасида ўтгиздан ортиқ драма, трагедия, комедия асарлари ёзилган ва уларнинг кўпчилиги театрларда сахналаштирилган. Ўзбек жадид драматургияси ва театрига илк бор асос солган Маҳмудхўжа Бехбудий бўлди. Унинг “Падаркуш” драмаси биринчи бор 1914 йил 27 февралда Тошкентдаги “Колизей” театрида қўйилиши жуда катта маданий-маърифий воқеа бўлди. Бу кун ўзбек театрига асос солинган сана сифатида тарихга кирди. Шундай қилиб, миллий жадид адабиёти драматургияси ва театри пайдо бўлди. Адабий танқидчилик ва бадиий таржимончилик ҳам шаклланди.

Туркистонда жадидчилик миллий-озодлик кураши жараёнида юзага келган, ўзбек халқи тарихида янги саҳифани оча бошлаган ижтимоий ҳаракат бўлганлиги билан ажралиб туради. Уларнинг дунёқарашида ватанпарварлик, миллатпарварлик, маърифатпарварлик, тараққийпарварлик каби ғоялар етакчилик қилган. Ўлкани мустамлака зулмидан озод қилишни жадидлар ҳамма нарсадан устун қўйдилар. Жадид зиёлилари эрк, истиклолга эришиш учун миллий онгни ўстириш зарурлигини пайқадилар. Шу орқали миллий уйғониш ясамоқчи бўлдилар. Буни эса таълим ва тарбияда—маърифатда деб билдилар. Мана шунинг учун ҳам жадидлар янгича таълим ва тарбия тизимини қарор топтириш йўлида ҳормай-толмай ишладилар.

XIX аср охири ва XX аср бошларида бу ҳаракатнинг тарихий аҳамияти ниҳоятда катта бўлган. Бу даврларда жамиятнинг маънавий инқирози чуқурлашган бўлиб, миллий маданиятни кўтармай, умуминсоний қадриятлардан баҳраманд бўлмай, маърифат, тарбиявий ишларни кенг йўлга қўйган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тараққиётга имконият яратиб бўлмас эди. Жадидлар, яъни маърифатчилар миллатнинг маънавий камолоти йўлида ўзининг бутун кучи ва истеъдодини сафарбар этишга тайёр бўлган фидойилар эди.

Жадидлар миллатни қолоқлик, хурофот ботқоғидан олиб чиқиш учун ҳаракат қилар эканлар, бунда шариатга қатъий риоя қилиш орқали мактаб ва мадрасаларда таълим бериш тизимини дунёвий илмларни бериш асосида ислоҳ қилиш ғоясини илгари сурганлар ва бу борада ўзлари амалий ҳаракат намунасини кўрсатганлар. Хулоса шуки, биринчидан, жадидчилик исломдаги тараққиётпарварлик, илм-фанга рағбат ва дунёвийликнинг янги даврдаги кўриниши сифатида пайдо бўлди. Жадидлар исломни ҳар хил мутаассиблик бидъатлардан асраб ривожлантирди. Иккинчидан, жадидчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига Шарқ ва Ғарб мамлакатларида ривожланган демократик, миллий-озодлик, ислохотчилик ҳаракатларининг таъсири ҳам кучли бўлди. Ҳақиқатан ҳам жадидлар, юқорида кўрсатиб ўтилганидек ва мусулмон мутаассиблиги кучли бўлишига қарамай жамиятда туб маданий – тараққий бурилиши яшашга муваффақ бўлдилар. Туркистонда миллий тафаккур ўзгарди, миллат ижтимоий ғафлат уйқусидан уйғониб сиёсий ва маърифийлашди. Миллат адабиёти янгиланди, миллий театр, маориф ва мактаб, матбуот, маданий-маърифий уюшма (жамият) ва сиёсий партиялар пайдо бўлди.

Буларнинг самараси ила бутунлай янги, яъни жадид маданияти ривож топди. Бу маданият ҳозирги замонавий маданиятимизнинг пойдевор тоши бўлди.

Таянч сўзлар ва иборалар: Жадидчилик, маърифатпарварлик ғоялари, жадидчилик номаяндалари, миллий тил, тарих, турғунлик, маънавий қолоқлик, миллатчилик, ягона совет халқи, байналминалчилик, руслаштириш, совет тузуми, коммунистик мафкура, миллий зулм, жаҳолат, мустамлака ўлка, мактаб-маориф, ислохот.

Савол ва топшириқлар.

1. Жадидчилик ҳаракатининг пайдо бўлиши ва унинг хусусиятларини

тушунтиринг.

2. Жадидларнинг маърифатпарварлик ғояларини гапиринг.
3. Жадидларнинг таълим ва санъат соҳасига қўшган ҳиссаси.
4. Совет тузуми даврида “руслаштириш” сиёсатининг моҳияти нимада?

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000.
2. Каримов И.А Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2003.
3. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Тошкент, “Маънавият” 2008.
5. Каримов. И.А. Тарихий хотира инсон омили- буюк келажакимизнинг гаровидир.– Тошкент: “Ўзбекистон”, 2012.
6. И.А.Каримовнинг “Мустақиллик- барча эзгу ва марраларимизнинг мустаҳкам мезонидир” рисоласи бўйича ўқув-қўлланма. –Тошкент: Ўқитувчи 2013.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Ўрта асрлар шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти”. Ўқув қўлланма. Тошкент: 2014.
8. Умаров Э., Абдуллаев М. Маънавият асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент: “Cho’lpon” номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи. 2006.
9. Имомназаров М., Саидов М. Миллий тараққиётнинг маънавий-ахлоқий асослари. Ўқув қўлланма. “Akademiyа”, Тошкент: 2005.
10. Абдурахмонов М., Отамуротов С. Маънавий салоҳият. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Университет. 2009.
11. Қуранбоев Қ., Абдурахмонов М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарини ўқитиш бўйича ўқув-услубий қўлланма. Тошкент: -2010.
12. Маънавият юлдузлари Муҳаррир Ф.Хасанов. –Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2011.
13. Иброхимов А. Бизким ўзбеклар. – Тошкент: Шарқ. 2011.
14. Зиёев Х. Истиқлол-маънавият негизи. “Маънавият”. Тошкент: 1999.
15. Қаҳҳарова Ш. Глобал маънавият- глобаллашувнинг ғоявий асоси. “Тафаккур” нашриёти. Тошкент: 2009.

Интернет маълумотлари

16. www: press – service. uz.
17. www: mfa. uz.
18. <http://www.pacademy.edu.b>
19. <http://www.rags.ru/kaf/fi..>
20. www. marifatars-inform.uz. маърифат журнали
21. www/ natlub.uz
22. республика узбекистан [http:// www. gov.uz](http://www.gov.uz)

13-мавзу: Мустамлакачилик ва қарамлик шароитида ўзбек халқининг маънавиятига таҳдид

Режа:

1. Мустамлакачилик сиёсатининг асосий мақсади.
2. Қарамлик шароитида ўзбек тили ва миллий қадриятлардан маҳрум этилиши.
3. Тил ўзликни англаш воситаси ва унинг миллий маънавиятни асрашдаги ўрни.

Биринчи саволни ёритишда қуйидагиларга эътибор берилади. Халқни миллий маънавий-маърифий заминлардан маҳрум қилиш мустамлакачилик сиёсатининг асосий мақсадидир. Тарихдан маълумки, бир халқни ўзига тобе қилишни истаган кучлар, аввало, уни ўзлигидан, тарихидан, маданиятидан жудо қилишга интилади. Босиб олинган мамлакат халқлари маданий-маънавий тараққиётини бўғиб қўйиш истилочи, босқинчи мамлакатлар томонидан мустамлакачилик тартибларини сақлаб туриш ва мустаҳкамлашнинг азалий, тарих синовидан ўтган анъанавий йўлларида бири бўлиб ҳисобланади. Истилочи мамлакат итоат қилдирилган халқларни бора-бора ўзига сингдириб юборишни, бунинг учун ўз мафкураси ва ғояларини уларга мажбуран жорий этиш, маданиятга шикаст етказиш, миллий тили, миллий урф-одатлари ва миллий қадриятлари ривожига йўл бермасликни ўз сиёсатининг асосий мақсади деб билади. Хитой донишманди Конфуций бундан 2700 йил олдин ўз императорига шундай маслаҳат берган экан: “Ҳоконим, агар бирор мамлакатни босиб олиб, у ерда узок ҳукмронлик қилмоқчи бўлсангиз, даставвал ўша ерда яшаётган халқни ўз тарихий маданиятидан маҳрум этинг, маънавий қашшоқлик ҳолатига учраган халқ уюшмайди, ички низолар гирдобига ўралади, сизга қаршилиқ кўрсата олмайди. Бундай ҳолга келган халқни, мамлакатни идора қилиш қийин бўлмайди”. Маданият ва маънавиятни барбод этиш, миллий тил, урф-одатлар камолотига йўл бермаслик итоат эттирилган халқни жиловда ушлаб туришнинг энг зарур ва нозик йўлларида бири эканлигини истилочи ва босқинчилар доимо жуда яхши билган. Шунинг учун ҳам мустамлакачи ва босқинчилар Хитой донишманди айтган гапларни олдиндан режалаштириб қўйишади.

Маданият, маънавият ва маърифат зарбага учраб, халқнинг, мамлакатнинг маънавияти ва маърифати барбод бўлаверса, одамлар ўз-ўзидан эътиқодсиз бўлиб кетади. Ундай ўлкада, мамлакатда омманинг оломонлашуви, сиёсий манқуртлик, бепарволик бошланади. Охир-оқибатда миллий ғурур, ифтихор, миллий қадриятлар аста-секин заифлаша бошлайди. Ана шундай ўлкани, мамлакатни, унинг халқини мустамлакачилик кишанларида ушлаб туриш, итоаткор қулга айлантириш мумкин.

Чор Россиясининг Туркистондаги сиёсати миллий туйғуни паймол этишга, миллий қадриятларни топташга, буткул йўқотиб юборишга қаратилган эди. Чоризм бу ўлкада саводсизлик, билимсизлик ҳолатини вужудга келтириш ва уни мустаҳкамлашдан манфаатдор эди.

Чоризм мустамлакачилик сиёсатини шарқда қон ва қилич билан жорий қилган генераллардан бири М.Д.Скобелев: “Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас, унинг маданиятини, тилини, санъатини йўқ қилсанг бас, тез орада ўзи таназзулга учрайди”, - деб “башорат” қилган эди. Унинг ана шу “доно” кўрсатмаси Туркистондаги маънавият, маърифат ва маданиятга нисбатан амалга оширилган жаҳолат ва ёвузликлар учун қўлланма бўлиб хизмат қилди.

Чор ҳукуматининг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсатининг туб моҳиятида қандай мақсад ва муддао ётганлигини халқимизнинг билимли, маданиятли, зийрак, оқилу доно фарзандлари аллақачон тушуниб етган эдилар. Чор ҳукумати мустамлакачилик сиёсатини фош этган, халқни эрк, озодликка, билим ва маданиятга чорлаган, миллий қадриятларимизни қўллаб - қувватлаган, шу йўлда жафо чекиб ҳалок бўлган буюк қалб эгаси Абдурауф Фитрат ўзининг “Туркистонда руслар” рисоласида: “Кўрдим, кездим, эшитдим, ўқидим. Мамлакатлар орасида Туркистонимиз каби бахтсиз бир мамлакат йўқдир... Рус капиталистлари билан рус попларининг содиқ ишончли қоровуллари бўлгон эски Русия ҳукумати эллик йил орасида Туркистондаги турк болаларининг фойдаларига бирор иш кўрдими, кўрмоқчи бўлди? Мана шу саволга-“Йўқ!”дан бошқа бир жавобимиз йўқдир. Юртимиз 51 йил идораси аскарий остида тургани учун биз Оврупонинг маданий миллатлари билан кўришолмадик, уларнинг ижтимоий ва иқтисодий фикрларидан истифода қилолмадик. Бизнинг кўзларимизни очирмаслик фикри учун фикри очик татар қариндошларимизнинг даҳи Туркистондан ер олмоқ ва Туркистонда мактаб очмоқлари ман этилди”.

Шундай қилиб, чор ҳукуматининг Туркистон халқларига нисбатан тутган мустамлакачилик сиёсати ва халқлар ўртасидаги ҳар қандай давлат куртакларини йўқ қилиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий- маданий тараққиётини бўғиш, уларга эркинлик бермаслик, миллий кадриятларини ерга уриш, камситиш, миллий ғурурларини, маънавиятини паймол этиш, кўрқувда ушлашдан иборат эди.

Иккинчи масалада қуйидагилар ёритилади. Миллий маънавий кадриятлардан бири миллий урф-одатлар, анъаналар, диний тарбиявий маросимлар, халқ байрам ва сайиллари кабиларга қилинган хужум ўзбек халқи бошига тушган оғир дард бўлди. Юқорида қайд этганимиздек, XX асрнинг 30-йиллари ўрталарига бориб миллий маънавиятимизни тўлиқ синдириб ташлашга қаратилган сиёсат амалга оширила бошланди. Асл зиё эгалари отиб ташланди.

Ўзбекистонда барча динларнинг, биринчи навбатда ислом динининг кўзга кўринган йирик вакиллари бирин - кетин қамалди, сургун қилинди, ими-жимида отиб ташланди. Чорак кам бир аср давомида диний – маънавий тарбияга ўрин берилмади. Диний ахлоқ ва маданиятнинг зарари ҳақида айтилмаган гап қолмади.

Даҳшатлиси шу бўлдики, ислом динини “фош этиш” мақсадида азиз -авлиёларнинг мазорларига ўт қўйилди, мақбаралари остин – устун қилинди. Коммунистлар, раҳбар ҳодимлар ота-оналари, яқин кишилари жанозасига боришдан кўрқиб қолишди. Юрак отиб борганлар партиядан ўчирилиб, ишдан олинди.

Учинчи саволда талабаларни қуйидаги масалаларга алоҳида жалб этиш зарур. Тил- ҳар бир халқ ва миллатнинг миллий ўзлигини намоён қилишда муҳим воситадир. Жаъмики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади... Она тили – бу миллатнинг руҳидир. Ўз тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзлигидан жудо бўлиши муқаррар! Шахс маънавий камолотининг зарур шартларидан бири ўз она тилини билишидир. Тил билмайдиган одам халқнинг дилини ҳам билмайди. Тилнинг тириклиги халқнинг мавжудлигидир. Тил ва халқ жон ила тандир. Бирон – бир сабаб туфайли миллий тил йўқолса, миллат бора-бора йўқолиб кетади, миллий ўзига хослигини йўқотади. Шундай бўлгач, бирон - бир миллий тилнинг йўқолиши ўша халқнинг муқаррар равишда ҳалок бўлишига олиб келади.

Тил ҳокимият билан ҳам тирикдир. Тил давлат ҳимоясига олинмаса, шу тилда гаплашувчи халқнинг ўзлиги ҳам бора-бора йўқолади, маданияти, жумладан, адабиёти ҳам таназзулга юз тутади. Агар тил давлат ҳимоясида бўлса, у равнақ топади, шу тилда гаплашувчи халқ, унинг маданияти ривожлана боради. Тил–миллат вакиллари мустақкам бирлаштирувчи, тутиб турувчи белбоғ демак, бу рамзий белбоғнинг куч–қудрати уни ташкил этувчи толалар–сизу бизларнинг она тилимизга муносабатимизга боғлиқ.

Тил–тарих кўзгуси, тарих эса тил кўзгуси демак. Масалан, Алишер Навоий асарларида XV аср, Абдулла Қодирий асарлари XX аср тилимиз кўзгусидир. Тил фақат инсонга хос фазилат, тил туфайли одам камол топди. Тил туфайли жамият келиб чиқди.

Биз–ёшларнинг қиладиган ишининг тилимизни келажак авлодга соғ-саломат олиб ўтишдир. Бунинг учун тилимиз равнақи учун курашишимиз, ҳимоя қилишимиз ва амалда кенг қўламда қўллашимиз керак. Адабий тилимизнинг софлиги учун курашни ҳар бир киши, аввало, ўз нутқига танқидий кўз билан қарашдан бошламоғи лозим, яъни тарбияловчи ўзи тарбия кўрган бўлиши даркор.

Таянч сўзлар ва иборалар: маънавий таҳдид, мустамлакачилик сиёсати, маънавий қашшоқлик, маърифатга зарба, совет тузуми, миллатчилик, коммунистик ғоя, шовинизм, катағонлик сиёсати.

Савол ва топшириқлар.

1. Мустамлакачилик сиёсатининг асосий мақсади ҳақида гапиринг.

2. Қарамлик шароитида Ўзбекистонда ўзбек тили ва миллий қадриятларидан махрум этилишини тарихий фактлар асосида ёритиб беринг.
3. Тил ўзликни англаш воситаси ва унинг миллий маънавиятни асрашдаги ўрни ҳақида фикрларингизни ёритинг.
4. Она тилимизни бузиб гапирганларга ёки нотўғри имло қилганларга ўз фикрингиз қандай?
5. Совет тузумининг ва коммунизм ғояларининг оқибатлари нималарга олиб келди?

Адабиётлар

1. Каримов И.А Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2003.
2. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Тошкент, “Маънавият” 2008.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон Мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: 2012.
5. Каримов. И.А. Тарихий хотира инсон омили- буюк келажагимизнинг гаровидир.– Тошкент: “Ўзбекистон”, 2012.
6. И.А.Каримовнинг “Мустақиллик- барча эзгу ва марраларимизнинг мустаҳкам мезонидир” рисоласи бўйича ўқув-қўлланма. –Тошкент: Ўқитувчи 2013.
7. Умаров Э., Абдуллаев М. Маънавият асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент: “Cho’iron” номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи. 2006.
8. Имомназаров М., Саидов М. Миллий тараққиётнинг маънавий-ахлоқий асослари. Ўқув қўлланма. “Akademiyа”, Тошкент: 2005.
9. Абдурахмонов М., Отамуротов С. Маънавий салоҳият. Ўқув қўлланма. –Тошкент: Университет. 2009.
10. Қуранбоев Қ., Абдурахмонов М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарини ўқитиш бўйича ўқув-услубий қўлланма. Тошкент: -2010.
11. Ийманова Д.А. Ўзбекистонда совет тузумининг кадрлар сиёсати ва унинг оқибатлари (1945-1991 йиллар) –Тошкент: Янги аср авлоди. 2013.
12. Зиёев Х. Истиқлол-маънавият негизи. “Маънавият”. Тошкент: 1999.
13. Қаҳҳарова Ш. Глобал маънавият- глобаллашувнинг ғоявий асоси. “Тафаккур” нашриёти. Тошкент: 2009.

Интернет маълумотлари

14. [www: press – service. uz.](http://www.press-service.uz)
15. [www: mfa. uz.](http://www.mfa.uz)
18. <http://www.pacademy.edu.b>
19. <http://www.rags.ru/kaf/fi..>
20. [www. marifatars-inform.uz.](http://www.marifatars-inform.uz) маърифат журнали
21. [www/ natlub.uz](http://www.natlub.uz)
22. республика узбекистан [http:// www. gov.uz](http://www.gov.uz)

14-мавзу: Маънавий баркамол, комил инсон тушунчалари ва уларнинг шарқона таърифи.

Режа:

1. Маънавий баркамол инсон тушунчаси, унинг моҳияти.
2. Президент Ислом Каримов асарларида баркамол инсон фазилатлари талқини.

Биринчи саволда қуйидагилар ёритилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ҳар бир нутқи ва маърузалари, мақола ва асарларида юксак

маънавият келажак пойдевори эканлигини қайта – қайта таъкидланмоқда. “Зеро, -деб уқтиради Ислом Каримов, - биз жамиятимиз таракқиётининг фақатгина иқтисодий, ижтимоий фаровонлик билан эмас, халқимизнинг маънавий баркамоллиги, демократик ва инсонпарварлик тамойилларини кишилар онгида нечоғлик чуқур илдиз отиши билан баҳолаймиз”²⁶.

Маънавий тарбия соҳасида кўзбўямачиликка йўл қўйиш ниҳоятда хатарли. Маънавият жамият ҳаётининг шундай бир нозик аҳамиятли соҳасики, бу борада ҳўжакўрсинга иш қилиш иқтисодий ва сиёсий соҳаларда кутилмаган турли инқирозларни келтириб чиқариши мумкин. Айниқса, бу соҳада ўзи бўларчилик ва лўттибозликка йўл қўйиб бўлмайди. Кишиларда, хусусан ёшларда янги маънавиятнинг шаклланиши анча мураккаб ва машаққатли жараён ҳисобланади. Бунини амалга ошириш учун кенг кўламли маданий , тарихий, маърифий, тарбиявий ишларни амалга ошириш керак бўлади. Эски тузум шароитида таркиб топган маънавий инқирозга барҳам бериш, янги тафаккурга эга бўлган инсонни шакллантириш мураккаб, муайян даврни талаб қилувчи, аста- секин амалга оширадиган жараён бўлганлиги сабабли, тарихнинг бурилиш даврида жамият ҳаётида маънавий бўшлиқ ҳолатлари ҳам юзага келиши табиийдир. Бу бўшлиқ жамият учун иқтисодий, сиёсий инқирозга нисбатан анча хатарлироқ кечади. Бунга кейинги вақтларда юз берган мудҳиш воқеалар яққол мисол бўла олади. Шу сабабли тарихий бурилиш даврида объектив тарзда юзага келадиган бундай ҳолатларни чуқур англаб, уларга тўғри муносабатда бўлиш лозим. Мамлакатимиз раҳбарияти бунини тўғри англаб, бундай ҳолатларнинг қалқиб юзага чиқишининг олдини фақат одамларимиз, авваламбор ёшларимизнинг иймон - эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларнинг ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш орқалигина олиш мумкинлигини, мустақиллик тафаккури , маънавиятини шакллантириш, мақсад, вазифа, воситалари йўллари излаб топиш, ҳаётга жорий этиш орқали ҳал этиш мумкинлигини таъкидлаб келмоқда. Зотан ёш мустақил мамлакатимизнинг келажак учун маънавияти юксак, баркамол инсонлар зарур. Шунинг учун ҳам юртбошимиз “Юксак маънавият – келажак пойдевори” деган ҳикматли шиори янада баландроқ кўтардики, юксак маънавият мустақилликни мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва такомиллаштириш учун муҳим ва зарурий тамойиллардан бири бўлиб қолди.

Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз” номли маърузаларида қуйидаги фикрларига эътиборни қаратмоқ лозим: “Бу соҳадаги ишларимизнинг пировард мақсади – иймон–эътиқоди бутун, иродаси бақувват эркин фуқаро маънавиятини шакллантиришдир. Яъни мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс – комил инсонни тарбиялашдан иборат”²⁷.

Иккинчи масалада қуйидагилар ёритилади. Маънавий баркамол инсон – комил инсон тушунчаси билан ҳамоҳангдир. Айни вақтда маънавий баркамол инсон тушунчаси соғлом авлод тушунчаси билан ҳам боғланиб кетади. Илмий адабиётларда бу тушунчалар алоҳида-алоҳида ишлатилса-да, моҳиятан уларнинг ҳаммаси инсон ахлоқи ва одобини, уларда шаклланган барча ижобий ҳислатларни, уларнинг инсонларга, жамиятга ва Ватанга бўлган муносабатларидан тортиб, то оилага, ота – онага ва бошқаларга муносабатларининг барча қирраларини қамраб олади.

Президентимиз эркин фуқаро, озод шахс, баркамол инсон ҳақида гапириб, қуйидаги тўрт жиҳатга эътиборни қаратди , яъни “... ҳар бир фуқаро :

- ўз ҳақ- ҳуқуқини танийдиган бўлсин , бунинг учун курашсин ;
- ўз кучи ва имкониятларига таянадиган бўлсин, имкониятларини ишга солиб , самарасини кўрсин;
- атрофида содир бўлаётган воқеа - ҳодисаларга мустақил муносабат билдира олсин;

²⁶ Каримов И. Келажакни жасоратли одамлар қуради. “Халқ сўзи” газетаси , 1999 йил , 17 февраль.

²⁷ Каримов И. А. Озод ва обод Ватан , эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. 25-бет.

-- шахсий манфаатини мамлакат ва халқ манфаати билан уйғун ҳолда кўриб , фаолият юритсин”²⁸.

Булар баркамол инсон фазилятлари ҳақидаги аниқ ва тўлиқ таърифдир. Маънавий-маърифий баркамолликнинг қирраларидан бири миллий ифтихордир. Миллий ғурур бу миллий ифтихордир. Миллий ғурур ўз халқининг бир нача минг йиллар давомида яратиб келган барча моддий ва маънавий бойликлари, тарихий мероси, урф-одатлари, анъаналари, одоб – ахлоқи, турмуш тарзи, юксак маънавияти, барча тарихий ютуқлари ва сабоқларига чексиз ҳурмат ва эъзоз билан муносабатда бўлиш, авайлаб -асрашдир.

Ўз халқининг тарихини, миллий қадриятларини, тилини, истиқбол манфаатларини билмаган, қадрламаган, миллий мансублигини унутган, ўз миллатининг истиқболи учун қайғурмайдиган, курашмайдиган кишиларда миллий ғурур ҳам, миллат билан фахрланиш ҳам, миллатарварлик ҳам бўлмайди. Бундай кишиларни маънавий баркамол инсон дея олмаймиз.

Комил инсон тушунчаси маънавий баркамол инсон тушунчаси билан ҳамоҳангдир. Маънавий баркамолликка эришмай, комил инсон даражасига етиш мумкин эмас. Демак, маънавий баркамолликка интилиш - бу комил инсон даражасига эришиш учун интилишдир. Комилликка инсон бутун умри давомида эришиб боради. Учала тушунча: соғлом авлод, маънавий баркамол, комил инсон даражама-даража чуқур маъно касб этади. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, комил инсон бўлишнинг аниқ чеки ва чегараси йўқ. Бизнинг кўхна тарихимизда юзага келган, халқ, мамлакат тарихида катта маънавий - ахлоқий тарбия ролини ўйнаган тасаввуф комил инсон назарияси ҳақидаги, уни тарбиялаш, вояга етказиш ҳақидаги таълимот ва амалиёт саналади.

Комил инсон биз учун идеалдир. У–барча дунёвий ва илоҳий билимларни эгаллаган, руҳи мутлоқ руҳга туташ, файзу каромати сероб, қалби эзгу туйғуларга лиммо-лим тўла покиза зот. Комил инсон одамзод орзу қилган жамики эзгу ҳислатларнинг ифодачиси.

Комил инсон ҳақида тасаввуф адабиётида кўп асарлар битилган. Ана шундай кишилардан бири XIII асрда яшаган Азизиддин Насафий бўлиб, “Инсони комил” номли рисоласида комил инсонга таъриф бериб шундай ёзади: “Билгилки, комил инсон деб шариат ва тариқат ва ҳақиқатда етук бўлган одамга айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтайин: билгилки, комил инсон шундай инсондирким, унда қуйидаги тўрт нарса камолотга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф”²⁹. Бу сифатлар билан зийнатланган одам ёлғон, риё ва бадкирдорликдан чекинади, ҳамма вақт эзгу ният билан яшаб, эзгу ишларга тайёр туради.

Комилликнинг белгиси ҳақ йўлидан бориб, халққа фойда келтиришдир. Киши ўз сўзи, амалий ишлари, нияти билан қанчалик одамларга фойда келтирса, ёмонларни тўғри йўлга солса, ҳақ йўлида фидо бўлса, у шунча комил бўлади.

Комил баркамол инсонни тарбиялаш, вояга етказиш ҳақида мусулмон Шарқи ахлоқи тарихида инсон ҳаёти учун дастуриламал, қўлланма вазифасини ўтаган кўп пандномалар, халқ китоблари мавжуд бўлган. Шулардан баъзиларини санаб ўтамиз. Чунончи, Кайковуснинг “Қобуснома”, Саъдийнинг “Тулистон”, “Бўстон”, Амир Темурнинг “Темур тузуклари”, Алишер Навоийнинг “Маҳбубул-қулуб”, Хусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқи муҳсиний” ва бошқаларни кўрсатишимиз мумкин. Бу асарларнинг кўпчилигида одил шох ва адолат, ҳалоллик, софлик, поклик, тўғрилиқ, ростгўйлик, инсонпарварлик, маърифатли бўлиш каби инсоннинг шарқона фазилятлари берилган.

Комил инсон ва эътиқодлилик–ҳалоллик ва покликнинг олий тимсоли. Биз ҳаммамиз шунга интилиб яшамоғимиз лозим. Мустақил Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш шароитида иймонли бўлиш, ҳалоллик ва поклик, виждонли ва диёнатли бўлиш нечоғлик зарур эканлиги ҳаммамизга аён. Мана шунинг учун ҳам Президентимиз маънавий баркамол инсон тарбиясида ёшларимизни элини, ватанини севувчи комил инсон

²⁸ Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда . Тошкент , “Ўзбекистон”, 2000 й. 232-233-бетлар.

²⁹ Отамуротов С., Раматов Ж., Хусанов С. Маънавият асослари. Ўқув қўлланма. А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Тошкент.: 2002.6-57.

қилиб тарбиялаш ишига алоҳида аҳамият бериб келаётир. Президентимизнинг қуйидаги таърифида комил инсоннинг асосий хусусиятлари ҳар томонлама чуқур ва теранлик билан баён қилиб берилганлиги диққатга сазовордир: “Комил инсон деганда, -деб ёзади Ислом Каримов,- биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ–атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз”.

Юқоридагиларни ҳозирги мустақил ҳаётимиз, турмуш тарзимиз, кишиларнинг, айниқса, ёшларнинг интилишлари билан боғлаб, комил инсон чизгиларига қуйидаги ҳислат ва фазилатлар киришини умумий тарзда баён этишимиз мумкин:

Комил инсоннинг умумий ҳислатлари: ёқимлилиқ, кўркемлиқ, жозибадорлиқ, салобатлилиқ, ҳурматга сазоворлиқ, шоироналиқ, улўғсифатлиқ, ўзига хослиқ, етуклиқ, жиддийлиқ, маданиятлиқ, тарбияланганлиқ ва бошқалар;

Комил инсоннинг ахлоқий фазилатлари: инсонпарварлиқ, дўстлиқ, ғамхўрлиқ, жонқуярлиқ, самимийлиқ, одамийлиқ, болажонлиқ, иймонлилиқ, фидокорлиқ, хушмуомалалиқ, боадаблиқ, илтифотлилиқ, кечиримлиқ, меҳмондўстлиқ, ҳалоллиқ, тўғрилиқ, диёнатлилиқ, ҳаромдан ҳазар этиш, меҳнатсеварлиқ, ватанпарварлиқ ва ҳоказолар;

Ишбилармонлиқ ҳислатлари: ишчанлиқ, тиришқоқлиқ, серҳаракатлилиқ, масъулиятлилиқ, инсофлилиқ, ҳалоллиқ, малакалиқ, эпчиллиқ, удабуронлиқ, саранжом-саришталиқ, тадбиркорлиқ, аниқлиқ, тежамкорлиқ, баркамоллиқ, таъмасизлиқ, таваккалчилиқ ва бошқалар;

Зукколиқ, идроклилиқ фазилатлари: зеҳнлилиқ, бамаънилиқ, хотиржамлиқ, соғлом фикрлилиқ, донишмандлиқ, сезгирлиқ, заковатлилиқ, топқирлиқ, нотиқлиқ, танқидийлиқ, дадиллиқ, омилкорлиқ, саводхонлиқ, қизиқувчанлиқ, ишқибозлиқ қабилар;

Собитлиқ ҳислатлари: фаоллиқ, қатъиятлиқ, тезкорлиқ, жўшқинлиқ, саботлилиқ, бир сўзда туришлиқ, барқарорлиқ, ботирлиқ, довюраклиқ, интизомлилиқ, жиддийлиқ, нафсни тийишлиқ, ўзини йўқотмаслиқ, совуққонлиқ, ўзига талабчанлиқ, камсуқумлиқ, ўзини-ўзи идора эта билиш ва бошқалар;

Эҳтирослилиқ ҳислатлари: кўтаринкилиқ, тантанаворлиқ, қулиб турувчанлиқ, ҳазинлиқ, келажакка ишонч, эзгулиқ, олийжаноблиқ, ифбатлилиқ, оташинлиқ, нозик табиатлилиқ, ҳаёлилиқ, хижолатпазлиқ ва ҳоказолар.

Бизнингча, айна шу ҳислат ва фазилатларнинг ёшларимиз онгига сингдира борилиши уларни баркамол, соғлом ва комил инсон руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Таянч сўзлар ва иборалар: истиқлол, мустақиллиқ, маънавий тарбия, маънавий қомиллиқ, қомил инсон, шарқона фазилатлар, ишбилармонлиқ, озод шахс, ахлоқий фазилатлар, иймонлилиқ, соғлом баркамол авлод.

Савол ва топшириқлар.

1. Маънавий баркамол инсон тушунчаси, унинг моҳиятини ёритинг.
2. Президент Ислом Каримов асарларида баркамол инсон фазилатлари талқинини кўрсатинг.
3. Маънавий тарбия масаласида оиланинг ўрни қандай?
4. Соғлом баркамол авлодни тарбиялаш давр талаби эканлигини мисоллар билан ёритинг.
5. Маънавий баркамол инсоннинг шарқона фазилатлари ҳақида гапиринг.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000.

2. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2003.
3. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Тошкент, “Маънавият” 2008.
5. Каримов. И.А. Тарихий хотира инсон омили- буюк келажагимизнинг гаровидир.– Тошкент: “Ўзбекистон”, 2012.
6. И.А.Каримовнинг “Мустақиллик- барча эзгу ва марраларимизнинг мустаҳкам мезонидир” рисоласи бўйича ўқув-қўлланма. –Тошкент: Ўқитувчи 2013.
7. “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш-мамлакатни барқарорлаштириш, тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт” мавзусидаги халқаро конференция материаллари. –Тошкент: Ўзбекистон, 2012.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Ўрта асрлар шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти”. Ўқув қўлланма. Тошкент: 2014.
9. Умаров Э., Абдуллаев М. Маънавият асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент: “Cho'lron” номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи. 2006.
10. Имомназаров М., Саидов М. Миллий тараққиётнинг маънавий-ахлоқий асослари. Ўқув қўлланма. “Akademiya”, Тошкент: 2005.
11. Абдурахмонов М., Отамуротов С. Маънавий салоҳият. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Университет. 2009.
12. Қуранбоев Қ., Абдурахмонов М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарини ўқитиш бўйича ўқув-услубий қўлланма. Тошкент: -2010.
13. Давлат, жамият, оила ва ёшлар тарбияси муаммолари. Тошкент: 1997.
14. Зиёев Х. Истиқлол-маънавият негизи. “Маънавият”. Тошкент: 1999.
15. Қаҳҳарова Ш. Глобал маънавият- глобаллашувнинг ғоявий асоси. “Тафаккур” нашриёти. Тошкент: 2009.
16. Маънавият юлдузлари Мухаррир Ф.Хасанов. –Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2011.

Интернет маълумотлари

17. [www. marifatars-inform.uz](http://www.marifatars-inform.uz). маърифат журнали
18. [www/ natlub.uz](http://www/natlub.uz)
19. республика узбекистан [http:// www. gov.uz](http://www.gov.uz)

15-мавзу: Шахс маънавияти мезонлари.

Режа:

1. Ватанпарварлик – етук маънавийлик мезони.
2. Инсонпарварлик - шахс ва жамият маънавий қиёфаси мезони.

Биринчи саволда қуйидагилар ёритилади. Ватанпарварлик ҳақида сўз юритиш дан аввал Ватан тушунчасига изоҳ бериш мақсадга мувофиқ. Ватан аслида арабча сўз бўлиб, она–юрт маъносини англатади, шу маънода олиб қарайдиган бўлсак, Ўзбекистон ўзбек халқининг Ватани–муқаддас саждагоҳидир:

Дунё бўлди чаманим маним

Ўзбекистон–Ватаним маним. (А. Орипов)

Ватан бу инсон ва унинг авлод аجدодлари киндик қони тўқилган муқаддас даргоҳдир. Ватан бу аجدодлар маскани, эл–юрт, халқ вояга етган, унинг тили, тарихи, маданияти, урф одатлари, қадриятлари чинакамига ишланиб, камол топиб борадиган заминдир.

Ватан деганда ҳамиша ўзимиз туғилиб ўсган, кўз очиб кўрган, таълим–тарбия олиб вояга етган, неча-неча аجدодларимиз яшаб ўтган, уларнинг ақл-идроки, меҳнати сарф қилинган юрт кўз олдимизга келади.

Ватан она каби азиз ва муқаддасдир. Ватан инсонга бахт–иқбол берадиган заминдир. А.Авлоний айтганидек: “Ҳар бир кишининг туғилиб ўсган шаҳар ва мамлакатини шул кишининг Ватани дейилур. Ҳар ким туғилган, ўсган жойини жонидан ортиқ суяр... Биз туркистонликлар ўз Ватанимизни жонимиздан ортиқ суйганимиз каби араблар Арабистонларини, қумлик иссиқ чўлларини, эскимослар Шимол тарафлар, энг совуқ қор ва музлик ерларни ва бошқа ерларни зиёда суярлар. Агар суймасалар эди, ҳавоси яхши Туронлик осон ерларга ўз Ватанларини ташлаб ҳижрат қилурлар эди”³⁰.

Миллий мустақиллик – халқимизда, айниқса ўсиб келаётган ёш баркамол авлодимизга ватанпарварлик туйғуларининг тикланишида муҳим аҳамият касб этди. Ҳозирда ватанпарварлик ўзининг қандай қирралари билан намоён бўлаётир. Ватанпарварликнинг моҳияти нималарда, қандай амалий ишлар фаолиятида намоён бўлади. Умуман, ватанпарварлик нима, уни қандай тушунмоқ керак, у ҳақда донишмандлар нима деганлар. Аввало, ҳозирги ўзбек ватанпарварлиги ота-боболаримиз яратувчанлик ишининг восита давомидир. Саодатли, бахтли, келажаги буюк Ўзбекистонга ҳозир ҳар дақиқада улуш қўшмоқ, ватанга муҳаббат–ватанпарварликнинг асл кўринишидир. Ватанга муносиб фарзанд бўлиш, унинг ери, суви, эли билан чамбарчас боғлиқ эканлигимизни теран англаш, уни ардоқлаш ҳам ватанпарварликнинг бир кўриниши, қирраси. Ватанпарварликнинг энг олий туйғу сифатида ўтмиш мутафаккирлари алоҳида қайд этганлар ва ўзлари ҳам унга содиқ қолганлар. Энди ана шу қайдлардан баъзиларини эслаб ўтамыз.

Цицерон (Румо нотиғи ва файласуфи): Бизга ота-оналар, болалар, яқин хеш-ақробалар қимматлидир, лекин муҳаббат бобидаги барча тасаввурларимиз биргина “Ватан” деган сўзда мужасамлашган. Ватанга нафи теггудек бўлса, қайси виждонли одам у учун жонини беришга иккиланар экан!

Ватан туйғуси бўлган кишидагина ватанпарварлик жўш уради. Президентимиз И. А. Каримов айтганидек: “Ватанга муҳаббат ҳисси одамнинг қалбида табиий равишда туғилади. Яъни, инсон ўзлигини англаган, насл-насабини билгани сари, юрагида ватанга бўлган муҳаббат туйғуси илдиз отиб, юксала боради. Бу илдиз қанчалик чуқур бўлса, туғилиб ўсган Ватанга муҳаббат ҳам шу қадар чексиз бўлади”.

Ватанпарварлик деганда эса яна қуйидагиларни англаш жоиз:

- ўз халқини, тарихини яхши билиш билан фахрланиш;
- қадимий обидалар, мислсиз иморатлар, аجدодлар яратган моддий ва маънавий меросларни кўз қорачиғидай асраш ва авлодларга тақдим этиш;
- халқимизнинг, аجدодларимизнинг гўзал ва маъноли урф-одатлари, расм-русми ва удумларини қадрлай билиш, уларни давом эттириш;
- ажойиб ватандошлар – аجدодлар номи билан, уларнинг улуғ ишлари, ижодлари билан фахрланиш, уларнинг ишларини давом эттириш, уларга муносиб ворис бўлиш;
- шундай ажойиб халққа, юртга, унинг бой тили ва маданиятига мансублиги билан фахрланиш;
- Турон заминини ҳимоя қилиб, томирдан охириги қони қолгунча душманга қарши курашган баҳодирларни, аёвсиз жангларда ҳалок бўлган қаҳрамонларни ёд этиш;
- асримизнинг 20-50 йиллари ва ниҳоят 80- йилларида халқимиз, миллатимизга қарши уюштирилган қатағонларда қамоқ ва сургин аъзобларни бошдан кечирган ва ҳалок бўлган минглаб миллатимиз гулларини унутмаслик;
- бу азиз ва гўзал Ватанимизда юксак эътиқод билан яшаш унга ҳамиша садоқатли бўлишдир;

³⁰ А.Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. “Ўқитувчи” 1992 йил, 15-бет.

–ватанпарварлик ҳаммамизнинг ўз ишимизга масъулият билан қараш, Ватаннинг бойликларини кўз қорачиғидай асраш, бойликларига бойлик қўшишга ўз улушимизни қўшиш унинг фан чўққилари сари интилиш ва бошқалардир;

–ватанпарварлик, бир сўз билан айтганда, ўз ижобий ишларимиз, бунёдкорлик ҳаракатларимиз билан унинг куч-қудратига, гуллаб яшнашига имкон даражасида ҳисса қўшишдир;

–она–юртимизда тинчлик, барқарорликни ва осойишталикни сақлашга интилиш ватанпарварликнинг белгисидир;

–ватанпарварлик халқаро муносабатларда Ватан, миллат манфаатларини биринчи ўринга қўйишдир.

Ватанпарварлик тушунчаси инсонпарварлик тушунчаси билан уйғундир. Ватанпарварлик учун интилиш, ватанпарварлик учун курашнинг заминида инсонпарварлик ётади.

Инсонпарварлик бу ўзбек халқи миллий руҳиятнинг ажралмас фазилатидир. У пурмаъно ва сермазмун тушунчадир. Инсонпарварлик инсон, халқнинг ажралмас ҳислати тарзида кўзга ташланади. "Қуръони Карим" инсонпарварлик ғоялари асосига қурилган. Муҳаммад алайҳиссалом ҳадислари ғояларга бой хикматлар мажмуасидир. Инсонпарварлик кишиларнинг бир-бирига ҳурматида, кадр-қимматида, меҳр–шафқатида, диёнатда, ўзаро қўмаклашувида, ҳамдардликда, бошқалар қайғусига шерик бўлиб, қувончидан ва бахтидан севинишда, халқ бахти ва ютуқларидан фахрланишда кўринади. Ўзбек халқи доимо инсоният дардини куйлаб келган. Ал-Хоразмий, Ал-Беруний, Ибн Сино, Замаҳшарий, Паҳлавон Маҳмуд, Алишер Навоий, Огаҳий асарлардаги ғоялар – инсонпарварлик руҳи билан ажралиб туради. Хусусан, Навоий ижодида инсонпарварлик алоҳида аҳамият касб этади. Унингча, ватанга, халққа садоқат энг аввал унинг тақдири устида ғамхўрликдан иборатдир. Инсонга нисбатан бепарволик, унинг тақдири ва бахту саодати устида ғам емаслик инсон учун тамомила ётдир.

Иккинчи масалада қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилади. Президентимиз ва Ўзбекистон давлатининг энг улуғвор ва инсонпарварлик ғояларидан бири ички ва ташқи тинчлик сиёсатидир. Инсон туғилган экан, у яшаши керак. Яшаш учун тинчлик зарур, демак, давлатимизнинг тинчлик сиёсати инсонпарварлик сиёсати мазмуни билан йўғрилган. Ўз миллатига садоқатли бўлиш миллатпарварлик билан ҳамоҳанг тушунчадир. Миллатпарварлик ҳар бир инсон учун юксак бурч саналади. Ўз миллатини севмаган ўзини ҳам, Ватанини ҳам сева олмайди. Миллатпарварлик ўз миллатини бошқа миллатлардан устун қўйиш камситиш каби (миллатчилик ва шовинизм) жирканч ҳаракатлардан тубдан фарқ қилувчи туйғудир. Миллатпарварлик ўз миллатининг бирлигини мустаҳкамлаш, ўз тили, урф-одатлари, анъаналарини ривожлантириш, кадриятлар ва меросларини кўз қорачиғидай асраш, ўз миллатининг келажаги учун хизмат қилувчи ақл–заковат, салоҳиятни ривожлантириш ва миллий тарбияни амалга ошириш йўлида фидоий бўлишдир. Миллий ўзликни англашнинг муҳим омили бўлган миллатпарварлик туйғусини шакллантиришда яқин ўтмишда миллатимиз манфаатларини кўзлаб миллатпарварликнинг ёрқин намунасини кўрсатган миллатимизнинг содиқ фарзандлари амалга оширган ишларни ташвиқот қилиш ҳам аҳамиятга эга. Бугун Ф. Хўжаев, А. Икромов, А. Қодирий, У. Носир, А. Фитрат, И. Мўминов, Ҳ. Абдуллаев, Ш. Рашидов кабиларнинг номлари миллатпарварликни ўзида ёрқин мужассам этганлигини ёшларга тушунтиришимиз лозим. Миллатимизнинг мустақиллиги учун жон фидо этганлар. Миллатимиз шарафини ҳимоя қилибгина қолмай, уни жаҳон узра кўз-кўз қилишда ўзларини аямадилар. Яна бирлари эса она–заминда миллатимиз орасида улкан кадрлар етишиб чиқишига жонбозлик кўрсатди. Бошқа бирлари эса юртимиздан ташиб кетилган ҳом ашённинг ўрнини тўлғазиш учун марказдан кўпроқ техника, технология, фан ютуқларини, маблағларини олиб келиш йўлида фаолият кўрсатди. Бугун Мустақил Ўзбекистоннинг жаҳонда ўз муносиб ўрнини топиши, миллатимизнинг кадр-қимматини жойига қўйиш она–заминда яшаётган барча миллат ва элатлар вакиллари билан барқарор

ривожланиш йўлида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов номи миллатпарварликнинг ёрқин ифодаси сифатида халқимиз қалбидан чуқур ўрин олган.

Таянч сўзлар ва иборалар: Ватанпарварлик, инсонпарварлик, маънавий мезонлар, Ватан, саждагох, миллий мустақиллик, маърифатли халқ, қадимий обидалар.

Савол ва топшириқлар.

1. Ватанпарварлик – етук маънавият мезони ҳикмати таърифланг.
2. Инсонпарварлик - шахс ва жамият маънавий қиёфаси мезони эканлигини мисоллар билан тушунтиринг.
3. Миллий мустақиллик нима?
4. Маданий меросимизнинг инсон тарбиясидаги аҳамияти ҳақида ўз фикрларингизни беринг.
5. Маърифатли, илмли, маданиятли инсон қандай бўлиши ва нималарни амалда қилишлари лозим?

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000.
2. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2003.
3. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Тошкент, “Маънавият” 2008.
5. Каримов. И.А. Тарихий хотира инсон омили- буюк келажакимизнинг гаровидир.– Тошкент: “Ўзбекистон”, 2012.
6. И.А.Каримовнинг “Мустақиллик- барча эзгу ва марраларимизнинг мустаҳкам мезонидир” рисоласи бўйича ўқув-қўлланма. –Тошкент: Ўқитувчи 2013.
7. Умаров Э., Абдуллаев М. Маънавият асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент: “Cho’lpon” номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи. 2006.
8. Имомназаров М., Саидов М. Миллий тараққиётнинг маънавий-ахлоқий асослари. Ўқув қўлланма. “Akademiya”, Тошкент: 2005.
9. Абдурахмонов М., Отамуротов С. Маънавий салоҳият. Ўқув қўлланма. –Тошкент: Университет. 2009.
10. Қуранбоев Қ., Абдурахмонов М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарини ўқитиш бўйича ўқув-услубий қўлланма. Тошкент: -2010.
11. Давлат, жамият, оила ва ёшлар тарбияси муаммолари. Тошкент: 1997.
12. Зиёев Х. Истиқлол-маънавият негизи. “Маънавият”. Тошкент: 1999.
13. Қаҳҳарова Ш. Глобал маънавият- глобаллашувнинг ғоявий асоси. “Тафаккур” нашриёти. Тошкент: 2009.
14. Маънавият юлдузлари Мухаррир Ф.Хасанов. –Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2011.
15. Иброхимов А. Бизким ўзбеклар. – Тошкент: Шарқ. 2011.
16. Юсупов Э. Инсон камолатининг маънавий асослари. –Тошкент: 1998.

Интернет маълумотлари

17. [www: mfa. uz.](http://www.mfa.uz)

18. <http://www.pacademy.edu.b>
19. <http://www.rags.ru/kaf/fi..>
20. [www. marifatars-inform.uz](http://www.marifatars-inform.uz). маърифат журнали
21. [www/ natlub.uz](http://www.natlub.uz)
22. республика узбекистан [http:// www. gov.uz](http://www.gov.uz)

16-мавзу: Шахс маънавий фазилатлари

Режа:

1. Иймон ҳақида Ҳусайн Воиз Кошифий, Муҳаммад Ғаззолий, Сўфи Оллоёр, Алишер Навоий каби мутафаккирларнинг қарашлари ва уларнинг бугун ёшларни юксак маънавиятли қилиб тарбиялашдаги аҳамияти.
2. Шахс маънавий фазилатларини шакллантириш вазифалари.

«Иймон» арабча сўз бўлиб, унинг луғавий маъноси «ишонч» демакдир. Дин нуқтаи назардан, барча фикрларга ишонч ҳосил қилиниб тил билан иқрор этишлик ҳамда дил билан тасдиқлашга иймон деб аталади. Иймон мўмин мусулмон киши томонидан ислом динидаги 5 фарздан биринчисини ақл билан идрок этиши демакдир. Шу билан бир қаторда муқаддас китоб "Қуръони Карим" ва ҳадиси шарифлар орқали Аллоҳ тўғрисидаги барча-барча ваҳийларни, пайғамбаримиз орқали бандаларига етказилганига ишониш ҳам ишонч-иймондир. Диний эътиқод орқали мушоҳада қилинганда, Аллоҳни инкор этиш ёки унга ишонмаслик энг катта иймонсизлик–гуноҳи азим бўлса, унга иймон келтириб, ишониб, у яратган жамики ер юзидаги ноз-неъматларга шукур қилишлилики бу жуда катта савобли ишлардандир. Эътиқодли, иймонли бўлиш учун инсон турли ижобий жиҳатларни ўзида мужассамлаштириб, онгли равишда англаб етса, у инсон эътиқодли деб эътироф этилади. Эътиқод – бу ўз фикр ва қарашларга эга бўлган, кишиларга нисбатан ҳурматсизлик қилмасдан, уларни ҳам ўзидек билиб, уларга риоя қилишлиқдир.

Диний жиҳатдан Аллоҳ таолонинг ҳақлигига, Муҳаммад алайҳиссалом унинг ердаги вакиллигига дил-дилдан иқрор бўлишлилики эътиқоддир. Эътиқод, ҳаракат қилиш, танланган йўлда фаолият кўрсатиб ўз ғайратлилигини ҳаётда кўрсатишдир. Буюк бобокалонимиз Ал-Замахшарий айтганларидек, «Ҳаракат заиф бўлган жойда кучли билим фойдасиздир. Ҳаракатсиз билим ипсиз камон кабидир». Демак, ютуқларимизнинг гарови ҳаракат ва эътиқоддир. Таъкидлаганимиздек, бу фикрларимиз-иймон, яъни буюк фазилатнинг қирраларидан биридир. Эътиқод тушунчаси ҳам диний ва дунёвий талқинларга эга. Иймоннинг дунёвий талқини инсон маънавий камолотининг ўзаги ҳисобланади. Дунёвий эътиқод, дунёдаги барча ўзгаришлар, ҳаракатлар билан муштарак бўлгандагина, олижаноб инсоний фазилатлар маънавий иймонни сермазмун-сержило қилади.

Иймонли, эътиқодли бўлишлилики натижасида келажак учун улкан мақсадлар туғилади, яъни келажакни қалб кўзи билан кўриб, ақл билан идрок этади. Бу инсоннинг руҳий, маънавий баркамолликка интилишининг натижасидир. Дунёвий мазмундаги иймоннинг натижаси ҳам инсонни улуғлайди, уни олижаноб шахс сифатида кўрсатади.

Дунёвий эътиқод баркамолликни тўлдиради, бойитади. Дунёвий фазилатлар билан инсон ўзини маърифатли қилади. Дунёвий эътиқод республикамизнинг мустақиллик шароитида вужудга келадиган ҳар хил ижтимоий, маънавий, иқтисодий соҳаларни ўрганишни ҳам зарурий қилиб қўяди. Инсоннинг маънавий камолотга етишишининг шарти, омили бу-диний ва дунёвий эътиқод қирраларидир. Қачонки биз юксак диний ва дунёвий эътиқодга эга бўлган шахслар билан жамият курсак, шундагина ўша жамият ҳар томонлама етук ва илғор жамият бўла олади.

Инсонларда ҳақиқий ирода, олий фазилатлар: эътиқод, иқрор ва амал боғланганда, у келажакка ақл кўзгуси билан боқади. Давлатига, халқига меҳр-муҳаббат билан қарайди,

керак бўлса, жонини ҳам фидо қилади. Юксак маънавиятли инсонни шакллантириш бу эътиқодли-иродали инсон етиштириш билан боғлиқ. Иродали, қатъиятли инсон жамият бойлигидир. Жамият роҳатидан баҳраманд бўлган инсон ўз фарзандларида ҳам иймон, эътиқод ва диёнатлиликини қарор топтиради. Бу дегани, ота ва бола ўртасидаги меҳр-оқибат, муносабатни такомиллаштиради. Маънавий камолотга етишишнинг асосий мезони иймон, эътиқод экан, демак, уларни шакллантириш зиёлилар иродаси ва қатъиятлилигига ҳам боғлиқ. Аммо ушбу жараён ўз-ўзидан бўлмайди. У улкан ишонтира билиш меҳнатини талаб қилади.

Келажакка ишонч, иймон, эътиқод, диёнат меҳр-шафқатли бўлишга боғлиқ. Аслида Иймон алоҳида бир фазилат эмас, балки инсонга хос бўлган етук маънавият нормаларининг муайян тизимидир. Иймонли одам комил инсон бўлади. Демак, иймон комил инсонийликни ифодаловчи барча фазилатларни ўз ичига олади.

Шу боис бозор муносабатлари шароитида мамлакатимизнинг буюк келажagini таъминлашда иқтисодий имкониятлардан ташқари маънавий покланиш, камтарлик, ҳалоллик, инсонпарварлик, сахийлик, очиқ кўнгиллилик, меҳр-оқибат, саховат, виждон ва иймон билан чамбарчас боғлиқ бўлган миллий қадриятларга таяниб иш кўрмоқ зарур. Иймон ва эътиқод, одамгарчилик муваффақиятлар гаровидир.

Жамиятимиз тараққиётида сиёсий эътиқод ҳам иймон билан боғланган. Мустақиллик ва уни мустаҳкамлаш сиёсий эътиқод ҳамда иймонга боғлиқ. Маълумки, сиёсий фаолиятда ҳам шахсий манфаатлар ўз аксини топади. Лекин сиёсий эътиқоди ҳолисона бўлмаган шахслар ўз манфаатини амалга оширишда ўзининг иймон ва эътиқодига юзаки қараши мумкин. Бундай ҳолатнинг бўлиши халқ турмуш тарзини салбий томонларга буриб юбориши мумкин. Сабаби, иймон-эътиқоди мустаҳкам бўлмаган сиёсатчи кўпчилик манфаатидан ўз манфаатини устун қўяди. Хусусий манфаатни устувор деб билади. Бундай ҳолатда мамлакат миқёсида тенгсизлик, беқарорлик келиб чиқади. Мустақиллик даврида таркиб топаётган ватанпарварлик ҳислатлари ҳам иймон ва эътиқодга боғлиқдир. Бу соҳада ҳам иймон, эътиқод йўналтирувчи омилга айланиши лозим. Халқи меҳнатсевар, ватанпарвар, миллатпарвар, байналминал, виждонли, ҳақиқий иймонли бўлган мамлакатнинг келажаги порлоқ ва буюк бўлади.

Иккинчи масалада қуйидагилар ёритилади. Диёнатли бўлишлик юксак маънавий фазилатдир. Дарҳақиқат, иймон, эътиқод билан диёнат тушунчалари ўзаро мужассамдир, шу сабабли энди диёнат тушунчаси ҳақида фикр юритамиз. Диёнат виждон, виждонлилик, инсоф, меҳр-шафқат қоидаларига қаттиқ риоя этиш диндорлик, тақводорлик деган маъноларни ҳам англатади. Диёнат тушунчаси иймонли инсон тушунчасининг бир бўлагидир. Инсоннинг ҳақиқий эътиқодига, икрорига, амал қиладиган нарсасига қарши бормаслик диёнатлилиқ демакдир. Иймон ва диёнат бир бирига узвий боғлиқ бўлган маънавий камолотга етказувчи фазилатлардан бири сифатида қаралади. Диёнат негизида виждонлилик ётади. Хўш, инсонда виждон қандай пайдо бўлади?

Виждон—бу кишининг кундалиқ фаолияти, қилмиши, феъл-атвори учун оила, жамоат, жамият ва Ватан олдида маънавий масъулият ҳис этишидир. Демак, виждон ҳар бир ишга ўзининг салбий ёки ижобий қилган ҳаракатини ақлан тушуниб етиш ва унга ҳолисона баҳо беришидир. Ижобий ёки керакли фикр юритиш диёнатлилиқ билан боғлиқдир. Ўз навбатида булар инсоф билан ҳам боғлиқдир.

Инсоф бу шундай фазилатки, жамиятда мавжуд бўлган ишларга, муносабатларга тўғрилиқ, софдиллик, баробарлик, ҳалоллик каби юксак маънавий жиҳатларни қамраб олган, маънавиятга оид тушунчадир. Инсоф бу шундай юксак фазилатки, у мужассам бўлган инсонда жаҳолат ва қарамлик, зўравонлик ва инсофсизлик бўлмайди. Инсофли бўлишда ўзининг манфаатини бошқаларникидан устун қўйиши ноўриндир. Инсофли инсон бўлишлиқ ўта олий фазилатдир.

Инсон қачонки диёнат тушунчасининг туб-туб илдизларини тушуниб етмас экан, у юксак маънавиятли, инсофли ҳам бўла олмайди. Сабаби, юксак инсоний фазилатлар диёнат билан боғланган. Диёнат тушунчасида раҳмдиллик, камтаринлик, беғаразлик,

инсонпарварлик, ватанпарварлик, виждонлилик, инсофлилик, меҳр-оқибатлик, раҳм-шафқатлилик ва шу каби бир қатор инсоннинг олий фазилатлари ўз аксини топади.

Диёнатли бўлишнинг бош мезони маърифатли бўлишликда ҳамдир. Маърифат орқали инсон юқоридаги тушунчаларнинг моҳиятини тушунади. Зеро, бу миллатимизга хос бўлган бағрикенгликни ўргатади. И.А.Каримов айтганидек соф инсоний туйғу, ўзбекларда шу қадар ривожланганки, миллий-маънавий кенг феъллик уларнинг умумий маданияти ва руҳиятининг ажралмас қисмига айланиб кетган. Диёнат тушунчасининг кирраларидан яна бири бу раҳм-шафқатлилик ва меҳр-оқибатлилик тушунчаларидир. Бу тушунчалар турмуш тарзимиз, фаолиятимиз давомида намоён бўлади. Сабаби, юксак маънавиятлиликни уларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Раҳм-шафқатли бўлишлик кишиларга нисбатан меҳр-оқибатли, раҳмдил бўлишлик, келажакда миллатнинг маънавий-маданий руҳиятининг юксак даражага кўтарилишига катта имконият туғдириб беради. Бу эса юксак баркамол авлодни етиштиришга шароит яратади.

Диёнат инсоннинг олижаноблик фазилатлари ичида энг юксак ва олий хислатдир. Диёнатли бўлишликни кенг маънода таҳлил қила билиш зарур. Шундагина диёнат тушунчаси инсонга нақадар керакли маънавий, руҳий, иродавий куч эканига тушуниб етилади. Диёнат инсоннинг олий фазилатларидан бири экан, демак, шу фазилат инсонпарварлик тушунчасига ҳамоҳангдир. Диёнат кўрсатиш, унга амал қилиш деганда, инсонни-инсон сифатида кўриб, уни кадрлаш, бўлар-бўлмас сўзлар билан инсоннинг дилини оғритмайдиган, обрў-эътибори, шаънига ёмон сўзлар билан тегмайдиган муносабатларни ҳам тушуниш керак.

Диёнатсизлик ва адолатсизлик қилган кишининг фикри тор бўлиб, бажарган вазифасининг моҳиятини, унинг келажagini фаҳмлаб етмайди. Аслида диёнатсизликни ва адолатсизликни амалга ошириш учун кўп соҳаларни билиш шарт эмас, фақат унинг мазмун ва фойдаси, зарари ва захматига эътиборни қаратиш лозим. Демак, диёнат ва адолат, ҳақиқатнинг ҳаётга тадбиқ қилиниши инсондан барча соҳаларга лоқайд қарамаслиқни талаб этади. Диёнатнинг умри боқийдир. Диёнат ўз маъноси жиҳатдан юксак фазилатлар ичида энг олийсидир.

Барча инсоний фазилатлар шу диёнатликка бориб тақалади. Чунки, у ҳақгўйликка ҳам боғлиқдир. Диёнатнинг баркамоллиги ҳақгўйлик билан ўлчанади. Диёнатни ҳақгўйлик билан олиб борган инсон самимий, сахий, олижаноб инсондир. Диёнатли бўлиш учун буюк аллома ёки соҳибқирон бўлиш ҳам шарт эмас. Сабаби, ҳар бир инсон фаолиятида диёнатли бўлиш учун имкон топилади. Кундалик турмушда инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабат, алоқа ва мулоқот, бажарадиган вазифалар диёнат билан танишнинг манбаидир. Фақат улкан, фойдали ишларни амалга ошириш, уни диёнат деб билиш ҳам хатодир. Диёнат кичик ишларда, кундалик ҳаётда, энг арзимас ҳаракатларда ҳам намоён бўлиши мумкин. У ҳамиша, ҳамма ерда пайдо бўлса-да, инсон ундан юз ўгирмаса, юксак фазилатга хос характерни ўзида тарбиялайди. Диёнатсизлик окқўнгиллиликни тарбияламайди.

Диёнат кишининг тенгсиз бойлигига айланганда, ундан бошқалар ҳам раво топадилар. Диёнатли инсон фақат ўз кадр-қийматини эмас, балки бошқалар кадр-қийматини ҳам эъзозлайди. Қачон ва қаерда диёнат бузилса, эзгу ҳаракатларга зарба берилган бўлади, бу эса инсоний фазилатлардан узоклаштиради. Диёнат бу эътиқоднинг кучлилигига боғлиқ бўлиб, барча мақсадларнинг, орзу-умидларнинг амалга ошишига ёрдам беради. Зеро, бошқаларга диёнатлилик кўрсатган инсон ўзгалардан диёнат кўради. Диёнат кўрсатиш иродага ҳам боғлиқ. Иродаси суст бўлган инсон диёнат хислатларини намоён қила олмайди. Чунки диёнат ҳам сабр-тоқат, ор-номус, ҳақгўйлик, самимийлик, уятчанлик каби жараёнларни акс эттиради. Бу инсоний фазилатлар диёнатлилик характерини мустаҳкамлайди, унинг инсонларда рўёбга чиқишига кўмаклашади.

Диёнатли кишида ор-номус хислатлари устун бўлади. Ор-номусли кишининг ўзи ҳам дарҳақиқат диёнатлидир. Ор-номусли инсон диёнатли бўлишни ўзига байроқ қилиб оладики, бу байроқ изидан бошқалар ҳам эргашади. Диёнат ва ор-номусга эга бўлган

инсон кўпчилик учун зарур бўлган вазифаларни амалга оширади, шу иштиёқ билан яшайди. Оғир вазиятларда ҳам ўзини йўқотмайди, номус ва виждонини сотмайди, одамийлик фазилатида қолади. Диёнатли бўлиш турли салбий ҳолатлардан сақлайди. ноҳўя ишлардан узоқлаштиради. У юксак маънавиятлиликнинг белгисидир.

Пок ва ҳалол бўлиш инсоннинг етук маънавий фазилатларидандир. Поклик ва ҳалоллик тушунчалари ҳақида кўпроқ диний китобларда кўплаб мукамал фикрлар айтилган. Поклик бу ҳаётий нуқтаи назардан зарур бўлиб, ақлий ва жисмоний тоза, соф кўнгилликка риоя қилиш керак бўлган инсоний фазилатдир. Поклик бу шундай олий фазилатки, бу кишиларнинг комил инсон бўлишига ёрдам берадиган хислатлардан биридир. Поклик маълум маънода хиёнат сўзи билан тескари ҳамдир. Бу тушунча оила, атроф-муҳитда, кўча-кўйда, маҳаллада кенг тарқалгандир. Пок бўлишлик хиёнат қилмаслиқдир. Масалан, турмуш ўртоғига, дўстига, қавм-қариндошига, жамоа ва жамиятига хиёнат қилмайдиган ҳар бир инсонни пок, ҳалол инсон дейдилар. Пок бўлишлик кундалик турмушда ва ислом динида талқин қилинадиган улуғ инсоний фазилатдир. Жумладан, поклик ва ҳалоллик ҳақида сўз юритганда, ўғрилиқ, сурбетлик, зино, фахш, шахвонийликка берилиш каби хислатларнинг салбийлиги қораланади.

Пок ва ҳалол деб ҳисобланган инсон юқорида келтириб ўтилган инсоннинг маънавий руҳияти ва ахлоқ-одобига зид бўлган ишлар билан шуғулланмайди. Бу ҳақда гапиришдан ҳам ҳазар қилади. Нопок инсонлар ҳамиша қоралаб келинган, танқид қилинган. Мақсад инсон поклигини таъминлаш бўлган. Поклик-бу инсоннинг юксак маънавий фазилатидир. Поклик ва ҳалоллик ўзаро яқин тушунчалардир.

Ҳалоллик ҳам инсоннинг поклик хислати сингари унинг юксак ички ва ташқи гўзаллигини бойитувчи ижобий фазилатдир. Диний нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, Аллоҳ таоло томонидан рухсат этилиши мумкин бўлган барча ижобий вазифалар, ноз-неъматлар ҳалол деб айтилган. Ҳалоллик ҳам поклик хислати каби юксак онглилик даражасига эга бўлган инсоннинг маънавий фазилатидир.

Ҳалоллик шундай жараёнки, у кишиларнинг ҳақини емаслик, кишиларнинг омонатига хиёнат қилмаслик, ёмон кўз билан қарамаслик кабилардир. Ҳалоллик ҳаром нарсалардан эҳтиёт бўлиш, ҳасад билан эмас, ҳавас билан қараш ва бошқалардир. Кишилар ушбу маънавий туйғуларни англаб етсаларгина, жамиятимиз турмуш даражаси юксакликка кўтарилади. Ҳалоллик туйғуси, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, жамиятимизда мавжуд бўлса, барча соҳаларда у ҳукмрон бўлса, иш жараёнлари чин кўнгилдан, кўз бўямачиликларсиз, ҳасадларсиз йўлга қўйилса, мақсадга эришилади.

Республика мустақилликка эришгандан сўнг тоталитар тузум давридаги маъмурий-буйруқбозлик тизимига асосланган “режали” иқтисодиётдан бозор иқтисодиёти муносабатларига ўта бошлади. Кишилиқ жамиятининг юз йиллар мобайнида иқтисодий соҳада эришган энг улкан ютуғи бу бозор иқтисодиётидир. Кўпгина ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, шу иқтисодиёт орқали фаровон ҳаётга эришиш мумкин. Шу иқтисодиёт орқали жаҳонда салоҳиятли ўринга эга бўлиш мумкин. Шу иқтисодиёт орқали халқ турмуш тарзи юксак даражага кўтарилиши мумкин. Лекин оламдан бўлак мукамал нарсанинг ўзи йўқ, фақат олам бекаму кўст мукамал уйғунликда яратилган. Шу сабабли, бозор тизимининг ҳам тўла ижобий ёки салбий бўлишини тараққиёт кўрсатади.

Ўтиш даврида фуқароларимиз ҳалоллик тушунчасини яна бир чуқурроқ таҳлил қилсалар фойдадан холи бўлмайди. Сабаби, бозор иқтисодиёти шароитида ҳам ҳар соҳада, юқорида кўрсатилганидек, қийинчиликлар юз бериши табиийдир. Бинобарин, ўтиш даврида ҳаром ва ҳалолнинг фарқи боришлиқ, иймонли, диёнатли, пок виждонли, ҳалол бўлиш том маънода маънавиятли, маърифатли инсоннинг хислатидир.

Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш даврида аҳён-аҳёнда тарозидан уришлар, тарози тошларининг вазнини камайтиришлар, тижоратнинг ҳақиқий ҳолати ва уни юритишни бошқача тушунувчилар учраб турибди. Бундай кишилар ҳалоллик тушунчаси ҳақида ижобий фикр юритиб кўрсалар жамият фойда кўради, холос.

Жамият аъзоларини ҳалолликка, покликка, камтаринликка, инсонпарварликка, меҳр-оқибатга, меҳр-мурувватга чакирувчи давлат ҳужжатлари билан бирга шаръий ҳукмлар, яъни шариат қонунлари ҳам мавжуддир. Тижорат ва тадбиркорликда кўзбўямачиликка йўл қўйиш, бировларни алдаш, аҳолининг ҳақиға хиёнат қилиш, оммани, бевабечораларни оғир аҳволга солиб қўйишга қаратилган ишлар худо олдидаги катта гуноҳ эканлиги таъкидланган. Булар мусулмончилик талабларидан узоқлашганликни билдирувчи ноўрин ҳаракатлар сифатида тасвирланган. Шу сабабли айтишимиз мумкинки, барча тадбиркорлар, ишбилармонлар (раҳбарлар ҳам) чиқарилган қонунларни билишлари билан бирга, шариат қонунларига ҳам жиддий амал қилсалар, фойдадан холи бўлмас эди.

Маълумки, шариатда ҳаром ишларни бажариш гуноҳ ҳисобланади. Уларни зулмий ҳаромлар деб ҳам айтилади. Жумладан, бировнинг молини ўғирлаш, ўзгалар мол-мулкни ўзиники билан аралаштириш, олган қарзларини тўламаслик, яхши мулк олиб, унинг ўрнига ёмон мулкни бериш, бировларни устидан кулиш, бировнинг гапини иккинчи кишига чақимчилик билан етказиш, иккиюзламачилик қилиш, қўшнилари рағбатланиш, озиқ-овқатларни арзон вақтида олиб қўйиб, қиммат пайтида сотиш, молларни тегишли баҳосидан икки баробар қимматига сотиш, бировнинг яширин сирини бировга айтиш, золимлар зулмига кўмак бериш, садақа сўраган гадони жеркиб бериш, бировни беҳуда кўрқитиш, фақир кишиларни ҳурматсизлаш, алдаш, нотўғри маслаҳат бериш йўллари ҳам кўп бўлиб, улар ҳар куни ҳаётимизда тез-тез учраб туради.

Ваъдага вафо қилиш, ҳадяларга яраша ҳадялар қайтариш, яхшиликка яхшилик билан жавоб бериш, бозорда сотилаётган нарсанинг айбларини айтиб сотиш, айбсиз киши айбланаётганда уни оқлаш, сўзи ўтадиган кишиларни ҳаром ишлардан қайтариш, сўзда ва ҳар бир ишда тўғри ва ҳаққоний бўлиш, гувоҳлик берганда кўрган ва эшитганларини тегишли жойда тўғри тасдиқлаш, бировнинг нарсаси кўлга тушганда, уни эгасига қайтариш, қарзларни ўз вақтида адо этиш каби ҳалоллик белгисини кўрсатувчи соҳаларнинг бир қисмидир. Бу белгилар кундалик ҳаётда одатий фаолиятлар тарзига кирса-да, юксак маънавиятни билдирувчи омиллардир.

Ҳалоллик инсонга бахт келтиради. У буюкликнинг нишонасидир. Инсонлар ҳалолликдан юз ўгириб, нопок бўлсалар, улар келажакда шунга ўрганиб қоладилар. Охи-роқибат ҳаёт лаззатларини ҳам унутадилар. Бинобарин, инсонларнинг бир хил турмуш тарзлари ҳаётда мавжуд. Уларнинг ҳаётга келиши ҳам ўхшаш бўлса-да, кейинчалик ҳалоллик ва нопокликлар билан бир-бирларидан фарқ қиладилар. Ҳалол одамларнинг номи баланд бўлиб, нопокларнинг номи жирканч бўлади. Ҳалоллик инсоннинг бебаҳо зийнатидир. Ҳалоллик ютуқлар гаровидир, у тўғрилиқ деганидир. Ҳалол бўлиш учун инсон доно ақлга, фаросатга эга бўлмоғи лозим. Одатда ҳалол одамлар кўпларнинг манфаатини кўзлаб иш юритадилар, шахсий манфаатни эса иккинчи даражали қилиб қўядилар. Бу хислатга эга бўлганлар олижаноб кишилар ҳисобланадилар.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ҳалолликни одамлар ўртасида ошкора қилиш ҳам ҳақиқий ҳалолликка кирмайди. Ҳалоллик камтарлик билан ҳолисона қилингандагина ўринлидир, ҳамма бўлмағур ишлардан ўз вақтида хулоса қилиш, турли найрангчилар фаолиятдан нафратланиш ҳам ҳалолликнинг бир туридир. Ҳалоллик, маълумки, сотилмайди, у инсондаги ички руҳий ҳолатнинг намоён бўлишидир. Мурувват кўрсатиш, бировлар ғамига шерик бўлиб, дардлашиш ҳам ҳалоллик натижасидир.

Таянч сўзлар ва иборалар: иймон, буюк мутафаккирлар қарашлари, юксак маънавият, эътиқод, ишбилармонлик, бозор муносабатлари, виждон, инсоф, ор-номус, эзгулик.

Савол ва топшириқлар.

1. Иймон ҳақида буюк мутафаккирларнинг қарашлари ва уларнинг бугунги ёшларни юксак маънавиятли қилиб тарбиялашдаги аҳамиятини таърифланг.

2. Шахс маънавий фазилатларини шакллантириш вазифалари нималарда асосий бўлиб кўринади?
3. Сабрлилик, меҳнатсеварлик, поклик, халоллик ҳақида ўз фикрларингизни ёритинг.
4. Виждон, инсоф, ор-номус, мурувватлилик ҳақида буюк мутафаккирларнинг фикрий қарашларини ёритинг.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000.
2. Каримов И.А Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2003.
3. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
4. Каримов И.А. Юсак маънавият - енгилмас куч. – Тошкент, “Маънавият” 2008.
5. Каримов. И.А. Тарихий хотира инсон омили- буюк келажакимизнинг гаровидир.– Тошкент: “Ўзбекистон”, 2012.
6. И.А.Каримовнинг “Мустақиллик- барча эзгу ва марраларимизнинг мустаҳкам мезонидир” рисоласи бўйича ўқув-қўлланма. –Тошкент: Ўқитувчи 2013.
7. Умаров Э., Абдуллаев М. Маънавият асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент: “Cho’lpon” номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи. 2006.
8. Имомназаров М., Саидов М. Миллий тараққиётнинг маънавий-ахлоқий асослари. Ўқув қўлланма. “Akademiya”, Тошкент: 2005.
9. Абдурахмонов М., Отамуротов С. Маънавий салоҳият. Ўқув қўлланма. –Тошкент: Университет. 2009.
10. Қуранбоев Қ., Абдурахмонов М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Юсак маънавият-енгилмас куч” асарини ўқитиш бўйича ўқув-услубий қўлланма. Тошкент: -2010.
11. Давлат, жамият, оила ва ёшлар тарбияси муаммолари. Тошкент: 1997.
12. Зиёев Х. Истиқлол-маънавият негизи. “Маънавият”. Тошкент: 1999.
13. Қаҳҳарова Ш. Глобал маънавият- глобаллашувнинг ғоявий асоси. “Тафаккур” нашриёти. Тошкент: 2009.
14. Маънавият юлдузлари Муҳаррир Ф.Хасанов. –Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2011.
15. Иброхимов А. Бизким ўзбеклар. – Тошкент: Шарқ. 2011.
16. Абу Хомид Ғаззолий. Қалблар кашфиёти. – Тошкент: 2004.

Интернет маълумотлари

17. www: mfa. uz.
18. <http://www.pacademy.edu.b>
19. <http://www.rags.ru/kaf/fi..>
20. www. marifatars-inform.uz. маърифат журнали
21. www/ natlub.uz
22. республика узбекистан [http:// www. gov.uz](http://www.gov.uz)

18-мавзу: Шахс маънавиятини ривожлантириш омиллари ва воситалари

Режа:

1. Президент Ислом Каримовнинг “Юсак маънавият – енгилмас куч” асарида шахс маънавиятини шакллантириш омиллари ва воситалари тўғрисида.
2. Адабиёт ва санъат–шахс маънавиятини шакллантиришнинг муҳим воситаси.
3. Шахс маънавиятини шакллантиришда маҳалла, таълим тизими ва жамият ташкилотларининг ўрни.

Биринчи масалада куйидагилар ёритилади. Маънавиятимизни шакллантирадиган барча омил ва мезонларни талабаларга сингдириш зарур. Маънавиятни халқнинг тарихи, урф-одатлари, анъаналари, қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Бизнинг заминимизда буюк зотлар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиққан. Улар умумбашарий цивилизация ва маданиятга улкан ҳисса қўшганлар. Қадимий осору атиқалар, деҳқончилик ва ҳунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шаҳарсозлик маданияти ривожланган.

Ўзбекистондаги 4 мингдан ошиқ моддий-маънавий обида жаҳоннинг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган.

Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналари, кутубхоналардаги минг-минглаб қўлёзмалар, тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, астрономия ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир.

Бу тарихий ёдгорликлар орасида бундан 2700 йил аввал яратилган “«Авесто»” китоби бебаҳо маънавий обидадир. “«Авесто»” нинг туб маъно-моҳиятини белгилаб берадиган “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” тамойили бизнинг бугунги маънавий идеалларимиз билан узвий боғлиқдир.

Халқ оғзаки ижоди намунаси бўлмиш “Алпомиш” достони халқимизнинг қахрамонлик қўшиғидир. Бу дoston бизга ватанпарварлик фазилатларидан сабоқ беради. Одил ва ҳақгўй бўлишга, юртимизни, оиламизни қўриқлашга, ор-номусимизни ҳимоя қилишга ўргатади. Қанча авлод-аждодларимиз “Алпомиш” достони асосида тарбия топган, ўзлигини таниган, маънавий бойликка эга бўлган. Алп дегани-ҳокимият эгаси маъносини бериб, миллий давлатчилигимизнинг бадиий ифодаси ҳисобланади.

Энг азиз ва миллий байрам бўлган “Наврўз” айёmidан халқимиз одамийлик, меҳр-оқибат, мурувват ва ҳиммат каби фазилатлардан озиқланган ва маънавий камол топган.

Маънавиятимизнинг таркибий қисми бўлган ислом дини одамзотнинг юксак идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган. Ислom динини пок сақлаш, уни турли ғаразли ҳуружлардан ҳимоя қилиб, унинг асл моҳиятини ёш авлодга тўғри тушунтириш зарур.

Ислom маданияти равнақиға улкан ҳисса қўшган Имом ал-Бухорийнинг “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” асари ислом динида “Қуръон”дан кейин 2-ўринда туради.

Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизийнинг “Сунани Термизий” асари ҳам мусулмон оламининг юксак маънавий мероси ҳисобланади. Имом Мотурудий эса ислом оламида “Мусулмонларнинг эътиқодини тузатувчи” деган юксак шарафга сазовор бўлган. Мотурудия таълимотида илгари сурилган ғоялар ислом динимизнинг асосида тўғрилиқ, эзгулик ва инсонийликдан иборат деб ҳисобловчиларнинг қарашларини ифода этади.

Шарқ оламида “Бурхониддин ва милла”, яъни “Дин ва миллатнинг ҳужжати” деган юксак унвонға ислом ҳуқуқшунослигининг улкан намоёндаси Бурхониддин Марғиноний сазовор бўлган. Унинг 57 та китобдан иборат “Ҳидоя”–“Тўғри йўл” асари 8 асрдан буён мусулмон оламининг мукамал ҳуқуқий манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Абдуҳолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд буюк аллома ва азиз-авлиёлардир. Баҳоуддин Нақшбандға “Баҳоуддин Балогардон” деган таъриф берилган. Унинг “Дил ба ёру, даст ба кор” деган ҳаётбахш ҳикмати бор.

Ҳар бир даврнинг долзарб масалаларига асосли илмий жавоблар топилган тақдирдагина, маънавият олами янги мазмун билан бойийди. Яъни ҳар бир илмий янгилик янги дунёқараш ва фикрга туртки беради, маънавиятни шакллантиришға таъсир ўтказади.

Юртимизда яшаб ўтган буюк мутафаккирларнинг бемисл илмий–ижодий кашфиётлари бугун ҳам жаҳон аҳлини ҳайратға солмоқда.

Муҳаммад Мусо Хоразмий ўнлик санок системасини, алгоритм ва алгебра тушунчаларини илм фанга жорий этди ва аниқ фанлар учун асос яратди.

Ахмад Фарғоний (“Астрономия асослари ҳақида китоб”), Беруний, Ибн Сино, араб тили грамматикасини мукаммал ишлаб чиққан Махмуд Замахшарий кабилар башарият тарихида ўтмас из қолдирдилар. Уларнинг ҳаёт йўли ва қолдирган мероси халқимизнинг маънавий олами нақадар бой ва ранг–баранг эканини исботлайди. Бундай ноёб ва бебаҳо бойликни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, унинг маъно–мазмунини фарзандларимизга етказиш ҳаммамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Буюк боболаримизнинг маънавий олами ҳақида гапирганда, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, А.Навоий тўғрисида сўзлаш керак. Шулардан бири А.Навоийни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоирлар десак, шоирнинг султонидир. Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳонда кам топилади. Биз унинг бу бебаҳо меросидан ёшларимизни қанча кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтириш, инсоний фазилатларни камол топтириш шунчалик такомиллашади.

Тарихдан маълумки, юртимизда илму маърифат ва юксак маънавиятга интилиш ҳеч қачон тўхтамаганининг гувоҳи бўламиз. Чоризм мустамлакаси даврида Беҳбудий, Мунавварқори, Авлоний, Иброт, Фитрат, Қодирий, Чўлпон, У.Носир каби юзлаб маърифатпарварлар етишиб чиқдилар.

Совет даврида эса Қори Ниёзий, Т.Саримсоқов, Х.Абдуллаев, С.Сирожиiddинов, О.Содиқов, С.Юнусов, Я.Ғуломов, Ойбек, А.Қаххор, Зулфия, С.Ахмад, О.Шарафиддинов, Л.Саримсоқова, Х.Носирова, Олим Хўжаев каби дунёга танилган илм–фан, адабиёт ва маданият арбоблари етишиб чиқдилар.

Тарихимизда, юртимизда бундай беназир сиймоларнинг яшаб ўтганлиги, мавжудлиги ўзига хос бир феномен, яъни ўта ноёб ҳодисадир. Бу эса нафақат бугунги, балки эртанги авлодларимизнинг ҳам маънавий бойлигига айланиб, халқимизга буюк ва қудратли куч–қувват ва мадад бериши муқаррар.

Иккинчи саволда қуйидаги масалалар ёритилади. Мустақиллик йилларида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий қайта қуришлар қаторида маданият соҳасида ҳам туб ўзгаришлар рўй берди. Бу, аввало, театр санъати, миллий мусиқа, меъморчилик, адабиёт соҳаларида яққол кўзга ташланади. Маданият мутахассисларининг ижодий фаолияти, уларнинг моддий ва техникавий ускуналари, замонавий бинолар билан таъминланиши давлат раҳбари Ислон Каримовнинг бевосита ғамхўрлигида бўлди. Адабиёт ва санъат асарларининг кучи унинг халқчил ва тушунарлилигида, кишилар ички-руҳий дунёсига эмоционал таъсир кўрсата олишидадир. Маънавий баркамол авлодни тарбиялашда адабиёт ва санъатнинг ана шу хусусиятини ҳисобга олиш муҳимдир.

Маънавий тарбияда ўзбек халқининг бой маънавий меросидан кенг фойдаланиш унинг таъсирчанлиги, самарадорлигини оширишда муҳим омил бўла олади. Ёшларимиз маънавий тарбиясида Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий, Лутфий, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Машраб, Муқимий, Фурқат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир каби классик шоир ва ёзувчиларимиз асарларидан фойдаланишимиз улар қалбини, руҳий дунёсини маънавий бойитишда катта аҳамиятга эгадир. Уларнинг бизга қолдирган бой бадиий–маънавий мероси ўзининг чуқур фалсафий мазмуни, ахлокий йўналиши билан ажралиб туради.

Театр санъати бошқа санъат турлари каби образли бадиий табиати билан инсон қалбига эмоционал таъсир кўрсатиш, унинг руҳий дунёсига чуқур кириб бориш, шу орқали маънавий дунёсини бойитиш хусусиятига эга. Мустақилликни мустаҳкамлаш, кишиларни юксак маънавийлик руҳида тарбиялашда театр санъатидан унумли фойдаланиш–замон талаби. Афсуски, ёшларимизнинг театр, кино санъати ёки санъатнинг бошқа турларига бўлган қизиқиши унчалик етарли даражада эмаслиги кишини ажаблантиради. Театр воқелигимиз, кишиларимиз турмуши, интилиши, қизиқиши, хатти-ҳаракатларини ҳаяжон билан акс эттирадиган майдондир. У бир вақтнинг ўзида ҳам сўз,

ҳам мусиқа, ҳам хатти-ҳаракат орқали инсон қалбига таъсир этиш хусусиятига эгаллиги билан ажралиб туради. Шунинг учун театр ва кино санъатининг бу хусусиятидан маънавий тарбияда фойдаланиш катта самара бериши шубҳасиз.

2001 йилнинг давлат бюджетидан маданият ва санъат муассасаларини ривожлантириш учун 12 миллиард 703 миллион сўм (бу кўрсаткич 2000 йили 9 млрд. 463 млн. сўмни ташкил қилган эди) ажратилиши фикримизнинг гувоҳидир. Мустақилликнинг дастлабки йилларида республикада янги театр жамоалари ташкил этилди. 1991-1994 йилларда бир қатор вилоят марказларида янги театрлар ишга туширилди. 1993 йил август ойида Тошкент шаҳрида иш бошлаган “Туркистон” саройи нафақат меъморчиликнинг ёрқин намунаси, балки сахна гуруҳлари ва атоқли артистларнинг чиқишлари бўладиган даргоҳга айланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов “Туркистон” саройи очилиши маросимида нутқ сўзлаб: “Ушбу саройда халқимизнинг, Шунингдек, жаҳон халқларининг, Марказий Осиё халқларининг аънавий анжуманларини, санъат байрамларини ўтказишни ният қилганмиз. Бу кошона, иншооло, миллатлар, эл-элатларнинг дўстлик, бирдамлик қалъасига айланади”, - деган эди.

1998 йил 26 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг “Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги фармони эълон қилинди. Бу фармонга мувофиқ Ўзбекистон томоша санъатининг кўп асрлик аънаваларини ўрганиш, бойитиш ва тарғиб қилиш, театр санъатини ҳар томонлама ривожлантириш, унинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизда маънавий-маърифий ислохотларни амалга оширишда театр арбобларининг фаол қатнашишини таъминлаш мақсадида “Ўзбектеатр” ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилди. Театрларнинг 90-йилларнинг иккинчи ярмидаги репертуарларида тарихий пьесалар кенг ўрин олди. 1996 йили Амир Темурнинг 660 йиллик юбилеи муносабати билан 10 та янги спектакл сахналаштирилди. “Наврўз-97” театр фестивали муносабати билан Соҳибқирон образини ифодаловчи 14 спектакл намоиш этилди. 1998 йили Ал-Фарғоний, Ал-Бухорийларнинг юбилейларига бағишланган пьесалар яратилди. Мамлакатимизнинг бой тарихини намоиш этувчи спектакллар Тошкентнинг етакчи театрларидагина эмас, барча вилоятларнинг театр сахналарида ҳам қўйилди. 1995-1997 йиллари республика театрлари томонидан 313 янги спектакл қўйилди.

Ўзбекистонда мусиқа ва рақс санъатини ривожлантириш мақсадида “Ўзбекнаво” гастроль-концерт бирлашмаси ташкил этилди. Унда мусиқа-рақс санъатини ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш масалалари кўзда тутилди. Санъатнинг барча соҳалари, маданий-маърифий муассасалари учун малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш Республика Президентининг доимо эътибор марказида бўлиб келди. Советлар давридаги маданият ўқув ишлари қайта тузилиб, кўплаб янги ўқув масканлари ташкил этилди. 90-йиллар охирида мамлакатда 27 махсус ўқув юрти фаолият кўрсатди. Шундан биттаси олий ўқув юртлири, 20 таси ўрта махсус билим юрти, 2 таси мактаб-интернатидир.

Мустақиллик йилларида ўзбек адабиёти, адабиётшунослик фани тараққиётида ҳам янги саҳифалар очилди. Асарлари зарарли, ўзлари миллатчи деб ноҳақ баҳоланган Чўлпон, Отажон Ҳошим, Вадуд Маҳмуд, Мунаввар қори сингари миллатпарвар ёзувчи, маърифатпарварлар ижоди ҳолисона ўрганилиб, уларнинг асарлари чоп этилди, театр сахналарида ўз ўрнини эгаллади. Маърифатпарварлар фаолиятининг асл моҳиятини, адабий, маданий, сиёсий ҳаётдаги ўрнини рўйи-рост кўрсатиш бошланди. Ўтмишда диний ва сарой адабиёти вакили деб тамға босилган буюк шоир ва мутафаккирлар ҳаёти ва ижоди ўрганилиб, асарлари халққа қайтарилди.

Мустақиллик шарофати боис мўътабар "Қуръони Карим" ва ҳадислар чоп этилди. Бундай асарларнинг халқимиз қўлига етиб бориши бутунлай янги, соғлом, соф миллий ғояларимизнинг, мақсад ва интилишларимизнинг сифат даражасини белгилайди. Адабиёт соҳасидаги ва кўплаб нашр этилган бошқа асарлар миллий истиқлол ғояси ва мафкурасининг буюк ҳаётбахш кучини кўрсатади. Ўзбекистон Қаҳрамонлари Саид

Ахмад, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ўзбекистон халқ шоирлари Муҳаммад Юсуф, Ҳабиб Саъдуллаевлар ижодий фаолияти билан бутун халқимиз фахрланади.

Миллий истиқлол давридаги ўзбек адабиётшунослиги олдида турган муҳим вазифаларни ҳал этишда Озод Шарафиддинов, Бегали Қосимов, Наим Каримов, Эркин Каримов, Аҳмад Алиев, Нажмиддин Комиловларнинг асарлари алоҳида ўрин эгаллайди. Т.Маликнинг романлари, О.Матжон, О.Ҳожиёва, Х.Султонов, А.Суюн, Й.Эшбек, Ҳ.Дўстмуҳаммад, Ш.Салимова сингари шоир ва адибларнинг бадиий баркамол, ғоявий етук асарлари ўзбек миллий истиқлол адабиётига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Мустақиллик йилларида маданий-маърифий муассасалар ишларида ҳам кескин ўзгаришлар юз берди. Бу муассасаларнинг сони 1997 йили 9442 та бўлса, булардан 60 таси музейлар, 2657 таси клублар, 6725 таси кутубхоналардир. Мустақиллик йиллари бу муассасалар аҳоли ўртасида маданий-маърифий тарбиянинг ўчоғига айланди.

Аҳоли ўртасида маданий-маърифий ишларни ташкил қилувчи муассасалардан бири кутубхоналар бўлиб, уларнинг сони 1996 йили 6723 та эди. Кутубхоналарда жами китобхонлар 6 млн. 211 кишини ташкил қилса, шундан 4 млн. 425 минги қишлоқ районларида эди. Кутубхона ходимларидан 65 фоизи олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислардир.

Миллатимизнинг ўзлигини англашда миллий, тарихий қадриятлармизни тиклашда музейлар алоҳида ўрин тутди. Шу жиҳатдан Президент И.А.Каримовнинг 1998 йил 12 январдаги “Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони музейлар ишларини ривожлантиришда дастур ролини бажармоқда.

Мустақиллик йиллари республикамізда музейларга бўлган эътибор ошиб бормоқда “Темурийлар тарихи давлат музейи”нинг қурилиши, “Ўзбекистон халқлари тарихи музейи”, “Халқ амалий санъати музейи” нинг қайта жиҳозланиши бунинг далолатидир. Ҳозирги кунда давлат қарамоғидаги музейлар 81 тани ташкил қилиб, шулардан 15 таси тарих музейлари, 23 таси ўлкашунослик, 10 таси бадиий санъат қошонаси, 20 таси мемориал муассаса, 8 таси адабиёт, 4 таси тиббиёт музейларидир.

Шунингдек, мамлакатнинг шаҳарлари ва туманларида 510 музей халқимизнинг бой тарихий-маданий хазиналарини намоён этишда ва кишиларимизни, ёш авлодни маънавий-маърифий тарбиялашга ўзларининг ҳиссаларини қўшмоқда.

Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлиги тасарруфидаги жами музейларда 2000 йил бошларидан 1.350 минг экспонатлар сақланмоқда ва буларни ўтган даврда 1.655.400 киши томоша қилган.

Шарқ ва Ғарб меъморчилиги уйғунлашган бинолар юртимиз пойтахти ва вилоят марказларида қад кўтариб, шаҳарларимиз ҳуснига ҳусн қўшмоқда. Миллий банк, меҳмонхона бинолари ҳамда маданият ва истироҳат боғларининг бунёд этилиши бунинг ёрқин мисолидир. Ҳайкалтарошлик, амалий безак санъати, тасвирий санъат, рақс, кино санъатларида ҳам анъанавий ва замонавий усуллар уйғунлашиб, етук асарлар яратилди ва яратилмоқда.

Хулоса шуки Ўзбекистон ўзининг қисқа вақтдаги мустақиллик йиллари давомида иқтисодий-ижтимоий борадаги ютуқлари билан бир қаторда; мафкуравий-маънавий, маданий ишларга ҳам эътиборни кучайтириб, жаҳоннинг ривожланган давлатлари орасида ўз нуфузи ва обрўсини юқори кўтармоқда.

Учинчи масалада қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор берилади. Миллат маънавиятини шакллантиришда ва юксалтиришда оиланинг ўрни бекиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлар оила бағрида шаклланади. Боланинг маънавий қарашлари – яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчалар пойдевори оила шароитида қарор топади.

Кўп йиллик илмий тадқиқодларга кўра, инсон ўз умри давомида оладиган барча информациянинг 70 фоизини 5 ёшгача олар экан.

Баланинг онги асосан 5-7 ёшда шаклланишини ҳисобга олсак, шу даврда оилавий муҳит таъсирида маънавиятнинг илк куртаклари пайдо бўла бошлайди. “Қуш уясида кўрганини қилади” мақоли шуни акс эттиради.

Ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият кўрғони бўлмиш оилани мустаҳкамлаш, унинг нуфузини ошириш давлат сиёсати даражасига, энг муҳим устувор йўналишдан бирига айланган.

Конституциянинг XIV боби 63-, 64-, 65-, 66- моддаларида оиланинг ижтимоий мақоми белгиланган, шу асосда “Оила”, Фуқаролик, Уй-жой кодекслари ва бошқа зарур қонунлари қабул қилинган. 1998 йил “Оила йили” деб эълон қилинган. “Эл-юрт таянчи” деган муаззам ёдгорлик барпо этилган.

Бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деган неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди.

Оила соғлом экан; жамият мустаҳкам экан мамлакат барқарордир.

Маънавиятни юксалтиришда маҳалланинг роли ва таъсири катта. Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, ёрдам, тўй-томоша, ҳашарда бирга бўлиш ҳалқимизга ҳос урф-одатлар маҳаллада шаклланган. “Маҳалла–ҳам ота, ҳам она” деган ҳикматли сўз бор.

Мустақиллик йилларида маҳалла ҳаёти билан боғлиқ кўплаб қадриятлар, удум ва анъаналар қайта тикланди, замон талаби асосида бойиди. Маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгаймоқда. Улар ўзини ўзи бошқариш идораси, демократия дарсхонаси сифатида иш олиб бормоқда. Маҳалла тушунчаси Конституциясининг 105 – моддасига киритилиб, унинг жамият бошқарувидаги ўрни ва мақоми қатъий белгилаб қўйилган. “Қучли давлатдан-қучли жамият сари” деган тамойилнинг амалий ифодаси ҳам маҳалла ҳисобланади.

Маънавий ҳаётимизни, миллий онг ва тафаккуримизни, урф-одат ва анъаналаримизни асраш маҳалла идорасига янада кўпроқ имконият бериш, унинг ваколатларини янада кенгайтириш зарур. Маънавий юксалишда таълим-тарбия тизимининг ўрни катта. Ота-боболаримиз қадимдан илм-маърифат, таълим-тарбияни инсон камолоти ва миллат раънақининг асосий шартини деб ҳисоблаган.

Таълим-тарбия онг маҳсули, онг даражаси ва унинг ривожини белгилайдиган, яъни халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир.

Мактаб, таълим-тарбия масаласи давлат ва жамият назоратида бўлиши Конституциянинг 41-моддасида белгилаб қўйилган. Эртанги кунимиз қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ. Ёшларни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифасидир.

Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди–бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фасафаси. Бу ҳақда фикр юритганда, А.Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт-ё мамот, ё нажот-ё ҳалокат, ё саодат-ё фалокат масаласидир” деган сўзларини эслаш даркор ва бу долзарблигини ҳозир ҳам йўқотгани йўқ. Чунки бизга собиқ совет тузумидан мерос бўлиб қолган маориф тизимининг энг номаъқул томони шундаки, унда ўқув жараёнида ўқувчи ва талабаларнинг мустақил ва эркин фикрлашига йўл қўйилмас эди. Аксарият ёшлар ҳақиқат билим ёки малака орттириш мақсадида эмас, кўпроқ дипломли бўлиб олиш илтижидида техникум ёки институтларга кирар эди.

Шунинг учун мустақилликнинг 1-йилларидан таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш ишлари амалга оширилди. Ҳозир бу ислохотлар ўз меъдаларини бермоқда. “Портлаш эффекти”нинг ҳақиқий моҳияти соҳлом ва баркамол авлоднинг сафимизга илдам кириб бориши билан яққол сезилмоқда.

Таълим-тарбия соҳасида амалга оширган улкан ишларимиз халқимизнинг маънавий юксалиши йўлида мустаҳкам замин яратди.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг асосий қонуни–Конституцияда фарзандларнинг жамият, оила, ота – оналари олдидаги инсоний бурчлари ва

масъулиятлари нималардан иборатлиги миллий қадриятларимиздаги асосий ғоя ва қоидаларга асосланиб белгилаб берилган. Унинг 66 моддасида қайд қилинишича, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота – оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

Ота – онани ҳурмат қилишнинг улуғворлиги ҳақидаги баъзи ибратли фикрларни ҳадислардан келтириб ўтамиз. “Қайси бир мусулмон фарзанди савоб умиди билан эрталаб ота – онасини зиёрат қилса Аллоҳ таоло унга жаннатдан иккита эшик очади. Агар улардан биттасини зиёрат қилса, унга жаннатнинг бир эшигини очади. Бола ота-онасининг қайси бирини хафа қилса, уни рози қилмагунча, Аллоҳ таоло ундан рози бўлмайди”; “Ким ота – онасини рози қилса, унга тубо (жаннатдаги дарахт) насиб бўлиб, Аллоҳ таоло унинг умрини зиёда қилади”; “Уч тоифа кишиларнинг дуоси ҳеч шубҳасиз, Аллоҳ таоло қошида мақбулдир: мазлум кишининг дуоси, мусофирнинг дуоси ва ота-онанинг дуоси”; “Ота-оналарнинг кексайган вақтида ҳар иккисининг ёки бири бўлмаганда бошқасини рози қилиб, жаннатий бўлиб олмаган фарзанд хор бўлсин, хор бўлсин, ва яна хор бўлсин”; “Ота-онага итоат қилиш-тангрига итоат қилишдир. Унинг олдида гуноҳ қилиш тангри олдида гуноҳ қилиш билан баробардир” ва бошқалар.

Фарзанд тарбияси қуйидаги босқичларда амалга оширилишини ҳар бир ота-она яхши билиши фойдадан холи бўлмайди. Биринчиси-насл тарбияси, яъни бола тарбияси бола туғилмасидан 3-4 йил олдин бошланиши керак. Яъни бўлғуси ота-онанинг соғлиғи, фарзанд тарбиялашга масъуллигини ҳисобга олиш лозим бўлади. Бу бола, фарзанд кўришни истаган ота-онанинг бўлажак фарзандлари тақдирига масъулият билан қараб, ўзларининг саломатликларини яхшилашларини назарда тутади. Иккинчи босқич-ҳомиладорлик давридаги парвариш. Бу масала ўта муҳим, ўта аҳамиятли бўлиб бизда бу энг қолоқ соҳа бўлиб келмоқда. Ривожланган мамлакатларда ҳомиладорлик даври туғилажак инсон тақдирининг 60% ни белгилаши кўзда тутилади. Бу даврдаги чора – тадбирлар аксарият ота-оналар тамонидан амалга оширилади. Учинчи давр бола туғилгандан то 6-7 ёшгача бўлган давр. Шу даврга келиб, бола маънавиятининг асосий куртаклари шаклланиб бўлади. Сўнг ана шу маънавий куртакларни парваришlash ва янада ривожлантириш даври бошланади.

Шундай қилиб, оила жамиятнинг асосий бўғини. Оилада сингдирилган тарбия, Ватан, эл-юрт, мустақиллик, озодлик ҳақида берилган тушунча, тасаввур боланинг мурғак қалбида бир умр муҳрланиб қолади. Оила мустаҳкам, тинч, фаравон, соғлом бўлсагина, жамиятда барқарорлик вужудга келади. Президентимиз таъкидлаганларидек: “Оиланинг жамиятдаги ўрни, тарбиявий – ахлоқий аҳамияти, кадр-қимматини англаб етмасдан, оилага миллат манфаати нуқтаи назаридан ёндошмасдан туриб, халқчил мафкура ярата олмаймиз”.

Биз юртимизда янги ҳаёт асосларини барпо этар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим. Яъни коммунистик мафкура ва унинг ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган «оммавий маданият» ёпирилиб кириб келиши мумкинлигини унутмаслик керак.

Табиийки, «оммавий маданият» деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни кўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди.

Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва, аксинча, асмаънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб олмоқда.

Бу ҳақда фикр юритганда, бизнинг улуғ аجدодларимиз ўз даврида комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тилда айтганда, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанликларини эслаш ўринли деб биламиз. Ота-боболаримизнинг онгу тафаккурида асрлар, минг йиллар давомида шаклланиб, сайқал топган ор-номус, уят ва андиша, шарму ҳаё, ибo ва иффат каби юксак ахлоқий туйғу ва тушунчалар бу кодекснинг асосий маъно-мазмунини ташкил этади десак, ўйлаймизки, хато қилмаган бўламиз.

Шу нуқтаи назардан қараганда, уят – ўлимдан қаттиқ, деган гаплар халқимиз тилида ўз-ўзидан пайдо бўлмаган, аксинча, бундай иборалар эл-юртимизга мансуб эзгу ва гўзал ахлоқий қадриятларнинг асл мазмунини ифода этади.

Дарҳақиқат, уят ва ор-номусини йўқотган одам, Аҳмад Яссавий бобомиз айтганидек, худди ҳайвон жинсига айланиб қолади.

Буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг: Олдиға қўйганни емак – ҳайвон иши, Оғзига келганни демак – нодон иши, –деган чуқур маъноли сўзлари ҳам бу фикрни тасдиқлаб беради.

Ўз-ўзидан равшанки, бугунги замон воқеликка очик кўз билан, реал ва хушёр қарашни, жаҳонда ва ён-атрофимизда мавжуд бўлган, тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариб яшашни талаб этмоқда. Шу боис юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод онгида мураккаб ва таҳликали ҳаёт ҳақида, унинг шафқатсиз ўйинлари тўғрисида бирёқлама ва сохта тасаввур бўлмаслиги керак. Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя ҳозирги вақтда кўз ўнгимизда дунёнинг геополитик, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация манзарасида чуқур ўзгаришлар рўй бераётган, турли мафкуралар тортишуви кескин тус олаётган бир вазиятда, барчамизга аёнки, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмида унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш учун, таъбир жоиз бўлса, аввало, уларнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни кучайтиришимиз зарур. Токи ёшларимиз миллий ўзлигини, шу билан бирга, дунёни чуқур англайдиган, замон билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин. Ана шунда жоҳил ақидапарастларнинг «даъвати» ҳам, ахлоқ-одоб тушунчаларини рад этадиган, биз учун мутлақо бегона ғоялар ҳам уларга ўз таъсирини ўтказа олмайди.

Ёш авлодимизни турли маънавий тажовузлардан ҳимоя қилиш ҳақида гапирганда, нафақат халқимизни улуғлайдиган буюк хусусиятлар, айна пайтда унинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатган, эски замонлардан қолиб келаётган номаъқул одатлар ҳақида ҳам очик сўз юритишимиз зарур. Биринчи навбатда худбинлик ва лоқайдлик, қариндош-уруғчилик ва маҳаллийчилик, коррупция ва манфаатпарастлик, бошқаларни менсимаслик каби иллатлардан жамиятимизни бутунлай халос этиш тўғрисида ўйлашимиз лозим. Биз бу ўта муҳим вазифа кенг жамоатчилигимизнинг, айниқса, зиёлиларимиз, олим ва адибларимиз, санъат ва маданият аҳли, ўзини маънавият соҳасига бағишлаган барча инсонларнинг доимий диққат марказида бўлишини истардик. Бу ўринда ана шундай салбий хусусиятларнинг энг хунук кўриниши бўлмиш ҳасад тўғрисида тўхталиб ўтиш жоиз деб ўйлаймиз. Одамзот ва жамият ҳаётида оғир асоратлар қолдирадиган ҳасад туйғуси, авваламбор, бошқаларни кўролмаслик, уларнинг ютуғидан кувониш ўрнига, қандайдир куйиниш, ичиқоралик оқибатида пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам муқаддас китобларимизда ҳасад инсонийликка мутлақо зид бўлган жирканч одат сифатида қаттиқ қораланади. Жумладан, муборак ҳадисларда «Бировга ҳасад қилишдан сақланинг, чунки олов ўтинни қандай куйдириб тугатса, ҳасад ҳам қилган савоб ишларингизни худди шундай куйдириб тугатади» деб айтилгани бежиз эмас.

Азал-азалдан очикқўнгил, самимий ва меҳнаткаш, яхшиликни юксак қадрлайдиган халқимиз бундай иллатлардан доимо ҳазар қилиб келади. Лекин, минг афсуски, умр

йўлларида ҳасад балосига кўп дуч келамиз. Олис ва яқин тарихимизда не-не буюк зотлар ҳасад ва бахиллик, кўролмаслик туфайли қандай азоб-уқубатларни бошидан кечиргани, соғлиғи, ҳатто ҳаётидан жудо бўлганини аччиқ мисолларда кўриш мумкин.

Ўзбек номини, ўзбек илм-фани ва маданиятини, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг юксак салоҳиятини, унинг қандай буюк ишларга қодир эканини дунёга намойиш қилишда юртимиз заминидан етишиб чиққан юзлаб улуг зотлар фидоийлик намуналарини кўрсатиб келган. Бундай инсонлар диёримизда ҳозир ҳам кўплаб топилади ва бундан кейин ҳам уларнинг сафлари кенгайиб бораверади. Ҳамма гап ана шундай инсонларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш, уларни қўллаб-қувватлашда. Агар биз мамлакатимизнинг қайси шаҳар ёки қишлоғида бўлмасин, йилт этган истеъдод учқунини кўрганда, ҳаммамиз уни ўз вақтида пайқаб, ардоқлаб, парвона бўлиб, унга йўл очиб берсак, барча саъй-ҳаракат ва интилишларимизни ана шундай олижаноб мақсадга қаратсак, мухтасар айтганда, ҳасад қилиб эмас, ҳавас қилиб яшашни ҳаётимиз қондасига айлантирсак, ҳеч шубҳасиз, биз миллий тараққиёт бобида янада юксак марраларни эгаллашга эриша оламиз.

Таянч сўзлар ва иборалар: Юксак маънавиятлилик, ижтимоий-гуманитар фанлар, оммавий маданият, маънавий таҳдидлар, аждодлар тафаккури, миллий ғоя, оила, ота-она, тарбия, меҳр-оқибат, соғлом оила, маҳалла, мактаб, маориф, ҳадислар, фарзанд, ҳикматлар.

Савол ва топшириқлар.

1. Президент Ислам Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида шахс маънавиятини шакллантириш омиллари ва воситалари тўғрисида қандай мулоҳазалар юритилган?

2. Шахс маънавиятини шакллантиришда ота-она ва оила масъулиятининг асосийлигини мисоллар билан ёритинг.

3. Маҳаллаларнинг ҳозирги даврдаги ўрни ва аҳамиятини ёритинг.

3. Шахс маънавий ривожда ижтимоий- гуманитар фанларнинг ўрни ва аҳамияти.

4. Ҳозирги даврда “оммавий маданият” ниқоби остида кириб келаётган маънавий таҳдидларнинг зарарли оқибатлари қандай ҳолатларда яққол кўринмоқда?

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000.

2. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2010.

3. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Тошкент, “Маънавият” 2008.

4. Каримов. И.А. Тарихий хотира инсон омили- буюк келажакимизнинг гаровидир.– Тошкент: “Ўзбекистон”, 2012.

5. И.А.Каримовнинг “Мустақиллик- барча эзгу ва марраларимизнинг мустаҳкам мезонидир” рисоласи бўйича ўқув-қўлланма. –Тошкент: Ўқитувчи 2013.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Ўрта асрлар шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривождаги роли ва аҳамияти”. Ўқув қўлланма. Тошкент: 2014.

7. Умаров Э., Абдуллаев М. Маънавият асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент: “Cho’lpon” номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи. 2006.

8. Холматова М. Оилавий муносабатлар маданияти ва соғлом авлод тарбияси. – Тошкент: 2000.

9. Имомназаров М., Саидов М. Миллий тараққиётнинг маънавий-ахлоқий асослари. Ўқув қўлланма. “Akademiyа”, Тошкент: 2005.

10. Абдурахмонов М., Отамуротов С. Маънавий салоҳият. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Университет. 2009.
11. Қуранбоев Қ., Абдурахмонов М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарини ўқитиш бўйича ўқув-услубий қўлланма. Тошкент: -2010.
12. Давлат, жамият, оила ва ёшлар тарбияси муаммолари. Тошкент: 1997.
13. Зиёев Х. Истиқлол-маънавият негизи. “Маънавият”. Тошкент: 1999.
14. Қаҳҳарова Ш. Глобал маънавият- глобаллашувнинг ғоявий асоси. “Тафаккур” нашриёти. Тошкент: 2009.
15. Маънавият юлдузлари Муҳаррир Ф.Хасанов. –Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2011.
16. Иброхимов А. Бизким ўзбеклар. – Тошкент: Шарқ. 2011.

Интернет маълумотлари

17. [www: press – service. uz.](http://www.press-service.uz)
18. [www: mfa. uz.](http://www.mfa.uz)
19. <http://www.pacademy.edu.b>
20. <http://www.rags.ru/kaf/fi..>
21. [www. marifatars-inform.uz.](http://www.marifatars-inform.uz) маърифат журнали
22. республика узбекистан [http:// www. gov.uz](http://www.gov.uz)

19-мавзу: Энг буюк жасорат – маънавий жасоратдир

Режа:

1. Маънавий жасорат тушунчаси. Президент Ислам Каримовнинг маънавий жасорат концепцияси.
2. Маънавий жасоратнинг замондошларимиз ижод тимсоли, ҳаёт ибратида гавдаланиши. Академик Яҳё Ғуломов, атоқли шоира Зулфияхоним, олим ва жамоат арбоби Озод Шарафиддинов ва бошқаларнинг маънавий жасорати.

Биринчи саволда қуйидаги масалалар ёритилади. Буюк цивилизация ва маданият бешиги бўлган, кўҳна ва ҳайратомуз тарихни ўзида мужассам этган Ватанимиздаги бебаҳо ёдгорликлар, осори-атиқалар ҳақида сўз юритар эканмиз, улар шу заминда яшаётган барча инсонларнинг аввало, халқимиз даҳосининг ёрқин намунаси, таъбир жоиз бўлса, унинг юксак маънавиятига қўйилган муаззам ҳайкаллар деб қабул қилинади. Ер юзидаги барча ўлмас обидалар, инсоният ҳаётини тубдан ўзгартириб юборган жамики улуг кашфиёт ва ихтиролар, мумтоз санъат ва адабиёт дурдоналари, мардлик ва қаҳрамонлик намуналари одамзотнинг ақл-тафаккури, салоҳияти ва маънавий жасорати маҳсулидир. Шунинг учун ҳам бу ёруғ оламда энг буюк жасорат нима, деган саволга, ҳеч иккиланмасдан, энг буюк жасорат – бу маънавий жасорат дейиш мумкин. Жаҳон тарихига назар ташлайдиган бўлсак, қалбида, юрагида ана шундай жасорат ҳисси ниҳоятда кучли бўлган инсонлар ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам адолат ва ҳақиқат йўлида ўзини аямай, эл-юрт учун, Ватан учун қандай ибратли ишларни амалга оширганини кўриш мумкин. Айнан ана шундай одамларнинг маънавий фазилатлари туфайли эзгу хис–туйғулар, мукаддас ва улуг тушунчалар дунёда хануз барқарор бўлиб келмоқда. Бундай беназир зотларнинг барча халқлар ва миллатлар орасида кўплаб топилиши – маънавий жасорат туйғуси бутун башариятга хос хусусият эканидан далолат беради.

Масалан, неча асрлардан буён юксак тафаккур ва ақл-заковат тимсоли бўлиб келаётган антик даврга мансуб юнон файласуфи Платоннинг ҳаёт йўлини ўзимизча бир тасаввур қилиб кўрайлик. Маълумки, Платон бутун умрини илму маърифатга бағишлаган улуг донишманд – Сократнинг муносиб шогирди эди. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Сократнинг ўлиmidан кейин юнон фалсафасининг тақдири хавф остида қолади. Фақатгина Платоннинг фидоийлиги ва бекиёс хизматлари эвазига бу фан янги босқичга кўтарилади. Унинг қанчадан-қанча қийинчилик, сарсон-саргардонликдан сўнг бор мол-мулкни сарфлаб, Афина шаҳри яқинидан махсус ер сотиб олиб, олимлар

тўпланиб, баҳс мунозара олиб борадиган жой – академия ташкил этиши чинакам маънавий жасорат намунаси эди. Платон асос солган бу илмий маскан минг йил давомида нафақат юнон, балки бутун Шарқу Ғарб оламининг ривожига кучли таъсир ўтказди, инсоният тафаккур тараққиётининг истиқболини белгилаб беради. Шу боис ҳам Платон Шарқ илм-фанида «устоди аввал», яъни биринчи муаллим деган шарафли ном билан шуҳрат қозонади. Бундай мисолларни юртимиз заминидан етишиб чиққан, Бағдоддаги «Байтулҳикма» ва Хоразм Маъмун академиясида фаолият олиб борган, илм-фан соҳасидаги тенгсиз кашфиётлари, маънавий жасорати билан тарихда ўчмас из қолдирган буюк мутафаккир аждодларимиз ҳақида ҳам кўплаб келтириш мумкин. Хусусан, Хоразм Маъмун академияси фаолиятини оладиган бўлсак, бу мўътабар илмий масканда Шарқ ва Ғарб ўлкаларидан келган, турли миллат ва динга мансуб бўлган олимлар фаолият кўрсатган бўлса–да, унинг негизини Абу Наср ибн Ироқ, Абу Райҳон Беруний ва Ибн Сино, Маҳмуд Хўжандий, Аҳмад ибн Муҳаммад Хоразмий ва Аҳмад ибн Ҳамид Найсабурий каби мана шу бизнинг минтақамизда туғилиб, камол топган етук алломалар ташкил этгани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди. Улкан маънавий жасорат соҳиблари бўлган бундай аллома зотлар дунёнинг қаерида яшамасин, эзгулик ва маърифат йўлида доимо одамларга ибрат бўлиб келган. Чунончи, ўрта асрларда астрономия соҳасидаги илмий кашфиётлари учун тазйиқ ва таъқибларга учраган Николай Коперник ҳамда кейинчалик унинг изидан бориб, жоҳил ва ақидапараст руҳонийлар томонидан ўтга ташланган Жордано Бруно, қанчадан-қанча таъна ва маломатларга гирифтор этилган Галилео Галилей каби алломаларнинг жасоратида ҳам ҳақиқатга садоқат, эътиқод учун курашнинг ёрқин намунаси яққол намоён бўлганини кўрамиз.

XX аср тарихида ҳам бундай улуғ сиймоларни кўплаб учратиш мумкин. Масалан, Ҳиндистон миллий озодлик курашининг етакчиси бўлиб майдонга чиққан, халқ орасида «Маҳатма», яъни буюк қалб эгаси деб шуҳрат қозонган улкан мутафаккир ва давлат арбоби Маҳатма Ганди ана шундай шахслардан бири эди. У асос солган гандизм таълимотида ҳинд халқининг дилига беҳад яқин бўлган ғоя ва тушунчалар мужассам топган. Айниқса, ўз юртини мустамлакачилардан озод қилиш, ягона Ҳиндистон бирлиги, мустақил давлат барпо этиш масаласи Маҳатма Ганди ҳаёти ва фаолиятининг маъно-мазмунини ташкил этади. Бутун умр оддий ва камтарона, лекин эзгу ғоялар йўлида тинимсиз курашиб яшаган бу зотнинг фалсафий-сиёсий қарашларида инсоният учун ибратли жиҳатлар кўп. Жумладан, унинг турли муаммо ва зиддиятларни куч ишлатмасдан, тинч йўл билан ҳал қилишга оид фикрлари дунё давлатлари ўртасидаги муносабатларда, ижтимоий ҳамкорлик масаласида бугун ҳам ўз аҳамияти ва долзарблигини йўқотмасдан келмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, халқимиз тарихнинг ҳар қандай тўфон ва суронларига қарамасдан, миллий ўзлиги ва азалий қадриятларини сақлаб қолиб, бугунги дориломон замонларга безавол етиб келишида унинг қон-қони, суяк-суягида бўлган маънавий жасорат туйғуси, ҳеч шубҳасиз, ҳал қилувчи таъсир ўтказиб келмоқда. Чунки ўзбек халқи дунё майдонида кунӣ–кеча тасодифан пайдо бўлиб қолгани йўқ. Биз – бой тарих, юксак маданият, буюк маънавият ворисларимиз.

Қадимий тарихимизни ҳар томонлама ўрганиб, шундай хулосага келиш мумкинки, энг қалтис ва таҳликали даврларда миллатимизга умид ва ишонч берган, уни ёвларга қарши курашга ундаган, аждодларимизни илмий кашфиётлар, ҳарбий зафарларга, маърифат машъалини баланд кўтариб жаҳолатга қарши чиқишга чорлаган бекиёс куч ҳам айнан маънавий жасорат туйғусидир. Шу нуқтаи назардан қараганда, Урганчни босқинчилардан ҳимоя қилишда байроқ тутиб жон берган Нажмиддин Кубронинг қаҳрамонлигида, дунёни тўфондек босган Чингизхон кўшинига қарши ўн бир йил муттасил мардона кураш олиб борган Жалолиддин Мангубердининг жанговар руҳида, юртимизни истилочилардан озод қилиб, буюк давлат барпо этган Амир Темур бобомизнинг бунёдкорлик салоҳиятида ҳам маънавий жасорат туйғуси буюк ва устувор аҳамият касб этгани шубҳасиз.

Иккинча саволда қуйидаги масалалар ёритилади. Ўтган аср бошларида, тарихимизнинг оғир ва мураккаб даврида майдонга чиққан жадид боболаримизнинг фидоийлиги замирида ҳам ана шундай жасорат намунаси мужассам эди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Кўпчилик қаторида, фақат вазият тақозо этган тақдирда майдонга отилиб чиқиш, қахрамонлик кўрсатиш албатта, бу ҳам осон эмас. Бунинг учун ҳам инсонда катта юрак, ғайрат-шижоат, энг муҳими, ўзига, ўзининг куч-қудратига мустаҳкам ишонч бўлиши керак. Кундалик ҳаётда жонкуяр бўлиш, ҳар куни фидоийлик кўрсатиш, руҳан ҳеч қачон букилмай, бу фазилатни ҳаёт қондаси даражасига кўтариш, очиқ айтиш лозимки, бу ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди.

Анна шундай маънавий жасорат эгаларидан, ватандошларимиздан бири машҳур археологик олим, академик Яҳё Ғуломов эди. Ўз даврининг фидоий алломаси бўлган. У ўзининг мустақил фикрига эга, керак бўлса, юқори лавозим эгаларига ёқмайдиган тўғри гапларни ҳам дадил айта оладиган улкан олим эди. Одатда тепаликлар қаърида тарихий обидалар, бутун бир шаҳар қолдиқлари ястанган бўлади. Шўро даврида, фақат томлардагина пахта экилмай қолган бир пайтда ана шундай қадимий тепаликларни ҳам текислаб, пахта даласига айлантиришдек бемаъни сиёсат авж олган эди. Бундай номаъқул ишга жасур олим Яҳё Ғуломов қарши чиққан.

Унинг ана шу фазилати туфайли тазйиқ кўрган. Лекин бу инсон ўзининг қалбидаги маънавий жасорат ҳисси туфайли ҳаётини ва илмий қарашларида собит турганини маданий жамоатчилигимиз яхши билади.

Нафақат ўз шеърлари, балки бутун ҳаёти билан ўзбек аёлининг маънавий қиёфасини намоён этган атоқли шоирамиз Зулфияхонимни ҳам ана шундай фидоий инсонлар қаторига қўшса бўлади. Унинг жаҳон минбарларидан янграган шеърлари Шарқ аёлининг ақлу закоти, фазлу камолининг ёрқин ифодаси сифатида миллионлаб шеърят мухлисларига одамийлик, мухаббат ва садоқатдан сабоқ берган десак, муболаға бўлмайди.

Лекин бу мураккаб ҳаёт қалби ўз халқи ва Ватанига меҳр-мухаббат билан тўлиб-тошган, дунёдан эзгулик ва гўзаллик излаб яшаган бу аёлни ҳамма вақт ҳам аягани йўқ. Аслида, бу дунёда айрилиқ ва ҳижрон азоби барчанинг ҳам бошида бор. Аммо ғам-андух ва ҳасратларни матонат билан енгиб, тоғдек бардоши билан вафо ва садоқат рамзига айланган Зулфия опа сингари аёллар ҳар қандай юксак ҳурмат ва эҳтиромга муносибдир.

Маънавий жасорат соҳибларидан яна бири атоқли олим ва жамоат арбоби Озод Шарафиддинов эди. У фақатгина илмий-педагогик фаолият билан чекланиб қолмасдан, ижтимоий-маънавий соҳада ҳам беқиёс фаоллик кўрсатган. 1997 йилнинг ёз ойларида қанд касаллиги зўрайиб, домла оғир операцияни бошидан ўтказди, врачлар унинг ҳаётини саклаб қолиш учун бир оёғини кесишга мажбур бўладилар. Аммо бу одам шунчалик матонатли эканки, шунда ҳам тушқунликка тушмади, илмий ва ижодий фаолиятдан бир зум бўлсин тўхтамади. Кейинчалик касаллик янада кучайиб, Озод ака иккинчи оёғидан ҳам жудо бўлди. Бу ҳам етмагандек, кўриш қуввати ҳам ниҳоятда заифлашиб қолади. Домланинг ҳаётини саклаб қолиш, соғлиғини тиклаш учун кўп саъй-ҳаракат қилинди, ҳатто хориждан ҳам шифокорлар таклиф этилди.

Ана шундай оғир шароитда ҳам бу инсон «Жаҳон адабиёти» журналининг бош Мухаррири сифатида ўз бурчига, эътиқодига содиқ қолиб, лупа ёрдамида журнал материалларини таҳрир қилиб бориш билан бирга, қирқдан ортиқ йирик роман ва қиссаларни ўзбек тилига таржима қилгани, албатта, ҳар қандай одамни ҳам ҳайратга солиши табиий. Озод ака бу билан ҳам кифояланмасдан, республикамиздаги матбуот нашрларида, радио-телевидениеда, турли тадбир ва анжуманларда миллий маънавиятимизнинг ўзига хос жиҳатлари, буюк аждодларимизнинг бебаҳо мероси, мустақилликнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш ҳақида кўплаб чиқишлар қилди. Ўнга яқин салмоқли китоблар ёзди. Ҳаётининг аксарият қисми шифокорлар назоратида, оғир, тинкани қуритадиган муолажалар остида ўтадиган одамнинг шундай улкан жасорат кўрсатиб яшагани, эҳтимол, кимгадир афсона бўлиб туюлиши мумкин. Лекин бу

кишининг соғлиғи ва кайфиятидан доимо хабардор бўлиб, бу йўлда қўлидан келган ёрдамни аямаган барча инсонлар бунинг афсона эмас, ҳақиқат эканини, бизнинг орамызда бутун борлиғини маънавият ва маърифатга бағишлаган ана шундай мард ва жасур бир шахс яшаб ўтганини яхши билади. Озод Шарафиддинов мамлакатимизнинг маънавий юксалиши йўлидаги буюк хизматлари учун ҳақли равишда давлатимизнинг олий мукофоти – «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлганини халқимиз, жамоатчилигимиз яхши билади, албатта. Мухтасар қилиб айтганда, олис ва яқин тарихимиз шуни кўрсатадики, халқимиз доимо маънавий жасорат ҳисси билан яшаган ва бу улуг туйғу унинг ҳаётида йиллар, асрлар ўтгани сайин тобора кучайиб, юксалиб бормоқда. Чунки халқ маънавияти шундай бир буюк уммонки, ҳар қайси авлод ундан куч-қудрат, ғайрат ва илҳом олиб, ўзининг нақадар улкан ишларга қодир эканини намоён этади. Шу маънода, 1991 йил 31 август санасида қўлга киритилган миллий мустақиллик XX асрда халқимиз томонидан амалга оширилган буюк маънавий жасорат намунасидир, десак, айтиш ҳақиқатни айтган бўламиз.

Таянч сўзлар ва иборалар: маънавий жасорат, ақл-тафаккур, қаҳрамонлик, фидойилик, буюк ватанпарвар алломалар, Ватанга меҳр-муҳаббат, замондошлар маънавий жасорати.

Савол ва топшириқлар.

1. Маънавий жасорат тушунчаси ҳақида фикрларингизни ёритинг.
2. Президент Ислам Каримовнинг маънавий жасорат концепциясини ўз фикрларингиз билан ёритинг.
3. Маънавий жасоратнинг аجدодларимиз ва замондошларимиз ижод тимсоли, ҳаёт ибратида гавдаланишини тарихий фактлар асосида изоҳланг.
4. Академик Яхё Ғуломов, атоқли шоира Зулфияхоним, олим ва жамоат арбоби Озод Шарафиддинов ва бошқаларнинг маънавий жасорати сизга қандай ижобий хислатларни берди?
5. Сиз ўзингиз ҳам маънавий жасоратли инсон бўлиш учун ҳаракат қиляпсизми?

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000.
2. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2003.
3. Каримов И.А. Адабиётга эътибор- маънавиятга, келажакка эътибор. Тошкент: Ўзбекистон, 2009.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Тошкент, “Маънавият” 2008.
5. Каримов. И.А. Тарихий хотира инсон омили- буюк келажакимизнинг гаровидир.– Тошкент: “Ўзбекистон”, 2012.
6. И.А.Каримовнинг “Мустақиллик- барча эзгу ва марраларимизнинг мустаҳкам мезонидир” рисоласи бўйича ўқув-қўлланма. –Тошкент: Ўқитувчи 2013.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Ўрта асрлар шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти”. Ўқув қўлланма. Тошкент: 2014.
8. Умаров Э., Абдуллаев М. Маънавият асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент: “Cho’lpon” номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи. 2006.
9. Имомназаров М., Саидов М. Миллий тараққиётнинг маънавий-ахлоқий асослари. Ўқув қўлланма. “Akademiya”, Тошкент: 2005.
10. Абдурахмонов М., Отамуротов С. Маънавий салоҳият. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Университет. 2009.

11. Қуранбоев Қ., Абдурахмонов М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарини ўқитиш бўйича ўқув-услубий қўлланма. Тошкент: -2010.
12. Давлат, жамият, оила ва ёшлар тарбияси муаммолари. Тошкент: 1997.
13. Зиёев Х. Истиқлол-маънавият негизи. “Маънавият”. Тошкент: 1999.
14. Қаҳҳарова Ш. Глобал маънавият- глобаллашувнинг ғоявий асоси. “Тафаккур” нашриёти. Тошкент: 2009.
15. Маънавият юлдузлари Муҳаррир Ф.Хасанов. –Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2011.
16. Иброхимов А. Бизким ўзбеклар. – Тошкент: Шарқ. 2011.
17. Бўриев О. Ўзбек оиласи –Тошкент: 2012.
18. Мирзабеков Ш., Алиев Ш. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оила институтининг ҳуқуқий асослари. – Тошкент: 2012.
19. Фарзанд тарбияси, ахлоқ ва оила муносабатлари. – Тошкент: 2002.
20. Мадалиев А. Таълим ва тарбия уйғунлиги комил инсонни шакллантириш гарови. – Тошкент: 2011.
21. Алимов У. Гўзал одоб–фарзанд иқболи. – Тошкент: 2013.

Интернет маълумотлари

17. [www: press – service. uz.](http://www.press-service.uz)
18. [www: mfa. uz.](http://www.mfa.uz)
19. <http://www.pacademy.edu.b>
20. <http://www.rags.ru/kaf/fi..>
21. [www. marifatars-inform.uz.](http://www.marifatars-inform.uz) маърифат журнали
22. республика узбекистан [http:// www. gov.uz](http://www.gov.uz)

ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ - ГЛОССАРИЙ

АДОЛАТ (араб. – одиллик, тўғрилик) – у ёки бу қадриятларнинг ўзаро умумий муносабатини ва уларнинг индивидлар ўртасида конкрет тақсимланишини ифодаловчи тушунча; инсоннинг моҳияти ва унинг ажралмас ҳуқуқлари ҳақидаги тасаввурларга мос бўлган жамоа тартиби.

АНЪАНАЛАР – халқларнинг тарихий ривожланиши жараёнида шаклланади ва сайқалланади. Давр талабига жавоб берган анъаналар унутилмайди, авлодларга мерос қолади, халқ ҳаётининг таркибий қисмига айланади. Ҳар бир эл, миллат ёки халқ ўз анъаналарини ривожлантиради, асраб-авайлайди.

БАРҚАРОРЛИК (ИЖТИМОЙ) — жамият ҳаётининг осойишталиги, ундаги ижтимоий бирликлар (миллатлар, синфлар, динлар, ижтимоий ташкилотлар, сиёсий партиялар ва б.) вакиллариининг тинч–тотувлиги, ҳамжиҳатлиги, жамиятдаги турли кучлар ўртасида энг муҳим масалалар, мақсадлар соҳасида ижтимоий келишув ҳолатининг мавжудлиги, ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун шарт-шароитнинг яратилганлиги.

БАЙНАЛМИНАЛЧИЛИК – (арабча “Байналмилал”) – барча миллат ва элатларнинг тенглиги, ҳамкорлиги, ўзга миллатларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, улардан ўзини юқори қўймаслик, урф-одатларни ҳурматлаш ва ҳ.к.лар.

БОЗОР ИҚТИСОДИ –биринчи навбатда мулоқот, гаплашиш, келишиш, савдолашиш, икки томонга тўғри келадиган умумий нархни, рақамни, хулосани топиш

демакдир. Бозор иқтисодининг асосий шарты ва талаби - мумкин қадар кўпроқ ва мумкин қадар сифатлироқ, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришдир.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЙЎЛИ – Европа, Туркия, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш асосида Ўзбекистоннинг имкониятлари, ўзига ҳослиги, ҳалқимизнинг руҳияти, миллий кадриятларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон моделининг вужудга келиши тушунилади. И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган беш тамойил бу моделнинг моҳиятини очиқ беради, яъни: давлат бош ислохотчи; иқтисоднинг сиёсатдан устуворлиги; қонун устуворлигини жорий этиш; кучли ижтимоий сиёсат; бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш ва ҳ.к.лар.

БУНЁДКОР ҒОЯ — жамиятни таракқиёт сари етакловчи, турли гуруҳ ва қатламларни, миллатларни эзгу мақсад йўлида биргаликда ҳаракат қилишга ундовчи, амалга оширишнинг реал асослари бўлган ғоя.

БУЮК ДАВЛАТЧИЛИК ШОВИНИЗМИ – (Шовинизм - фран. буржуа миллатчилигининг ўта реакцион формаси). Шовинизм сиёсати бошқа миллат ва халқларга нафрат ва душманликни авж олдиришга қаратилган. Шовинизм гўё тўлақонли бўлмаган бошқа миллатлар ва ирқлар устидан ҳукмронлик қилишга даъват этилган бир миллатнинг алоҳидалигини («мумтозлигини») тарғиб этади.

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ – эраиздан олдинги 122-138 йиллардан то XX асрга қадар Шарқ ва Ғарб ўртасидаги қадимги савдо – сотиқ, тижорат, дипломатик ва маданий – илмий алоқалар йўли. Бу йўл Хитойдан бошланиб, Марказий Осиёга келгач, иккига айрилган. Биринчиси Каспий денгизининг шимолий қисми орқали Кавказга, ундан жанубга, иккинчиси Каспийнинг жануби орқали Олд Осиёга йўл олган. Марказий Осиё Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент ва Фарғона водийсининг айрим шаҳарлари йирик савдо марказлари ҳисобланган, улар Моворауннаҳрнинг иқтисодий ва маданий юксалишида катта ўрин тутган.

ВАТАН (арабча “Ватан” – она–юрт) – кишиларнинг яшаб турган, уларнинг авлод ва аجدодлари туғилиб ўсган жойи, ҳудуди, ижтимоий муҳити, мамлакати. Ватан бир-бирини тақозо этувчи ташқи муҳит ва ички кечинмалар ҳамда тушунчаларни ўз ичига олади. Ташқи муҳит нуқтаи назаридан Ватан киши ёки авлодлар туғилиб ўсган ва камол топган жой, замин, ўлкадир.

ВАТАНПАРВАРЛИК – кишиларнинг ижтимоий ва маънавий-ахлоқий ҳислатларининг, фазилатларининг юксак намоён бўлиши ҳисобланади. Зеро, улар негизида ота-боболардан мерос қолган заминни севиш, урф-одатларни, кадриятларни сақлаш, эл-юрт равнақи учун чин дилдан меҳнат қилиб, Ватанни душманлардан ҳимоя қилиш, ҳар қандай қарамликдан озод этиш, ҳатто зарур бўлса, унинг озодлиги ва мустақиллиги учун жонини ҳам аямаслик қабиладир ётади.

ВАЙРОНКОР (БУЗҒУНЧИ) ҒОЯ — ёвузлик ва жаҳолатга, айрим жинояткор кучларнинг ҳукмронлигини ўрнатишга хизмат қиладиган, инсонлар, миллатлар ва жамиятнинг мустақиллигига, эркинлигига, ижодкорлигига зид бўлган ғоялар мажмуини ифодаловчи тушунча.

ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ – ижтимоий-фалсафий тушунча; ҳар кимнинг ўз эътиқодига кўра, мазкур жамиятда мавжуд ижтимоий меъёрларни бузмаган ҳолда

виждони буюргани бўйича яшаш, ишлаш имконияти. Бунда динга муносабат масаланинг бир томони ҳисобланади.

ГЛОБАЛЛАШУВ - турли мамлакатлар иқтисоди, маданияти, маънавияти, одамлари ўртасидаги ўзаро таъсир ва боғлиқликнинг кучайишидир. Глобаллашувга берилган таърифлар жуда кўп. Француз тадқиқотчиси Б. Банди таърифида глобаллашув жараёнининг уч ўлчовли эканига урғу берилади:

1. Глобаллашув - муттасил давом этадиган тарихий жараён.
2. Глобаллашув - жаҳоннинг гомогенлашуви (бир жинсли) ва универсаллашуви жараёни.
3. Глобаллашув - миллий чегараларнинг «ювилиб кетиш» жараёни.

ГУНОҲ (форс – жиноят, айб; асли шу маънодаги араб. “жуноҳ” сўзидан олинган) - шариат қонунларига ва диний ақидаларга хилоф иш ёки ҳаракат маъносида келади.

ДЕМОКРАТИЯ (юнонча, “демос” – халқ, “кратос” – ҳокимият) – халқ ҳокимияти маъносини англатиб, халқни ҳокимият манбаи, деб билувчи сиёсий тизимнинг шакли. Демократия инсонни ҳар томонлама баркамол ривожланиши учун берилган имкон бўлиб, давлат Конституциясида озчиликнинг кўп чиликка бўйсунishi тамойили расмий эълон қилинди ҳамда фуқароларнинг эркинлиги тенг ҳуқуқлиги эътироф этилди. Демократия ҳар бир даврнинг ижтимоий – иқтисодий шароитларига мос шаклланиб, ривожланиб боровчи чегарасиз табиий – тарихий жараёндир.

ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТЛАР – жамиятнинг демократик тузумини барпо этишга хизмат қилувчи омил бўлиб, унга қуйидагилар киради. (Қаранг И.А.Каримов. “Буюк келажак сари” асари, 170–188–бетлар):1) Сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар. 2) Юридик мақомга эга бўлган муҳолифат. 3) Мулкчилик институти.

ДИН - араб тилидан олинган бўлиб, унинг луғавий маъноси “ишонч, эътиқод” дир. Истилоҳий маъноси лотин тилидаги “religion” сўзи билан мос келади. Дин муайян таълимотлар, ҳис-туйғулар, тоат-ибодатлар ва диний ташкилотлар фаолиятлари орқали намоён бўлади. У олам, ҳаёт яратилишини тасаввур қилишнинг алоҳида тариқаси, уни идрок этиш усули, оламда инсоният пайдо бўлгандан то бизгача ўтган даврларнинг илоҳий тасаввурда акс этишидир. Дин комил инсонни тарбиялашда асосий тарбияловчи қудратга эга бўлган маънавий-ахлоқий кучдир.

ДИНИЙ ФУНДАМЕНТАЛИЗМ (лотинча – асос дегани) – барча динларда ўз илоҳий ёзувларини ишонч учун асос сифатида “сўзсиз” қабул қилиб, ушбу динлар пайдо бўла бошлаган дастлабки фундаментал ғояларга қайтиш, меъёрлар ва тамойилларга асосланган давлат барпо қилиш, диний ақидаларни ҳар қандай йўллар билан жорий қилишга уринишдир.

ДИНИЙ ШОВИНИЗМ – фақат ўз дини ва эътиқодинигина тўғри деб, қолган ҳар қандай эътиқодни ва қарашларни инкор этувчи мутаассиб кишининг мафкураси. Диний шовинизм тарафдорларининг фикрича, ўз мақсадларига етишиш учун ҳар қандай воситадан, шу жумладан, ҳатто қурол воситасидан фойдаланиш қонунийдир. Диний шовинизмнинг кучайиши бошқа халқларда ва диний эътиқодга сиғинувчиларда миллий ва маданий агрессивлик кайфиятларининг туғилишига сабабчи бўлади. Бу эса ижтимоий барқарорликка раҳна солувчи омилдир.

ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ (экстремизм – ўта дегани) – хавфсизлигимизга таҳдид солувчи ташқи омиллардан бири бўлиб, у барча диний ташкилотларда фақат ўзи

сиғинадиган динни тўғри деб, бошқа ҳар қандай дунёқарашнинг тўғрилигини инкор этувчи (кескин чоралар ва ҳаракатлар тарафдорлари бўлган), ўта фанатик (мутаассиб) диндор ёки диндорларнинг фаолияти тушунилади.

ДИЁНАТ ВА ВИЖДОН – бир-бирига яқин тушунча. Диёнат ва виждон одамлардаги инсоф туйғусига ҳамоҳангдир. Диёнат ва виждон кишининг кундалик фаолияти, қилмиши, феъл-атвори учун, аввало, ўзи олдида, қолаверса оила, жамоат, жамият ва ватан олдида маънавий масъулият ҳис этишидир. Виждонли, диёнатли киши ноҳақ, адолатсиз ишлардан ғзабга келади, уларга қаршилик билдиради; ўз фаолиятининг яхши томонларидан қаноатланиб хурсанд бўлса, ёмон томонларидан норози бўлиб, руҳан эзилади, виждон азобига учрайди.

ДИНИЙ МАРОСИМЛАР – фуқороларнинг диний таълимотлардан, уларнинг қонун-қоидалари ва ақидаларидан келиб чиқадиган диний фаолият ва хатти-ҳаракатлари. Диний маросимлар ҳар қайси дин вакиллариининг ўз диний таълимотлари асосида келиб чиққан. Ислом динида *ақиқ, амри маъруф, ҳатна, рўза ва рамазон ҳайити, қурбонлик ва қурбон ҳайити, намоз, ҳаж* ва бошқа маросимлар бор. Ўзбекистонда диний маросимларнинг бемалол амалга оширилиши таъминланади, аммо улар қонунларни, жамоат тартибини бузмаслиги ва шахсга ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқига даҳл қилмаслиги керак.

ДИНИЙ ТАШКИЛОТ – диний эҳтиёжларни биргаликда қондириш ёки қондиришга кўмаклашиш мақсадида тузиладиган ва дин ё диний маросимларни адо этиш асосида иш кўрадиган ихтиёрий, тенг ҳуқуқли ва ўз-ўзини бошқарувчи уюшма.

ЖАДИДЧИЛИК (арабча “жадид” – янги) – янгишиланиш, янги замонавий мактаб, матбаа, миллий тараққиёт усуллари, йўллари тарафдорларининг умумий номи. Жадидчилик ҳаракати XIX асрнинг 80-йилларида бошланган, Қрим ярим оролидаги Гаспра шахридан Исмоилбей Гаспирали (Исмоил Гаспринский) Бухоро ва Самарқандга келади. У Бухоро амири билан учрашиб, 1895 йилда Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Қўқон ва Наманганда жадид мактабларини очади. Жадидчилик ҳаракати 20-йилларнинг биринчи ярмигача, яъни қатағонга учраш давригача давом этган.

ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ – фуқароларнинг ижтимоий руҳияти (ижтимоий психологиясини) муайян тизимга солиб, ижтимоий – иқтисодий манфаатларини рўёбга чиқаришни ўз олдига мақсад қилиб қўювчи, халқнинг иродасини изчил ва тизимли баён этувчи, дастурларни ишлаб чиқиш ва қонун чиқарувчи органда (Олий Мажлисида) демократик жамият учун кураш олиб бориш ва ҳ.к.дан иборатдир.

ИЖТИМОИЙ РИВОЖЛАНИШДА ФИКРЛАР ХИЛМА-ХИЛЛИГИ – хато ва камчиликларни аниқроқ кўришга, уни ўз вақтида бартараф қилишга ёрдам беради, адолатни юзага чиқаради, фикрларнинг ақидалашувидан ҳалос қилади. “Фикрлар мувозанати жамият мувозанатини сақлайди”. Ўзбекистонда фикрлар хилма-хиллиги мавжуд. У 4 партия ва ижтимоий ҳаракатлар иштирокида амалга оширилади.

ИЙМОН - арабча сўз бўлиб, луғавий маъноси - ишонч демакдир. Шариатда эса жаноб пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳ тарафидан келтирган барча хабарларга тил билан иқрор бўлиб, дил билан тасдиқлашга иймон дейилади. Яъни “Қуръони Карим” ва “Ҳадиси Шариф”лар орқали Аллоҳ тўғрисида, жаннат, дўзах, қиёмат кабилар ҳақида берилган хабарларга ишонч - иймондир. Маънавий-ахлоқий фазилат сифатида эса иймон фақат одамзотгагина хос руҳий ҳодиса жумласига киради.

ИЛОҲИЙ КИТОБЛАР - муайян динда муқаддас ва илоҳий ҳисобланадиган китоблар. Диний таълимотга кўра, Аллоҳ ўтган пайғамбарларнинг баъзиларига саҳифалар, баъзиларига эса, китоблар нозил этган. 100 саҳифа ва 4 китоб - 100 саҳифадан 10 саҳифани Одам (а.с.)га, 50 саҳифани Шис (ас)га, 30 саҳифани Идрис (ас)га, 10 саҳифани Иброҳим (а.с.) га юборган. Мусо (а.с.)га Таврот, Довуд (а.с.)га "Забур", Исо (ас)га "Инжил" ва Муҳаммад(с.а.в.) га "Қуръон"ни нозил қилган. "Қуръон"дан бошқа илоҳий китоб ва саҳифалар бир йўла бир дафъада нозил қилинган, деб ҳисобланади. "Қуръон" ҳазрати Жаброил орқали 23 йил мобайнида оят-оят, сура-сура шаклида юборилган.

ИНСОНПАРВАРЛИК - ("инсон" – арабча, "парвар" - форс-тожикча, "лик" – ўзбекча – кишига ғамхўрлик, гуманизм) – одамзоднинг қадри, унинг эркинлиги, қобилятлари ҳар томонлама намоён бўлиши учун курашиш, инсоннинг бахт-саодати, тенг ҳуқуқлилиги, адолатли ҳаётни таъмин этишга интилиш, инсонийликнинг барча тамойиллари юзага чиқишига шарт-шароитлар яратиш маъносини англатади. Инсонпарварлик бу ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас ғазилатидир.

ИСТИҚЛОЛ - ҳар бир инсон, жамоа, давлат, миллатнинг ривожланиши учун зарур эркинлик шароити. "Истиқлол" сўзи бошқаларга тобеъ бўлмай, ўз эрки билан яшаш, ўзини-ўзи идора қилиш, эркинлик маъносини билдиради. Истиқлолга эришган Ўзбекистон халқи мустақилликка эришди.

ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИ - ҳар бир кишининг жамият ҳаётидаги фаолияти, юрти, миллати, ўзи ва оиласи олдидаги бурч ва масъулиятини қай даражада ҳис этаётгани ва бажараётганини белгилайдиган маънавий мезон ҳамдир. Миллий истиқлол мафкурасининг юртимизда яшовчи ҳар бир фуқаро учун қадрлилиги шундаки, унинг моҳиятида умуминсоний тамойиллар ётади.

ИСЛОМ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ (ИТБ) – халқаро банк. 1974 йил мусулмон давлатлари ташқи ишлар вазирларининг кенгашида ИТБ ни тузиш ҳақида қарор қабул қилинган, банк ўз фаолиятини 1975 йилда бошлаган. Қароргоҳи Жиддада. ИТБни Бошқарувчилар кенгаши ва Директорлар кенгаши бошқаради. Банк президенти 5 йил муддатга сайланади. Мақсади – мусулмон мамлакатларининг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига ёрдам бериш. Исломда пулга фойда олиш тақиқлангани сабабли, банкка қўйилган маблағлар учун фоиз олинмайди ва берилмайди.

ИСЛОМГАЧА БЎЛГАН МАЪНАВИЙ МЕРОСИМИЗНИНГ НАМУНАЛАРИ – муқаддас "«Авесто»" китобида, "Қултегин", "Билга Хоқон", "Тўньюқ" битиклари, Кайхусрав ва Дорога қарши курашган миллий қаҳрамонларимиз ҳақида "Тўмарис", "Широқ" афсоналари, Македонский (Искандар Зулқарнайн)га қарши курашган Спитамен ҳақидаги ривоятлар, Панжикентда топилган (1932 йилда) сўғд ёзувидаги 86 ҳужжат, Хоразмдаги Тупроқ қалъадан топилган 83 дан ортиқ қадимги Хоразм ёзувларида ва бошқа ҳужжатларида ўз аксини топган.

ИҚТИСОД ВА МАЪНАВИЯТНИНГ МУНОСАБАТИ – маънавиятсиз иқтисод, иқтисодсиз эса маънавият бўлмайди. Маънавияти юксак халқдагина юқори даражада ташкил этилган иқтисод ва ишлаб чиқариш шаклланиши мумкин. Ҳар қандай ишлаб чиқариш ўз маънавий маданиятига эга бўлиб, улар меҳнат малакасини, тажрибаси, касбий билимлар, юқори меҳнат интизоми, ҳамкасблари билан яхши муомала, асбоб-ускуналарни авайлаб-асраш, хом ашёни тежаш, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ўз аксини топади. Ўз навбатида, иқтисод ҳам маънавиятга ўз таъсирини ўтказади.

ИСЛОМ – (арабча-бўйсунуш, итоат этиш, ўзини Аллоҳ иродасига топшириш) – жаҳонда кенг тарқалган уч дин (буддавийлик ва хиристианлик билан бир қаторда) дан бири. Ислом динига эътиқод қилувчилар арабча “муслим” (“исломни қабул қилган”, “итоатли”, “садоқатли”; кўплиги “муслимун”) деб аталади. “Муслим”, “муслимун” сўзининг бошқа халқлар орасида ўзгача талаффуз этиш (масалан, форсларда – мусалмон, ўзбекларда - мусулмон, қирғиз ва қозоқларда – мусурмон, Украина ва Россияда – басурмон) натижасида бу динга эътиқод қилувчилар турли ном билан аталади. Лекин буларнинг ичида ҳозир мусулмон ибораси кенг тарқалган. Жаҳонда 1,7 млрддан ортиқ киши Исломга эътиқод қилади.

ИҚТИСОДИЙ МАДАНИЯТ – деганда иқтисодий билим, иқтисодий онг, иқтисодий фаолият, иқтисодий-ижтимоий муносабатлар тушунилади. Шахс иқтисодий маданият жамият иқтисодий маданиятининг таркибий қисмидир. Шахс иқтисодий маданиятининг камол топиши учун иқтисодий кадриятларни, иқтисодий билимларни пухта эгаллаши лозим, шундагина у эркин иқтисодий фаолият юрита олади.

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ МИЛЛИЙ МОДЕЛИ ТИЗИМИ – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йилнинг 29 августида “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида” қарор қабул қилинди. Ушбу дастурда (3-банди) кадрлар тайёрлашнинг миллий модели қуйидаги таркибий қисмлардан иборатлиги белгилаб қўйилган:

1. Шахс – кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчиси.
2. Давлат ва жамият – таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи, кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафилилари.
3. Узлуксиз таълим – малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади.
4. Кадрлар тайёрлаш тизимида фан–юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқувчи.
5. Кадрлар тайёрлаш тизимида ишлаб чиқариш – кадрларга бўлган эҳтиёжини, Шунингдек, уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техник жиҳатидан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси (“Баркамол авлод–Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”, Т., 2008., 41-53–б.).

КОНСТИТУЦИЯ (лотинча “constitutio” – тузилиш, тартиб) – давлатнинг асосий қонуни. К. Кишилиқ жамияти тараққиётининг буюк ютуқларидан биридир. К. Давлатдаги тартиб–қоидаларнинг ҳуқуқий асоси. К. йўқ жамиятда маълум даражада ижтимоий тартибсизлик, ҳуқуқий тушунмовчилик, сиёсий бошбошдоқлик ва талофатга кенгроқ ўрин қолади. К. –мустақиллик, тенглик, демократия ва инсонпарварлик учун курашишнинг мевасидир. Тарихда биринчи К. 1778 йилда АҚШда қабул қилинган ва ҳозиргача у кучда.

КОМИЛ ИНСОН – тушунчаси маънавий баркамол инсон тушунчаси билан ҳамоҳангдир. Маънавий баркамолликка эришмай, комил инсон даражасига етиш мумкин эмас. Демак, маънавий баркамолликка интилиш - бу комил инсон даражасига эришиш учун интилишдир. Комилликка инсон бутун умри давомида эришиб боради.

КАМТАРЛИК – одамни безайди, обрўсини оширади, дўстларини кўпайтиради. Камтарлик - инсон ички маънавий дунёсининг намоён бўлишидир. Агар инсоннинг қонида, қалбида юмшоқлик, саховат, одоб-андиша, шарм-ҳаё, ор-номус, орият

бўлмаса, минг ҳаракат килмасин, барибир, одамлар кўзига камтар бўлиб кўрина олмайди.

МАДИНА – (араб. – шаҳар, тўлиқ арабча номи – Мадина-т Расулуллоҳ ёки Мадина-т ан-набий - пайғамбар шаҳри) – Саудия Арабистонининг шимолий ғарбий қисмидаги шаҳар. Ҳижоз вилоятида. Халқ уни Мадинаи мунавварра – Нурафшон шаҳар деб эъзозлайди. Маккадан 400 км. шимолда жойлашган. Мадинага асос солинган вақт номаълум. Қадимги Ясриб (Ятриб) илк ўрта асрлардан бошлаб Мадина деб аталган. 622 йил 22 сентябрда Муҳаммад с.а.в. Маккадан Мадинага кўчиб ўтганлар ва қолган умрлари шу ерда кечган.

МАДАНИЯТ – (арабча “маданият”-мадиналик, шаҳарлик; таълим-тарбия кўрганлик) кишиларнинг табиатни, борлиқни ўзлаштириш ва ўзгартириш жараёнида яратган моддий, маънавий бойликлар ҳамда бу бойликларни қайта тиклаш ва бунёд этиш йўллари ва услублари мажмуи. “Маданият” сўзи мусулмонларнинг азиз тутадиган жойи– Мадина шаҳри номидан келиб чиққан, чунки илк мусулмонлар таълим-тарбияни асосан Мадинада олганлар. Маданият моддий ва маънавий ишлаб чиқариш, ижтимоий ва ўзаро муносабатлар, сиёсат, оила, ахлоқ, ҳуқуқ, ҳукук, таълим, тарбия, ижод, илм-фан, хизмат кўрсатиш, турмуш тарзи кабилар билан боғлиқ кенг қавровли воқеадир. Шунинг учун жамият билан бирга тараққиёт даражасини акс эттиради.

МАДАНИЯТЛИ ОДАМ – ўқимишли, замон талаблари асосида кийиниш ва муомала меъёрларига амал қилувчи, ахлоқ нормаларига тўла амал қиладиган, илғор фалсафий ғояларга эга бўлган , жаҳон маданияти дурдоналаридан хабардор бўлган шахсга айтилади.

МАДРАСА – (араб.- дарс ўқитиладиган жой, дарсхона) исломда ўрта ва олий махсус диний ўқув юрти. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида уламолар ва мактабдорлар, давлат идора ходимларини тайёрлаган. Ислом мамлакатларида Мадраса ҳақидаги илк маълумотлар X асрга оид бўлиб, улар Хуросон ва Мовароуннаҳрда жойлашган. XI асрдан бошлаб етакчи ўқув юртига айланган, бунгача таълим масжидларда ва хусусий уйларда, Шунингдек, меҳмонхоналар, кутубхоналар, касалхоналарда олиб борилган. Мадрасалар вақф ҳисобига таъсис этилган. Мадрасаларда мударрислар ва бошқа хизматчилар маош, талабалар стипендия, ўқув жихозлари, (дафтар, китоб, қалам ва бошқалар) ва турар жой билан таъминланган.

МАФКУРА – (арабча – фикрлар мажмуи) ижтимоий жараёнлар маъно - мазмунини англашни ва унинг бошқариш усулини билишни даъво қиладиган, онг ва ҳатти-ҳаракатни йўналтирадиган идеаллар, қадриятлар, мақсадлар, қарашлар йиғиндисидир. У маълум мақсадни ва унга эришиш усуллариининг ҳақиқийлигига, амалга ошириш мумкинлигига ишонч туғдиради. Унда манфаатлари ифодаланадиган куч ва қатламларнинг ўтмиши, бугунги куни ва истикболлари ҳақидаги тасаввурлари ўз ифодасини топади.

МАФКУРАВИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВИ – мафкуравий кураш умумбашарий миқёс касб этганини ифодаловчи тушунча. Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини глобаллашув жараёни қамраб олди. Натижада жамият бир бутун яхлит бўлиб, инсоний муносабатлар макон ва замон чегараларини писанд қилмасдан бутун ер юзида ягона жараёнга айланди.

МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ – маънавий баркамол, иродаси бақувват, иймони бутун шахсни тарбиялашда, ҳар қандай реакцион, бузғунчи характердаги ғоявий

ташаббусларга бардош бера оладиган ёшларни тарбиялашда кўл келади. Давлат ва миллатнинг маънавий бирлиги, маънавий соғломлигини ҳимоя қилувчи ғоявий қалқон вазифасини бажаради.

МАФКУРАВИЙ МАҚСАД – ижтимоий қатлам, сиёсий гуруҳ, миллат, жамият мафкуралари билан боғлиқ орзу-интилишлар ва хоҳиш–идрокни ифода этувчи тушунча.

МАФКУРАВИЙ МУАММОЛАР – мафкура соҳасида ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолар мажмуини ифодаловчи тушунча. Ҳар бир давлатда янги пайдо бўлган , ечимини топмаган муаммолар бўлиши мумкин. Ғоявий бекарорликка чек қўйиш, мафкуравий бўшлиқни тўлдириш, мафкуравий таҳдиднинг олдини олиш, мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш каби масалалар мажмуи. Бундай муаммолар жамият ҳаётининг бир тарихий босқичидан иккинчисига ўтиш даврида айниқса жиддий аҳамият касб этади.

МАФКУРАВИЙ ПЛЮРАЛИЗМ – (лотинча хилма-хиллик, ранг-баранглик) - бир мамлакат доирасида бир вақтнинг ўзида бир-биридан фарқ қиладиган, ҳатто ўзаро курашадиган ғоялар, қарашлар, мафкураларнинг мажмуини ифодаловчи тушунча. Демократик жамиятда бундай ҳолат табиий, зарурий бўлиб, жамиятнинг турли ижтимоий қатламлардан, гуруҳлардан, синфлардан, сиёсий кучлардан иборатлиги инъикосидир.

МАФКУРАВИЙ ПОЛИГОН — одамлар ва халқларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган турли ғояларнинг синов майдони.

МАФКУРАВИЙ ПРОФИЛАКТИКА — мафкуравий пароканда-ликнинг олдини олиш, мафкуравий бўшлиқни тугатиш, бирор-бир ҳудуд, қатлам, ижтимоий институтлар томонидан амалга ошириладиган ғоявий-тарбиявий, маънавий-мафкуравий ишлар мажмуи.

МАФКУРАВИЙ СИЁСАТ – Муайян мафкуравий қарашларни одамлар онгига сингдириш, уларни маълум мақсад атрофида уюштириш, бошқариш учун услуб ва воситалар, уларни ишлаб чиқиш, тартибга солиш билан боғлиқ фаолиятлар мажмуи.

МАФКУРАВИЙ ТАЖОВУЗ - муайян миллат, жамият, давлатнинг танлаган истиқбол йўлидан оғишга йўналтирилган, ғаразли мақсадларга эришиш учун фуқаро ва жамият хавфсизлигига, тинчлик ва барқарорлигига таҳдид солувчи ғоявий-назарий қарашлар ва унга асосланган амалиёт мажмуи.

МАФКУРАВИЙ ТАРБИЯ – инсон, ижтимоий қатлам, гуруҳ, миллат, жамият дунёқарашини йўналтирадиган, уларда маълум эътиқодни шакллантирадиган билимлар билан қуроллантиришга йўналган жараён.

МАФКУРАВИЙ ХАВФСИЗЛИК – шахс, миллат, жамият, давлатнинг турли мафкуравий тажовузлардан ҳимояланганлик даражасини тавсифловчи тушунча. Халқнинг ўз мақсад ва интилишларига мос миллий ғояни қай даражада эгаллаб олганлиги, мафкуравий иммунитетнинг шаклланганлиги, кишилар маънавиятида ғоявий бўшлиққа йўл қўйилмаганлиги мафкуравий хавфсизлик даражасини ифодалайди.

МАФКУРАВИЙ ТОЛЕРАНТЛИК (БАҒРИКЕНГЛИК) – эзгу мақсадларни кўзлаган хилма-хил қарашларга, ёндошувларга тоқатни, улар билан ҳамкорликка тайёрликни ифодаловчи тушунча.

МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛ ИНСОН – комил инсон тушунчаси билан ҳамоҳангдир. Айни вақтда маънавий баркамол инсон тушунчаси соғлом авлод тушунчаси билан ҳам боғланиб кетади. Илмий адабиётларда бу тушунчалар алоҳида-алоҳида ишлатилса-да, моҳиятан уларнинг ҳаммаси инсон ахлоқи ва одобини, уларда шаклланган барча ижобий хислатларни, уларнинг инсонларга, жамиятга ва Ватанга бўлган муносабатларидан тортиб, токи оилага, ота-онага ва бошқаларга муносабатларининг барча қирраларини қамраб олади.

МАЪНАВИЯТ-кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчалари мажмуидир. Маънавият инсоннинг бутун умри давомида унинг кучига куч қўшадиган, идрок ва ақл заковатини кенгайтирадиган ва мустаҳкамлайдиган воситадир. Маънавият жамият тараққиёти, миллат камолоти ва шахс баркамоллигини белгилаб берувчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади чунки, маънавият ривожлангандагина жамиятда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорлик вужудга келади ҳамда мамлакат ва миллат тараққий этади.

МАЪРИФАТ – билиш, билим, таниш ва маълумот деган маънони англатади. Инсониятнинг бир жамиятдан иккинчи жамиятга, бир тарихий даврдан иккинчи бир янги тарихий даврга ўтиши маърифатпарварликдан бошланади. Таълим–тарбия, иқтисодий, сиёсий, фалсафий диний ғоялар мажмуи асосида кишиларнинг онг – билимини, маданиятини ўстиришга қаратилган фаолият. “Маърифат” тушунчаси “маънавият” ва “маданият” тушунчалари билан чамбарчас боқлангандир; маърифат тарихи жамият тарихининг ажралмас қисмидир.

МАҲАЛЛИЙЧИЛИК ВА УРУҒ-АЙМОҚЧИЛИК – хавфсизлигимизга таҳдид солувчи ички омиллардан бири.

МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ - маҳаллий вакиллик, ижроия ҳокимият органларидан ташкил топган. Уларга ҳоким бошчилик қилади.

“Маҳаллий Давлат Ҳокимияти тўғрисида”ги қонун 1993 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Олий Кенгаши томонидан қабул қилинган.

МЕРОС – инсониятнинг ҳар бир тарихий босқичда яшаган авлодлари томонидан яратилган ва кейинги авлодга етиб келган барча моддий ва маънавий бойликлар мажмуи.

МИЛЛАТ – кишиларнинг ягона тилда сўзлашиши, яхлит ҳудудда истиқомат қилиши, муштарак иқтисодий ҳаёт кечириши, умумий маданият ва руҳиятга эга бўлиши асосида тарихан ташкил топган барқарор бирлиги.

МИЛЛИЙ ҒУРУР – ўз халқининг бир неча минг йиллар давомида яратиб келган барча моддий ва маънавий бойликлари, тарихий мероси, урф-одатлари, анъаналари, одоб-ахлоқи, турмуш тарзи, юксак маънавияти, барча тарихий ютуқлари ва сабоқларига чексиз ҳурмат ва эъзоз билан муносабатда бўлиш, авайлаб-асрашдир.

МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ – миллат яшаётган Ватаннинг порлоқ истиқболини таъминлаш учун қандай имкониятлар ва қулайликларга эга эканлигини чуқур англаб етиш, улар билан чексиз фахрланиш, мавжуд имкониятларни юзага чиқариш, реал

воқеликка айлантириш учун ўзини сафарбар этиш, барча имкониятлари, куч-ғайратини ишга солиш демакдир.

МИЛЛИЙ ҒОЯ – миллатнинг ўтмиши, бугуни ва истиқболини ўзида мужассамлаштирган, унинг туб манфаатлари ва мақсадларини ифодалаб, тараққиётга хизмат қиладиган ижтимоий ғоя шакли.

МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК – умумбашарий қадрият бўлиб, турли хил халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини белгилайди, шу жойдаги тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади.

МИЛЛИЙ ТАРБИЯ – у ёки бу миллатни, элатни ташкил қилувчи кишиларнинг миллий маданиятни, қадриятларни, урф-одатларни, анъаналарни ўзлаштиришдаги фаолиятини ривожлантириш бўлиб, у миллий онг ва миллий ўзликни англашнинг субъектидир.

МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТ– бу бирон миллатга тегишли бўлган ва шу миллатнинг теварак-атроф ходисаларига бўлган муносабатларида акс этадиган маънавий қадриятлар бўлиб, улар: миллий онг ва миллий ўз-ўзини англаш, миллий ҳис-туйғулар ва ғурур, ўз юртига садоқат, миллий урф-одатлар, маросимлар, удумлар, халқ оғзаки ёки ёзма бадиий, илмий асарлар, моддий маданий мерос, тарихий обидалар ва шу қабиладарда акс этади.

МИЛЛИЙ МАФКУРА – фуқароларнинг аксарияти кўпчилигининг қўллаб-қувватлашига сазовор бўлган, муайян ҳудудда яшаётган халқнинг, миллатнинг туб манфаатларини ифода этадиган, уларни ўз олдига қўйган мақсадлари сари бирлаштирадиган ва сафарбар этадиган, миллатнинг ижтимоий барқарорлиги ва тараққиётини таъминлашга ёрдам берадиган барча фикрлар, қарашлар, кайфиятлар, ғоялар, таълимотлар, назарияларнинг яхлит тизими миллий ёки умуммиллий мафкура деб аталади.

МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ – ҳар бир инсон ўзининг бошқа миллат вакиллари билан тенглигини ҳис қилиши маълум бир миллатга мансублигини, ягона моддий ва маънавий бойликларга эгалиги ва давлатга ҳиссиётининг шаклланиши, авлодлар меросидан ғурурланиши, она-юрт, ватандан завқланиши, миллат шаъни, қадр – қиммати, обрў-эътибори, ор-номусининг поймол этилишига йўл қўймаслик учун ягона куч билан бирлашиши, она тилини эъзозлаши ва бошқаларда ўз ифодасини топади.

МИЛЛИЙ ҒУРУР – бу маълум миллатнинг ўтмиши ва бугунига тегишли ҳамда миллат аъзолари томонидан теран англаиб, умуминсоният томонидан эътироф этилган жами моддий ва маънавий бойликлар, ватан (давлат) шу миллатнинг ўзига ҳос бетакрор тарихи, тили, дини, Шунингдек, уларнинг турмушида қадрланиб, амал қилинадиган жами миллий хусусиятлар ва шулар асосида шаклланган илғор дунёқараш, барча ҳис-туйғулардир.

МУСТАҚИЛЛИК ТАФАККУРИ – ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун зарур ғоялар билан қуролланган кишиларнинг мафкураси, эътиқоди, тафаккур услубидир.

МУҲАДДИС (араб. – ҳадис ривоят қилувчи) - ҳадисларни тўплаш, саралаш ва шарҳлаш билан шуғулланган илоҳиётчи. Муҳаммад с.а.в. вафотларидан кейин ҳадисларни тўплаш кенг анъанага айлана бошлаши натижасида илоҳиётчиларнинг бир қисми бу соҳада ихтисослашган ва улар муҳаддислар деб ном олган. Ҳадис тўпламлари ислом анъанасида эътибор қозониб, муҳаддислар (жумладан, Муҳаммад ал-Бухорий, Муслим

ибн ал-Ҳажжож , Ибн Можа ва бошқалар) ислом тарихида машҳур бўлиб кетган. Исломда ҳадис "Қуръон"дан кейинги иккинчи манба ҳисобланади.

НАВРЎЗ БАЙРАМИ – (форсчада “Наврўз” янги кун маъносини англатади) – ўзбек, тожик, озарбайжон, форс, ҳинд ва бошқа халқларнинг қадимий анъанавий янги йил байрами. Бу байрамнинг моҳияти янги йилни (21-22 мартга тўғри келади) нишонлаш, баҳорнинг кириб келиши, дов-дарахтларнинг, жонзодларнинг қиш уйқусидан уйғониб яйраб – яшнаши ва деҳқонларнинг экин-тикин ишларига, дон-дун экиш, ер ҳайдаш ишларига тайёргарлик, табиатнинг янги уйғониши кабиларда ўз аксини топади.

ОР-НОМУС – иймонли бўлишнинг белгиларидан бири ҳисобланади. Ор қилиш одамнинг ўзига номуносиб ёки эп кўрмаган ишдан, нарсдан хижолат тортиш, уялиш, уят ва номус қилиш туйғусидир. Ор яна бирор нарсдан ҳазар қилишни ҳам билдиради. Орият эса ор-номусдан ташқари иззат-нафс, кадр туйғусидир. Одатда ориятли одамлар ўзлари ва оилаларининг, туғишганларининг иззат-нафси, кадри, ҳурмати юксак тутиб, бошқалар томонидан топталиши, ҳақорат қилиниши ва ҳурматсизланишига лоқайдларча қараб турмайди, туролмайди.

НОМУС - бу иффат, бокиралик маъноларидан ташқари кишининг ўз мавқеини сақлаш, улуғлаш ва ардоқлаш, хижолат тортиш туйғусини, оила ва аждодлар шаънига доғ туширмаслик маъносини ҳам ифодалайди.

ПОКЛИК ВА ҲАЛОЛЛИК – Инсоннинг инсонлиги унинг поклиги ва ҳалоллиги билан ўлчанади. Шунинг учун ота-боболаримиз ҳамиша пок ва ҳалол бўлишга даъват этиб келишган, ҳалол билан ҳаромни фарқлаш тўғрисида насихат қилишган. Бу мусулмон олами, хусусан ўзбек халқи ахлоқ-одоб қонуниятининг асосини, бошқача айтганда иймоннинг негизини ташкил этади. Поклик ва ҳалоллик эса иймоннинг асосий белгиларидан биридир. Поклик ва ҳалолликсиз иймонли бўлиш мумкин эмас. Иймонли бўлишнинг ўзи эса инсоннинг поклиги ва ҳалоллигига йўғрилгандир. Пок ва ҳалол бўлмаган одамдан эзгулик чиқмайди, унда меҳру шафқат, орият, номус, шарм ва ҳаё бўлмайди.

САҲОБАЛАР – (ёхуд ас-саҳоба, соҳиб - “тарафдор”нинг кўплиги - асҳоб) - Муҳаммад (с.а.в.)нинг сафдошлари, у зот билан мулоқотда бўлган ёхуд ғазотларида қатнашган кишилар; кейинчалик Муҳаммад (с.а.в.)ни лоқал бир маротаба, гарчи гўдаклик чоғида бўлса ҳам кўрган барча кишилар Саҳобалар деб атала бошлаган.

СИЁСИЙ МАДАНИЯТ – кишиларнинг сиёсий онги, манфаатлари, мақсадларини ифодаловчи сиёсий-ҳуқуқий ғоялар мажмуидир. Сиёсий маданият жамиятнинг турли ижтимоий табақалари манфаатлари билан боғлиқ ҳолда вужудга келади ва сиёсий фаолиятда намоён бўлади.

ТАРКИДУНЁЧИЛИК – одамлардан, ташқи дунёдан, Шунингдек, жамият ва оиладан ажралиб яшаш, кимсасиз жойларга бош олиб кетиш, дарбадарликда кун кечириш. Исломдан бошқа йирик динлар(брахманизм, буддавийлик, яҳудийлик, христианлик)га ҳам хос хусусиятдир. Унинг моҳияти-дин йўлида риёзат чекиш. Таркидунё қилганлар одамлардан узоқда ва ғорларда ҳаёт кечиришган, ўзларини хилма-хил укубатларга дучор қилганлар, оч-яланқоч яшаганлар ва ҳақозо. Айниқса, уйланиш, авлод қолдиришга, кундалик ҳаёт ташвишлари билан яшашга нафрат билан қарашган.

ТАСАВВУФ (суфизм) – ижтимоий – фалсафий оқимлардан бири. Кўпчилик олимлар суфий сўзи арабча “суф” сўзидан ҳосил бўлган, унинг луғавий маъноси жун ва жундан

тўқилган матодир деб, суфийлар кўп ҳолларда жун чакмон ва кўй терисидан тикилган пўстин кийиб юрганликлари учун, уларни жун кийимлилар, яъни суфийлар деб юритганлар.

Бу оқим VII аср охири VIII аср бошларида Ислом дини асосида вужудга келган ва ўз таълимотини "Қуръон" ва ҳадисларга асосланиб ривожлантирган.

ТОШКЕНТ ИСЛОМ ИНСТИТУТИ. Имом ал–Бухорий номидаги Тошкент Ислом институти - олий диний ўқув юрти. 1970 йил ташкил этилган. 1971 йил октябрдан фаолиятини бошлаган. Ўзбекистон мусулмонлар идораси тасарруфида. Динлар тарихи ва назариясини чуқур эгаллаган, ислом дини асосларини ўзлаштирган, араб тилида сўзлаша оладиган мутахассислар, имом хатиблар тайёрлайди.

ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ – олий ўқув юрти. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 7 апрелдаги Фармонида биноан ташкил этилган. Асосий вазифаси ва мақсади - ислом динига оид бой ва ноёб маънавий-маданий бойликларини чуқур ўрганиш, уни асраб-авайлаш, келажак авлодга етказиш, шу соҳада юқори малакали мутахассислар тайёрлаш.

ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ – бизга “Тузуки Темурий” номида етиб келган бу асарни Мир Абу Толиб ал Хусайний ат-Турбатий 1637-1638 йилларда туркийдан форсчага ўгириб, таржимасини Шохжаҳонга (1628-1657) тақдим этган. Бу асар Темур тили билан ўз ўғиллари ва невараларига васиятнома тарзида ёзилган. Асарда Темур биографиясига оид мулоҳазалар, давлат тизимини қандай яратиш кераклиги, ҳокимиятни бошқариш санъати, ҳарбий санъат, халқаро дипломатик услублар ва бошқа мавзуда ёзилган қимматли маълумотлар берилади.

УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР – инсоният томонидан яратилган, умуминсоний манфаатларга ва халқларнинг ўзаро ҳамжиҳатликда яшашлари ва ривожланишлари учун хизмат қиладиган умуминсоний ахлоқ, халқаро сиёсий, иқтисодий, маданий, илмий, фалсафий, диний муносабатлар тажрибаси, малакалари ва ҳ.к.ларни ўзида мужассамлаштирувчи тушунча. Миллий ва умуминсоний қадриятлар ўзаро узвий алоқада бўладилар.

УРФ-ОДАТЛАР – кишилар турмушига сингиб кетган, доим такрорланиб турадиган ҳатти-ҳаракат, кўпчилик томонидан қабул қилинган хулқ-атвор қоидалари ва қўникмалар (масалан, ўзбекларда кичикларнинг катталарга салом бериши, эрта туриб уй-ҳовлини супуриб-сидириш, тартибга келтириб қўйиш, меҳмонларга алоҳида ҳурматда бўлиш, байрам арафасида бетоб, ожиз ва қийналганлардан хабар олиш, ёрдамга муҳтожларга хашарга бориш ва шу кабилардир).

ФИКР ЭРКИНЛИГИ – бу жамият аъзоси бўлган ҳар бир шахс табиий ва ижтимоий жараёнларга, фуқаролар билан сиёсий ташкилотларга ва миллий, ирқий, диний, синфий муносабатларга эга бўлган мустақил фикрларини ҳуқуқий, сиёсий, диний ва бошқа муассасалар томонидан бўлиши мумкин бўлган турли тазйиқлардан муҳофаза қиладиган ижтимоий муҳит.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ – давлат ривожланиб борган сари давлат бошқарувида турли хил вазифаларнинг аста-секин фуқароларга топширилиши, яъни ўз-ўзини бошқариш органларининг ривожлантирилиши тушунилади. Фуқаролик жамияти вазифалари олдиндан белгилаб қўйилган давлат ҳокимияти органларидан ва фуқароларнинг жамоатчилик бирлашмаларидан, ижтимоий ҳаракатлардан, фуқаролик институтларидан ва сиёсий партиялардан тузилган бошқарувдан иборатдир.

ЦИВИЛИЗАЦИЯ – (лотинча “civilis” – фуқаровий, ижтимоий) – жамиятнинг ўз тараққиёти жараёнида яратган моддий ва маънавий бойликларининг, уларни янада кўпайтириб ҳамда такомиллаштириб бориш усулларининг мажмуи. Цивилизация инсоният тараққиётининг маҳсули ва айна вақтда заминидир.

ШАРМ-ҲАЁ – ҳам иймонлилик белгиси саналади. Шарм - бу сўз ҳар бир одамнинг ножўя, ёмон хатти-ҳаракатлардан ўзини тия олиш, уялиш ҳисси. Ҳадиси шарифларда айтилишича, одам, энг аввало, ўзидан уялиши керак, Ножўя, ёмон қилмиши, хатти-ҳаракати учун ўзидан уялган одам ўзгага ҳам ножўя хатти-ҳаракатни раво кўрмайди. Ўзидан уялмаган одамда шарм бўлмайди. Демак, шарм одам ўз ножўя ҳаракати учун ўз виждони, диёнати олдида жавоб бериш ҳисси, десак бўлади. Ҳаё - бу ўзбекча уят демакдир. Ҳаёсиз, беҳаё дейилганда, уястиз иш қилганда хижолат чекмайдиган, одоб - ахлоқсиз киши тушунилади. Ҳаё эркак кишига нисбатан аёлларда табиатан кўпроқ бўлади.

ЭСТЕТИК МАДАНИЯТ – инсоннинг маънавий-ҳиссий фаолияти билан боғланган муносабат ва қадриятлар тизимини ифодалайди. Эстетик маданият соҳаси – бу, инсоннинг теварак атрофни ўраб олган воқеъликка нисбатан бўладиган муносабатида ўзини эркин намоён этишдир. Бу эркинликнинг моҳияти шундаки, инсон предметга, унинг жинси ва турига мос меъёрини топиб гавдалантиради, уни қайта ишлайди.

ЭЪТИҚОД – инсоннинг ўз фикр ва қарашларида дунё ҳодисаларининг муайян турига (масалан: илмий, сиёсий, ахлоқий, диний) маҳкам, собитқадамлик билан ишониши ва унга қатъий амал қилишни англатувчи фалсафий тушунча.

ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ – шаҳар, қишлоқ ва овулларда, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда 2,5 йилга сайланадиган фуқароларнинг йиғинларидир.

ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ КОНФЕССИЯЛАР – рус православ, Рим-католик, арман – григорян, Лютеран черковлар (христиан конфессияси), Шунингдек, яҳудийлик, ислом конфессиялари. Жами 17 та диний конфессия мавжуд.

ҚАДРИЯТЛАР – борлиқ ва жамият, нарсалар, воқеалар, ҳодисалар, инсон ҳаёти, моддий ва маънавий бойликларининг аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланиладиган тушунча. Қадриятлар тарихий ва замонавий бўлиши мумкин. Қадриятларнинг хилма-хил шакллари бор: моддий ва маънавий, умумбашарий, минтақавий, умуминсоний; жамият ҳаётининг соҳалари бўйича иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий қадриятлар.

ҚОРА ТОШ (араб. ал-Ҳажар ал-асвад) – мусулмонлар зиёрат қиладиган тош. Кумуш чамбар билан бирлаштирилган бир неча бўлакдан иборат. У Каъба деворларидан бирига ташқаридан жойлаштирилган. Маккага ҳажга борган мусулмонлар Қора тошни ўпиб ёки қўл теккизиб зиёрат қилади. Қора тош-исломда мўътабар ҳисобланган нарсалардан бири.

ҚУРЪОН – (араб. – ўқимоқ, қироат қилмоқ; жамлаш) – Аллоҳ тарафидан 23 йилга яқин муддат мобайнида Муҳаммад (а.с.) га оятма-оят, сурама-сура тарзида нозил қилинган илоҳий китобдир. Бу китоб ислом динининг муқаддас манбаи ҳисобланади. Ислом илоҳиёт мактабларидан бири аҳл ас-сунна ва-л-жамоа таълимотига кўра, "Қуръон" Аллоҳ таолонинг сўзи ва унинг азалий илми бўлиб, Муҳаммад а.с. га ваҳй орқали нозил бўлган. "Қуръон" ўзидан олдин нозил бўлган барча илоҳий китобларнинг маъно, ҳикмат ва аҳкомларини ўзида жамлаганига ишорат бордир. "Қуръон" 114 та сурадан иборат. Сура

"Қуръон"дан бир бўлак бўлиб, энг ками учта ёки ундан ортиқ оятларни ўз ичига олади. Оятлар сони эса "Қуръон" матнларини тақсимлашнинг турли йўллариغا кўра, 6204 та, 6236 та, ҳатто 6666 тагача белгиланган.

ҲОЯВИЙ БЎШЛИҚ - деб эски ҳукмрон мафкура ҳалокатга учраб, у билан боғлиқ тушунчаларнинг кадрсизланиши, бугунги ҳаёт, ўтмиш ва келажакка дахлдор кадриятлар, тушунча ва тасаввурларни тўлиқ англаб етмаслиги оқибатида одамларнинг қалби ва онгида вужудга келадиган бўшлиққа айтилади.

ҲАДИС (араб. – “хабар”, “янгилик”), ҳадислар – Муҳаммад с.а.в. нинг айтган сўзлари, қилган кўрсатмалари тўғрисидаги ривоятлар. Икки қисмдан иборат бўлади: матн ва иснод. Ҳадис икки турга бўлинади: 1. Ҳадиси қудсий; 2. Ҳадиси Набавий. Ҳадислар эътиборга олинishi жиҳатидан яна уч қисмга бўлинади: 1. Саҳиҳ. 2. Ҳасан. 3. Заиф.

ҲАЗРАТИ ИМОМ МАЖМУАСИ, Ҳастимом – Тошкентдаги меъморий ёдгорлик. Мажмуа қурилишига имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил ал-Қаффош аш-Шоший (904-976) нинг қабри асос бўлган. Қабр ва унинг атрофида вужудга келган қабристон ҳамда меъморий ёдгорликлар мажмуаси (Қайковус боғи билан бирга) Ҳазрати имом номи билан аталади. XVI асрнинг 30 –йилларида 2 та мақбара қурилган; каттаси Тошкентнинг шайбонийлар сулоласидан бўлган хони Суяюнхўжагон мақбараси деб тахмин этилади. XVI асрнинг 50- йилларида бу бинолар Барокгон мадрасаси меъморий ёдгорлиги таркибига қўшилган. Ўша даврда Қаффош Шоший мақбараси бунёд этилган.

ҲИЖРИЙ ЙИЛ ҲИСОБИ – халифа Умар ибн Ҳаттоб томонидан жорий қилинган мусулмонлар йил ҳисоби. Муҳаммад (с.а.в.) ва сафдошларининг Маккадан Мадинага кўчиши билан боғлиқ. Қамарий (ҳижрий-қамарий йил) ва шамсий (ҳижрий-шамсий йил)га бўлинади. Қамария бўйича Ҳижрий йил ҳисоби 622 йилнинг 16 июлидан бошланиб, синодик ой (29,530588 кун)га асосланган. Ўн икки ойдан иборат бир қамарий йил 354, 3671 кундан иборат бўлади. Қамарий йилда 1-, 3-, 5-, 7-, 9- ва 11- ойлар 30 кундан, қолганлари 29 кундан бутун қилиб олинган. Ойлар тартиби билан муҳаррам, сафар, раббул аввал, раббул охир, жумодил охир, ражаб, шабон, рамазон, шаввол, зулқада, зулҳижжа деб аталади. Қамарий йил тропик йилдан (ҳозирги григорий тақвимида) 10-12 кун қисқа.

ҲУҚУҚ – жамиятнинг ижтимоий табиатидан келиб чиқувчи ва ҳукмрон синфнинг, демократик кўпчиликнинг ёки бутун жамиятнинг ягона иродасини ифодаловчи, қонун билан мустаҳкамланган ва давлатнинг мажбурлаш кучи билан таъминланадиган ҳуқ – атворнинг юридик қоидалари мажмуасидир. И. А. Каримов: “Ҳуқуқ – ижтимоий ҳамжиҳатлик ва келишувга асосланган ижтимоий тартиб – интизомга эришиш, эркинлик, адолатпарварлик ва тенгликни вужудга келтиришдир”, - деб таъриф беради.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши	3-4
1. Маънавият тушунчаси, предмети, мақсади ва вазифалари.....	5-10
2. Президент Ислом Каримовнинг маънавият, унинг мезонлари ва миллий-маънавий тикланиш ҳақидаги концепциялари.....	10-13
3. Маънавиятнинг таркибий қисмлари ва уларнинг ўзаро муносабатлари.....	13-17
4. Маънавият ва маърифат, уларнинг ўзаро муносабатлари ҳамда инсон камолотидаги аҳамияти.....	17-23
5. Маънавият, иқтисод ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги.....	23-29
6. Маънавиятнинг сиёсат, ҳуқуқ ва ҳокимиятдаги ўрни.....	29-39
7. Маънавиятда миллийлик ва умуминсонийлик.....	39-44
8. Қадимги Марказий Осиё халқлари маънавиятининг шаклланиш жараёнлари..	44-53
9. Ислом динида маънавият ва шахс маънавий қиёфасининг талқини.....	53-60
10. Марказий Осиё фалсафий тафаккурида маънавият ва маърифат масалалари..	60-63
11. Амир Темур ва темурийлар даврида маънавият ва маърифат ривожини.....	63-72
12. Жадидларнинг маърифатпарварлик ҳаракати ва унинг халқ маънавиятини кўтаришда тутган ўрни.....	72-76
13. Мустамлакачилик ва қарамлик шароитида ўзбек халқининг маънавиятига таҳдиди.....	76-79
14. Маънавий баркамол, комил инсон тушунчалари ва уларнинг шарқона таърифи.....	79-83
15. Шахс маънавияти мезонлари.....	83-87
16. Шахс маънавий фазилятлари.....	87-92
17. Шахс маънавиятини ривожлантириш омиллари ва воситалари.....	92-101
18. Энг буюк жасорат – маънавий жасоратдир.....	101-105
Атамалар луғати.....	105-119